

Мақтабгача таълим муассасалари ходимларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш  
республика ўқув методика маркази

«Фарзандим - жигарбандим»  
Жамоат бирлашмаси

# БОЛАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ



Тошкент 2011

## **МУНДАРИЖА**

<b>СЎЗБОШИ .....</b>	<b>4</b>
<b>КИРИШ.....</b>	<b>5</b>
<b><i>I ҚИСМ БОЛАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАФАККУР.....</i></b>	<b>6</b>
<b><i>ФАЛСАФА.....</i></b>	<b>7</b>
<b><i>I боб. КИРИШ, ДАСТУРНИНГ АСОСИ ВА ФАЛСАФАСИ.....</i></b>	<b>8</b>
<b><i>РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....</i></b>	<b>23</b>
<b><i>II боб. РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....</i></b>	<b>24</b>
<b><i>II ҚИСМ БОЛАГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАЪЛИМ.....</i></b>	<b>34</b>
<b><i>ОИЛАНИНГ ДАСТУРДАГИ ИШТИРОКИ.....</i></b>	<b>35</b>
<b><i>III боб. ОИЛАНИНГ ДАСТУРДАГИ ИШТИРОКИ.....</i></b>	<b>36</b>
<b><i>ҲАМЖАМИЯТНИНГ ТУЗИЛИШИ.....</i></b>	<b>63</b>
<b><i>IV боб. ҲАМЖАМИЯТНИНГ ТУЗИЛИШИ.....</i></b>	<b>64</b>
<b><i>КУЗАТИШ, МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ ВА БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТЛАР ТУЗИШ.....</i></b>	<b>77</b>
<b><i>V боб. БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИНИ КУЗАТИШ, МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ ВА ҲИСОБОТЛАР ТУЗИШ.....</i></b>	<b>78</b>
<b><i>ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН РЕЖАЛАШТИРИШ.....</i></b>	<b>102</b>
<b><i>VI боб. ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН РЕЖАЛАШТИРИШ.....</i></b>	<b>103</b>
<b><i>III ҚИСМ БОЛАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ЖАРЁНИ.....</i></b>	<b>126</b>
<b><i>ЎҚУВ МУҲИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....</i></b>	<b>127</b>
<b><i>VII боб. ЎҚУВ МУҲИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....</i></b>	<b>128</b>
<b><i>САНЪАТ.....</i></b>	<b>136</b>
<b><i>VIII боб. САНЪАТ.....</i></b>	<b>137</b>
<b><i>ҚУРИЛИШ.....</i></b>	<b>149</b>
<b><i>IX боб. ҚУРИЛИШ.....</i></b>	<b>150</b>
<b><i>ПАЗАНДАЛИК.....</i></b>	<b>156</b>
<b><i>X боб. ПАЗАНДАЛИК.....</i></b>	<b>157</b>
<b><i>САҲНАЛАШТИРИШ.....</i></b>	<b>172</b>
<b><i>XI боб. САҲНАЛАШТИРИШ.....</i></b>	<b>173</b>

<b>АДАБИЁТ (Ўқиш ва ёзиш).....</b>	<b>193</b>
<b>XII боб. ЎҚИШ ВА ЁЗИШ.....</b>	<b>194</b>
<b>ИЛК МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....</b>	<b>201</b>
<b>XIII боб. ИЛК МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ... </b>	<b>202</b>
<b>МУСИҚА.....</b>	<b>213</b>
<b>XIV боб. МУСИҚА.....</b>	<b>214</b>
<b>ОЧИҚ ҲАВОДА.....</b>	<b>222</b>
<b>XV боб. ОЧИҚ ҲАВОДА.....</b>	<b>223</b>
<b>ҚУМ ВА СУВ.....</b>	<b>243</b>
<b>XVI боб.ҚУМ ВА СУВ.....</b>	<b>244</b>
<b>ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ.....</b>	<b>251</b>
<b>XVII боб. ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ.....</b>	<b>252</b>

## **СЎЗБОШИ**

Мустақиллик йилларида барча соҳалар каби таълим-тарбия тизими ҳам тубдан янгиланди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» каби муҳим ҳужжатлар соҳани ислоҳ этиш ҳамда ҳар томонлама такомиллаштиришга асос бўлди. Жумладан, мазкур ҳужжатлар асосида «Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тўғрисида»ги Низом ҳамда «Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари» ва «Болажон» дастурининг ишлаб чиқилиши узлуксиз таълим тизимида белгиловчи тур ҳисобланган - мактабгача таълимни самарали амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов фарзандларимиз таълим-тарбияси ҳақида гапирар экан, «Менинг фикримча, бир ёшдан олти-етти ёшгача бўлган болаларни вояга етказишга алоҳида ёндашув бўлиши лозим. Инсон тўқсонга кирадими, юзгами, буни фақат Аллоҳ билади. Худо қанча умр берган бўлса, шунча яшайди. Лекин фанда илмий асосланган шундай тушунча борки, инсон бутун умри давомида оладиган ахборот ҳажмини юз фоиз деб ҳисобласак, олти-етти ёшгача олган информацияси унинг эллик фоиздан кўпроғини ташкил қилар экан. Шу ҳақиқатни ҳар бир оиллага, ҳар бир ота-онага тушунтриб бера олсак, жуда катта ишни амалга оширган бўламиз.», дея алоҳида таъкидлайди.

Албатта мактабгача таълимни ҳам шаклан, мазмунан янгилашга қаратилган бу каби фикр-мулоҳазалар ота-оналардан тортиб, мазкур соҳага мутасадди бўлган барча ташкилотлар, уларнинг ходимларидан бола тарбияси ҳамда унинг таълим олишга тайёргарлигига замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашувни талаб этади. Бунда аввало миллий педагогика анъаналари, илғор хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда иш тутиш кутилаётган самарани беради. Шу боис ривожланган давлатлар ва мамлакатимиздаги мавжуд илғор иш тажрибалари, илмий-тадқиқот ишлари натижаларига таянилган ҳолда Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув методика маркази ҳамда «Фарзандим - жигарбандим» жамоат бирлашмаси томонидан «Болага йўналтирилган таълим» деб номланган Дастур ишлаб чиқилиб амалга оширила бошланди. Мазкур қўлланма ушбу Дастурни ташкил этиш билан боғлиқ жиҳатларни қамраб олган. Унда мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантиришда таълим муассасалари ҳамда ота-оналар ҳамкорлигини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан кўзланган мақсад – фарзандларимизнинг жисмоний, шахсий (руҳий), ақлий ва махсус тайёргарлиги учун ҳар томонлама қўлай ҳамда соғлом муҳитни юзага келтиришдир.

## **КИРИШ**


Таклиф этилаётган ҳужжатда таълим муассасаси ходимларининг уч-олти ёшдаги болалар билан ишлаш методлари баён этилган.

«Болага йўналтирилган тафаккур» деб аталган I қисм “Болага йўналтирилган таълим” дастурига муқаддима бўлиб хизмат қилади. I бобда дастур фалсафаси, пойдевори ва назарий асослари баён қилинади. II боб дастурнинг вазифалари ҳақида ҳикоя қилади ва болалар ривожланишини таъминлайдиган тамойилларга аниқлик киритади.

«Болага мўлжалланган таълим жараёни» деб номланган II қисм дастурни амалга оширишда тарбиячилар ва ота-оналар роли тўғрисида ҳикоя қилади. Ота-оналарни дастурни бажаришга жалб этишнинг батафсил методлари III бобда тавсиф этилган. IV боб мактабгача таълим муассасаси гуруҳида ҳамжихатлик муҳитини барпо этишнинг мумкин бўлган йўллари ифода қилади. V бобда сиз болаларни қандай қилиб қузатиб бориш, қузатиш натижаларини қандай қилиб қайд этиш ҳамда болалар ривожланиши тўғрисида ҳисоботларини қандай тузиш тўғрисидаги саволларга жавоб топасиз. VI боб интеграциялашган ўқув режасини қандай тузиш тўғрисида бўлиб, у мазкур қисмнинг мазмунига яқун ясайди.

«Болага йўналтирилган таълим жараёни» деб номланган III қисм ўқув муҳитининг умумий тавсифи ва фаолликнинг ўн маркази – санъат, қурилиш (йирик конструкторлар), пазандалик, саҳналаштириш, адабиёт, математика-манипулятив ўйинлар, мусиқа, очиқ майдондаги ўйинлар, қум ва сув, табиат билан таништириш сингари бўлимларни батафсил қамраб олади. Бу ерда сиз тарбиячилар роли, ҳар бир марказ учун зарур бўлган материаллар рўйхати, шунингдек, болалар фаолиятининг турлари тўғрисида билиб оласиз.

Ҳар бир боб ўқувчига болага йўналтирилган таълим дастурини амалга ошириш ва ўзаро демократик муносабатлар тамойилларини қарор топтиришга имкон берадиган аниқ, тушунарли ғояларни таклиф этади. Дастурдан фойдаланувчиларга қулай бўлиши учун турли босма шакллардан намуналар берилган. Пировардида шунини қайд этмоқчимизки, ушбу қўлланма мактабгача таълим муассасалари ходимлари ўз ишларида бевосита қўллашлари учун мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатлардаги мавжуд илғор тажрибаларга асосланган ҳолда моҳир педагоглар томонидан тайёрланган.



I ҚИСМ

**БОЛАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН  
ТАФАККУР**

**ΦΑΙΛΣΑΦΑ**



## ***1 боб. КИРИШ, ДАСТУРНИНГ АСОСИ ВА ФАЛСАФАСИ***

### **КИРИШ**

Бугунги болалар қаерда яшашидан қатъи назар, доимий равишда ижтимоий, сиёсий, экология, илмий-техникавий ва индустриал соҳаларда юз бераётган ўзгаришлар ҳамда янгиликларга дуч келишади. Мазкур ислохотлар натижасида жамиятдаги муносабатларнинг, ҳаётий зарур касблар мажмуининг ҳам маълум маънода ўзгаришига олиб келади. Бу каби жараёнлар болаларнинг доимий равишда янги нарсаларни ўзлаштиришини, бутун умри давомида ўқиб-ўрганиб боришини тақозо этади. Болаларни ўз билимини мустақил равишда тўлдириб бориш, кечаётган янгиликларга муносиб мослашиб боришга ўргатиш Дастурнинг асосий мақсадларидир. Бу дастур болаларда ҳозирги кун ва умуман XXI аср муаммоларини ҳал этиш учун ҳаётий зарур қобилият ва кўникмалар асосини яратишга ҳаракат қилади. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўзгаришларни қабул қилиш ва амалга ошириш;
- танқидий фикрлаш;
- танлашни амалга ошириш;
- муаммоларни қўя билиш ва ҳал эта олиш;
- ижодий, тафаккур ва ихтирочилик имкониятларини намоён этиш;
- одамлар, жамият, мамлакат, атроф-муҳит тўғрисида ғамхўрлик қилиш.

Дастур уч ёшдан олти ёшгача бўлган болалар ва уларнинг ота-оналарга мўлжалланган бўлиб, у ҳар бир боланинг ҳаётий фаолият шароитларини ўзига хос равишда, алоҳида шакллантириш (индивидуаллаштириш) мақсадида илмий асосланган ва тажрибада ўзини оқлаган усулларнинг оилалар ва уюшмалар билан ўз манфаатларини ҳам устувор билган ҳолда ўзаро ҳаракатини қўшиб олиб боришга асосланган. Дастур ҳар бир боланинг таълимга бўлган аниқ эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган бўлиб, турли маданий анъаналарга ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Дастур амалга ошириладиган ҳар бир гуруҳда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратилади:

- ҳар бола учун таълимнинг ўзига хос шарт-шароитларини яратиш;
- болага ҳам тегишли машғулотларни режалаштириш ҳамда фаоллик марказларини

ташкил этишда танлаш имконини бериш;

- оиланинг иштирокини таъминлаш.

### ***Дастурининг фалсафаси***

Дастури моҳиятида болалар тўлақонли равишда ҳақиқий таълим-тарбия жараёнига жалб этилсагина, меъёрида ривожланади, ўсиб-улғаяди, деган ишонч мужассам. Оқилона ташкил этилган соғлом ижтимоий-маънавий муҳит болаларда изланишга, ташаббус кўрсатишга ва ижодкорлик қобилиятларини намоён этишга рағбат уйғотади. Бунда тарбиячилар бола ривожланиши қандай кечаётганлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишлари, бунинг учун эса уларни доимий равишда назорат қилиб боришлари зарур бўлади. Тарбиячилар тегишли муҳитни



шакллантириб, ўқув материални болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларга муносиб тарзда етказадилар. Мактабгача таълим муассасалари педагогик жамоасининг ўрни шундан иборатки, улар ҳар бир бола ва бутун гуруҳ олдига уларнинг қизиқиши, қобилияти ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда мос келадиган мақсадлар қўйишлари, болалардаги табиий қизиқишларни қўллаб-қувватлашлари, уларда борлиқни биргаликда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиришлари керак.

### **Мактабгача таълимга муносабат**

Халқаро тажрибадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мактабгача таълим педагогикасида уч ёшдан олти ёшгача бўлган болаларга таълим тарбия беришда асосан икки хил ёндашув мавжуддир. Биринчи ёндашув тарафдорлари бихевиористик тушунчаларнинг шаклланиш манбаи болада эмас ва улар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, деб ҳисоблайди. Яъни, барча тушунчалар болага ташқаридан берилади ва у томонидан ўзлаштирилади. Бихевиористик дастурлар тарбиячига йўналтирилган ва очиқ ифодаланган таълимга асосланади, шу жараёнда бола гўёки бир бўш идиш сингари аста-секин мазмун билан «тўлдирилади». Тарбиячи маълум материални ўзига хос тарзда баён этади. Ахборот, қоида бўйича, аввалдан чуқур таҳлил этилади, алоҳида топшириқларга бўлинади ҳамда шундан сўнг аста-секин, мунтазам давомийликда болага тақдим этиб борилади. Тарбиячи бунда ахборот манбаи сифатида ҳаракат қилади ва унинг иши ана шу ахборотни болага етказиш бўлади. Боладан ўзига берилган топшириқни машқлар асосида ўзлаштириш ва ундан сўнг бошқасига ўтиш талаб қилинади. Тўғри жавоб такрорлаш ва рағбатлантириш билан мустаҳкамланади. Бундай йўл тутиш пайтида тарбиячи боланинг ўзлаштирган билимини вақти-вақти билан баҳолаб бориши лозим. Баҳолаш навбатдаги топшириқни беришдан олдин амалга оширилади. Баҳолашнинг ҳам бир қанча тизимлари ҳамда даражаларини белгиловчи шакллар тавсия этилган бўлиб, ўқитувчи-педагог уларни боланинг билимини баҳолаш пайтида қўллаши мумкин.

Бундай анаънавий баҳолаш тизимидан фарқли ўлароқ, замонавий тажрибаларга таянган ҳолда «Болага йўналтирилган таълим» дастури бола ривожланишига мўлжалланган ноанъанавий ёндашувдан фойдаланади ва бу йўл бола табиий ўсишининг бутун моҳиятини англаш ва холис баҳолаш имконини беради. Бундай йўл тутишга асосан болалар:

- ўйин давомида ўзини ўраб турган атроф-муҳит ҳақидаги ахборотларни ўзлаштириб, фаол таълим олади;
- ривожланишнинг қонуний босқичларидан ўтадилар;
- ўзларини ҳиссий ва когнитив ўсиб-улғайишлари учун табиий ҳолда ижтимоий ўзаро таъсирга эҳтиёж сезадилар, уни қондиришга ҳаракат қиладилар;
- такрорланмас (индивидуал) тарзда ва ҳар бири ўз физиологик, интеллектуал имкониятлари доирасида улғайиб боради.

Бу назария тарафдорлари болани биологик организм сифатида қарайди ва ўз хулосаларига таянган ҳолда қуйидаги тезисларни олға суради:

- Тафаккур ривожидида икки йўл — асл табиий ва ижтимоий йўлнинг ўз ўрни ва бир-бирига таъсири бор. Униси ҳам, буниси ҳам когнитив ривожланишга (баркамолликка) дахлдордир.

· Когнитив ривожланиш бу энг аввало бизни ўраб турган оламни бевосита тажриба воситасида билишдир; кейинчалик болада ички фикрлаш асосида эмпирик тажрибани шакллантириш қобилияти пайдо бўлади.

· Ҳар бир шахснинг ривожланиш суръати – ижтимоий муҳит таъсири натижасидир.

· Когнитив ўсиш ўз ўрнида фикрлашнинг чуқур сифат ўзгариши билан ҳам боғлиқдир.

Бола ўз ривожланиш даврида маълум босқичларни босиб ўтади. Бу борада ҳам турлича назария ҳамда ёндашувлар мавжуд. Айрим манбаларда биринчи - сенсомотор босқич бола туғилганидан бошлаб, тахминан икки ёшга тўлгунча давом этади. Шундан сўнг аниқ операциялар босқичи келади (2 ёшдан 11 ёшгача). Учинчи босқич, бу расмий операциялар босқичи бўлиб, одатда у илк ўсмирлик ёшидан бошланади, дейилади. Бошқа бирида бола сўзлашув муомаласини эгалласа ва у ўрганиш натижасида фикрлаш жараёнини англай бошласа ва уни бошқарса ундаги фикрлаш туб маънода ўзгаради, дея фикр билдирилган.

Яна бир қараш: руҳий-ижтимоий ривожланиш назарияси шахснинг ижтимоий муҳитга муносабатини учта ўсиш ёши билан белгилайди. Бунда бола меъёрида ўсишига у ёки бу ёш учун хос бўлган низоларни ҳал этиш деб қаралади. Болада туғилишдан бир ёшга киргунга қадар ишонч муносабати шаклланади; бир ёшдан уч ёшга қадар мустақилликнинг ўсиши юз беради; олти ёшгача меъёрда ўсган болада ташаббускорлик қарор топади.

Бир қарашда турфа хил кўринадиган бу каби қарашлар бола ривожланиш жараёни тўғрисидаги билимларимизни кенгайтириш баробарида бу жараёнга ўзимиз яшаб турган жамият ўзига хосликлари ҳамда давлат талабларидан келиб чиққан ҳолда ижодий ёндашишимиз зарурлигини ҳамда бу борада ўзига хос вояларни таклиф этишимизга имкон беради. Улар, шунингдек, ўқув дастурини ишлаб чиқишда яхши омил бўлиб хизмат қилади. Ривожланиш назариясига асосан ҳозирги замон илғор таълим-тарбия соҳаси зиммасига юкланган вазифаларни қараб чиқиш, шунга асосан унинг мазмунини бола аҳтиёжларига мослашни таъминлаш зарур бўлади. Айнан шу жиҳат «Болага йўналтирилган таълим» дастури моҳиятини ташкил этади.

### ***Дастурнинг уч муҳим таянчи***

«Болага йўналтирилган таълим» дастури мактабгача таълим педагогикасидаги учта йўналишни ўз ичига олади: **конструктивизм; ривожланишнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиш; илғор таълим.**

#### **Конструктивизм**

Конструктивистлар фикрича, болалар ўзларини ўраб турган олам тўғрисида фикрлашга ҳаракат қилган пайтдан бошлаб таълим ола бошлашади. Болалар оламни шахсан ўзлари тушунган ҳолда тасаввур этишади ва шундан келиб чиққан ҳолда уни гавдалантиради (конструкциялайди). Улар кўз олдида кечаётган воқеалар хусусида фикрлайдилар, ўзлаштирганларини янги тажрибалар билан умумлаштирадилар.

Таълим бериш боланинг ўзи, бошқа болалар, катталар, шунингдек, бизни ўраб турган борлиқ жалб этилган ўта фаол жараёнга айланади.

Ўқитишни конструктивчасига тушунишни исботловчи ёрқин бир мисол: оиласида ит сақланадиган кичик болакай ота-онаси билан машинада кетаяпти. Сигирлар боқиладиган даладан ўта туриб, бола сигирни кўрсатиб «ит» дейди. Ота-она бу сигир эканлигини, у итдан фарқ қилишини болага тушунтиради. Шундай қилиб, янги ахборот аввал маълум бўлганига нисбатан тартибга солинади ва бола тасаввурига тегишли тузатишлар киритилади. Болалар ўз тушунчалари ва билим захираларини ўзлари яратишларига қарамай, катталарнинг бу жараёндаги ўрни беқиёсдир. Тарбиячилар болани ўқув қуроллари, материаллар билан таъминлаши, уни қўллаб-қувватлаши ва раҳбарликни амалга ошириши, шунингдек болада қизиқишни уйғотиши ва далда бўлиб туриши лозим. Бу эса ўз ўрнида боланинг билимларни онгли равишда, тўғри эгаллашига имкон яратади.

### **Ривожланишнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш**

Бола ривожланишининг ўзига хослигини ҳисобга олишда аввало шуни тушуниб етиш керакки, барча болалар ривожланишнинг маълум босқичларини босиб ўтадилар, бироқ бунда ҳар бир бола алоҳида ноёб ва такрорланмасдир. Тарбиячилар болаларни айнан бир хил, ўхшаш нарсалар ва фаолият турлари билан таъминлашлари учун уларнинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари лозим. Шунингдек, тарбиячилар бир хил ёшдаги турли болаларнинг қобилиятлари ва қизиқишларидаги фарқларга эътибор билан муносабатда бўлишлари кераклигини мутахассислар алоҳида таъкидлашади. Бунда бола ривожланишининг ўзига хослигига доир жиҳатлар, яъни болалар қизиқишларига жавоб берувчи фаолият турлари, уларнинг когнитив амал қилиш, ижтимоий ва ҳиссий етуклик даражаси назарда тутилади. Бундай фаолият турлари болаларнинг табиатга қизиқишларига, тажрибадан қониқиш ҳосил қилишларига ва ўз ғояларини тажрибада синаб кўриш хоҳиш-истакларига қаратилгандир. Бунда болаларда пайдо бўлган саволларга ўзлари жавоб топишига ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга. Негаки, саволга жавоб излаш баробарида болада қизиқиш, далиллаш ва эътибор бериш автоматик тарзда фаолашади. Бунда тарбиячининг роли саволни соддалаштирмасдан ва болани кўп ахборот билан чалғитмасдан уни қониқтирадиган жавоб топиш йўллари биргаллашиб қидиришдан иборатдир. Тарбиячилар болалар ўсиб-улғайишини ҳисобга олиш асосида ҳаракат қилган ҳолда таълим ҳолатини мақбуллаштириш ва уни чуқурлаштиришга хизмат қиладиган мувозанатни топишлари мумкин.

### **Илғор таълим**

Илғор таълим асосчиларидан бири шуни таъкидлайдики, таълимга келажак ҳаётга тайёргарлик сифатида эмас, балки ҳаётнинг ўзидек қараш керак. Таълимни катта ҳаётга тайёргарлик сифатида олиб бориш болаларнинг мактабгача таълим муассасаларида ёки уйда ҳосил бўлган табиий интилиш ва қизиқувчанлигини инкор этади ва диққатни боланинг зарурий эҳтиёж ва қобилиятларидан келиб чиққан

ҳолда, эҳтимол уларга келгуси ҳаётларида керак бўлиб қолар, деган мавҳум тасаввурлар томонига буриб юборади.

Биз болага йўналтирилган таълим, бунисини ҳам, унисини ҳам ҳисобга олади, деб биламиз, бошқача қилиб айтганда, бу икки нуқтаи назар бир-бирини истисно этмайди. Илғор таълим усуллари ўсиш ва конструктивизм тамойилларига таянади. Асосий диққат-эътибор гуруҳда ҳар бир боланинг қобилияти ўсишига ва унинг қизиқишига жавоб берувчи муҳит яратиш, шу билан бир қаторда кичик гуруҳларда болаларни ўқитиш ҳамда ўқув ишларини ўзаро бирга олиб бориш аҳамиятига қаратилиши лозим.

### ***Таълим жараёнини индивидуаллаштириш (ҳар бир болага алоҳида ёндашиш)***

«Болага йўналтирилган таълим» дастурида тарбиячилар болаларнинг мақсадга қандай эришишни, бошқалар тўғрисида ғамхўрлик қила олиш ва ўз оламларига таъсир кўрсатишга қобил бўлган, фаол, ҳаракатчан инсонлар бўлиб етишишлари учун замин яратадилар. Шу билан бирга тарбиячиларни болаликнинг илк даври ўз-ўзича қандай ўтиши ташвишлантиради. Бундай йўл тутишда ўйинлар алоҳида рол ўйнаши ва ўрганиш жараёнини индивидуал тарзда ташкил этиш муҳимлигини тан олиш лозим. Индивидуаллаштириш ҳар бир боланинг муваффақиятга эришиш имкониятларини кафолатлайдиган ривожланиш даражасини ҳисобга олиш ва фаолият турларини мос равишда режалаштириш ҳисобига қўлга киритилади. Бунинг учун боланинг соғлиғи, жисмоний ва ҳиссий ривожланиш даражаси, шунингдек, когнитив ўсиши тўғрисида ҳар томонлама ахборот талаб этилади. Тарбиячининг иши қарорлар қабул қилишдан иборат бўлиб, бу даврда у болани қузатади, бола ўсишнинг аҳамиятли соҳаларида қайси босқичда турганлигини аниқлайди ва шу асосда у ёки бу таъсир этиш йўллари белгилайди.

Таълимни индивидуаллаштириш нима учун муҳим? Индивидуаллаштириш билимларни эгаллаш жараёни асосида болада ёшига хос хусусиятлар, қобилият, қизиқиш ва эҳтиёжларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бунда болалар чуқур билимга эга бўлади ва ўзини ўзи ҳурмат қилишга ўрганади. Уларда янада қийинроқ вазифаларга қўл уришга журат қила олиш ҳисси пайдо бўлади.

Болага мўлжалланган муҳит таълимни индивидуаллаштиришга имкон беради. Гуруҳ хонасидаги жиҳозлар, материаллар ва нарсаларнинг жойлашиши ҳар бир боланинг ўсиши ва камол топиши учун хизмат қилади, берилган топшириқлар ҳам ҳар бир боланинг бажара олиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Болаларнинг ўзлари тегишли фаоллик марказини ёки ўн икки эмас, балки беш бўлакдан йиғилдиган расмни танлаш орқали индивидуаллаштиришни амалга ошира бошлайдилар. Индивидуаллаштиришда тарбиячи шундай фаолият турларини ўйлаб топадики, унда барчага бирдек кўрсатма берилса-да, бироқ ҳар бир бола ундан келиб чиққан ҳолда ўзи мустақил равишда муваффақиятга эришишига имкон берилади. Индивидуаллаштириш даражасини оптималлаштириш мумкин. Эпчиллик ва топқирлик талаб этиладиган фаолият турини танлаган ва болаларни диққат

билан кузатган ҳолда тарбиячи зарурият туғилиб қолса топшириқ ва материалларни ўзгартириши ёки мослаштириши мумкин. Гуруҳ ишларини индивидуаллаштириш даражасини ошириш мақсадида, кичик гуруҳларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Гуруҳ машғулоти жадвали ҳар бир боланинг аҳтиёжини фаол ижод даврида ҳам, дам олиш пайтида ҳам ҳисобга олган ҳолда тузилиши зарур. Индивидуаллаштириш мазкур дастурнинг муҳим қисми ҳисобланади. Негаки, тарбиячи ҳар бир болага қанчалик индивидуал ёндашса, унинг иши шунчалик самарали бўлади.

Фаоллик марказлари болаларга ўзларининг шахсий кўникмалари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ўқув-тарбия жараёнини мустақил индивидуаллаштириш имкониятини беради. Масалан, санъат марказида бир бола қоғоз қирқади, бошқа бола эса шу қоғоздан қайчи билан ўзи ўйлаган шаклчани кесиб олади. Стол устида ўйналладиган ўйинлар марказида бир бола тўртта ёғоч кубикдан шакл ясайди, бошқа бирови эса йигирма беш бўлакли картон қоғозли тасвири тузишни маъқул кўради. Тарбиячи жараёнда болаларни кузатади ва уларнинг ривожланишига дахлдор фикрларни ёзиб боради. Анча вақтдан сўнг у болаларга вазифани мураккаблаштирувчи материалларни таклиф этади ёки вазиятга қараб ана шу вазифаларни бажаришда болага тўғридан тўғри ёрдам беради.

Бундай йўл тутиш туфайли бола яхши суръатда ўсиб-улғайиши мумкин. «Болага йўналтирилган таълим» дастури — бу энг аввало жўшқин ва ўзгарувчан, боланинг индивидуал қизиқиши ва ўсиш даражасига мос келувчи материалларга бой ҳамда тажриба тўплаш имконияти мавжуд бўлган муҳитдир.

Тарбиячилар дастурда болаларнинг ёрдамчилари ролини ўйнайдилар, машғулотлар олиб бориладиган жойда имкониятлар кенглигини таъмин этадилар ва ҳар бир бола индивидуал ривожланиши даражасини ҳисобга олган ҳолда фаолият турларини режалаштирадилар. Кун тартиби турли машғулот турларини ўзида қамраб олиши лозим: кичик гуруҳларда биргаликда ва тарбиячи раҳбарлигида яқка ҳолда (индивидуал) ёки мустақил (улар томонидан танлаган машғулотларга вақт ажратиш керак, чунки болалар онгли танлаб олишни ўрганадилар, ўз қизиқиш ва қобилиятларини амалга оширадилар). Болаларнинг ўз танловларини амалга ошириши, муаммоларни ҳал этиши, атрофдаги кишилар билан биргаликда ҳаракат қилиши, индивидуал мақсад қўйиши ва унга эришишни билишлари «Болага йўналтирилган таълим» дастуридан кўзланган асосий мақсадлар сирасига киради.

### ***Фаоллик марказлари***


«Болага йўналтирилган таълим» дастури гуруҳларида муҳит шундай тарзда яратилиши керакки, у болага мустақил танлаш имконини берсин. Ҳар бир гуруҳ биноси бир неча марказларга бўлинган, уларнинг ҳар бирида изланиш ва ўйинлар учун етарли миқдордаги материаллар сақланади. Турли гуруҳларда марказлар сони турлича бўлиши мумкин, бироқ, қуйида рўйхати келтирилган марказлар деярли барча жойда мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

Санъат  
 Қурилиш  
 Пазандалик  
 Саҳналаштириш  
 Адабиёт  
 Илк математик тасаввурларни шакллантириш  
 Мусиқа  
 Очиқ майдонча  
 Қум ва сув  
 Табиат билан таништириш



**Санъат** маркази болаларнинг ўз ижодий қобилиятларини синовдан ўтказиш ва амалга оширишга рағбатлантиради, уларга янги материаллар билан танишишдан қониқиш олиш имкониятларини беради, болаларнинг сезиш қобилиятини бойитади. Бу ерда бўёқ, қоғоз, қайчи, бўрчалар, қаламлар, газлама бўлаклари ва кесиш ҳамда елимлаш учун турли қийқимлар мавжуд. Шунингдек, табиий материаллар – ёғоч, барг, қум-тупроқни ҳам қўшиб қўйиш фойдадан холи эмас. Ушбу марказдаги машғулотлар ижодий қобилият, сўз орқали ва сўзсиз мулоқот, умумий ва нозик ҳаракатланиш, ақлий қобилиятни ривожлантиришга йўналтирилган.

**Қурилиш** марказида турли ҳажм ва шаклдаги қурилиш элементлари мавжуд бўлиб, болалар улардан ўз фантазиясига таянган ҳолда иншоотлар бунёд этадилар: мисол учун кўрган тарихий обидалари, уйлар, бутун бошли бир шаҳарчалар, ферма ва ҳайвонот боғлари каби. Қурилиш билан машғул бўлган болалар бу ерда жуда кўп нарсаларни ўзлаштириб оладилар. У болаларнинг математик қобилиятларини ривожлантиришга, ижтимоий кўникмаларни ҳосил қилишларига ёрдамлашади, муаммоларни ҳал этиш тажрибасини беради. Бу ерда, шунингдек, ижодий ёндашишни намоён этиш ва бажариладиган ишга диққатни жалб этишни ўрганиш мумкин. Ушбу марказга тарбиячилар ва болалар хоҳиш-истагига кўра кўплаб турли нарсаларни – ўйинчоқ машиналар, юк машиналари, одамлар ва ҳайвонларнинг шаклчалари, самолётлар, газлама бўлаклари ва ҳоқозаларни қўшиб қўйиш мумкин.



**Пазандалик** маркази болаларга айрим нарсаларнинг хоссаларини текшириш, янги овқатларни татиб қўриш, шу жумладан уларни ўзлари тайёрлашлари, янги

математик тушунчалар, масалан, ўлчов тушунчаси билан танишиш имконини беради. Биргаликдаги пазандалик машғулоти ўзаро муносабат, бошқалар билан фикр алмашишни ўргатади, шерик бўлиб ишлаш имкониятини яратади. Ушбу марказда яна кўплаб тушунчаларни ўзлаштириш мумкин. Тарбиячилар болалар билан ранглар, сонлар, шакллар тўғрисида, овқатланиш, табиат билан таништириш ҳақида фикрлашиб олишлари мумкин. Пазандалик болаларга жонли, ҳаётий тажрибаларни беради.

**Саҳналаштириш** марказида болаларда ҳақиқий ҳаётдан олинган кичик саҳна кўринишларини ўйнашга хоҳиш-истак уйғотиш учун албатта керакли кийимлар ва бошқа нарсалар бўлиши зарур. Булар уларда атрофда нималар содир бўлаётганини англаш, уларни ажрата олиш ҳамда ҳаётда ўз ўринларини тушуниб етишларига ёрдам беради. Марказдаги нарсаларни тарбиячилар танлайдилар. Улар бу нарсаларни бир ҳафтага «кир ювиш» ўйини учун, бошқа ҳафтага «меҳмон-меҳмон» ёки «цирк» ўйини учун, учинчи ҳафтага қушларга ғамхўрлик қилиш ўйини учун реквизит сифатида таклиф этишлари мумкин. Реквизитлар болаларнинг қизиқишлари асосида танланади.



**Адабиёт** марказида китоблар ва эшитиш ҳамда ёзиш учун ўқув қуроллари мавжуд бўлади. Бу тинч бурчак бўлиб, унда болалар китобларни қараб чиқишлари, бир-бирларига ўқиб беришлари мумкин. Шунингдек, бу ерда тарбиячи ёки кўнгилли ёрдамчи болаларга китобни овоз чиқариб ўқиб бериши мумкин. Адабиёт – «Болага йўналтирилган таълим» дастурида ўқув кунининг муҳим таркибий қисмидир. Унда болаларга китобчаларни ўз қўллари билан ясаш, мавзу(сюжет)ларни ўйлаб топиш ва ижро этиш, ҳикоялар эшитиш таклиф этилади.

### **Илк математик тасаввурларни**

**шакллантириш** марказида бошқотирма ва конструктор каби болалар йиғиши ва

бўлақларга ажратиши мумкин бўлган нарсалар бўлиши лозим. Бу ерда, шунингдек, болаларнинг бир хилда тақдослашлари, турлича таснифлашлари, санашлари учун ёрдам берадиган ўйинлар ҳам бўлиши керак. Бу ҳам нутқни ўстиришга имкон беради. Бундай машғулоти боланинг ақлий қобилиятини ўстиради, нозик ҳаракатланишини ривожлантиради, ўзини бошқаришни ўргатади. Материаллар билан ўртоқлашиш, муомала қилиш ва муаммоларни ҳал этиш зарурати ижтимоий кўникмалар ривожланишига олиб келади.



**Муסיқадан** бутун кун давомида машғулоти бирлаштириш учун фойдаланиш мумкин. Куйлаш, ҳаракатлар, қарсақ чалиш, ўйинлар, муסיқа асбоблари чалиш ва ёзилган куй-қўшиқларни тинглаш ҳар қандай дастурни яхшигина тўлдирди.

Муסיқавий машғулотлар зеҳни чархлайди, ритмга, санашга ўргатади ва нутқни ривожлантиради; умумий ва нозик ҳаракатланишни (моторикани) ривожлантиради ва ижодий қобилиятни намойиш этишга имкон беради.

**Сайр қилиш** кун тартибининг ажралмас таркибий қисмидир. Машғулот хонасида нимани ўргатиш ва ўрганиш мумкин бўлса, кўчада ҳам бу ишни амалга ошириш мумкин. Бунда болалар ижтимоий кўникмалар, табиатга тўғри муносабат ва у ҳақдаги билимлар, математик кўникмаларни олишлари мумкин. Бундан ташқари сайр қилиш пайтида болалар умумий ва нозик ҳаракатланишдан (моторикадан) янада фаолроқ фойдаланадилар. Ижодий қобилият саҳна ўйинлари ва гуруҳ машғулотлари ҳисобига ўсади, ривожланади. Кўчада болалар бирор бир ғайриоддий иш, яъни овқатланиш, овқат тайёрлаш, гуллар ўстириш, бўёқлар билан чизиб ва ёзиш, саҳналаштирилган асарни намойиш этиш, қор, лой ва сув ҳавзачаларида турли ўйинларни ўйнашлари мумкин. Худудда жойлашган бозор ёки ўт ўчириш станциясига саёҳат болаларнинг ҳаётий тажрибасини бойитиб, уларни ўраб турган олам ва ундан ўзининг ўрнини топишида чегарасиз имкониятлар беради.



**Очиқ майдонча** — бу гуруҳ хонасига муҳим қўшимчадир: очиқ ҳавода ўтказиладиган машғулотлар хона ичида ўтказиладиган машғулотларга нисбатан ҳар томонлама пухтароқ режалаштирилиши лозим.



**Қум ва сув** маркази — бу гуруҳдаги махсус стол ёки ҳовлида ташкил этилган тупроқ уюмидир, бу нарса болалар билимини бойитишга мўлжалланган ўйинлар учун, сезиш органларидан фойдаланиш учун ажойиб имкониятлар беради. Болалар ушбу табиат материалларини ўрганиш давомида ижод қиладилар, фикрлайдилар, ўзаро ўртоқлашадилар. Улар умумий ва нозик ҳаракатларни мустаҳкамлайдилар. Бунда хокандозча, элакча, қадоқчалар ва челақчалар бўлиши лозим. Шундай қилиб, болада математик ва табиий-илмий тушунчалар шаклланади, ижодий фикрлаш рағбатлантирилади.

**Табиат билан таништириш** марказидан болаларнинг табиат ҳодисалари ҳақида билиб олган тушунчалари ва кўчадан топилган нарсалар билан машғул бўлишлари учун фойдаланилади. Тарбиячи гуруҳда бу кичик «ҳазина»ни намойиш этиш ва текшириш учун махсус жой ажратиши мумкин. Ушбу марказ ўз қиёфасини болаларнинг қизиқишлари, йил фасллари ва дастур бўлимлари мавзуларининг ўзгаришига қараб ўзгартириб боради. Натижада болаларни магнитлар, сув, ер тортиш кучи каби физик тушунчалар билан амалий таништириш мумкин.





Болалар сайр қилиш пайтида ўсимликлар, дарахтлар ва ҳайвонларни кузатган ҳолда табиат билан таништириш фани асосларини тушуниб етадилар, атроф-муҳитни ўрганадилар. Тарбиячи бу жараёни бошқариши ва қўллаб-қувватлаши зарур.

Бир марказдаги материаллар бошқа марказда фойдаланилиши мумкин. Масалан, болалар ўйинлар столидаги ҳайвонларнинг шаклчаларини агар улар қурилиш марказида ҳайвонот боғи қурган бўлсалар у ерга олиб ўтишлари мумкин. Тарбиячилар болалар қандай ривожланаётганлиги, билимларни қандай эгаллаётганлиги ҳамда улар қизиқишлари ўзгараётганлигига қараб материалларни алмаштирадilar. Қўшимча фаолият турларини навбати бўйича ёки агар бинода имконият бўлса асосий марказларга қўшимча қилиб киритиш мумкин. Булар ёғочда ишлаш, жорий мавзу билан ёки махсус воқеа билан боғлиқ машғулот бўлиши мумкин.

Педагогларнинг вазифаси – болаларнинг мулоқотга киришишга бўлган қизиқувчанлигини рағбатлантирувчи муҳитни яратиш ва болаларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларига қараб, ўз вақтида керакли шароитларни мослаштирган ҳолда уларни кузатишдан иборат. Индивидуал ёки кичик гуруҳлар учун топшириқлар ота-оналар билан суҳбатлашилгандан сўнг, қайсидир кўникмаларга алоҳида эътибор бериш учун ишлаб чиқилади. Ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзолари машғулотларга келар эканлар, улар ўз фарзандларида иштиёқнинг ортиб бораётганлигини, интилишнинг ўсаётганлигини ҳис этадилар ва ўқув жараёни қандай кетаётганлигини, келажакда билимли, ижодкор кишилар бўлиш учун болалар қандай ўзаро мулоқот қилаётганликлари, келишаётганликлари, изланаётганликлари, танлаётганликлари ва билим ҳамда кўникмаларни эгаллаётганликларининг гувоҳи бўладилар.

### ***Оилалар иштироки***

Оилалар иштироки – «Болага йўналтирилган таълим» дастурининг ажралмас ва ўзига хос қисмидир. Боланинг биринчи педагоглари унинг ота-онаси ҳисобланади. Улар болага эзгулик тилайдилар ва у ҳаётда илғор ҳамда бошқаларга фойдаси тегадиган одам бўлиб ўсишини истайдилар. Ота-оналар ўқув-тарбия жараёнида муҳим рол ўйнашлари мумкин ва зарур, улар топшириқлар ва машғулотлар ишлаб чиқишга ёрдам беришлари керак. Шунинг учун «Болага йўналтирилган таълим» барча оилаларни дастурда иштирок этишга чақиради. Оилаларни бу ишга жалб этиш усуллари аниқ шароитларга қараб турлича бўлиши мумкин, бироқ тамойилнинг ўзи ўзгармасдир: шаклидан қатъи назар барча оилаларнинг дастурда иштирок этиши доимо қўллаб-қувватланади.

### ***Ота-оналар хонаси***

Масалан, ҳар бир мактабгача таълим муассасасида ота-оналар учун махсус хона жиҳозлаш мумкин. Улар бу ерда педагоглар билан учрашишлари, боланинг ўсиб-улғайиши, соғлиги, интизоми ва бошқа уларни қизиқтираётган муаммолар тўғрисида ахборотларни олишлари мумкин. Қайсидир материалларни уларга уйга олиб кетишга бериш ҳам мумкин. Бу хонада ота-оналар йиғилишлари ва семинарлар ўтказилади.

Бундан ташқари ота-оналар доимий равишда гуруҳга келишлари, болалар билан шугулланишлари, уларнинг қайсидир алоҳида иқтидорлари ва истеъдодлари юзасидан педагог-тарбиячилар билан ўзаро фикрлашиб олишлари мумкин. Айрим оила аъзолари ҳатто мактабгача таълим муассасасида ассистент (ёрдамчи) сифатида ишга жойлашиши ҳам мумкин. Қолган барча дастур ишида улар кўнгилли ёрдамчилар сифатида жиҳозлаш, саёҳат уюштириш ва бошқа тадбирларга ёрдамлашиш имкониятига эгадирлар.

«Болага йўналтирилган таълим» дастурининг муҳим таркибий қисми — бу тарбиячилар билан ота-оналар ўртасида яқиндан алоқа ўрнатишдир. Бу ҳамкорлик турли усулларда бўлиши мумкин — ёзишмалар, кундаликлар ва журналлар, ота-оналарнинг болаларни боғчага олиб келиши ва олиб кетиши чоғидаги қисқа суҳбатлар, ота-оналар йиғилишлари, семинарлар, қўллаб-қувватлаш гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш. Тарбиячининг тез-тез оилаларга ташриф буюриши жуда яхшидир. Ота-оналар билан яккама-якка учрашувлар боланинг ўзлаштиришини муҳокама қилиш ва уйда бажариш учун топшириқлар ишлаб чиқиш имконини беради.

### **Ота-оналар қўмитаси**

«Болага йўналтирилган таълим» дастурининг яна бир муҳим элементи — бу ота-оналар қўмитасидир. У мактабгача таълим муассасасидаги ишларни муҳокама қилиш учун педагоглар жамоаси билан учрашувлар ўтказди. Қўмитага ота-оналар аъзо бўлади, бироқ унга маҳаллий жамоатчилик бошқарув органлари вакиллари ҳам киритилиши мумкин. Мактабгача таълим муассасаси ходимлари ота-оналар билан биргаликда дастурда иштирок этаётган ёки унинг доирасида бўлган ҳар бир оиланинг ўзига хос эҳтиёжларини аниқлайдилар.

Шундай қилиб, «Болага йўналтирилган таълим» дастурининг вазифаси — марказ сифатида оила, шунингдек тарбиячилар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ташкил топган қўллаб-қувватлаш ҳамжамиятини тузишдир. Бу ҳамжамият мазкур дастурни самарали ўқитиши ва болалар ривожланишига ёрдам бериши учун режалаштириш ва алоқа, масалалар ва муаммоларни муҳокама қилишни амалга оширади.

### ***Ёш хусусиятларига мос келиш нимани билдиради***

Ривожланиш соҳасидаги изланишлар шундан далolat берадики, бола ҳаётининг дастлабки тўққиз йили ўсиш даврининг муайян давомийлигида ўтади, бу умумий ва олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган босқичдир. Бу босқичлар ривожланишнинг ҳар бир соҳасидаги ўзгаришлар билан ажралиб туради: жисмоний, ҳиссий, ижтимоий ва когнитив. Болалар ўсишининг ўзига хослиги тўғрисидаги билимлар тарбиячиларга таълим муҳитини яратишга ва фаолиятнинг мувофиқ турларини режалаштиришга таянч бўлиб хизмат қилади.

Ривожланиш хусусиятларига мос келиш усулларини муваффақиятли қўллаш учун тарбиячилар меъёрдаги ривожланишнинг бориши тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари керак. Бунда тарбиячилар шуни ёдда тутишлари лозимки, болалар ривожланишнинг бир хил босқичини босиб ўтишларига қарамасдан, уларда бу жараён бир вақтнинг ўзида кечмайди. Бир хил ёшдаги болаларда ўзига хос индивидуал фарқлар бўлиши муқаррар.

Иккинчи боб охирида келтирилган меъёрий ривожланиш жадвалида болаларнинг умумий ва нозик моторикаси ривожланиши, мулоқот кўникмалари, нутқни тушуниш, ундан фойдаланиш, мустақил овқатланиш, кийиниш ҳамда ўзлаштириши лозим бўлган ижтимоий кўникмалар келтирилган. Бироқ, сиз ўқув режасини тузиш чоғида шундай жадваллардан фойдаланмоқчи бўлсангиз, уларни вақти-вақти билан қараб боришингиз керак.

Агар болалар билан машғулотлар ривожланиш даражасини ҳисобга олмаган ҳолда ўтказилса, барча ҳаракатларимиз натижасиз тугайди, болаларни зўриқтиришдан нарига ўтолмаймиз. «Болага йўналтирилган таълим» дастури мақсади эса болаларнинг ҳар бир саъй-ҳаракатида муваффақиятга эришиши учун қулай имкониятни яратиб беришдан иборат. Демак, машғулотларни ўта оддий тарзда ўтказмаслик лозим: улар ҳар бир бола ривожланишининг аниқ жорий даври мураккаблиги даражаси ҳисобга олинган ҳолда, илгарилловчи хусусиятга эга бўлиши зарур.

### **Индивидуал хусусиятларга мос келиш**

Ҳар бир бола ўз ички имкониятлари ва ўзини ўраб турган атроф-муҳит таъсирида ўзича улгайиб боради ва ривожланади. Унинг ўзига хос мижози, қабул қилиш усули ва ўз оиласи бор. Бу индивидуал фарқлар дастурда ҳам, болалар ва катталарнинг ўзаро муносабатларида ҳам ҳисобга олиниши керак. Бола унинг шахсий фикрлари ва материаллар, ғоялар ва одамлар билан тажрибалари ўзаро таъсир этиши натижасида таълим олади. Бу тажриба унинг ёш хусусиятларига, ички имкониятларига мос бўлиши лозим ва шу билан бир вақтда унинг қизиқишлари ва тушунчаларини фаоллаштириши керак.

Болалар билан ўтказиладиган машғулотлар уларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларига мос бўлиши учун тарбиячилар ҳар бир болани доимий равишда кузатиб бориш баробарида унинг имконияти, эҳтиёжи, қизиқишлари, мижози ва қабул қилиш усулини рўёбга чиқаришга эришиши зарур. Бундан ташқари у ёки бу марказда шуғулланишда ҳам ушбу жиҳатлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Болага унинг ривожланиш даражаси учун мураккаброқ, бироқ бажарса бўладиган вазифа берилса, у ижобий «қувват» олади ва унда изланишни давом эттириш, тажриба ўтказиш, текшириб кўриш истаги пайдо бўлади. Агар вазифа бола ривожланишининг мавжуд даражаси учун ҳаддан зиёд мураккаб ёки ҳаддан зиёд содда бўлса, унда қизиқиш сусаяди, зерикади, безовталанади ҳамда бефарқ бўлиб қолади.

### **Ўйин орқали индивидуаллаштириш**

Кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган дастурларнинг асосини ўйин-машғулотлар ташкил этади. Негаки, изланишлар шуни кўрсатдики, ўйинлар кичик болалар ҳаётининг ажралмас муҳим қисми ҳисобланади, улар ўйнаб-ўрганишади. Ўйин ва ривожланиш бир-бирининг қўлидан етаклайди, шунинг учун болалар ўсадиган шароит уларнинг эркин ўйнашлари учун имкониятларга бой бўлиши керак. Ўйинларнинг шакллари турличадир: буюмлар билан яқка ҳолда ўйнаш, бошқа болалар билан уюшган ҳолда

ўйнаш, реквизит билан ва бошқа болалар билан фаол ва мураккаб саҳна ўйинлари, тизимли ўйинлар, гуруҳ бўлиб ўйнаш (катта ёшдаги болалар учун).

Экспертларнинг фикрича, ўйин болаларнинг билиш ва ҳаракатланиш кўникмаларининг ўсиши, шунингдек, атрофимизни ўраб турган кишилар олами ва унда ўзининг ўрнини билиш учун ҳам зарур. Болаларнинг ижтимоий кўникмалари ўз тенгдошлари билан ўзаро таъсир пайтида ривожланади, бунда улар қоида нима, бу қоидалар қандай ишлаб чиқилади ва ҳақиқат, адолат нима эканлиги тўғрисида билиб оладилар. Улар ҳамкорлик қилишни ва бир-бирлари билан ўртоқлашишни ўрганадилар. Вазифалар, топшириқлар қўйиш ва уларни муваффақиятли ҳал этиш, бошқа болалар билан биргаликда ҳаракат қилиш ва шахсий, жисмоний, ақлий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш чоғида уларнинг ўзини холис ўзи баҳолай олиш кўникмаси шаклланади.

«Болага йўналтирилган таълим» дастури болалар ўйинини рағбатлантирган ҳолда, улар учун бино ичида ҳам, кўчада ҳам ўйин учун турли-туман имкониятларни яратиш орқали мазкур назарияни қўллаб-қувватлайди. Болалар жойлашган маконнинг барча қисмлари фаоллик марказлари кўринишида ташкил этилган. Уларда болалар ўйнайдилар, яъни ўз фикрлари, ўй-хаёллари асосида эркин ҳаракат қиладилар, бу жойлар болаларнинг ташаббуслари, ижод ва тасаввурларини синаб кўриш учун ўзига хос синов майдончаси ролини ўтайди.

Марказларни тузиш тегишли бино ва унда маълум бир шарт-шароитни ташкил этишни талаб қилса-да, бу болалар ўйинига чеклов қўйиш ёки уларларда белгиланганига кўра фақатгина бир йўналишда машғулот ўтказилади, дегани эмас. Мисол учун, санъат марказида тайёрланган қўғирчоқдан қурилиш марказида фойдаланиш мумкин. Чунки бу ерда театр саҳнаси бунёд этилди, саҳналаштириш маркази орқали ушбу қўғирчоқ саҳнага олиб чиқилиши мумкин. Материаллардан нозиклик билан фойдаланилса, бу билан ўқув дастурини болаларнинг ўзлари қизиқишлари асосида шакллантиришлари учун йўл очиб берган бўламиз.

Кун тартиби болаларга уларнинг ўзлари қизиқан фаоллик марказларини онгли танлаш имконини беради. Дастлаб бунчалик кўп ўйинчоқлар ва материалларни бирданига кўриш имкониятига эга бўлмаган болалар тез-тез марказдан марказга кўчиб юришлари мумкин. Вақти келганда улар ўзларини қизиқтирган топшириқлар ва марказларда жамланадилар. Бола ўз ўйинини ўзи бошқариши лозим: шунингдек у маълум бир марказдан бошқасига ўтиб юриш имкониятига ҳам эгадир.

Катталар болалар қизиқишларини қузатиб бориб, боланинг ҳиссий ва когнитив ўсиши учун зарур бўлган айнан шу ўйинни ривожлантиришга имкон яратади. Болалар руҳшунослари тарбиячи ва ота-оналарга вақтларини болалар билан ўйнаб ўтказишларини маслаҳат беради. Ўйин чоғида тарбиячилар ва ота-оналар болаларга ўйинни «олиб бориш» ва йўналтириш имконини берган ҳолда ўзлари сезмаган ҳолда улар билан ўзаро тажриба алмашишга киришиб кетадилар.

Марказларда сақланадиган материаллар (нарсалар) болаларнинг фаоллигини рағбатлантиради, барча сезиш органларидан фойдаланишга уларни мажбур этади. Болалар тажриба ўтказган, изланган ва ўзлари учун янгилик очган ҳолда ўзларининг «гипотезаларини» текширадилар ва ўз индивидуал қобилиятлари асосида билимларни

эгаллайдилар. Худди ана шу тарзда болалар муаммоларни қўйиш, уларни ҳал этиш, танқидий фикрлаш, танлаш ва тушунчаларни юзага келтиришга ўрганадилар.

Гуруҳда ҳукмрон бўлган доимий равишдаги ишчан муҳитда болалар ички сабаб воситасида бир-бирларига ўзаро таъсир қилади, ўз тенгдошлари ва катталар билан мулоқотда бўлиш, ўртоқлашиш жараёнида ижтимоий кўникмаларни ўзлаштириб боради. Бундан ташқари, ўйин давомида болалар умумий ва нозик ҳаракатлар (моторика)ни амалга ошириш асносида уларни ўзлаштириб, мувофиқлигини таъминлашни ривожлантирадилар.

Бу жараёнда тарбиячининг роли ёрдамчи сифатида намоён бўлади. У керакли онда ўйлашга мажбур этадиган очиқ савол бериш орқали ўйинни мураккаблаштиришга тайёр бўлиши керак. У қачон қўшимча ахборот беришни, бола тушунмаган нарсани тушунтириб беришни, янги материалларни қўшимча қилишни, агар имконият бўлса, саёҳат ва сайр қилиш каби қўшимча билиб олишга қаратилган тадбирларни ташкил этишни билиши зарур. Чунки бу тадбирлар фикрлаш ва билимни янада бойитиш, рағбатлантиришга хизмат қилади.

«Болага йўналтирилган таълим» дастури концепциясига асосан, ўйинни намоёиш этувчи тарбиячилар ўйиннинг ўрни бўлган вазиятнинг бутун аҳамиятини баҳолай олишлари керак.

## ***Дастур фалсафасини ҳаётга қандай татбиқ этиш керак***

Болага мўлжалланган таълим қўйидаги икки асосий тамойил асосига қурилади:

- болалар ўзларининг шахсий тажрибалари ва уларни ўраб турган атроф-олам билан ўзаро таъсир асосида ўз билимларини шакллантирадилар;
- тарбиячилар болаларнинг қизиқишлари, аҳтиёжлари ва қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ўсишлари ва ривожланишларига оқилона тарзда ёрдам берадилар.

Тарбиячилар гуруҳ хонасини синов майдончаси(лаборатория)га айлантиришга масъулдилар. Чунки бу ерда болалар тажрибада ўзларини турлича ролларда – изланувчи, рассом, ўртоқ, дўст, олим сифатида синаб кўрадилар. Тарбиячилар болаларнинг ижодий изланиши, уларнинг ихтироси ва муаммоларни ҳал этишига ёрдам берувчи, рағбатлантирувчи материалларни ташкил этишда фаол бўлишлари зарур.

Тарбиячилар болаларнинг ғояларига ҳурмат билан муносабатда бўлишлари ва бу ғоялардан ўқув дастурини тузишда фойдаланишлари керак. Улар болалар билан ўйин чоғида ва ишда ўзаро таъсир кўрсатишлари лозим: атрофдагиларга ҳурматда бўлиш ва муносабатларда намуна кўрсатиш; ўз кузатишларини қайд қилиб бориш ва баҳолаш; режалаштириш чоғида ва болалар билан индивидуал ишлаш учун ўз кузатишларидан фойдаланиш. Болаларни ўз шахсий қизиқишларини амалга оширишга йўналтириш чоғида уларда шахсий ҳис-туйғу ва ташаббус кўрсатиш кўникмалари ривожланади.

Тарбиячилар гуруҳда кўтаринки кайфият ҳамда жўшқинлик ҳукмрон бўлган муҳитни юзага келтиради. Улар болаларда ўзлари тарбияламоқчи бўлган сифатлар

— эмпатия, ғамхўрлик қила олиш завқ-шавқи, қизиқувчанлик сифатларини ўзларида намоён этиш, яъни шахсий ибрат орқали болаларга «юқтиради». Бунда улар шуни унутмасликлари лозимки, болалар ҳар қандай ишдан қониқиш ҳосил қилишлари керак. Тарбиячида у билан бирга ҳангома қилаётган, кулгили воқеаларни ўйлаб топаётган ёки ўзининг янги нарсага қизиқишини муҳокама қилаётган боланинг шодлигидан ортиқ қандай қониқиш бўлиши мумкин. Ўзининг завқ-шавқи, ғайратини болаларга берувчи тарбиячилар таълимни жуда қизиқарли ва ҳаётий зарур жараёнга айлантирадилар. Аксинча, тарбиячиларнинг бундай эркин муҳитдан четлашуви, таълимнинг авторитар усулини танлаши болаларни чўчитади ва уларнинг қизиқувчанлиги, интилишини барбод қилади.

Болага мўлжалланган муҳитда фаолият ҳам тарбиячилар, ҳам болалар томонидан амалга оширилади. Тарбиячи ва бола бир-бирларини мувозанатда ушлаб турадилар, навбат билан бир-бирларига саволлар бериб, уларга жавоб қайтарган ҳолда ўзаро ўрин алмашадилар, болалар кўпроқ ўзлари таълим олишга йўналтирилади. Уларнинг мустақил, ижодий фикрлаши олқишланади ва қадрланади. Тарбиячи болаларнинг қизиқиши ва ўйинига асосланиб, уларнинг билиш қобилиятини рағбатлаштирувчи фаолият турларини таклиф этади. Тарбиячи болаларга одамлар, материаллар ва аниқ ҳаётий тажрибалар билан тўғридан тўғри алоқада бўлиш имкониятини бериш билан уларнинг ақлий ривожланишини рағбатлантиради.

Мавзули ўйин марказлари болаларга материалларни барча соҳада, жумладан, билиш соҳасида ҳам ўзлари танлаш имконини беради. Шунингдек, турли мавзулар, кенг қамровли лойиҳалар болаларнинг қизиқишларини ҳисобга олиши керак ва маълум марказлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Кичик болаларнинг уларга қизиқарли бўлмаган топшириқларни бажаришлари ва ёки мавзунинг ўрганишларига мутлақо йўл қўймаслик лозим. Ҳуруҳ жойлашган бинонинг ички қиёфаси шундай тарзда ташкил этилиши лозимки, у болаларга марказ ва материаллардан фойдаланишда етарлича кенг имкониятлар очиб берсин.

Болага мўлжалланган шароитда болалар:

- танлайдилар;
- фаол ўйнайдилар;
- бир мартадан ортиқ қўллашга ярайдиган материаллардан фойдаланадилар;
- барчаси бир жойда ишлаб, бир-бирига ғамхўрлик қиладилар;
- ўз ҳаракатлари учун жавоб берадилар.

«Болага йўналтирилган таълим» дастури бир қанча вазифаларни мақсадга мувофиқ равишда ҳал қилиш йўлидан боради. Кун тартиби болаларга тинчлик, осойишталик ҳиссини беради ва уларни тасодифлардан кафолатлайди. Болаларга таклиф этиладиган материаллар уларнинг ривожланиш даражасига мос келади ва маълум бир фойдаланиш йўлига, усулига эга эмас. Тарбиячилар ва ўқитувчилар болалар ўз тенгдошлари билан қандай ўртоқлашаётганликларини ва етказиб берилган материаллар билан қандай ишлаётганликларини кузатиб борадилар ва уларнинг эҳтиёжлари ҳамда билим даражаси, қобилияти тўғрисида хулосалар чиқарадилар. Белгиланган қоидалар бир-бирига ғамхўрлик қилиш таълим муассасасида асосий қадрият, муҳтнинг ажралмас қисми эканлигига болаларни ўргатади.

**РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ  
ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**



## II боб. РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

XXI асрда яшаётган болаларни катта ўзгаришлар кутмоқда. Ҳаётнинг барча жабҳаларида ривожланиш даражаси ортиб бормоқда, янгиликлар жорий этилмоқда. Технологик инқилоблар даврида зарур бўлган кўникма ва билимлар ҳозирги болалар ва уларнинг келгуси ҳаётлари учун камлик қилиб қолади. Бўлаётган ўзгаришларнинг тезлиги ва кенг қамровлилиги ёш авлоднинг узлуксиз ва пухта ўйланган ҳолда мослашувини талаб қилади. Болаларни келгусида уларни кутаётган муаммоларни ҳал қилишга тайёрлаш учун уларни бутун ҳаёти давомида тинимсиз ўқиб-ўрганиб боришга одатлантириш зарур. «Болага йўналтирилган таълим» дастури яратувчилари бутунги болаларда худди ана шундай узлуксиз ўқувнинг мустақкам асосларини яратиш керак, деб ҳисоблайди: дастур ҳар бир болага янги дунёнинг фаол фуқароси бўлиш имкониятларини бериш мақсадида ишлаб чиқилган.

### Мақсадлар

«Болага йўналтирилган таълим» дастури ҳар бир болада қуйидаги сифатларни ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган:

- ижодийлик, тасаввур, топқирлик;
- танқидий фикрлашга лаёқат ва мустақил танлай олиш;
- муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари топиш;
- жамият, мамлакатлар, атроф-муҳит муаммоларига бефарқ қарамаслик.

Дастур болаларда мазкур лаёқатларни ривожлантириш учун шундай ҳолатни ташкил этишни кўзда тутадик, унда болалар таълим жараёнини режалаштиришда марказий объект ҳамда субъект сифатида назарда тутилади. Дастур болаларга ўзининг:

- нарсаларни ўлчаш ва тортиш, кубиклар ёрдамида қурилишни амалга ошириш, ёғочга ишлов бериш, қум ва сув, блок ва чилвир билан ўйнаш, бўёқларни аралаштириш машғулоти ёрдамида **физик олам**;
- овқат тайёрлаш, китоб ўқиш, саҳна кўринишларини қўйиш, жамоатчилик тадбирларида қатнашиш ўйинлари ёрдамида **ижтимоий ва маданий ахборот**;
- ўлчаш, таққослаш, ҳисоблаш, нарсалардаги ўхшашликни аниқлаш, уларни тартибли ва давомли тизимлаш, навлар ва хилларга ажратиш ёрдамида **мантиқ ва математика қонунилари**;
- ўқиш, ёзиш, расм чизиш, айтиб туриш, эшитиш, ўз фикрларини ифодалаш ёрдамида **ёзма ва оғзаки нутқ** борасида ўз шахсий тушунчаларини ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Дастур асосида ривожланиш назарияси ётар экан, ўқув дастури марказига бола яхлит бир бутунлик сифатида олинади. Машғулотлар ривожланишнинг барча соҳалари: жисмоний; ижтимоий; ҳиссий ва билиш қобилиятни ривожлантириш бўйича ўтказилади. Дастурнинг мазмуни қуйидагиларни таъминлашга йўналтирилган:



· ҳаракатланиш, арқонга тирмашиб чиқиш, нарсаларни улоқтириш, қоғоздан ҳар хил шаклларни қирқиш, тикиш, расм чизиш, хат ёзиш, мустақил кийиниш воситасида **жисмоний ривожланиш**;

· тортишув ва келишмовчиликларни ҳал этиш, шахсий ҳис-туйғуни ифодалаш ва ҳаяжонни бошқара билиш, атрофдагиларга ғамхўрлик қилиш ва уларга ҳурмат кўрсатиш, ташаббускор фаолият кўрсатиш ва бошқаларнинг ташаббусини кузатиш, ўқув материалларидан биргаликда фойдаланиш ва уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, жамоа бўлиб ишлаш давомида **ижтимоий ва ҳиссий ривожланиш**;

· муаммоларни мустақил ҳал қилиш имкониятлари, туркумлаштириш учун турли нарсалардан фойдаланиш, уларни маълум бир тартибга солиш, мантиқий фикрлашни ривожлантириш, шахсий мулоҳазани ифодалаш асосида **билиш қобилиятини ривожлантириш**.

«**Болага йўналтирилган таълим**» дастури ривожланиш назариясига, ўқитишга конструктив ёндашишга ва таълимнинг илғор ғояларига асосланган. Дастур болаларда:

- уларни ўраб турган атроф-муҳитни ўрганиш учун етарлича вақтни;
- турли машғулотлар орқали: овқат тайёрлаш; ўқиш-ёзиш; кубиклардан қурилиш қилиш; саҳналаштириш; очиқ ҳавода фойдали меҳнат билан машғул бўлиш; ёғоч билан ишлаш; тупроқ ва сув билан ўйнаш; санъат; математика; табиий фанларга доир илк тушунчаларни ўрганиш имкониятларини;
- боланинг ўз ҳис-туйғулари устида фикр юритиши, хатолар қилишдан кўрқмаслиги, ўз ички зиддиятларини ҳал этиши учун хавфсиз жой танлашни;
- болаларнинг ўзлари қатнашадиган машғулотларни эркин танлаш имкониятини;
- болаларнинг ўз ишлари ва ясаган нарсаларини намоиш этиш учун кўпчилик назари тушадиган маҳсул жойни таъминлашга интилади.

«**Болага йўналтирилган таълим**» дастури доирасида қўлланиладиган ёндашишлар педагогларга қуйидагиларни кафолатлаш имконини беради, улар:

- болаларнинг ривожланиш жараёнини тушунадилар;
- машғулот ёки ўйин пайтида болаларни кузатишга вақт ажратадилар;
- болаларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган индивидуал ва гуруҳ бўлиб ривожланиш мақсадларини кўзловчи ишларни режалаштирадилар;
- нозик ва ўзгарувчан ўқув муҳитини яратадилар;
- болаларни ҳурмат қиладилар ва уларнинг ғояларига диққат билан муносабатда бўладилар;
- болаларнинг ўзлари ўртасида келиб чиққадиган муаммоларни ўзлари мустақил ҳал этишлари ва бир-бирларини ҳурмат қилишларига имконият яратадилар;
- болаларга уларнинг фикрлаш жараёнларини рағбатлантирадиган саволлар берадилар.

### ***Ёш гуруҳларининг тавсифлари***

Ҳар бир бола алоҳида ҳолда ўсади ва ривожланади, бироқ шунга қарамай барча болалар ривожланишнинг маълум кетма-кетликдаги босқичларидан ўтадилар. Ушбу

босқичларнинг ҳар бирида бир хил ёшдаги болалар учун умумий бўлган хусусиятлар кузатилади.

### **Уч ёшдаги болаларнинг умумий тавсифи**

3 ёшдан 4 ёшгача бўлган болалар бир вақтнинг ўзида тажовузкор, мулоийм ва қўпол бўлишлари мумкин. Улар ўзларини ўраб турган борлиқни тушунишга ҳаракат қиладилар. Уларда ўз шахсий хаёлларини аниқ борлиқдан ажратишлари қийин кечади. Улар ўз ҳаракатлари маълум оқибатларга олиб келишини тушуна бошлайдилар ва ўзлари учун хулқ-атвор борасида маълум бир чекловларни ўрнатишга ўрганадилар. Бунда ана шу ёшдаги гуруҳ болаларида бошқалардан фарқ қилувчи қуйидаги ҳолат намоён бўлади: ҳозирча улар тобе ва итоаткор эканлигини намоён қиладиган бўлсаларда, бир дақиқадан сўнг талабчан ва инжиқ бўлиб қоладилар.

Уч ёшли болалар нутқ кўникмаларини жадаллик билан ривожлантирадилар, бунда улар болалар учун хос бўлган тилдан меъёрий тавсифий тилга ўтиб-қайтиб турадилар. Улар қайсидир топшириқни ҳал қилиш чоғида ёки ўйин пайтида тез-тез овоз чиқариб, ўзлари билан ўзлари гаплашадилар. Бундай ёшдаги болаларда катта қувват (энергия) заҳираси бўлади, бироқ улар бу қувватни узоқ вақт бир ишга жалб эта олмайдилар. Одатда бундай болалар тез-тез бир машғулотдан иккинчисига ўтиб турадилар. Улар алоҳида ҳолда ва гуруҳда ўйнайдилар. Оила аъзоларини ҳисобга олмаганда тарбиячи бола мустақкам боғланиш ҳиссини туядиган биринчи катта ёшли кишидир.

### **Тўрт ёшли болаларнинг умумий тавсифи**

4 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар кўпинча ўзларини ҳар нарсага қодир ҳис этадилар ва ҳар қандай янги муаммоларни ҳал этишга киришадилар. Бошқа кичик ёшдаги болалардан фарқ ўлароқ, бу ёшдаги болалар барча қатнашчиларга ўзаро тушунарли бўлишини талаб этадиган мураккаб гуруҳ ўйинларини ўйнайдилар. Улар ҳамдардлик намоён этадилар, ўзлари ва бошқа кишиларнинг ҳис-туйғулари тўғрисида сўзлай оладилар.

Бу ёш гуруҳидаги болалар чеклашларни текширувдан ўтказадилар ва шунга мос тарзда ўз хулқ-атворларига маълум бир тузатишлар киритиб боради. Уларнинг ўзлари осонгина ёлгон гапирадилар, бироқ катталар ёлгон гапирганларида қаттиқ ранжийди.

4 ёшли болаларнинг диққатни бир ерга жамлаб олишлари мумкин бўлган оралиқ вақт аввалгига нисбатан қисқа бўлса-да, улар муаммоларни ҳал этиш учун маълум тажрибага эгадилар. Агар машғулот мавзуи улар учун қизиқарли бўлса, болалар диққатни бир жойга узоқ вақт жамлаб тура оладилар. Бундан ташқари улар бир машғулотдан олган тажрибаларини бошқа машғулотга кўчирган ҳолда уларни умумлаштириш қобилиятига эгадилар.

Бу ёшдаги болаларни ўз таналари ва бошқалар таналарининг жисмоний ҳолати жуда қизиқтиради: улар таналаридаги тирналиш ва шилинишлардан жуда хавфсирашлари, ташвишланишлари мумкин. Улар кўп нарсалардан қўрқадилар, қўрқинчли тушлар кўрадилар.

4 ёшли болаларда умумий ҳаракатланиш (моторика) соҳасидаги кўникмалар тез ривожланади, улар жисмоний фаолликни доимий равишда намоийш этадилар, қуввати тугамайдигандай туюлади. Уларнинг луғат заҳираси кенгайди, болалар тўғри тузилган

жумлалар билан гапирадилар ва анча мураккаб грамматик қурилмалардан фойдаланадилар.

### **Беш ёшдаги болаларнинг умумий тавсифи**

5 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар аксарият ҳолларда ёқимтой бўладилар ва катталарга ёқишга интиладилар. Улар етарли даражада ижтимоийлашган ва бир вақтнинг ўзида 3-4 нафар тенгдошлари билан ўйнайдилар. Болалар бу ёшда ўйин бўйича ўроқлари ўз ҳамжинслари бўлишини маъқул кўрадилар. Уларда юмор туйғуси мавжуд бўлиб, тез-тез жўнгина ҳазилларни ўйлаб топадилар ва уларни қайта-қайта такрорлайдилар. Уларга ўйнаш ёқади, бироқ, улар албатта голиб бўлишни истайдилар ва устунликка эришиш учун ўйин давомида ўз манфаатига тез-тез қоидаларни ўзгартирадилар.

Бундай ёш гуруҳидаги болалар диққатни узоқ вақт бир жойга жамлашлари мумкин. Уларда фикрлаш ва муаммоларни ҳал этиш кўникмалари нисбатан юқори даражага кўтарилади. Бола топшириқни бажаришга чоғланиши мумкин ва уни белгиланган талаблар асосида удалашга ҳаракат қилади. Беш-олти ёшли болаларда нутқ яхши ривожланган бўлади: улар гапиришни, сўз ўйинларини яхши кўрадилар ва уларни аниқ ифодалайдилар. Улар анча мураккаб жумлалар билан гапирадилар ва нутқий хатоларни ўзлари тузатадилар.

Бундай ёш гуруҳидаги болалар жисмоний жиҳатдан олганда жуда ҳаракатчан бўлади, улар жисмоний машқлар ва мунтазам спорт машғулотларига қизиқа бошлайдилар. Уларнинг ҳаракатланиш (моторика) кўникмалари такомиллашади: улар кийиниш; қоғоздан ҳар хил шаклчалар қирқиш; расм солиш ва ёзишда камроқ қийинчилик сезадилар.

Бола ўзининг ўтмишига тушунган ҳолда муносабатда бўла бошлайди, унга катталар томонидан «улар ҳали кичкина бўлган» вақтдаги турли тарихлар ҳикоя қилинишини ёқтиради.

Болалар 5-6 ёшларида навбати билан ҳали кўнгилчанлик, ҳали кўнгилсизликни намоийш этади, ҳолатини сўзма-сўз ва аниқ ифодалай оладилар. Уларга ташкилий тизим ва давомийлик ёқади.

## Меъорий ривожланиш мундарижаси (схемаси)

Харакатланиш кўникмалари		Коммуникатив кўникмалар		
Умумий ҳаракатланиш (моторика)	Нозик ҳаракатланиш (моторика)	Нутқни тушуниш	Фоол нутқ	
<b>24-36 ойлар</b>	Тўғрига яхши югуради	4 та катта мунчоқни нинга тиза олади	Айтиладиган нарсаларнинг шаклини кўрсатади	Икки-тўрт сўзли жумлаларни айта олади
	Жойида сакрайди (оёқлар бир жойда)	Китоб бетларини битталаб varaқлайди	Нарсани унинг бажарадиган вазифаси ифодаланиши бўйича айтиши мумкин	«Нима» ва «қаерда» сўзлари билан саволлар беради
	Қўллаб-қувватлаб турган пайтда бир оёқда туради	Қайчи билан қирқади	«Нима» ва «қаерда» сўзли саволларни тушунади	Инкор сўзлари билан жумла тузади (Масалан: «Оча олмайман»).
	Оёқ учида юради	Қаламни муштида эмас, бармоқлари билан тутади.	«Йўқ» «қила олмайман», «қилмайман» деган инкор сўзларини тушунади.	Эҳтиёж ва истагини айта олади
	Турган тўғри олдига қараб тепади	Қўн ҳолларда бир қўлдан дадил фойдаланади	10-15 дақиқа давомида оддий эраткларни қизиқини билан тинглайди ва яна бир марта ўқини сўрайди.	Қўнлик сон шаклидан фойдаланади
	Баландини 15 см. ли тўсиқдан сакраб, икки оёғини бирга қилган ҳолда ерга қўнади	Айлана шаклидаги, тик ва горизонтал чизиқларни чиза олади	Нарсаларни ичига, устига, остига, ён томонга жойлаштиради	
<b>36-48 ойлар</b>	Тўғридан айланиб ўтади	Лойни зувалалайди, қоради, буқади	Суратларда ҳаракат ифодаланишини кўрсатади (овқатланиш, ухлан, югуриш)	
	Тўғридан айланиб ўтади	9 кубикдан минора қуради	«Агар... ўша» ва «шунинг учун» сўзларини тушунади	4-5 сўзли жумлаларни айта олади.
	Бир оёғида 5-10 секунд тура олади (мувозанатни сақлайди)	Лойдан шар, колбасачалар, пирожкалар ясайди	2-3 ўзаро боғланган буйруқ (команда)ларни бирин-кетин бажаради	Ўзининг ўтмиш таассуротлари тўғрисида сўзлай олади
Бир оёғида сакрайди	Оддий ишларни бажаришда икки қўли билан ҳаракат қилади (банка қоңқонини бураб очади), тухум	«Кел, муғомбирлик қиламиз», дейилса, уни тушунади.	Ўтган замон оддий шаклини қўллаш олади	
Филдиракли ўйинчоқларни судрайди, итаради, бошқаради				

**36-48  
ойлар**

Унга ташланган тўпни сакраган ҳолда тутиб олади.

Зина бўйлаб оёғини навбати билан қўйган ҳолда 4-6 поғонага тушади

Уч вилдиракли велосипедда юра олади (рулни бошқаради, педални айлантиради)

Олдинга умбалоқ ошади.

қорғичнинг дастагини тутади ва айлантиради, миҳ ва кнопкаларни суғириб олади)

Қоғозни қирқади

Ўзи тўғрисида «мен», «мени» дея олади

Хотирасидаги битта болалар шеърини айта олади ва қўшиқ куйлайди

Нутқи ташқи одамларга тушунарли, айтилишида ҳали хатолар мавжуд

«Нима», «ким», «нима учун» деган саволлар беради

«Ким» «нима учун», «қандай» деган саволларга жавоб беради.

**24-36  
ойлар**

Когнитив кўникмалар	Ўзига ўзи хизмат кўникмаси	Ижтимоий кўникмалар
Оддий буйруқ (команда)ларни бажаради (масалан: «Менга тўп ва кубикни бер», «ботинка ва пайпоқни ол»)	Ўзи нима иш қилаётганлигини сўзлар билан қисқа ифодалани мумкин	Қошиқдан фойдаланади, ундаги суюқликни кам чайқалтириб тўқади
Суратли китобчаларни танлайди ва кўз ташлайди, чизилган нарсаларнинг номини айтади, битта расмда бир қанча нарсаларни ажратади	Харакатлар билан катталар ишини ифодалайди (масалан: уй бекаси ўйини ўйнайди)	Болаларга мос ҳажмдаги дастали идишдан сув ичади
Кўлини текизган ҳолда 1-3 нарсани санайди	Чекланган эътибор ҳажмига эга, асосан тажрибали йўл билан таълим олади	Тугмасиз оддий кийимларни ечади
4 хил рангни танлайди	5 та ўйинчоқдан вазифаси бўйича фойдаланади	Тугмали палтони катталар ёрдамида кияди
Таниш бўлмаган ўйинчоқ билан ўйнашни синаб кўради	Катта/кичик нарсаларни кўрсатади	Ёрдам билан қўлини ювади ва артади
		Ёрдам билан ҳожатхонадан фойдаланади
		Кун вақтини назорат қилади
		Ўйинчоқларни / нарсаларни йиғишда катталарга ёрдам беради
		Болаларни кузатади улар билан қисқа муддат ўйинга киришади
		2 муқобил ҳолат бўлганда танлай олади
		Ўз шахсий мулкни ҳимоя қилади
		Уйда ўйнашни бошлайди, оддий ролли ўйинларида қатнашади
		Гуруҳнинг оддий ҳаракатларида (қуйлаш, сакраш, ўйнаш) 5-10 дақиқа (минут) қатнашади
		Жинсни ажрата олади
		Агар кимдир эслатса, навбатта мустаҳкам риоя қилади

**24-36  
ойлар**

Ўз ташаббуси  
бўйича якка ҳолда  
15 дақиқа ўйнайди

Ҳаракат, сўз, имо-  
шпора воситасида  
турли ҳис-  
туйғуларни  
ифодалай олади

**36-48  
ойлар**

4 рангни айтиб бера олади	Нарсаларнинг вазифаларини яхши англайди ва гуруҳлашни яхши бажаради (қўғирчоқ сақланадиган мебелни ўйинчоқлар уйида тўғри жойлаштиришни билади, расмларни категориялари билан жойлаштиради)	Кичик кўзачадан яхши сув сепида	10-15 дақиқа кичик гуруҳларнинг ишида қатнашишга рухсат сўрайди (Катталар раҳбарлиги остида)
Кубикларни ёки ҳалқани устунгача атайлаб жойлаштира олади	Ўтмиш ва ҳозирни фарқлай бошлайди (масалан: «Кеча биз истироҳат боғига бордик. Бугун биз кутубхонага борамиз»).	Ўз кийимидаги тугмаларни ўтказидади ва ечади.	15 минут 2-3 бола билан ўйнайди (улар билан тез-тез ўзаро ҳаракат қилган ҳолда)
Муаммоларни фарқлай олади ва аниқлайди		Қўлини ўзи ювади	
2-3 элементдан иборат бадий машқларни бажаради		Ҳожатхонага ўзи кириб чиқади	
Одий жавобларни кутган ҳолда <u>нимага</u> ва <u>қандай</u> деган саволларни беради		Қошиқдан, санчқидан, дастали пиёладан фойдаланиб турли овқатларни ўзи ея олади	Истаги амалга ошириш ёки ошмаслигини 5 дақиқа кутади
7 та нарсани санай олади		Оёқ кийимини ўзи кияди	Гуруҳда ҳуққ-атворнинг 3 қондасини мустаҳкам бажаради
Ўз ёшини билади		Агар нимадир тўкилган бўлса ўзи сунуриб олади	
Агар унинг вазифалари айтилса, тананинг 6 азосини айтиб беради		Идишдан ва шариллаб оқадиган сувдан ўзи ича олади	
Нарсаларни бир белгиси бўйича гуруҳлаштиради (ранги, шакли, ҳажми)		Ўйинчоқларини ўзи йиғиштиради	
Бирга ишлатиладиган нарсаларни жуфти билан танлаб олади ва айтиб беради (тиш шчоткаси учун нима керак)		Тенгдошлари ва катталар билан жуфт бўлиб биргаликда ҳаракат қила олади	
		Ўйинчоқлар, материаллар ва овқатни баҳам кўради	
		Бутун бир саҳнани ўз ичига олувчи мазмунли ролли ўйин бошланади (саёҳат, уйда ўйин, ҳайвонлар билан ўйин)	
		Бошқаларнинг нарсаларидан фойдаланишга рухсат сўрайди.	

	Ҳаракатланиш кўникмалари		Коммуникатив кўникмалар	
	умумий моторика	позик моторика	нутқни тушуниш	фаол нутқ
<b>48-60 ойлар</b>	Товон билан орқага юради	Чизиқ бўйича тўғри қирқади	3 та бир-бирига алоқасиз командаларни (буйруқларни) тўғри тартибда бажаради	Қачон, қандай, нимага саволларини беради («Мен шоколадни, қуруқ пирожнийни ва сутни яхши кўраман»)
	Йиқилмасдан олдинга 10 марта сакрайди	Квадратдан нусха кўчира олади	Солштиришни тушунади (чиройли, чиройлироқ, ўта чиройли)	жумласини бирлаштиради
	Тиқма тўшни бошқага 1-2 м масофадан иргитади	Бир неча босма бош ҳарфларни ифодалайди	Нутқий кўрсатамалрни ўйинда мужассамлаштиради	Шунинг учунким ва учун сўзларидан фойдаланиб, сабабият тўғрисида фикр юргизади
	Теннис тўшнни 1 м. масофадан илиб олади	Бармоқ ўйинларида алоҳида бармоқлар билан ҳаракат қилади	Унга баён этилган воқеаларнинг изчиллигини тушунади (масалан: «Дастлаб дўконга борамиз, кейин пирог пиширишимиз мумкин, эртага эса уни еймиз»)	Доимий бўлмаган феъл ва отлардан фойдаланади
		Оддий, билиб бўладиган расмчаларни чизади	Оралиғида, устида, остида, баландида, пастидигини кўрсатади	Таниш отларга аниқлик киритади
		Чаплайди ва елимлайди		Тилдан фойдаланишнинг турли-туманлигини намоийш этади (ахборот олиш, ахборот узатиш, фантазия қилиш, фикрни ифодалаш)
<b>60-72 ойлар</b>	Брусда олдга, орқага, ёнга юради	Оддий шаклларни қирқади		Бола грамматикаси катталар грамматикасидан оз фарқ қилади
	Оёқ учида енгил югуради	Учбурчакдан нусха кўчира олади		От билан феълни келиштиришда ва феълларнинг нотўғри шаклидан фойдаланишда яна хатolikка йўл қўяди
	2 м сакраши мумкин			Сўзлашувни қўллаб-қувватлаши мумкин
	Арқонда сакрайди	Босма ҳарфлар билан ўз исмини аниқ қилиб ёзади		Яқинлар, дўстлар ва нотаниш кишилар билан яхши муносабатда бўлади
	Ўзи тебранади			Одатда 10-15 минутлик гуруҳ фаоллиги пайтида битта саволга жавоб беради
	Тўшни эгаллашнинг иккита мураккаб кўникмасини намоийш этади (тўшни ерга уриш ва тўтиб олиш, тўрни қаттиқ уриш)	1 дан 10 гача бўлган рақамларни ёзади	Контурни четига чиқмасдан бўйяди	
	Қаламни тўғри тутади	Асосий иш юритувчи қўл аниқланди		

	Когнитив кўникмалар	Ўзига ўзи хизмат кўникмалари	Ижтимоий кўникмалар	
<b>48-60 ойлар</b>	Қофиядош сўзларни танлаб олади	Ўз шаҳри ва кўчасини билади	Пичоқ билан юмшоқ озиқ-овқат маҳсулотларини кесади ва суртади	Оддий стол усти ўйинлари ўйнайди
	Одамнинг таниш мумкин бўлган бош қисмини, кўлларини, оёқларини (қисмини) чизади. Бу қисملарни айтиб беради ва ўзида кўрсатиши ҳам мумкин.	Диққат ҳажми ошади Катталарни кузатиш ва уларни эшитиш, шунингдек, синаб кўриш йўли билан ўрганади	Ботинкаси ишини ўтказади Катталар бўлмаган пайтда ўзи кийина олади	Мавзули-ролли ўйин янада аниқроқ ва қизиқарлироқ бўлиб қолди, ўйинда ҳар бир нарса, вақт, кенглик ҳисобга олинади
	Тўшунарли бўлган расмларни чизади, айтади ва изоҳлаб беради	Диққати енгил бўлинади Вақт тўғрисидаги тасаввурни кенгайтиради	Агар эслатилса бурнини қоқади	Алмаштириш, ишонтириш ва муҳокама қилиш ёрдамида тенгдошлар билан зиддиятларни ҳал этади
	Бир-бирига қарама-қарши бўлган 4 та мисолни келтириши мумкин (муз-совуқ, олов-ессик)	Кеча, ўтган ҳафтада, аллақачон, бугун, эртани фарқлай олади.	Назорат остида тишини тозалайди	Яқиндаги воқеалар, таассуротлар тўғрисида сўзлаб беради
	Ҳодисаларнинг ёки ҳикоянинг нима билан туташини олдиндан айтиб беради	Нарсалар сонини аниқ кўрсатади (1-5) Эртақдаги 3 та асосий бор гапни айтиб беради	Эслатиш билан кундалик маиший тошшириқлардан бирини бажаради	Яқиндаги воқеалар, таассуротлар тўғрисида сўзлаб беради
	Айрим ҳарф ва рақамларни айтади			Тенгдошларининг ҳис-туйғу сабабларини ифодалаб беради
<b>60-72 ойлар</b>	Тарихни китобчадан зеҳний аниқликда айтиб беради	Соат вақтини кун тартиби билан солиштира бошлайди	Тўлиқ кийина олади	Кучлар бўйича тошшириқларни яхши удалайди
	1 дан 10 гача бўлган рақамлар ва ҳарфларнинг кўпини айтиб беради	10 та маълум сўзни ўқийди	Пойабзали ишларини боғлайди	Бегона нарсаларга эҳтиётлик билан муомалада бўлади
	Нарсаларни 12 гача санайди	Диққат ҳажми сезиларли даражада кенгайтиради	Мустақил тарзда тишини тозалайди	Биринчи танбехданоқ ноўрин ҳаракатларни бас қилади
	Қайчидан, мўйқаламдан ва бошқа ўқув қуролларидан фикрлаган ҳолда фойдаланади	Ўйинда ҳам катталар кўрсатмаси изидан бориб таълим олади	Кўчани кесиб ўтади Бўтқа ёки сарёв қутиси қопқоғини ёпади	Мусобақа ўйинлари ўйнайди
			Сочини тарай олади	Мусобақа ўйинлари ўйнайди



**60-72  
ойлар**

Агар айрим сонни мазкур беш нарсага қўшсак (ёки айирсак) нечта бўлади деган саволга жавоб беради

Айримларни, кўпчиликни ҳаммани биринчи, ўрта, охиригини кўрсатиши мумкин

Агар қизиқса чалитувчи омилларга эътибор бермаслиги мумкин

Вақт тушунчаси ўтмиш ва келажакни йирик воқеалар терминларига қўшиб олишни бошлайди (ҳайит байрами икки дам олишдан сўнг бўлади)

Нарсаларнинг бир-бирига нимаси билан ўхшashi ва нимаси билан фарқ қилишини кўрсатиши мумкин

Ўн ва ундан ортиқ элементлардан қирқиб олинган расмларни тузади


Дўстларини мақтайди ва қўллаб-қувватлайди, ёрдам беради

Ўзининг ноёблиги ва лаёқати ҳақида ижобий фикрларни айтади

Ўзига яраша топшириқларни ўзи ҳал эта олади

Мустақил фаолият билан 20 минут (дақиқа) шуғулланади

Хулқ-атвор қоидаларини ўриатади ва 5 қоидага доимий равишда амал қилади



**ОИЛАНИНГ ДАСТУРДАГИ  
ИШТИРОКИ**



### III боб. ОИЛАНИНГ ДАСТУРДАГИ ИШТИРОКИ

#### Фалсафа

Ёш болалар ҳаддан ташқари ўз оиласига боғлиқ бўлади, чунки оила:

- яшаши, еб-ичиши, кийиниши, соғлиги ҳақида қайғуриш орқали уларнинг жисмоний соғ-саломатлигини;

- меҳр-муҳаббат, қўллаб-қувватлаш, нима яхшию нима ёмонлиги тўғрисида доимий равишда мулоимлик билан эслатиб туриш воситасида ҳис-туйғуларининг жўшқинлигини;

- мулоқот қилиш, эмаклаш, юриш, югуриш, тирмашиш, ўйнаш, шунингдек, янги таассуротлар олиш имкониятлари билан уларнинг камол топиши учун шарт-шароитларни таъминлайди.

Мактабгача таълим муассасалари ходимлари оилани боланинг илк тарбиячиси сифатида қабул қилиб, унинг устувор мавқеини эътироф этишлари жуда муҳим. Бола мактабгача таълим муассасаларига қатнай бошлагунига қадар оила унга пиёла (коса)дан қандай фойдаланишдан тортиб, тўп улоқтиришгача бўлган кўпгина нарсаларни ўргатган, эртақ эшитишдан завқ олиш кўникмасини ҳосил қилган бўлади. Мактабгача таълим ота-оналарга дастурнинг барча босқичларида иштирок этиш имкониятини берган ҳолда, оила ва боланинг худди шу илк муносабатлари асосига қурилади.

«Болага йўналтирилган таълим» дастури болаларнинг мактабгача таълим муассасасида билим олиш фаолиятини бойитиш ҳамда боланинг уйда ўрганганлари ва оилада пайдо бўлган қизиқишларидан фойдаланиш учун ота-оналарни жалб қилиш фавқулодда муҳим аҳамиятга эга эканлигига ишонтаришга асосланади. Икки тарбия муҳити — оила ва мактабгача таълим муассасасининг бундай бир-бирига кўмаклашиши вояси ўзаро ёрдам ва биргаликдаги ҳаракатга асосланган дастурни қўллаб-қувватлашда ўз аксини топади. Бу ҳамкорлик қанча эрта бошланса, бола учун шунча яхши.

Боланинг илк ривожланишида оиланинг аҳамиятини етарли баҳолаш жуда қийин. Болалар оилада тарбияланади, унда содир бўладиган воқеалар уларга катта таъсир кўрсатади. Оила, бу — ўз болалари ҳаётида доимий равишда иштирок этадиган, улар тўғрисида қайғурадиган, уларни ўқитадиган, қарорлар қабул қиладиган одамлар жамоаси.

Оилалар турлича бўлади: кичик; унча катта бўлмаган ёки катта; кенг бўлиши мумкин. Уларда кўплаб ака-ука ва опа-сингиллар ёки биргина бола бўлиши ҳам мумкин. Баъзида бола асраб олинган бўлади ёки қариндошлари билан яшайди. Бола ота-онасидан ташқари, амма-хола, амаки-тоға, бобо ва буви, оиланинг яқин дўстлари каби кўплаб ўзи учун ҳурматли бўлган катта ёшдаги кишилар билан мулоқотда бўлиши мумкинлиги сабабли ота-оналар билан алоқа ўрнатишдан ташқари бола ҳаётига реал таъсир кўрсатадиган бошқа кишилар билан ҳам ҳамкорлик ўрнатиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Оилалар ўз болаларининг ҳаётида биринчи даражали рол ўйнашларига қарамай, улар уюшмалар ва дастурларнинг ёрдами ва имкониятларига муҳтож бўлишади. Оилалар, бу — соғлом, билимли ва меҳрибон болаларни тарбиялашнинг муҳим омилли

бўлса-да, уларнинг ижтимоий мавқеи, жамиятда тутган ўрни, қолаверса иқтисодий аҳволи бола учун бундай шароитларни яратиб бериш маъносида имкониятлари ҳар хил. Шуни назарда тутган ҳолда «Болага йўналтирилган таълим» дастури бўйича ишлайдиган муассасалар самарали фаолият кўрсатишлари учун ўзлари тарбиялаётган болаларнинг биринчи даражали вазифалари, қизиқишлари ва муаммоларини билишлари, уларнинг оилалари ва яқин кишилари ҳақида тасаввурга эга бўлишлари керак.

### ***Оилаларнинг дастурда иштирок этишининг фойдалари***

Ота-оналарни мактабгача таълим муассасаси фаолиятига жалб этиш болалар учун ҳам, ота-оналар учун ҳам, мактабгача таълим муассасалари учун ҳам фойдали ҳисобланади. Қўйида оилаларнинг иштироки қатнашчилардан ҳар бирига эмоционал ва жисмоний жиҳатдан қандай фойда келтириши кўрсатилган.

Эмоционал жалб қилинганлик ўзни:

- яхши;
- сермахсул;
- ғайратли ва янги ҳаётий вазифаларга тайёр;
- бахтли ва қувноқ;
- бошқаларга ёрдам берувчи;
- гуруҳга алоқадор деб ҳис қилишга имкон беради.

Жисмоний жалб қилинганлик:

- янги қобилиятларни шакллантириш;
- ташвишларни унутиш;
- кулиш ва хурсанд бўлиш;
- бўшашиш;
- бошқа кишилар билан танишиш;
- руҳий зарбаларни енгиб ўтишга имкон беради.

### **Кўрсатмалар**

Одатда, тарбиячилар ҳам, оилаларнинг аъзолари ҳам мактабгача таълим муассасасига қатнаш бўйича ўзларининг бой тажрибаларига эга ҳисобландилар. Бу тажриба уларнинг тарбиячилар ва ота-оналарнинг ишни биргаликда ташкил қилишлари масаласига ўз таъсирини кўрсатади. Кўпгина халқларда оила ва мактабнинг роли, бу сўзнинг кенг маъносида, бир-биридан ажратилган. Ота-оналар болаларини мактаб эшигида қолдирадилар ва бу эшик ортида нималар бўлиши ҳақида жуда оз нарса биладилар. Тарбиячилар болага унинг боғчада бўлган даври учунгина жавоб беришга кўникадилар, бунинг учун улардан оилалар билан ўзаро алоқа ўрнатиш талаб қилинмайди. Бундай тажриба одатта айланган маданиятларга оиланинг фаол иштироки концепцияси мутлақо маълум бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун тарбиячилар ҳам, ота-оналар ҳам қандай қилиб ахборот алмашув, ҳамкорликда режалаштиришни амалга ошириш, болалар гуруҳида биргаликда ишлашни билмасликлари мумкин ва бунинг натижасида янги талаблар олдида ўзларини ноқулай ҳис қилишади. Бундай шароитда тарбиячилар ва ота-оналарга мактабгача таълим муассасалари ҳаётига оилани жалб қилишнинг аҳамиятини тушунтириш бирмунча қийин кечиши эҳтимолдан холи эмас.

Хатто, оилани жалб қилиш бўйича баъзи бир тажрибалар жамланган дастурларда ҳам ота-оналарнинг иштироки тарбиячиларда уларнинг устида хавф пайдо бўлгани, улар жиддий кузатиш объектига айланганликларини ҳис қилишлари натижасида нотўғри хатти-ҳаракатларни келтириб чиқариши мумкин. Тарбиячиларда улар албатта «идеал» бўлиши кераклиги ҳақидаги тўғри вужудга келиши, юз бериши муқаррар хатолар ёки воқеаларнинг бир-бирига тўғри келиб қолиши туфайли хавотир пайдо бўлиши аҳтимолга яқин. Баъзида ота-оналар тарбиячилар билан болаликдан қолган ёмон муомалада бўлиш тажрибасига эга бўладилар ва шунинг учун мактабгача таълим муассасасида ўзларини ноқулай ҳис этадилар. Уларда дастурга нисбатан шубҳаларини баён қилиш ёки қандайдир саволлар беришда қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Лекин ота-оналар орасида мактабгача таълим муассасасида бўлиш бўйича ниҳоятда ижобий тажрибага эга бўлганлари ҳам бўлади ва шунинг учун ҳам улар мактабгача таълим муассасаси ҳаётига осонлик билан киришиб кетадилар.

### **Ўзаро жавобгарлик**

Тарбиячилар ҳам, ота-оналар ҳам ҳамкорлик руҳини ривожлантирган ҳолда ўзларига биргаликда ҳаракат қилиш мажбуриятини оладилар. Алоқада бўлиб туриш, ўзаро ҳурмат, тафовутларни қабул қилиш ва биринчи навбатда, бола қизиқишларининг муҳимлигини эътироф этиш самарали ўзаро ҳаракат учун асос яратади. Оилалар аъзолари ва мураббийлар жамоаси ўртасидаги муносабатларнигина ўзгартириш ҳаммиша ҳам кифоя қилмайди, юқори даражадаги ҳамкорликни йўлга қўйиш учун баъзида мураббийлар ҳам, ота-оналар ҳам ўзларида янги қобилият ва малакани ривожлантиришлари керак бўлади.

### **Ҳамкорлик имкониятлари**

Оилалар аъзоларига дастур ишида иштирок этишлари учун кўплаб турли-туман имкониятлар тақдим этилади. Оилаларга ташриф ота-оналар учун қулай бўлган вақтга белгиланади ҳамда тарбиячиларга болалар ва ота-оналар билан улар учун одат бўлиб қолган вазиятда танишиш имконияти яратилади. Ота-оналарга уларнинг болалари қандай ишлаётгани ва ўйнаётганини кўришлари учун хоҳлаган пайтда гуруҳни келиб кўриш имконияти берилади. Уларни гуруҳда болалар билан биргаликда шуғулланишга таклиф қилишади, тарбиячи ўзаро ахборот алмашув мақсадида уйга бериб юборадиган болалар дафтарлари тўғрисидаги фикрларини билдиришни сўрашади. Ота-оналар тарбиячиларни туғилган кунлар, янги иш, қариндошларнинг меҳмон бўлиб келиши ёки қўшни шаҳарга саёҳат қилиш каби алоҳида оилавий воқеалар тўғрисида хабардор қилишса, бу воқеаларни болалар билан синфда муҳокама қилиш имконияти пайдо бўлади.

Тарбиячилар ва ота-оналарнинг биргаликда ишлашлари ва мулоқот қилишлари учун имкониятларнинг кўплиги ва турли-туманлиги ҳар бир оиланинг шахсий қизиқишлари ва яхши деб билган талабларига жавоб берувчи шаклларни ишлаб чиқишга имкон яратади. Масалан, ота-оналар кўп ишлашлари ва гуруҳларнинг кундалик ҳаётида доимий иштирок этиш учун етарли даражада вақт топмасликлари мумкин. Бундай шароитда алоқаларни осонлаштириш мақсадида ноодатий усуллар,

чунончи, гуруҳда ҳар уч ойда бир марта шанба кунлари ташкил қилинадиган оилавий тушликларни тadbир сифатида таклиф этиши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, тарбиячилар ота-оналарга энг эса қоладиган ишлар тўғрисида ҳикоя қилувчи махсус мактубларни жўнатишлари мумкин. Ота-оналарнинг бандлиги туфайли айрим оилаларда болалар ҳақидаги ташвишни бобо ўз зиммасига олса бўлади. Ҳафтада бир марта пазандалик машғулотларида қатнашиш болага ҳузур бағишлаши табиий. Бу унга ўзини оиладан узилган деб ҳис қилмаслик имкониятини беради, бобо эса тасаввур ҳосил қилиш ва ота-оналарга уларнинг болалари мактабгача таълим муассасасида нима билан шуғулланаётгани тўғрисида гапириб бериш имкониятига эга бўлади.

### **Мулоқот**

Бола воситасида оила билан мулоқот қилиш – мураббийлар жамоаси мажбуриятларининг муҳим қисми ҳисобланади. Барча оилалар ўз болаларининг бахт-саодатидан манфаатдор ва уларнинг яхши ва мамнуният билан ўқишларини истайдилар. Эҳтимол, мактабгача таълим муассасалари – боланинг оиладан ташқаридаги илк тажрибаси. Шунинг учун оила аъзолари унинг ютуқларидан хабардор бўлишни хоҳлайдилар. Педагоглар ота-оналар билан бола ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштириш ва имкон қадар самарали ишлаш учун боланинг уйдаги ва мактабдаги ўқишлари, унинг кучли ва заиф томонларини, ташвиш туюдирадиган барча жиҳатларни мамнуният билан муҳокама қилишлари керак.

Мулоқотлар очиқча ва ишончли бўлиши учун албатта вақт талаб қилинади. Айрим ота-оналар мактабгача таълим муассасасида бўлиш борасида ўз салбий тажрибаларига эга бўлиб, тарбиячилар даврасида баъзан ўзларини ноқулай ҳис қилишади. Бошқалар эса тарбиячилар «қандай бўлиши керак»лигини ҳамиша биладилар, деб ҳисоблайдилар ва улар билан музокара олиб боришга эҳтиёж йўқ, деб ўйлайди. Шунингдек, тарбиячиларда ҳам баъзан болаларни қандай тарбиялаш тўғрисида маслаҳат берадиган ота-оналар билан алоқада бўлишга нисбатан салбий тажриба бўлади. Бундай ҳолатлар мўътадил алоқа ўрнатишга халақит бериши мумкин. Оиладан олинадиган маълумот қанчалик муҳимлиги ҳақида аввал бошдан ота-оналар билан гаплашиб олиш ва буни уларга тушунтириш зарур. Диққат билан эшита билиш – очиқча мулоқотнинг муҳим шarti. «Вали уйда нима билан шуғулланишни яхши кўради?» ёки «Нилуфар мактабгача таълим муассасаси ҳақида сизга нималарни ҳикоя қилади?» каби очиқ саволларни бериш билан сиз ота-оналарга ўз болалари тўғрисида ҳикоя қилишлари учун имкон яратинг. Мулоқотга киришар экан, тарбиячилар ота-оналар учун тушунарли, равшан бўлган тилдан фойдаланишлари ва уларга савол бериш имкониятини беришлари керак.

### **Оилалар билан алоқа қилиш тамойиллари**

- Вақт топинг, имконият яратинг ҳамда ота-оналарнинг ўз фикр-мулоҳазалари, қувончлари, ташвишлари ва ниятларини гапириб беришларини қўллаб-қувватланг.
- Кўз кўзга тушиб суҳбат қилиш мумкин бўлган жойни танланг ва маълумотларга ҳамиша махфий сир сифатида муносабатда бўлинг.
- Оилалар тарбиячилар билан энг шахсий маълумотларни ўртоқлашадилар, бинобарин, уларни сир сақлаш муҳим. «Болага йўналтирилган таълим» дастури махфийлик принципига асосланади ва бунга ходимлар ҳам, оилалар ҳам риоя қилишлари керак.

Мақтабгача ёшдаги болалар ва уларнинг хатти-ҳаракати юзасидан оилалар ва мураббийларнинг эркин ва очиқча алоқаси ниҳоятда муҳим. Мақтабгача таълим муассасаси ва оила бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ ва улар ўртасидаги алоқа қанчалик яхши йўлга қўйилса, бола шунча кўп ёрдам олади ҳамда унинг илк таълим тажрибаси муваффақиятли бўлиши эҳтимоли ортади. Тивиз иш шароитида доимий алоқа учун вақт топиш ҳаминша ҳам осон эмас, лекин тарбиячилар боланинг муваффақиятлари учун уни жуда муҳим деб ҳисоблашса, у кундалик ишнинг бир қисмига айланади.

### **Натижалар**

Тажриба қутилган натижа ёки оила ва педагоглар жамоасининг мақсадлари ҳаминша ҳам ўзаро мувофиқ келмаслигини кўрсатади. Шунинг учун болани қабул қилиш чоғидаёқ ота-оналар билан мазкур мақтабгача таълим муассасасининг фалсафасини муҳокама қилиб олиш ва бу ҳақдаги суҳбатни бутун йил мобайнида давом эттириш керак. Қарашлар ва қутилаётган натижа борасидаги тафовутлар ўзаро бир-бирини тушунмаслик ва алоқанинг бузилишига олиб келиши мумкин. Бола таълим жараёнида нимани ўрганиши ва ота-оналар учун «муваффақият» нимани билдиришига қараб уларнинг нимани кутишларини аниқлаб олиш муҳим. Ўқув йилининг бошида бу нарсани муҳокама қилиб олиш келгусидаги алоқаларни йўлга қўйишга ёрдам беради.

### ***Оилалар билан мулоқот қилиш стратегиялари***

Ушбу бўлимда расмий ва норасмий равишда ўзаро мулоқот олиб боиш стратегияси бўйича намуналар тақдим этилади. Одатда, ишда турли тоифадаги оилаларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида ёндашувларнинг ранг-баранг бўлишига эътибор қилинади.

### **Норасмий мулоқот стратегиялари**

#### **Келиш ва кетиш вақти**

Ишлайдиган ота-оналарда кўпинча бўш вақт жуда кам бўлади. Шунинг учун тарбиячилар оилалар билан суҳбатлашиши мумкин бўлган табиий норасмий вазиятлар боғча ва уй ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш учун жуда муҳим.

Кўпгина тарбиячилар ота-оналар билан алоқа қилиш учун улар болаларини боғчага олиб келган ёки боғчадан олиб кетаётган вақтдан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бу вақтда улар ота-оналарга кун мобайнидаги воқеалар, боланинг муваффақиятлари тўғрисида хабар беришлари, ўтказилиши режалаштирилган мажлис ва бошқа нарсалар ҳақида эслатишлари мумкин (лекин бунда боланинг қандайдир муаммолари (агар улар бўлса) тўғрисида сўз очмаган маъқул). Куннинг аввали ва охирида ота-оналар бир-бирлари билан мулоқот қилишлари, тарбиячиларга саволлар беришлари, учрашув ҳақида сўрашлари, болалар билан ўйнашлари, уларга китоб ўқиб беришлари мумкин.

Ота-оналарнинг имкониятларидан келиб чиқиб, мулоқот учун норасмий вақт белгиланганда учрашув жадвали ўзгарувчан қилиб тузилиши ҳамда кун аввали ва



охиридаги эркин суҳбатлашиш шароитига мувофиқлаштирилиши керак. Ота-оналарнинг боғча остонасини ҳатлаб ўтар-ўтмас болаларини шоша-пиша ташлаб кетишларидан иборат ҳолатларни камайтириш учун шундай тартиб ўрнатиш керакки, унга мувофиқ ота-оналар болани гуруҳ турган ергача қузатиб келишлари ва унинг бошланаётган кунни ўтказишга тайёргарлик кўришига кўмаклашишлари керак бўлади.

Одатдаги тартибга мувофиқ куннинг дастлабки ва сўнги ярим соати ҳеч қандай махсус вазифалар билан банд қилинмаган, бинобарин, болалар ва ота-оналар бирга ўйнаш ёки шуғулланиш учун улардан фойдаланиш имкониятини бериш мумкин. Мазкур дастурда бу вақт жадвалга киритилган ва унинг таркибий қисми ҳисобланади. Ота-оналарни болалар гуруҳи жойлашган бинога даъват қилинг, уларга қаҳва таклиф этинг, педагогларнинг эртанги кунга тайёргарлик кўриш билан банд бўлмай, бу вақтда улар билан алоқа қила олишларини таъминланг. Оиланинг барча аъзоларига боғчага келиш ҳамда дастур ва бола тўғрисида фикр алмашиш тавсия қилинганига уларни ишонтиринг. Ота-оналар мактабгача таълим муассасасида ўзларини бирмунча қулай ҳис қилишлари билан уларни қолишга ва «Оилавий хона»ни тартибга солиш, гуруҳ жойлашган бинодаги ўйинчоқларни жой-жойига қўйиш ва бошқа шу каби ишларда тарбиячиларга кўмаклашишни улардан сўраш мумкин.

### **Мактублар ва кундаликлар**

Сиз, шунингдек, бола орқали ота-оналарга мактуб жўнатиш йўли билан ҳам оилалар ва педагоглар жамоаси ўртасидаги яқинликни таъминлашга ёрдам берган бўласиз. Бу боланинг янги муваффақиятлари тўғрисидаги қисқагина хабар ёки дастур иштироклари бўлган ота-оналарга раҳматнома бўлиши ҳам мумкин. Одатда, ота-оналар бундай мактубларни мамнуният билан ўқийдилар ва кўпинча жавоб йўллайдилар. Тарбиячилар бу бола билан қандайдир алоҳида иш олиб борсалар ва ота-оналар бу борада уларга ёрдамлашсалар, буларнинг барчаси жуда муҳим.

Алоқалар ривожиди тарбиячилардан ота-оналарга юбориладиган, улардан яна тарбиячиларга қайтариладиган кундаликлар катта рол ўйнайди. Хусусан, ота-оналарнинг вақти жуда чекланган ёки оилада телефон бўлмаганда бу ўзаро алоқанинг жуда яхши усули ҳисобланади. Агар болада қандайдир шикоят ёки муаммолар бўлса, кундалик доимий алоқани таъминлайди ҳамда ота-оналар ёки педагоглар жамоасини у ёки бу ўзгаришлардан хабардор қилади. Бу тажрибадан фойдаланаётган кўпгина жамоалар оилалар билан ҳеч бўлмаганда ҳафтада бир марта боғланиб турадилар. Бу усул айниқса ота-оналар учун қўл келади. Чунки улар ўз фикрларини ёзма шаклда осон ифодалайдилар. Бундай усулдан фойдаланишга кўникмаганлар учун бошқа вариантлар кўпроқ мувофиқ келади.

### **Эълонлар доскаси**

Ота-оналарга норасмий ахборот беришнинг бошқа усули — бу эълонлар доскалари. Уларда мажлислар, болаларнинг ривожланиши ва бошқа муҳим предметлар тўғрисидаги ахборотлар, кундалик жадвал, кўнгилли ёрдамчилар учун ёрдам варақаси ва йўл-йўриқларни жойлаштириш мумкин. Эълонлар доскалари ёрқин ва рангли бўлиши ҳамда ахборотлар тез-тез янгиланиб туриши керак. Акс ҳолда унга эътибор

қилмай қуйишади. Эълонларни алмаштириб туриш навбати билан барча мураббийларнинг мажбурияти бўлиши мумкин, фақат ишидагина унинг қиёфаси ўзгаради, у ҳаминша ёрқин ва қизиқарли кўринади. Одатда, биргаликда ишлаб, доскани мустаҳкам ва қизиқарли қилишади.

Эълонлар доскаларидан, шунингдек, ота-оналарга уларнинг болалари ҳозирги вақтда мактабгача таълим муассасасида нима билан шуғулланаётганини кўрсатиш учун ҳам фойдаланадилар. Уларга болаларнинг саёҳатлар тўғрисидаги нафис безак берилган ҳисоботлари, оила аъзоларининг фотосуратларини ҳам жойлаш мумкин. Эълонлар доскалари гуруҳ ҳаёти ва муҳитини акс эттириши учун бутун куч-ғайрат ва қобилиятингизни ишга солинг. Ота-оналардан уларни безашга ўз ҳиссаларини қўшишларини сўранг. Масалан, агар ота яхшигина расмлар чиза олса, унинг боғчага келиб, болалар билан биргаликда расм чизишини илтимос қилинг, кейин уларнинг биргаликда чизган расмларини доскага илинг.

Доскалардаги ахборотлар мактублар ёки кундаликларда мавжуд ахборотларни такрорлаши ёки ривожлантириши мумкин.

### **Ахборот варақалари**

Ахборот варақалари — оилалар билан алоқада бўлишнинг яна бир яхши воситаларидан бири. Агарда сиз ота-оналарга ҳар ойда бир ёки икки марта ахборот варақалари юбориб турсангиз, ота-оналар дастур тўғрисида етарли маълумотга эга бўлишига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Мулоқот учун фойдаланилган воситалар мажмуига боғлиқ равишда ахборот варақаларининг мазмуни ва мақсади турлитуман бўлиши табиий. Улардан баъзида мактабгача таълим муассасасида бўлиб турадиган воқеалар ва машғулотлар турларини, шунингдек, бу машғулотларни уйда давом эттириш учун тавсия қилинган чора-тадбирларни ёритиш мақсадида фойдаланадилар. Мавзу жиҳатдан ёндашув асос қилиб олинган ҳолларда эса ахборот варақаси, масалан, «куз» ёки «гул» каби айрим мавзуларни яхшироқ баён қилишга имкон берадиган гоёлар тавсифини ўзида акс эттириши мумкин. Баъзан варақа бир қатор бўлимларга бўлиниб, жумладан, кундалик воқеалар, нималарни эслаб қолиш ва бошқалар ҳақидаги ахборотларни қамраб олади. Агарда сиз варақалардан мулоқот воситаси сифатида фойдаланишга қарор қилган бўлсангиз, уларни доимий равишда юбориб туринг ва ҳаминша бир хил ўлчамдан фойдаланиб, варақани аниқ ва тушунарли қилиб ёзинг.

Варақалар қисқа ёзилиши ва осон ўқилиши керак. Ҳар замонда бир узундан-узоқ маълумот йўллагандан тез-тез қисқа хабарлар юбориб туриш кўпроқ самара беради. Болалар ва уларнинг оилалари аъзолари номидан тез-тез фойдаланинг, барчани эсда сақлаб қолишга ҳаракат қилиш учун бу жуда зарур.

Ахборот варақаларининг тахминий мундарижаси:

- мажлислар, воқеалар, саёҳатлар тўғрисида эълонлар;
- қандайдир материалларни келтириш ёки бирор-бир ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ илтимослар;
- мактабгача таълим муассасасидаги воқеалар ҳақидаги ахборотлар;
- гуруҳдаги кундалик воқеаларни муҳокама қилиш;
- уйдаги машғулотларни ўтказиш бўйича тавсиялар;
- кўнгилли ёрдамчиларга миннатдорчилик билдириш.

### Эълонлар доскасини ташкил этиш бўйича маслаҳатлар

- Ахборот катталарнинг кўзи тушадиган баландликда жойлаштирилади.
- Эълонлар доскаларининг мундарижасини жуда бўлмаганда қисман — камида ҳафтасига бир марта янгилаб турунг, бўлмаса унга эътибор бермай қўйишади.
- Эълонлар доскасида ўзи (ёки ўз боласи)нинг фамилияси ёки фотосуратини кўриш ҳар қандай киши учун ёқимли эканлигини эсда тутинг.
- Болаларнинг ишларини доскада намойиш қилинг, токи ота-оналар болалари нима билан шуғулланаётганларини билсинлар.
- Ахборот қисқа бўлиши керак.
- Эълонларни тайёрлашда ота-оналарнинг иштирок этишларини илтимос қилинг.
- Ота-оналарга юбориладиган индивидуал мактублар уларнинг дастурда иштирок этганлиги учун миннатдорчилик мазмунида бўлиши лозим.
- Доскани тайёрлашни иккита мураббийга топширинг. Бунда иш осон ва қизиқарли кечади.

### ***Расмий алоқа стратегиялари***

Шундай пайтлар бўладики, оилалар билан мулоқотнинг расмий шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ кўринади. Тарбиячилар иштирокидаги ота-оналар мажлиси ва ёзма ҳисоботларни ўз ичига олган расмий усуллар — кузатиш, маълумотларни қайд этиш ва болаларнинг ривожланиши ҳақида ҳисоботлар тузиш V бобда баён қилинган.

### **Хонадонга ташриф буюриш**

Болаларни ва уларнинг ота-оналарини уйларига кўришга бориш тажрибасидан мактабгача тарбияга оид кўплаб дастурларда фойдаланилади. Одатда, йилига икки марта — йил бошида ва охирида оилаларни кўришга бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай ташрифлардан мақсад турлича бўлиши мумкин, лекин оилаларга кўпинча танишиш ҳамда бола ва унинг оиласи билан нисбатан мустаҳкам алоқа ўрнатиш учун борилади.

Бундай вазиятда баъзан тарбиячилар ҳам, ота-оналар ҳам ноқулай аҳволга тушиб қоладилар. Лекин бундай ташрифлар одатдагидек танишларникига меҳмондорчиликка бориш сифатида олиб қаралса ва ўзини шунга мувофиқ равишда тутса, ҳаммаси силлиқ кечади. Болалар одатда тарбиячининг ташрифидан жуда хурсанд бўладилар. Бинобарин, улар сизга кўрсатишни истаган барча нарсаларни кўздан кечириш учун вақтни махсус режалаштириш керак. Сиз оила аъзолари билан суҳбатлашганда андармон бўлиб туриши учун болага ўйинчоқ олиб келиш мумкин.

Ташрифни режалаштирар экан, хушмуомалалик қоидаларига риоя қилинг. Ташриф оила учун қулай бўлган вақтда амалга оширилиши керак. Иложи бўлса, уни

шундай режалаштирингки, ота уйда бўлсин. Нима учун келаётганингиз ва уйда қанча муддат бўлишингизни тушунтиринг. Ота-оналарда ташриф ёмон хабар билан боғлиқ деган хавотир уйғотиши мумкинлигини ҳисобга олиб, унинг мақсадини аввалдан ойдинлаштиринг. Эҳтимол, сизда бола боғчада ясаган нарсалардан бирортасини уйга олиб келиш истаги пайдо бўлар. Уйга келганда ташрифнингизнинг мақсади ҳақида яна бир марта эслатинг. Агарда асосий мақсад ҳатто сизни ташвишга солаётган қайсидир ишларни муҳокама қилиш бўлса-да, суҳбатни ҳамisha ижобий жиҳатлардан бошланг. Агар сизда ота-оналарга аталган алоҳида хабар бўлса, уни ёзиб қўйинг, токи ота-оналар кейинчалик уларнинг барчасини қайта ўқиш ва муҳокама қилиш имкониятига эга бўлсинлар. Фақат ўзингиз гапирибгина қолмай, оила аъзолари ўз болалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ва хавотирлари тўғрисида сўзлашлари учун вақт қолдиришга ҳаракат қилинг. Агар тўғридан-тўғри мақтов ёки рағбатлантиришнинг бошқа шакли бўлмаса, бола ҳузурда у ҳақида зинҳор гапирманг.

Хонадонга ташриф буюриш ота-оналар билан бир қаторда, тарбиячиларга ҳам катта фойда келтириши мумкин. Оила шахсий эътиборга лойиқ кўрилди, ота-оналар тарбиячи уларнинг боласи билан қандай муносабатда бўлиши ҳақида тасаввурга эга бўлдилар. Ўз навбатида, тарбиячи бола ўз вақтининг катта қисмини ўтказадиган уй муҳити билан яқиндан танишади. Агар ота-оналар ва тарбиячиларга ташрифнинг мақсади аниқ бўлса, у келгусида боланинг муваффақиятли ривожланишига ёрдам берадиган самарали алоқаларни ўрнатиш ва давом эттиришга имкон беради.

### ***Оила аъзоларининг гуруҳда бўлиши***

Оила аъзолари мактабгача таълим муассасасида ўзларини азиз меҳмон каби ҳис қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш мактублар ёки бир марталик таклифномалар ёзишга қараганда анча кўп куч-ҳаракат сарфлашни талаб қилади. Бола оиласига биринчи марта ташриф буюрар экан, тарбиячи дастурнинг муваффақияти педагоглар жамоаси ва ота-оналарнинг мустаҳкам алоқаси ва ўзаро ҳамкорлигига асосланишини ҳар турли йўллар билан таъкидлаши керак. Оиллага унинг иштироки зарурлигини тушунтириш учун ота-оналарга мактабгача таълим муассасасининг эҳтиёжлари рўйхатини тақдим этиш ёки уларга дастурни амалга оширишда ёрдам беришининг кўплаб имкониятлари мавжудлиги тўғрисида шунчаки гапириб бериш мумкин. Ҳар бир оила аъзосининг қизиқишлари ва қобилиятларини билиб олиш ва улардан мактабгача таълим муассасасида фойдаланиш йўлларини таклиф қилиш керак. Очiqча мулоқотга асосланган ишонч муҳитини яратиш вақт ўтиши билан вужудга келадиган ўзаро ҳурматни талаб қилади.

Мактабгача таълим дастурида оиланинг унинг муҳим бир қисми сифатидаги иштироки иштирок этувчи барча томонлар учун ниҳоятда фойдали.

### **Оила учун нафи**

Гуруҳга ташриф буюриб, унинг фаолиятида иштирок этиб, ота-оналар:

- дастурга шахсан дахлдорликларини ҳис қиладилар;
- болалари бошқалар билан қандай алоқада бўлаётганини кўрадилар;
- болаларнинг ривожланиши масаласида кўпроқ нарсани тушуна бошлайдилар;
- тарбиячиларнинг иши тўғрисида тасаввурга эга бўладилар ва уларга нисбатан кўпроқ ҳурмат туйғусини ҳис эта бошлайдилар;

- уйда болалар билан мамнуният билан шуғулланиш мумкин бўлган фаолият турларини ўрганадилар;
- болаларнинг улар ҳикоя қилиб берган дўстлари билан танишадилар;
- бошқа ота-оналар билан узоқ давом этадиган алоқалар ўрнатадилар;
- уйда боланинг дастурни ўзлаштиришида ёрдам бериш имкониятига эга бўладилар.

### **Тарбиячилар учун фойдалар**

Ота-оналарнинг гуруҳ ҳаётида иштирок этиши натижасида тарбиячилар:

- алоҳида болаларга кўпроқ вақт ажратишлари ва ёш гуруҳлар билан ишлашлари;
- ота-оналар ўз болаларини қандай ҳимоя қилишларини тушунишлари;
- ота-оналар тошпириқларни бажаришда ўз болаларига қандай ёрдам беришларини кўришлари;
- катта ёшдаги оила аъзолари қандай машғулотлар ва қизиқишлар (масалан, таом тайёрлаш, мусиқа асбобларини чалиш)ни ўз болалари билан биргаликда амалга оширишларини билиши;
- ота-оналарнинг ўз болаларининг бошқалар билан ўзаро алоқаларини кузатишларидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Ота-оналар мактабгача таълим дастурида фаол иштирок этсалар, бундан ҳамма – тарбиячилар ҳам, ота-оналар ҳам, болалар ҳам фойда кўришади. Тарбиячилар ота-оналар ва оила аъзоларининг саволлар беришлари, ўз ташвишларини баён қилишларини рағбатлантирсалар, муаммоларни муҳокама қилиш ва биргаликда ҳал қилиш муҳити вужудга келади. Биргаликда улар нима учун қайсидир бола уришқоқ бўлиб қолгани ёки нега кўп киши тўпланган жойда гапиришни хоҳламаслигини осон тушунишлари мумкин. Гуруҳда катта ёшдагиларнинг кўп бўлиши болаларга уларнинг индивидуал ишларида ёрдам олиш имкониятини яратади, ўқиш-ўрганиш муҳитини бойитади. Алоқалар ва мулоқот шакллариининг ривожланиши тўсиқларни бартараф этиш ҳамда мактабгача таълим муассасаси ва уй ўртасида кўприк ўрнатишга ёрдам берадиган ҳамкорлик муносабатлари учун асос яратади.

### **Оила хонаси**

Оила учун ажратилган хона ўзининг бутун кўриниши билан: «Марҳамат қилинг, келиб хурсанд қилдингиз», деб туриши керак. Бў бино бир вақтнинг ўзида бошқа эҳтиёжлар учун ҳам ишлатилишидан қатъи назар, ота-оналар кириши мумкин бўлган озода ҳудуднинг мавжуд бўлиши уларни дастурга жалб этиш учун кўйлаб имкониятлар беради. Хонанинг полига гилам тўшалиб, диван ёки қулай ўриндиқлар қўйилиши керак. Қаҳва ёки чой тайёрлаш ва оддий меҳмондорчилик имкониятлари топилса, янада яхши. Деворлар болалар чизган суратлар ёки улар ясаган бошқа буюмлар билан безатилиши мумкин. Ўйинчоқ солиб қўйилган қутиларнинг мавжудлиги ота-оналар суҳбатлашаётган вақтда болаларнинг ука ва сингилларининг зерикиб қолмасликларини таъминлайди.

Ота-оналар бу хонага хоҳлаган вақтларида кира олишлари, унда муайян муддат бўлишлари, эълонлар доскасидаги ахборотларни ўқишлари учун шарт-шароит яратиш

зарур. Агарда хонадан оилалар билан ишлаш бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи ходимнинг хонаси сифатида фойдаланиладиган бўлса, ота-оналар учун ажратиладиган вақтни аниқ белгилаб олиш керак. Бу камида эрталаб икки ва кечқурун бир-икки соатни ташкил этиши лозим. Бошқа вақтда ишларни мувофиқлаштирувчи ходимнинг эҳтиёжлари ва ота-оналарнинг иш жадвалидан келиб чиқиб, хонадан фойдаланиш тартиби ўзгариб туриши мумкин. Оила хонасининг иш вақтини ҳар ҳафта аниқлаб олинг ва бундан ота-оналарни хабардор қилинг. Бу хона ота-оналарни дастурга жалб этиш бўйича ҳаракатларнинг жуда муҳим таркибий қисмига айланиши мумкин. Шунинг учун у имкони борича кўпроқ очиқ бўлиши керак. Агарда сиз бу хонада ота-оналар мажлисини ҳам ўтказадиган бўлсангиз, барча таклиф этилганларни жойлаштириш учун сизга йиғма стуллар ҳам керак бўлади.

### **Кутубхона ва ўйин хонаси**

Ота-оналар бир қанча вақт ўйга олиб кетишлари учун мактабгача таълим муассасасида китоб ва ўйинчоқларнинг айрим захираси бўлиши зарур. Буларнинг барчасини Оила хонасида сақлаш мумкин. Ким, қачон нимани олди ва қачон қайтариши лозимлигини ёзиб бориш учун дафтар ёки картотека юритинг. Одатда ўйинчоқлар икки-уч ҳафтага олинади, бошқа оилалар ҳам бу ўйинчоқлардан фойдаланишлари учун уларни яна боғчага қайтариш зарур. Ота-оналар ўйинчоқларни ўзлари истаган пайтда тез-тез олиб туришлари мумкин.

Китобларни ҳам уйга олиб кетиш мумкин. Болалар китоблари ота-оналар ва болалар ўртасида ажойиб муносабатларни ўрнатиш имконини беради, уйда китоб ўқишлар эса аксарият ҳолларда адабиётга муҳаббат уйғотади, бу нарса бутун умр давомида сақланиб қолиши мумкин. Оила хонасида болаларнинг ўсиши, ривожланиши ва оилавий тарбия бўйича шундай китоблар бўлиши керакки, ота-оналар уларни ўша ерда ўқишлари ёки бир қанча вақтга уйга олиб кетишлари мумкин. Агар бундай китоблар бўлмаса шунга мос келадиган қўлланмаларни мустақил тайёрлаш мумкин.

«Болага йўналтирилган таълим» дастуридан айрим матнларни таржима қилинг ва уларни ота-оналар билан бирга баҳам кўринг. Ота-оналарнинг ўзлари ҳам болалар тарбияси тўғрисида қайсидир ахборот билан ўртоқлашишлари мумкин. Бундай ҳолда уларнинг фикрларидан айримларини ёзиб олиш ва бошқалар учун кўнайтириш мумкин.

Кутубхона ва ўйинхона ота-оналарнинг ўзлари ташкил этишлари мумкин, бунда улар китоб ҳамда ўйинчоқларни ким олганлигини ёзиб бориш вазифасини ўз зиммаларига оладилар ҳамда олинган нарсаларни муддатида қайтаришни унутган кишиларга эслатиб турадилар. Шу нарса муҳимки, китоб ва ўйинчоқларни уйларига олиб кетган ота-оналар ўзларини ноқулай ҳис қилмасинлар, шу боис уларга шунини айтиш керакки, буюмларнинг бешикаст сақланишини тўлиқ кафолатлаш имкони йўқ ва бу талаб этилмайди ҳам. Албатта, олинган нарсаларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак. Бироқ ҳар хил нарсалар содир бўлиши мумкинлигини ҳам тўлиқ тушуниш лозим. Ишдан чиққан ўйинчоқларни дарҳол тузатиш ёки истеъмолдан чиқариб ташлаш зарур, негаки ўйнаш чоғида улар болалар учун хавф солиши мумкин. Айрим ота-оналарнинг ўйинчоқларни таъмирлашга рағбати бўлиши мумкин, шунда уларнинг ёрдамидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

## **Ота-оналарни гуруҳга жалб этиш**

Дастур ота-оналарни ўз фарзандларига нисбатан эксперт вазифасини бажаришлари ва болаларни ўқитишда фаол иштирок этишларини олқишлайди, рағбатлантиради. Ота-оналар мактабгача таълим муассасаси ўқитувчилар жамоаси билан биринчи учрашув пайтидаёқ уларни бу ерда кутаётганликлари ва бу ишдан хурсанд бўлаётганликларини ҳис этсинлар. Ўзаро ҳурмат ва дастурнинг асосий йўналишлари тўғрисида очиқ мулоқот, ойдalанилаётган усул ва методлар, шунингдек ота-оналар орзиқиб кутаётганлиги буларнинг барчаси оилаларга умумий иш иштирокчилари бўлиш ҳиссини туйишга ёрдам беради.

Ота-оналар гуруҳда бўлган дастлабки пайтда ўзларини тўла ишончли ҳолда ҳис қилмайдилар, улар «бу ҳудуд тарбиячиники» деб тушунадилар. Оқибатда ота-оналар уларни турлича сабаблар бўйича биргаликда ҳаракат қилишга жалб этиш чоғида қаршилик кўрсатишлари ҳам мумкин. Ота-оналарнинг бундай қаршилик кўрсатиши:

- педагоглар ҳақиқатан ҳам уларнинг ёрдамларига муҳтож эканлигига ишонмаслик;
- хато қилиб қўйишдан қўрқиб;
- нима қилишни билмаслик ва зарар келтиришдан сақланиш;
- улар тарбиячига ёрдам сифатида нимани таклиф этишларига ишонмасликлари;
- мактабгача таълим муассасасида гуруҳ ҳаётини маромга соладиган қоидаларни билмасликлари оқибатида юз беради.

Боғча педагоглар жамоаси ва оилалар билан ишлаш бўйича мувофиқлаштирувчи ота-оналарнинг дастур иштирокчилари бўлишларига ёрдам беришлари зарур. Шунини тушунтириш лозимки, тарбиячилар ота-оналарни гуруҳдаги исталган машғулот ва улар учун қулай бўлган вақтда кутишади. Кўпгина дастурларда махсус варақлардан фойдаланилади, бу нарса шунинг учун керакки, уларга кўра ота-оналарнинг мактабгача таълим муассасасига қачон келишлари кераклигини режалаштирадидилар. Варақ эълонлар доскасида жойлаштирилади. Гуруҳга келиш вақти ҳеч қандай чегараланмайди. Агар ота-она ишга кетиш чоғида йўл-йўлакай қисқа муддат бўлса ҳам болаларга китоб ўқиб бериш ёки ўйинчоқлар бурчагида уларга ёрдамлашиш учун гуруҳга кирса — бу жуда ажойиб ҳолдир. Кимдир ҳафтада бир неча соатга келишини ёзади, айримлар эса гуруҳга ҳар куни келадилар. Иштирок этишнинг исталган шакли қабул қилинади.

### **Саҳналаштириш маркази нима?**

Салом оталар ва оналар, бувилар ва боболар! Сизларнинг барчаларингизни ўйин марказимизга таклиф этамиз. Бу марказда биз ўзимизни катталарнинг турли-туман ролига чоғлаб, улардек бўлишга ҳаракат қиламиз, уринамиз. Биз овқат тайёрлаймиз, уйни йиғиштирамиз, турли-туман либослар тикамиз. Биз, шунингдек, ўз нутқимизни ривожлантирган ҳолда биргаликда ҳаракат қилишни ўрганамиз. Баъзан тарбиячилар бу марказга янги нарса ва материалларни кўшиб қўядилар ва биз чақалоқларни йўргаклашни, сочларни турмаклашни, кийимларни ювишни ўрганамиз.

Бу ер жуда қувноқ, ва биз вақтимизни жуда гўзал, ажойиб тарзда ўтказамиз. Биз ҳаёт тўғрисида жуда кўп нарсаларни билиб оламиз ва тез-тез сизларга ўхшашга ҳаракат

қиламиз, чунки сизлар бизлар учун намунасишлар. Уйда биз кўркам, чиройли бўлишимизни кўрсангиз, билингки, биз янги билим ва кўникмаларимизни синаб кўраямиз.

Бу марказда биз билан бирга ўйланг, қониқинг олинг, сиз билан бир пиёла чой ичиш учун биз сизни жуда орзиқиб кутамиз.

*Эҳтиром билан: болалар.*

### **Гуруҳ биноси билан танишув**

Кўпгина мактабгача таълим муассасаларида оилалар билан биринчи танишув гуруҳ биносида бўлиб ўтади. Ота-оналар у ерда кун бўйи бўладилар. Улар ўйинчоқлар билан ўйнайдилар, бадиий фаолият билан шуғулланадилар, сайр қиладилар, мусиқа тинглайдилар, овқатланадилар. Бу кун тартибининг қисқартирилган варианты бўлиши мумкин, бироқ ота-оналарда уларнинг болалари кутаётгандек тасаввур пайдо бўлади.

Одатда барча фаоллик марказларида болалар бу ерда нима қилишлари ва натижада нимага ўрганишларини изоҳлаб берувчи кўргазмали ахборот олиб қўйилади. Бино билан бундай биринчи танишув ота-оналарга келгусида гуруҳда ўзини қулай ҳис этиш имконини беради. Уларга шуни тушунтиришни унутмангки, агар ёрдам керак бўлиб қолса, улар қайси турдаги ёрдамни кўрсата оладилар.

Яна шу нарса муҳимки, ота-оналар мактабгача таълим муассасасида қабул қилинган бажариладиган иш тартиби ва қоидаларини билишлари керак. Ўшанда улар гуруҳда нормал ишлашлари мумкин. Қоидаларни ёзиш ва йил бошида уларни ота-оналарга тарқатиш, шунингдек уларни эълонлар доскасига илиб қўйиш мумкин. Ахборот интизомни қўллаб-қувватлашга, атрофни тозалашга, гигиена қоидаларига, тўғри келмайдиган ифодаларга муносабатга тегишли бўлиши мумкин.

### ***Ёрдамчиларга йўлланма-маслаҳатлар бериш***

Болалар гуруҳи ҳаётидан олинган исталган кун кўп дақиқаларни, машғулот ва воқеа-ҳодисаларни ўз ичига олади. Ва, албатта, ёрдамга келган ота-оналардан улар нима иш қилишларини билишларини кутиш қийин. Шунинг учун таъкидлаш муҳимки, қийналиб қолган пайтларида улар тарбиячинини ишидан тўхтатиб у ёки бу ҳолатда нима қилиш лозимлигини сўраб оладилар. Ота-оналарнинг дастурни эгаллашларида бир қанча йўллар амал қилади. Агар сизга ота-оналар маълум кунда келишлари аниқ бўлса, уларга ишга ёрдам берувчи аниқ йўл-йўриқлар бериш мақсадга мувофиқдир. Ота-онанинг исми ёзилган ва йўл-йўриқ кўрсатилган хат эълонлар доскасига илиб қўйилиши мумкин.

Йўл-йўриқнинг тўлақонли бўлиши ота-оналарнинг кўникмаларига, шунингдек, у сизга нима билан ёрдам беришига боғлиқдир.

Фаолиятнинг нисбатан айрим стандарт турлари бўйича умумий ахборотлар илиб қўйилса ҳам ёмон бўлмайди. Масалан, болалар стол усти ўйинчоқларида манипулятив фаолият билан шуғулланадиган марказда бошқотирма ва стол усти ўйинлари билан ишлаш бўйича йўл-йўриқлар қўйилиши фойдалидир. Масалан, бошқотирма билан шуғулланиш вақтида, бу шундай кўринишга эгадир:



### Ассалому алайкум.

Биз билан бошқотирма устида шуғулланишга келганингиз учун раҳмат. Улар бизга маконий муносабатларни ўрганишга, вазифалар ечимини билиш ва бармоқларнинг нозик ҳаракатини ривожлантиришга ёрдам беради. Сиз айрим конструкцияларни жойига қўйишга ёрдам берар экансиз, элементни биз билан бир жойга қўйишга ҳаракат қилманг, яхшиси қандай қилиб тўғри ечиш йўларини айтинг. Масалан: «бу элементни атроф бўйлаб бур», дея. Баъзан биз ўзимиз учун ҳаддан зиёд мураккаб бошқотирмаларни оламиз, ўшанда бизга ҳақиқатан ҳам ёрдам зарур. Агар биз ҳеч нарса қила олмасак, керакли жойга бир неча элементларни қўйинг, шундан сўнг қолганини биз ўзимиз бажарамиз. Машғулотдан сўнг бошқотирмаларни қутиларга солишда ва уни жавонларга қўйишда бизга ёрдамлашинг. Биз билан ишлаш чоғингизда бизга бошқотирмаларнинг ранги, шакли, элементларининг қандай аталишини айтинг.

*Раҳмат, Сизнинг биз билан бу ерда бўлишингиздан хурсандмиз.*

Турли фаоллик марказларида материаллар сақланиши қодалари тўғрисидаги, қаерда югуриш мумкинлиги, қандай гаплашиш лозимлиги, кун тартиби ва болалар билан муносабатда бўлиш тамойиллари ҳақидаги умумий низом оила аъзоларига улар ҳамма нарсани тўғри бажараётганликларига ишонч ҳиссини уйғотиб, уларга ёрдам беради. Натижада улар айрим ижобий тажрибалар орттирадилар ва яна мактабгача таълим муассасасида бўлишлари келади. Ота-оналар бу ерга келганлари учун уларга доимо миннатдорчилик билдиринг ва уларнинг гуруҳда бўлиши янада ёқимли бўлиши учун уларда қандай саволлар ва истаклар борлигини сўранг.

### Ёрдамчига эслатма

**Хайрли тонг, \_\_\_\_\_ хоним.**

Эрталаб, мактабгача таълим муассасасига олиб келинган пайтда, тарбиячиларга уларнинг ҳар бири билан исмини айтган ҳолда саломлашишга, болаларнинг ҳар бири билан тонг қандай ўтганлиги тўғрисида гаплашишга ёрдам беринг. Болаларга қайта кийиниб олишларига кўмаклашинг, бироқ буни уларнинг вазифасини бажарган ҳолда қилманг, зарур ёрдам билан чегараланинг.

Бугун биз ранглارни аниқлаш бўйича шуғулланамиз. Марҳамат қилиб, бир нафардан болани олинг (боланинг исми ёзилган рўйхат берилади) ва лото ўйинидан фойдаланган ҳолда рангларнинг ўзаро боғланиши бўйича сабоқ ўтказинг. Болага рангни кўрсатинг ва ундан шунга ўхшаш рангни топишни сўранг. Бола тўғри жавобни айтса, уни мақтанг.

Агар боланинг дастлабки бир неча уринишлари муваффақиятсиз чиқса, унда сиз мисол орқали рангларнинг бир-бирига ўхшашлигини кўрсатинг, шундан сўнг болага вазифани яна бир бор бажаришини таклиф қилинг. Бизга столларни тушликка ҳозирлашга ёрдам беринг. Столларга тақсимча ва дастали

пиёлаларни қўйиши лозим бўлган навбатчи ёрдамидан фойдаланинг. Биз билан бирга овқатланинг. Бизга бугун нималар билан шуғулланганлигимиз тўғрисида саволлар беринг.

Ёрдамингиз учун раҳмат. Биз Сиздан жуда миннатдормиз.

### **Сиз ёрдамни қадрлашингизни кўрсатинг**

Ўзининг ҳаракатлари лойиқ тарзда қадрланиши ҳар ким учун ҳам ёқимлидир, дастурда иштирок этадиган ота-оналар ҳам бундан мустасно эмас. Улар келадилар, ўзларининг вақтларини сарфлайдилар, буниинг учун уларга ташаккур айтса, арзийди.

Айрим оилалар тарбиячига ёрдам бериш учун боғчага келишга ё имконият тополмайдилар ёки улар учун бу қизиқарли эмас. Шунинг эса тутингки, дастурда қатнашишнинг бошқа кўплаб усуллари ҳам бор. Материалларни иш учун жўнатиш, йиғилишда иштирок этиш, мактабгача таълим муассасаси ҳовлисидаги майдончани жиҳозлаш ёки тозалаш ёки китоб олиб келиш – буларнинг барчаси ҳамкорликнинг қимматли шаклларидир. Ота-оналарга дастурда қатнашганликлари учун доимо миннатдорчилик билдиринг. Агар кимдир яққа келишда ўзини ўнғайсиз ҳолда сезса, ишни шундай ташкил қилингки, улар билан бирга ўзини дадил тутадиган, ўзига ишонган ота-оналар бўлсин. Ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабат – бу дастурга янги инсонни олиб киришнинг яхши усуллариандир.

Гуруҳ ҳаётига иштирок эта олмайдиган, бироқ дастурда қатнашадиган оилаларнинг болалари учун буни билиш жуда муҳимдир. Ахир сиз болалардан ҳеч бирининг ўзини ноқеракдек ҳис этишини истамайсиз-ку.

### **Ёрдамчилар учун умумий ахборот**

- Болалар бажараётган ишда иштирок этишга ҳаракат қилинг. Улар билан бирга бўлинг.
- Болаларнинг ўзлари мустақил тарзда кийинишларини рағбатлантиринг, фақат ҳақиқий зарурат туғилганда ёрдамлашинг.
- Болалар бажараётган ишларга (расмларга, қурилишларга ва ҳ.к.) шахсий изоҳларингизни, ўз атамаларингизни берманг. Улардан бу қандай аталишини сўранг. Улардан буни батафсилроқ тушунтириб беришларини сўранг.
- Тарбиячиларга мос, тўғри келадиган вақтда саволлар беринг.
- Зарурат туғилиб қолса полда ўтириш ёки болалар билан очиқ ҳавода бўлиш учун қулайроқ кийиниб олинг.
- У ёки бу боланинг хулқ-атворини бошқа катта кишилар билан, унинг ота-онаси ёки оила аъзолари билан муҳокама қилманг. Агар сизда саволлар,

фикрлар туғилиб қолса ёки сизни нимадир ташвишлантираётган бўлса тарбиячилар билан ёки дастур менежери билан гаплашинг.

- Ўз ғояларингиз ва таклифларингизни тарбиячилар билан баҳам кўринг, токи улар бу ғоя ва таклифлардан ишда фойдалансинлар.
- Агар сизда алоҳида билим ва қобилият бўлса бу ҳақда тарбиячиларга билдилинг, токи улар бундан фойдалансинлар.
- Гуруҳда қандай интизомий сиёсатни сақлаб туриш кераклигини аниқланг. Тарбиячилардан агар болалар жанжаллашиб қолса ёки кимнидир хафа қилса нима қилиш лозимлигини сўранг.
- Болаларнинг хулқ-атворини улар иштирокида муҳокама қилманг.
- Болаларга ўз ёрдамингизни таклиф этишдан олдин уларга мустақил уришиб кўришлари учун етарлича вақт беринг.

### **Дастурда қатнашгани учун оила аъзоларига миннатдорчилик билдириш**

- Оила аъзоларининг ҳар бирига кўрсатган ёрдамлари учун миннатдорчилик билдилинг. Уларга исмини айтган ҳолда мурожаат қилинг ва уларнинг боласи ким эканлигини эслатинг.
- Оила аъзолари учун маъноли фаолиятни режалаштиринг. Улардан қандай ёрдам кутаётганингизни тушинтиринг ва саволлари бор ёки йўқлиги ҳақида қизиқинг. Шунингдек, улардан ўзлари нима қила олишларини сўранг. Уларга танлаш имкониятини беринг.
- Гуруҳда бўлиш истаги бор кишиларни ўргатиш учун вақт ажратинг. Бу жой улар учун таниш эмас, шунинг учун уларга ҳар бир нарсани кўрсатинг, тушунтиринг, ходимлар билан таништиринг ва улар қаерда ишлашини кўрсатинг.
- Ёрдамчиларга уларнинг ўтиришлари ва дам олишлари учун махсус ажратилган жой ташкил қилинг.
- Ёрдамчилар болалар билан бирга овқатланишлари учун етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулоти бўлишини таъминланг.
- Ёрдамчилар учун эълонлар доскасини ясанг.
- Ишни шундай ташкил қилингки, тарбиячилар ёрдамга келган ота-оналарнинг саволларига жавоб беришга вақт топсинлар. Ота-оналарга кўрсатма беринг.
- Ахборот хатларида тарбиячиларга ёрдамга келган ота-оналар тўғрисида эслатиб ўтинг.
- Ота-оналарга улар кўрсатган ёрдам учун миннатдорчилик белгиси сифатида нишонлар ёки сертификатлар беринг.
- Дастур муваффақиятига ёрдамлашган ҳар бир киши шарафига байрам уюштиринг.

· Улар ҳаракатини қўллаб-қувватланг ва рағбатлантиринг. Уларга қайта-қайта миннатдорчилик билдиринг. Уларга дўстлари билан бирга келишини маслаҳат беринг. Майли, жуфти ҳалоллари билан бирга келсинлар. Оталарга мос келадиган топшириқни дастурга киритинг (ўйин майдончасидаги жиҳозларни тузатиш, қурилиш марказида болалар билан бирга ўйнаш). Уларга махсус таклифномалар жўнатинг. Бувилар ва боболар ҳам ёрдам бериш истагини билдиришлари мумкин. Билингни, улар нима билан ёрдам бера олар эканлар.

### **Эркаклар тўғрисида унутманг**

Мақтабгача таълим муассасаси ҳаётига эркакларни ҳам жалб қилиш ҳар бир бола уларнинг ҳам ардоғида бўлишини таъминлаш учун бутун куч-ғайратни ишга солиш лозим. Баъзан кун тартиби ёки биринчи учрашув оналар билан бўлгани сабаб эркаклар бу ишдан четда қолиб кетадилар.

Дастурнинг бошиданоқ оилалар ташрифи, ота-оналар йиғилиши ва бошқа фаолият турларини шундай режалаштиришга ҳаракат қилингни, оталар бу тадбирларга келсин ҳамда иштирок этсин. Ҳар бир ота-она қачон уйда бўлишини билинг ва ташрифни шу вақтга белгиланг. Дастурга оталарни жалб қилиш катта ихтирочиликни талаб этади. Эркакларни муҳокамага тортинг, уларга болалари тўғрисида саволлар беринг. Ўз хат ва таклифларингизни ҳам оналарга, ҳам оталарга йўлланг. Агар ҳисоботга қўл қўйиш зарур бўлса ҳар иккаласи ҳам қўл қўйсин, бу билан улар дастурда иштирок этиш ҳар бири учун муҳим ва тенг даражада эканлигини тушуниб етсинлар.

Оталарни дастурга жалб қилиш таклифи олға сурилаётган экан, бунинг учун:

· Боланинг яқинлари сирасидан бўлган эркакларга мўлжалланган махсус тадбирларни режалаштиринг. Барча болаларни оталари билан ёки эркак жинсидаги яқинлари билан улар учун ташкил этилган тадбирга таклиф қилинг.

· Эркаклардан улар дастурга қай тарзда иштирок этишларини сўранг. Улар балким устачилик қилишни, овқат тайёрлашни биладилар ёки санъатдан машғулот ўтказиш учун марказни жиҳозлашга ёрдам беришлари мумкин.

· Бир-бирларини маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари учун икки нафар отани груҳга ёки йиғилишга биргаликда келишга таклиф этинг.

· Оталар бир-бирлари билан учрашишлари ва ўз болалари тўғрисида фикр алмашишлари учун тадбир ташкил этинг.

· Эркаклар учун ва эркаклар бошқарадиган махсус машғулотлар ташкил қилинг. Бу машғулотларда тингловчилар ўзларини дадил ҳис этсинлар, оталарга ўз фарзандлари билан вақтни қандай қилиб қизиқарли ўтказиш мумкинлиги ҳақида гапириб беринг. Бундай машғулотлар натижасида аксарият ҳолларда қўллаб-қувватлаш гуруҳи пайдо бўлади, дарвоқе, ўз-ўзидан бундай машғулотлар жуда фойдалидир.

· Ота-оналар учун қувноқ кечалар ташкил этинг ва унга оналар ҳам, оталар ҳам келишига ҳаракат қилинг.

· Гуруҳда оталар учун махсус эрталабки учрашувларни ташкил қилинг. Оталар эрталаб болаларини боғчага олиб келган пайтда улардан бироз шу ерда бўлиб туришини, болалар ва тарбиячилар билан эрталабки нонушта қилишни илтимос қилинг. Бу нарса катталарда ҳам, болаларда ҳам катта қониқиш ҳиссини ҳосил қилади.

· Оилавий учрашувлар ва кечалар ташкил этинг, кечки овқат ҳозирланг, унда оналар, оталар ва оиланинг бошқа азолари иштирок этади.

### ***Ота-оналар йиғилиши ва учрашувлар***

Ота-оналар йиғилиши «Болага йўналтирилган таълим» дастурининг муҳим қисми ҳисобланади ва камида ойида бир марта ўтказилади. Ота-оналар, ўқитувчилар ва маъмур йиғилиш мавзуи ҳамда турини белгилайди. Ота-оналар йиғилишининг бир неча кўринишлари бор: йўл-йўриқ берувчи, маслаҳат берувчи, норасмий ва ўзаро қўллаб-қувватловчи.

**Йўл-йўриқ берувчи йиғилишлар** семинар шаклида ўтказилади. Қоида бўйича мутахассис четдан чақирилади ва унинг ёрдамида ота-оналарнинг қизиқишлари асосида танланган маълум мавзу муҳокама қилинади.

Айрим мавзулар, масалан мазкур дастур шароитларида боланинг ўсиши ва ривожланиши маъруза тарзида ҳам тақдим этилиши мумкин. Бошқа мавзуларни ўзлаштириш тажриба тариқасида амалга оширилади, бунда ота-оналар айрим кўникмалар – масалан, муносабат, алоқа кўникмаларини эгаллайдилар.

**Мактабгача таълим муассасаси ота-оналар қўмитасининг расмий йиғилиши** бир йилда тўрт марта ўтказилади. Уни дастур менеджери ўтказиши мумкин. Бундай йиғилишларнинг мақсади, ахборот тўплаш ва ота-оналар ўртасида ўзаро фикр алмашишидир. Бу ерда ота-оналар иштироки билан боғлиқ учрашувлар, кечалар ўтказиш ва бошқа тадбирлар режалаштирилади.

**Норасмий йиғилиш ёки учрашувлар** – бундай пайтда ота-оналар ўз таассуротларини ўзаро баҳам кўрадилар. Бундай учрашувларни ота-оналарнинг ўзлари режалаштирадилар ва педагогларнинг қўллаб-увватлаши асосида ташкил этадилар. Бундай учрашувларнинг шакли турлича бўлиши мумкин. Масалан, эрталабки қаҳва, оилавий хонада суҳбат, саёҳат, оилавий тушлик, байрам кечаси ва ҳ.к.

**Ўзаро қўллаб-қувватлаш гуруҳи** одатда бир қанча оилада муҳокама учун умумий мавзу вужудга келганда тузилади. Аксарият ҳолларда йўл-йўриқ берувчи йиғилишда бир қанча ота-оналарда қайсидир мавзуга алоҳида қизиқиш пайдо бўлиб, ўша мавзу бўйича янада кўпроқ ахборот олишга интилиш ортади. Умумий муаммоларга эга бўлган оилалар тажриба ва мулоҳаза алмашган ҳолда бирлашишлари ва бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари мумкин. Қўллаб-қувватлаш гуруҳи фақат оталардан ёки оналардан ёки бўлмаса яқка ҳолдаги ота-оналардан тузилиши мумкин; ривожланишда орқада қолган болаларнинг ота-оналар гуруҳи ёки бўлмаса болаларни асраб олган ота-оналар гуруҳи ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Ота-оналар Оилавий хонада учрашганларида ва ўз муаммоларини муҳокама қилганларида норасмий ўзаро қўллаб-қувватлашнинг бир талай имкониятлари мавжудлиги кўзга ташланиб қолади. Мувофиқлаштирувчи улар учун жой ва шароитни ташкил этган ҳолда бундай алоқани ҳар томонлама рағбатлантириши лозим. Ота-

оналарни қўллаб-қувватловчи ота-оналар — бу ўзини дастурга жалб этилганини ҳис қилувчи оилалар учун ажойиб усулдир.

### **Ота-оналар қизиқишини аниқлаш**

Оилаларни билган, тушунган ҳолда дастурга жалб қилиш вақтни режалаштиришни, шунингдек улар қизиқишлари ва имкониятларини билишни талаб қилади. Дастурда иштирок этишнинг мақбул шаклларини аниқлаш воситаларидан бири сўров варақаси ҳисобланади. Унда дастурда қатнашиши имкони бор вариантларининг олдиндан рўйхати келтирилган. Бу варақани дастлабки йиғилишларнинг бирида зарур тушунтиришларни берган ҳолда таклиф этиш мумкин. (Ота-оналар қизиқишлари сўровномасига қаранг, 62-бет).

Ота-оналар қизиқишларини ўрганиш уларни дастурнинг ёрдам бериши мумкин бўлган усуллари билан таништириш ва уларнинг шахсий интилиш, қўникма ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда дастурда иштирок этишини белгилаш имконини беради. ҳамма бирдай даражада қатнашиши эҳтимоли оз, бироқ унда ҳар бир оила улуши жуда қимматлидир.

Оилаларни дастурга жалб қилиш мактабгача таълим муассасаси ходимларидан вақт ва куч сарфлашни талаб қилади. Бироқ бу ҳаракатлар зое кетмайди, оила аъзолари биргаликда ривожланади ва ўрганади. Оилаларни дастурга жалб этган ҳолда сиз уларга бола ривожланишини қандай таъминлаш мумкинлигини билишга имконият яратасиз.

### **Ота-оналар йиғилишлари мавзуларини танлаш**

Кўпгина дастурларда бунинг учун сўров варақасидан фойдаланадилар. Ота-оналар уларни қизиқтирган мавзуларни белгилайдилар ва танлов у ёки бу мавзуга берилган овозлар сони бўйича аниқланади. Ота-оналарга қуйидаги рўйхат тақдим этилиши мумкин:

- Боланинг ўсиши ва ривожланиши.
- Қийин хулқ-атворни қандай тузатиш мумкин.
- Боланинг овқатланиши.
- Болалар касалликлари.
- Ўйин орқали ўргатиш.
- Шахсий қадр-қиммат ҳиссини ривожлантириш.
- Нутқни ривожлантириш.
- Ўйинчоқларни танлаш.
- Дастурни шарҳлаш.
- Дастурни амалга оширишнинг маҳаллий манбалари.

Сўров варақаси билан ишлаш чоғида кўрсатилган семинар машғулотлари мазмунини батафсилроқ очиб бериш талаб этилади.

Масалан:

· «Болаларнинг хулқ-атворини шакллантириш методлари» — бу семинарда сизнинг болангиз сизга «Йўқ» деб гапирса ёки, мисол учун, ўз тенгдошлари

билан ёқалашса, унда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги каби масалалар муҳокама қилинади.

· «Боланинг овқатланиши» — бу семинарда муҳокама мавзуи 3-5 ёшдаги болаларнинг овқатланишини ташкил этишга талаб ва бу ёшдаги болалар қандай овқатларни хуш кўриши масаласига қаратилади.

Мазмун қанчалик аниқ ифодаланган бўлса, ота-оналар мазкур мавзу ўзларни қизиқтирадими, деган саволни осон ҳал этадилар ва бу нарса уларнинг муҳокамага қатнашиш эҳтимолини оширади. Ота-оналар қизиқишини аниқлаш жараёнида қуйидаги саволлар ёрдамида ўзингизни назорат қилинг (агар жавоблар салбий бўлса, унда ниманидир алмаштиришга тўғри келади):

**Оилалар қизиқишларини аниқлаш:**

**Тарбиячи варақаси**

Жараённинг барча жиҳатлари сиз томонингизда ҳисобга олинганми?

- Сиз ота-оналарга нега шахсан улар дастурда иштирок этишни истаганликлари тўғрисида савол берасизми?
- Ота-оналарга сўров варақасини тўлдириш билан чекланмаган ҳолда ўз фикрини эркин айтиш имконини берасизми?
- Оила аъзоларининг қизиқишлари ва қобилиятлари тўғрисида айтиб беришни сўрайсизми?
- Сиз ота-оналарни ҳамкорликка жалб қилишда қатъият ва удабуронлик кўрсатасизми?
- Ҳар бир оиланинг ўзига хос маданияти ва анъаналарига етарлича ҳурмат-эҳтиром кўрсатасизми?
- Бажариладиган иш тартибига кўргазмали воситаларни ҳам қўшасизми? (ота-оналарга ўтган йилги албом-суратлар тўпламини кўрсатиш. Ота-оналарнинг янги ота-оналар билан иш тажрибалари тўғрисида сўзлашаётган пайтдаги расм)
- Ота-оналар ғояларидан фойдаланасизми? (тажрибали ота-оналардан янгидан қўшилган ота-оналарга ёрдамлашини сўрайсизми?)

Ҳа	Йўқ
—	—
—	—
—	—
—	—
—	—
—	—
—	—

Оилалар эҳтиёжини аниқлаш бутун йил бўйи давом этади. Вақти келиб ота-оналар билан муносабат мустаҳкамланади, ишонч пайдо бўлади ва бу янги муносабатларни, эҳтиёжларни, қизиқишларни ва лаёқатларни янада аниқроқ белгилаш ҳамда учрашув мавзуларини янада мос қилиб режалаштириш имконини беради.

**ОТА-ОНАЛАР ҚИЗИҚИШЛАРИ СЎРОВНОМАСИ**

Ота-онанинг исм-фамилияси \_\_\_\_\_

Боланинг исми \_\_\_\_\_

Хурматли \_\_\_\_\_

Биз сизнинг болангиз бу йил «Болога йўналтирилган таълим» дастури гуруҳида иштирок этишидан хурсандмиз. Биз Сиз билан ҳамкорлик қилишга умидвормиз. Сизга маълумки, биз дастурни амалга оширишга фаол иштирок этган оила азоларини рағбатлантираемиз. Сизнинг дастурга иштирок этишингиз тўғрисида тасаввур ҳосил қилишимиз учун марҳамат қилиб ушбу сўровномани тўлғазинг, рўйхатдаги Сизни кўпроқ қизиқтирадиганларини белгиланг Раҳмат! Сизни тез орада мактабгача таълим муассасамизда кўрамиз, деган умиддамиз.

***Мен имкониятим (қизиқишим)га кўра қуйидагиларга қатнаша оламан:***

- ҳар ойда ўтадиган ота-оналар йиғилишларига;
- болалар билан гуруҳда машғулот ўтказишга; (Агар қатнашмоқчи бўлсангиз, сизни қониқтирадиган машғулот турини кўрсатинг: ўқиш \_\_\_\_\_, санъат \_\_\_\_\_, бошқотирмалар \_\_\_\_\_, муסיқа \_\_\_\_\_)
- ниманидир яшаш ёки жиҳозлаш (ўйин майдончасини жиҳозлаш, қўғирчоқлар учун кийим тайёрлаш);
- болалар саёҳатларини ташкил этишга ёрдамлашиш;
- байрамларни ташкил этиш;
- гуруҳга қандайдир янгилик киритишни тарбиячилар билан ўйлаб кўриш;
- гуруҳ учун керакли материалларни танлаш;
- бошқа ота-оналар қатнашган тадбирларда қатнашиш;
- ўзаро қўллаб-қувватлаш гуруҳида қатнашиш.

**Норасмий воқеалар ва учрашувларни режалаштириш**

Биз ота-оналардан бўш вақтларининг бир қисмини йиғилишларда иштирок этиш ва дастурда қатнашишга ажратишни сўрар эканмиз, бунда уларнинг бўш вақтларида нима қилишни яхши кўришларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу ахборот дастурни режалаштириш пайтида жуда фойдали бўлиши мумкин. Қўйида келтирилган саволлар ана шунини аниқлаш имконини беради:

- Сиз бўш вақтингизда нима қиласиз?
- Сиз ва сизнинг оилангиз нима билан шуғулланади?



- Сизга нима билан шуғулланиш маъқул ва нимага ҳеч қачон вақтингиз етмайди?
- Сиз ҳеч қачон синаб кўрмаган, қилиб кўрмаган қандай иш билан шуғулланишни истайсиз?

Бу мавзуга шунингдек сўров варақаси ёрдамида ҳам ахборот олиш мумкин. Ота-оналардан уларнинг бўш вақтлари тўғрисидаги саовларга жавоб беришини сўранг:

Сиз бўш вақтингизда нима қилишни яхши кўрасиз?

- |                              |                             |
|------------------------------|-----------------------------|
| -Вақтни оила билан ўтказиш   | -Якка ҳолда қолиш           |
| -Қарта ўйнаш                 | -Ўқиш                       |
| -Пазандалик                  | -Меҳмонга бориш             |
| -Истироҳат боғида сайр қилиш | -Вақтни очиқ ҳавода ўтказиш |

Сиз бола билан кўпроқ қандай шуғулланасиз?

- |                            |                                |
|----------------------------|--------------------------------|
| -Ўйинлар ўйнаймиз          | -Эртақлар айтаман              |
| -Кўчада машғул бўламиз     | -Истироҳат боғида сайр қиламиз |
| -Қариндошларникига борамиз |                                |

### **Жадвал тузиш**

Ота-оналар одатда кўпроқ банд бўладилар. Уларнинг кўпчилигига қулай вақтни аниқлаб, шунга мос ҳолад ҳамда тезда ўзгартиш мумкин бўлган тарзда жадваллар тузиш зарурдир. Агар йиғилиш қулай вақтда, яхши ва зерикарли бўлмай ташкил этилса, кишилар албатта келадилар.

## ***Ота-оналарни жалб қилишга имкон берадиган фаолият турлари***

Қўйида ота-оналарни жалб қилиши мумкин бўлган шуғулланиш ва фойдали машғулотларнинг тахминий рўйхати келтирилган. Агар бу ғоялардан қайсидир бири сизга ёқса, ҳеч қандай кераксиз сабабларни ўйлаб топишга вақтингизни кетказманг. Яхшиси, уларни рўёбга чиқаришни ўйланг.

### **Очиқ ҳавода машғулотлар**

**Велосипедда сайр қилиш** - табиат қўйнида сайр уни билишга хизмат қилиши мумкин.

**Боғ сайри** — очиқ ҳавода куйлаш, ўйнаш (анъанавий ёки замонавий), ҳаммани жалб қилувчи тарихни сўзлаб бериш.

**Коньки ёки роликларда учиниш** - ҳатто ҳеч ким эплай олмаса ҳам аҳамияти йўқ. Жўрбат этиб кўринг.

**Балиқ ови** — болалар ҳам, катталар ҳам балиқ овини яхши кўрадилар, шалаббо бўлиш эса қониқиш олишнинг энг зўр йўли.

**Очиқ майдончани жиҳозлаш** — бу ерда ҳар бир киши ёрдам бериши мумкин, бу одатда бошқа ишларда истар-истамас қатнашувчи оталарни жалб қилишнинг яхши йўлидир.

**Варрак фестивали** — майли бор ота-оналар ва болалар биргаликда варраклар жасайдилар ва бошқа гуруҳларни таклиф этадилар.

**Клублар ва синфлар** — турли хилдаги қўллаб-қувватлаш гуруҳлари ота-оналар учун муҳимдир.

**Тикиш, бадий фаолият, жисмоний машқлар** — ота-оналар ва ўқитувчилар жамоаси учун шундай синфни бошқаришни маҳаллий мутахассислардан биридан илтимос қилинг.

**Таъмирлаш клуби** — машиналарни, жиҳозларни, кийимларни созлаш ёки хонани қайта жиҳозлашда оилалар бирлашадилар ва бир-бирларига ёрдам берадилар.

**Махфий дўстлар** - ҳар бир ота-онага бошқа ота-онани қўшиб ёзинг. Йил давомида улар ўзларининг махфий дўстларига қутилмаган ёқимли янгиликлар қиладилар (хатлар, кичик совғалар юборадилар ва ҳ.к.). Йил охирида эса бу «махфийликнинг», «сирини» очиб мумкин.

**Ака/она** - ўтган йилги гуруҳ ота-оналаридан кимнидир янгидан келган ота-оналар учун катта она ёки ака бўлишини сўранг. Улар саволларга жавоб беришлари ва ота-оналарни йиғилишга иштирок этишга рағбатлантиришлари мумкин. Тажрибали ота-оналарнинг «Болага йўналтирилган таълим» дастурида иштирок этиши — яхши ёрдамчиларнинг мавжудлигидир.

#### **Таом ва кўнгил очиб**

**Овқатлар байрами (фестивали)** — умумий танишиш учун яхши усулдир. Бир қатор ота-оналардан мактабгача таълим муассасасига овқат келтиришни, бошқаларини эса бу ишни ташкил этишга уларга ёрдам беришларини сўранг. Ўйин ва қўшиқ куйлашни ташкиллаштириш мумкин, болалар эса бу тадбирга ўзлари билганча қатнашадилар.

**Севимли овқат кечаси** - ота-оналар ўз болаларига ўзларининг севимли овқатлари тўғрисида айтиб берадилар, уларни болалар билан бирга тайёрлайдилар ҳамда гуруҳда бўладиган умумий кечага олиб келадилар.

Биз ота-оналарнинг «Болага йўналтирилган таълим» дастурида иштирок этиши фаол ва ёқимли бўлиши учун мавжуд имкониятларнинг унча катта бўлмаган қисмини санаб ўтдик холос. Сўров варақаларидан барча ахборотларни олгач ва ота-оналар билан гаплашгандан сўнг сиз бошқа йўллари ўйлаб топшингиз мумкин. Кичик ишдан бошланг ва ҳар бир янги муваффақият билан ташаббусни кенгайтиринг. Ота-оналар кўнгил очишини ва бир вақтнинг ўзида ўрганишини кузатинг.

#### **Йиғилишни қандай қилиб муваффақиятли ўтказиш керак**

Ота-оналар йиғилишда ўзларини қулай ҳис этишлари учун турли усуллардан фойдаланинг (масалан, ҳар бир ота-онага ўзингизни исмингизни айтган ҳолда таништиринг, уларнинг севимли овқатлари тўғрисида сўранг, охири бор уйдан чиқиш олдида улар болаларидан нималарни эшитганларини билиб олинг). Йиғилиш ёки семинарни раҳбар ҳам, ўқитувчи ҳам, ота-она ва маҳаллий ҳокимият вакили ҳам олиб бориши мумкин.

- Муҳокамани фаолаштиринг: суҳбатда иштирок этиш қизиқишни оширади. Очиқ саволлар беринг. Йиғилганларни жуфт ёки кичик гуруҳларга бўлинг — бу катта аудитория олдида тортинчоқлик қиладиган кишиларнинг ҳам муҳокамага қўшилишига имкон беради.

- Йиғилишни тинч-осойишта, дўстона вазиятда ўтказинг.
- Йиғилиш пайтида болаларга қараб туришни таъминланг.

· Фоялар ва фикр-мулоҳазаларни ифодалаш учун зарур бўлган барча кўргазмали воситалардан фойдаланинг. Агар сиз болалар ривожланиши масаласини муҳокама қилмоқчи бўлсангиз магнитофон ёзувларидан, дастурда қатнашувчи болалар суратларидан фойдаланинг: ота-оналарга бу нарса ёқиб тушади.

· Ёзма таклифномалар жўнатинг ва уни оғзаки равишда тасдиқланг. Кўплар йиғилишга қатнашишдан қочадилар, уларни жалб қилиш лозим.

· Йиғилишда доимий равишда ота-оналарнинг ўзаро фикрлашиб олишлари учун вақт беринг.

· Дастурда иштирок этаётган ота-оналарни ҳали бу ишга киришмаган ота-оналарга бириктириб қўйинг. Балки улар бирга келишлари ёки йиғилиш олдида гаплашиб олишлари мумкин.

· Ахборот қисқа бўлса, майли. Катталарда эътибор бериш ҳажми катта эмас, бу ҳол айниқса кун охирида толиққан пайтда кўпроқ намоён бўлади.

· Ахборот беришни, хабардор қилишни жонли олиб боришга ҳаракат қилинг. Кулиш ҳамма вақт ҳам яхши.

Йиғилишни режалаштираётиб, уни дўстлар билан учрашув тарзида ўтказишни ўйланг. Улар сарфлаган ортиқча вақт ва куч тадбирда иштирок этиш ва ундан қониқиш ҳосил қилиш натижасида қопланади. Агар оила йиғилишда иштирок эта олмаса, уйига хатча юбориб, муҳокама мазмунини кўрсатинг ва келгуси марта улар йиғилишда албатта иштирок этишларига умид билдириг.

### **Ота-оналар йиғилишини баҳолаш**

Оилаларнинг «Болага йўналтирилган таълим» дастуридаги иштирокининг асоси уларнинг ота-оналар йиғилишига қатнашишидир. Йиғилиш шундай муҳим ўрин тутар экан, уни ота-оналар учун фойдали ва қизиқарли бўлиши нуқтани назаридан баҳоламоқ керак. Бунинг учун сўров варақасидан фойдаланиш мумкин.

### **Махфийлик**

Махфийлик оилалардан олинган ишончли ахборотларни ошкор қилмаслик ва уни профессионал мутахассисларга оила фаровонлиги учун фойдаланиш мақсадида бериш мумкин.

«Болага йўналтирилган таълим» дастурида педагог ва мувофиқлаштирувчи очиқ муҳокама қилиш муҳитини қўллаб-қувватлайди, ота-оналарга уларни ташвишлантираётган масалаларни эркин айтиш, шунингдек боғча ходимларига болалар ва оилавий шароитга тааллуқли ахборотларни айтишга имконият яратади. Шу билан бир вақтда, агар бирор ишончли ахборот ошкор этиб қўйилса, қўллаб-қувватлаш дастурини барпо этиш бўйича барча куч-ғайратлар бекорга кетади. Дастурда банд бўлган барча кишилар ҳар қандай суҳбат ва ёзиб олинган материаллар ошкор қилинмаслиги кераклиги ҳақида огоҳлантирилишлари лозим. Ўзингиз ёзиб олган нарсаларингизни қулф остида сақланг, ундан фақат бу ишга ҳуқуқи бор кишиларгина фойдаланишлари мумкин.

Дастур жамоаси ота-оналардан оғзаки ёки ёзма шаклда олинган оилавий ахборотлар ҳимояси бўйича масъулиятни ўз зиммасига олади. Бу ахборотларни ошкор қилиш учун оиланинг ёзма розилиги лозим. Оиланинг ўзи қайси ахборот кимга ва қайси шаклда берилишини ҳал қилади ҳамда ўз ахборотларидан исталган пайтда фойдаланиши мумкин.

Педагогларни махфий ишларнинг техник жиҳатлари бўйича машқ қилдириш зарурдир. Уларга ота-оналар билан бўлган суҳбатлар чоғида, улар билан биргаликда ишлаш пайтида олинган ахборотларни бировга етказишга йўл қўйиб бўлмаслигини доимий равишда эслатиб туриш керак. «Болага йўналтирилган таълим» дастури жамоаси томонидан тўпланган ахборотлар бегараз, холис ва фойдали фактларга асосланган бўлиши керак. Воқеа-ҳодисаларнинг миш-миш ва ҳеч нарса билан асосланмаган тарзда ифодаланиши одатда ғаразли бўлади ва ҳеч қандай фойда келтирмайди. Тўпланган кичик бегараз, холис ва аниқ ахборот – ишда қатнашган педагогларнинг болалар ва ёрдам талаб қилган оилаларга кўрсатадиган ёрдамнинг калити ана шундадир.

Дастурда қатнашган ҳар бир кишини ҳимоя қилиш учун ёзма ахборотга муносабатда бўлиш маданиятини ошириш зарур. У қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

- Маҳаллий ҳокимиятга ёки алоҳида шахсларга ахборотларни узатиш жараёни.
- Дастурда ахборотлардан фойдаланиш.
- Ёзиб олинган ахборотларни, материалларни сақлаш ва ҳимоялаш тизими.
- Бегараз тўпланган фактлар кўникмаларини ривожлантириш ва ҳисоботлар тузиш.
- Ота-оналар ҳуқуқи.
- Ходимлар учун зарур бўлган ахборотга эга бўла олиш.
- Тартибни бузувчиларни интизомий жазолаш.
- Ушбу кўникмалар бўйича машқлар олиб боришнинг шартлари.

Дастурининг махфийлик сиёсати болаларни ва уларнинг оилаларини дастурдан ташқари муҳокама қилишни қатъий равишда тақиқлайди. Бундай тақиқлаш шунингдек тарбиячиларнинг оилалари ва дўстларига ҳам дахлдордир.

### Ота-оналар йиғилишини баҳолаш варақаси

Ота-оналар ўз фикр ва мулоҳазаларини айтишга уналдим	Ҳа	Йўқ
Ҳамма учун қулай бўлдими	—	—
Ота-оналар учун мавзу қизиқарли эдими	—	—
Қизиқ ҳолатлар бўлдими	—	—
Сўзга чиққанлар кўргазмали воситалардан фойдаландими (бирдан ортиқ)	—	—
Бу сизнинг ишингиз бўлмаса ҳам йиғилишга борармидингиз	—	—
Болаларга қаров таъминландими	—	—
Ота-оналар бир-бирларига таништирилдими	—	—

### **Махфийликни таъминлаш бўйича асосий қоидалар**

Оилалар шахсий характердаги ахборотларни ошкор этмаслик ҳуқуқига эга, бу ахборотлар дастурни амалга ошириш давомида мактабгача таълим муассасаси ходимларига маълум бўлади. Шу муносабат билан қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

1. Ота-оналар ўзлари тўғрисидаги ахборотларнинг бош манбаидирлар, шу боис ахборотларни олишда фақат бола тарбиясига дахлдор қисми билан чегараланиш керак бўлади.
2. Ота-оналарга бошқа болаларга дахлдор материаллар билан танишиш тақиқланади.
3. Болалар ва оилалар тўғрисидаги маълумотлар фақат мактабгача таълим муассасаси ходимлари, зарурат бўлиб қолган ҳолда маслаҳатчилар учун очиқдир (шароит тақозо қилган даражада).
4. Қайси ахборот бутун педагоглар жамоасига айтилиши ва нима учун бундай қилинишидан оила аъзоларини огоҳлантириш лозим.
5. Дастурда банд бўлмаган шахсларга оиланинг ёзма рухсатисиз ахборотларни айтманг, болалар билан қўпол муносабатда бўлиш ёки улар тўғрисида ғамхўрлик қилмаслик ҳолатлари бундан мустаснодир.
6. Бошқа ташкилотлар ва шахслар билан маслаҳатлар фақат оиланинг розилиги ва у кўрсатган чегара доирасида олиб борилади.
7. Йилига бир марта ота-оналар ва педагоглар иштирокида қандай ахборот тўпланиши ҳамда қандай қилиб ва кимга хабар қилинишини аниқлаб олиш керак.
8. Махфийлик сиёсатини ўтказиш режаларини айтиш билан сўровномалар ёрдамида олинган ахборотлар қандай фойдаланишини кўрсатиб ўтинг.
9. Фақат дастурни амалга ошириш учун дахлдор бўлган ва ота-оналар эътироз билдирмаган ахборотларни ёзиб олинг.

### **Оилалар иштирокининг намунавий имкониятлари**

#### **Уйларга бориш**

Эрта куз – сентябр, октябр. Баҳор – апрел, май

#### **Ҳисоботлар**

декабр - ёзма шаклда: кузатув дафтари шарҳлари билан  
май - кейинги тарбиячига бериш учун ёзма шаклда

### **Кенгашлар**

Ноябр - барча ота-оналар билан

Март - барча ота-оналар билан

### **Ёзма алоқалар**

Кундаликлар - уйга ҳар ҳафта юборилади

Ахборот варақалари

Ойлик тақвимлар

Аниқ масалалар бўйича хатлар — зарурат бўйича

Болалар ишлари намуналари — тез-тез

### **Гуруҳга бориш**

Эрталаб ва кечки пайт — исталган кун

Алоҳида воқеалар — туғилган кунлар, байрамлар

Болалар билан ишлаш - қайсидир фаолиятга ёрдам сифатида олдиндан режалаштирилади — пазандалик,

Ўқиш, ёғоч бўйича ишлаш

Вақтни болалар билан ўтказиш

### **Ота-оналар йиғилиши**

«Болага йўналтирилган таълим» дастурини тушунтириш ва унинг мазмуни — сентябрь

Болалар ривожланиши масаласи бўйича йиғилиш — ривожланиш жойлари муҳокамаси ва ота-оналарнинг бу тўғридаги фикрлари - қизиқиш асосида ва вақт имкониятига қараб тез-тез аниқ лекция ўқувчилар ва мавзулар - ўринли масалаларни муҳокама қилиш, масалан, овқатланиш, саломатлик ва хавфсизлик, мусиқа

**ҲАМЖАМИЯТНИНГ  
ТУЗИЛИШИ**



#### IV боб. ҲАМЖАМИЯТНИНГ ТУЗИЛИШИ

2027 йилда бугунги 5 ёшли болалар 21 ёшга тўлади. У пайтда улар дунёси бизнинг ҳозирги дунёмиздан маълум бир жиҳатлари билан фарқланади. Жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар натижасида мавжуд ҳамжамиятлар ҳам ўзгаради. Ҳозирги болалар яқин келажак жамиятида муваффақиятга эришишлари учун оналар ва педагоглар нима қилишлари керак? Мутахассислар бу борада педагогларнинг ўз касб фаолиятларига “орзу ва хаёлларга” асосланган ҳолда ёндашишларини таклиф этишмоқда. Бу маълум бир йиллардан сўнг инсон фаолиятининг барча турларида содир бўлиши мумкин бўлган янгиликларни олдиндан эҳтимол қилиш ва шунга муносиб таълим-тарбия жараёнига тузатишлар киртиб ҳамда ёндашувларни жорий этиб боришни талаб этади. Педагогларга тараққиётдан бир қадам олдинда юриш талаби ҳам шундан келиб чиққан бўлса, ажабмас.

Биз барча аъзоларининг орзулари болалар учун яхши келажак тўғрисида бирлашадиган ҳамжамиятни тузиш имкониятига эгамиз. «Болага йўналтирилган таълим» дастурининг бош мақсади ҳам болалар зарур кўникмаларни оладиган худди ана шундай ҳамжамиятни тузишдир.

Мутахассислар ҳозирги замонда айниқса шахсий “МЕН” доирасидан чиқиш лозимлигини, бошқа кишилар билан алоқа ўрнатишимиз, ўзимизни жамоа - яқин дўстлар груҳи, маҳаллий ҳамжамият, жаҳон ҳамжамияти аъзоси сифатида ҳис қилишимиз лозимлигини таъкидлашади. Биз болаларга бошқалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва улар томонидан ғамхўрликни қабул қилишга ўргатишимиз керак.

Педагоглар ҳамжамиятни болаларни рағбатлантириш орқали қурадилар, чунки болалар:

- Бир-бирининг исмини билсинлар  
Болалар мулоқот жараёнида бир-бирларининг исмини ёд оладилар ва мулоқотда фойдаланади, бошқа болалар нима билан қизиқётганликларини ва нимани ҳис қилаётганликларини аниқлайдилар
- Навбат кутишни ўргансинлар ва унга риоя қилсинлар  
Болалар навбат кутиш қондасини ўрнатиш ва унга риоя қилишни ўрганадилар. Болаларнинг вояга етиш баробарида навбатга риоя қилиш энди аввалги аразлашишларсиз ва ўйиндан воз кечишларсиз ўтади
- Бир-бирлари билан баҳам кўрсинлар  
Болалар бир-бирлари билан тарбиячи томонидан қаратилган эътиборни, қум ва сув ўйнашда челақча ва қуракчани, стол атрофидаги



- |  |  |
|--|--|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>· Айланада жой бўшатиб берсинлар</li> </ul>   | <p>жойни, эрталабки нонуштани ва фломастерни баҳам кўришни ўрганадилар</p>   |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>· Гуруҳли фаолиятда қатнашсинлар</li> </ul>   | <p>Болалар айланадан кечикиб келганларга жой бўшатиб беришни ўрганадилар ва нафақат ўзларининг яхши дўстлари билан, балки бошқа болалар билан ёнма-ён ўтирадилар</p> |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>· Бошқа болаларни ўзларининг ўйинларига келиб қўшилишини таклиф этсинлар</li> </ul> | <p>Болалар ўйнаётган болалар гуруҳига амалий тарзда қўшилиб кетишни ўрганадилар</p>  |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>· Дўстларни қадрловчи бўлсинлар</li> </ul>  | <p>Болалар ўртоқларини ўзларининг ўйинларига қатнашишга таклиф этишни ўрганадилар</p>  |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>· Бирга ишласинлар ва ўйнасинлар</li> </ul>   | <p>Болалар бошқа одамларга миннатдорлик изҳор этишни ва уларга ўзларининг қизиқишларини намойиш этишни ўрганадилар</p>   |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>· Зиддиятларни ҳал этсинлар</li> </ul>  | <p>Болалар лойиҳалар устида биргаликда ишлайдилар ва муаммоларни ҳал этадилар, ягона жамоа ёки гуруҳ сифатида биргаликда ўйнайдилар</p>                              |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>· Зиддиятларни ҳал этсинлар</li> </ul>  | <p>Болалар муҳокама, фикр алмашиш зиддиятларни ечишга имкон беришни ўрганадилар</p>  |

### ***Муҳит яратиш***

Тарбиячилар хонани тартибга келтирадилар, материалларни танлайдилар, кун жадвалини режалаштирадилар, энг муҳими, гуруҳда ўзаро ҳурмат, самимият, ҳазил-мутойиба ва қувноқликка асосланган соғлом муҳитни яратадилар. Гуруҳда болаларга энг кўп сезиларли таъсир кўрсатувчи, табиийки, тарбиячидир. Тарбиячи бутун дастурнинг марказида туради. Гуруҳга бошқа катта кишиларнинг келиши тарбиячиларнинг болалар билан муносабатини бойитади ва уларни янада жонли қилади... Бош мақсади болаларга ғамхўрлик кўрсатишдан иборат бўлган малакали, тажрибали тарбиячи, ҳатто, агар хонадаги шароит бунга имкон бермаса ҳам болалар учун қизиқарли машғулотни ўйлаб топиши мумкин... Яхши тарбиячи болаларга энг кўп фойда келтирувчи вазият таркибий элементларидан муҳим умумийликни режалаштиради ва топади.

Тарбиячилар ва болалар ўртасида ўзаро ҳурмат бўлиши керак. Мактабгача таълим муассасасида гуруҳ деб аталувчи уюшмада ҳурмат зарур таркибий элемент ҳисобланади. Тарбиячилар улар болалардан кутадиган ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат қилиш ва бир-бирига ғамхўрлик кўрсатиш борасида намуна бўладилар. Болалар бошқа кишилар томонидан ҳис қиладиган ҳурмат даражаси уларда ўзини ўзи ҳурмат омилини ривожлантиришда асосий аҳамият касб этади. Ўзини ўзи ҳурмат эса ўз навбатида бошқа болалар билан ижобий ўзаро муносабатларга мустаҳкам пойдевор қўяди.

Педагоглар гуруҳдаги ҳар бир болага ҳурмат кўрсатсалар, болалар қолган барча болаларни – секин югурувчиларни ҳам, аъло даражада расм чизувчиларни ҳам, ва, ҳатто, кам учрайдиган ёки муаммоли феъл атворга эга болаларни ҳам қабул қилишни ўрганадилар. Болалар бошқалар уларнинг ҳар бирини қабул қилишлари ва ҳурмат қилишларини кўрганларида ҳамда сезганларида ўзларини қулай ҳис қиладилар ва эркин тутадилар, шу билан бирга ўзларининг шахсий қизиқишларини амалга оширадилар.

Тарбиячилар шуни тушуниб етишлари керакки, болалар ҳам катталардек ўзларига билдирилган самимиятни ҳис этадилар ва сезадилар. Болаларни улар бажарган иш натижалари учун мақташ самимиятни талаб этади, ўзаро таъсир табиий ҳолда ва мажбур этмаслик тарзида бўлиши лозим.

Болалар қулги ва қувноқликни қониқиш билан қабул қиладилар, чунки бу нарса уларнинг ёшига мос келади ва улар бунга яхши муносабат билдирадилар. Катталар болалар билан биргаликда кулиш ва ҳазиллашиш гуруҳда тартиб-интизомни издан чиқаради, деган мулоҳазадан йироқ бўлишлари керак. Аксинча, умумий қувноқлик тарбиячиларни болалар билан фақат яқинлаштиради, бунинг натижасида гуруҳда ҳамкорлик муҳити мустаҳкамланади.

#### **Болаларга ўз ҳурматини қандай намойиш этиш керак**

- Ҳамма вақт болаларнинг исмини айтиб чақиринг.
- Ҳар бир бола билан имкон топилди дегунча тез-тез яқин ҳолда гаплашинг.
- Сўхбатлашаётганда боладан баланд жойлашманг: чўкка тушиб ёки пастроқ стулда ўтиринг.
- Бола сизга нимани гапираётганини эшитиб, унга жавоб беринг.
- Агар сиз болаларга кейинроқ нимадир қилишга ваъда берган бўлсангиз, уни бажаришни унутманг.
- Болалар иши натижаларидан завқ олганингизни самимий тарзда билдинг.
- Болаларга ўз ишлари ва ўз қизиқишлари тўғрисида бошқаларга сўзлашга имкон беринг.
- Болаларнинг гоё ва таклифларидан фойдаланинг ва уларга ёрдамлари учун миннатдорчилик билдинг.

### Тафовутлар тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш

Бугунги кўплаб мактабгача ёшдаги болалар келажакда дунёнинг турли мамлакатлари фуқарлари билан мулоқотга киришишига, ҳамкорликда ишлашларига тўғри келади. Табиийки, улар турлича маданиятга эга ҳамда турли тилларда сўзлашадилар. Ҳозирги болаларнинг бошқа кишиларга вазминлик ва ҳурмат билан ёндашишга ўрганишлари уларнинг келгуси ишларида ҳам муваффақият келтириши мумкин. Бу ўринда болаларнинг бошқа дин вакиллари, маданиятлар ҳамда урф-одатларга нисбатан бағрикенглик туйғусида тарбияланиши жуда муҳим.

Кичик ёшдаги болаларда доимий равишда кенгайиб бораётган ўз дунёси тўғрисида ахборот йиғилади ва унга асосан улар ўз шахсий тасаввурини шакллантиради. Улар кишилар ўртасидаги тафовутлар маъно-мазмунини тушунишга интиладилар. Улар атрофидаги катталар (ота-оналар ва тарбиячилар) бундай тушуниш, англаб етиш учун калит бўлиб хизмат қилади.

«Болага йўналтирилган таълим» дастурини ишлаб чиққанлар бундай тафовутларни қабул қилиш ва қадрлаш керак, улардан қочмаслик лозим, деб уқтирадилар. Ота-оналар ва тарбиячилар болаларнинг нотўғри, сохта тушунчалар ҳамда хурфотнинг қанчалик вайрон этувчи эканлигини тушуниб етишларига ёрдам беришлари керак. Кичик ёшдаги болалар кўп аҳамият берадиган адолатга оид саволларни болаларга нега ўртоқларини гуруҳлар бўйича адолатсиз тарзда бўлиш ёки мавзедаги қўшниларни қандайдир тоифаларга ажратиш керак, деган масалаларни тушунтиришда асос нуқтаси қилиб олиш зарур.

Болаларни турли маданиятлар мавжуд бўлган жамият ҳаётига тайёрлаш вақтни ва болаларнинг керакли тажрибани олишлари учун имкониятлар яратишни талаб этади. «Болага йўналтирилган таълим» дастури болаларда аниқ ижобий тажрибаларни олиш орқали тафовутларни қабул қилишга интилишни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу масалаларни кўриб чиқиш болаларни уларнинг кўз олдида жиддий равишда кўтаришга, шунингдек, уларнинг оилаларини маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ёрдам беради. Кўплаб тарбиячиларнинг тан олишларича, тафовутлар масаласи кўриб чиқилгандан сўнг уларнинг гуруҳларида вазият, шароит анча барқарор ҳамда самарали бўлган.

Агар тарбиячилар ўзларининг педагогик тажрибаларида қуйидаги тавсияномаларга риоя қилсалар болаларнинг кишилар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутлар борасидаги тушунчаларини кенгайтиришга ёрдам беришлари мумкин:

Болалар ўзаро суҳбатлашаётганда уларни кузатинг.

Гуруҳда тинч-осойишта ва ўзини эркин тутиш вазиятини яратинг, токи болалар гапирётганда ўз шахсий ғояларини ифодалашлари учун уларда етарлича вақт бўлсин.

Болаларни: “Ҳа, мен биламан, бу ҳақиқатан ҳам шундай” турдаги мулоҳазалар билан руҳлантиринг.

Болаларнинг фикрини уларнинг ўз муҳим шахсий сўзлари ва ифодаларидан фойдаланган ҳолда такрорлаш йўли билан аниқланг. Болалар фикрини шундай изоҳлангки, бу билан сиз уларнинг ғоясини маъқулланг, шу билан бир пайтда уларни яна ўйлашга чорланг: “Ҳа, бу қизиқарли фикр”; “Нима учун сен шундай деб ўйлайсан”; “Бошқалар бу ҳақда нималарни ўйлайдилар”; “Бир киши менга айтган эди...”; “Бу тўғрисида сен нима дея оласан”.

Болаларнинг ғояларини “яхши фикр”, “яхши қарор” деган сўзлар билан баҳолашдан қочинг, чунки бунда болаларда бу тўғрида фақат биргина тўғри жавоб амал қилади ва сиз ундан айнан шу тўғри жавобни кутаясиз, деган таассурот пайдо бўлиши мумкин.

Дастур тарбиячиларга болалар томонидан бўладиган камситувчи феъл-атворга муносабат билдиришда қуйидагича йўл тутишни тавсия қилади:

- Бу феъл-атворни эътиборсиз қолдирманг.
- Камситувчи феъл-атвор воқеасида иштирок этган болаларга уларнинг фикри бўйича нима содир бўлганлигини тушунтиринг ва уларни муҳокамага таклиф этинг.
- Зиддиятлардан қўрқманг.
- Ўзингизнинг шахсий феъл-атворингизни кузатинг.
- Вазиятга тушунган ҳолда ёндашинг.
- Агар сиз ўзингизни йўқотиб қўйсангиз, буни очиқ тан олинг.
- Болаларга сиз улардан кутишингиз керак бўлган феъл-атвор даражасида намуна кўрсатинг.
- Содир бўлиши мумкин бўлган воқеага аралашингга тайёр туринг.
- Қатъий мулоҳаза билдирманг.
- Қатъий ва кўп маъноли фикрлашни фарқлай билинг.

### **Масъулиятга ўргатиш**

Аксарият ҳолларда болалар катталар тахмин қилганларидан ҳам яхшироқ тарзда ўз нарсалари тўғрисида ғамхўрлик қиладилар, ўз жойларини ўзлари йиғиштирадилар ва мустақил ҳолда ишлайдилар. Кичик болалар учун мўлжалланган яхши дастурлар уларга қарорлар қабул қилиш, масъулиятни ўз зиммасига олиш ва аниқ ҳаёт шароитида ўзлари қила олишлари мумкин бўлган чегара доирасида ўзларига мустақил хизмат кўрсатиш имкониятини беради. Шунинг баробарида болалар ўз олдларида пайдо бўлган муаммоларни ҳал этганлари сайин уларда шунга мос кўникмалар ва ўзига ишонч туйғуси ривожланади.

Тарбиячилар болаларнинг ўзлари мустақил қила оладиган ишларни улар учун бажармасликлари лозим. Овқатланиш, ҳожатга чиқиш, кийиниш – булар ўз-ўзига хизмат кўрсатиш бўйича орттирилган муҳим кўникмаларнинг айримларидир. Катталар болаларни овқатлантирсалар, улар учун жойларини йиғиштирсалар, кийинтирсалар ёки бошқача тарзда уларга васийлик қилсалар, бу билан улар болаларга бундай ишларни уларнинг ўзлари мустақил қила олмайдилар, деган тушунчани билиб-билмай синдириб қўяди. Аксинча, тарбиячилар болаларга улар кўп нарсаларни мустақил тарзда бажара олишларини тушунтиришлари лозим. Болалар ўз палтоларини ўзлари мустақил кийсалар ёки овқатланиб бўлгандан сўнг хонтахтани артиб тозаласалар, бундан фахр ва қониқиш ҳиссини туядилар.

Тарбиячилар ёрдамни улар ишига аралашувдан фарқлашлари керак: болага унинг учун жисмоний тарзда ўта мураккаб бўлган ёки унинг ривожланиш даражасига мос келмайдиган вазифаларни ечишга ёрдамлашиш зарур, бироқ бола топшириқни ўзи мустақил равишда ечишга ҳаракат қилаётган бўлса, у ҳолда аралашмаслик лозим. Баъзан тарбиячилар болалар ишига аралашадилар, шундай қилинса гўёки ҳаммаси

осон ва тез кечади ёки улар “бола қийналаётганлигига шунчаки қараб тура олмайдилар”. Бироқ, бола ҳозирча вазифани охиригача еча олиш қобилиятига эга эмас, шу билан бирга уни қисман ечиши мумкин. Масалан, агар бола ўз олдидаги гўшт бўлагини четдан аралашувсиз кеса олмаса, тарбиячи унга пичоқдан фойдаланган ҳолда ўз тақсимчасида дастлаб картошкани, нонни ва сабзини кесишни таклиф этади.

Масъулиятли болалар масъулиятли фуқаролар бўлиб ўсадилар. Тажриба болаларга атрофдаги нарсаларга ёки кишиларга қандай таъсир этишлари мумкинлигини тушуниш имконини беради. Мактабгача таълим муассасаларида шароит, вазият болаларда масъулият ҳис-туйғусини тарбиялаш учун бир қанча имкониятлар яратади. Агар жавонларда мос равишда кўрсаткичлар бўлса болалар машғулотлардан кейин материалларни ййвиштириб жойига қўйишни ўрганишлари мумкин. Навбатчилик жадвалининг тузилиши болаларнинг турли ролларда турлича ишларни бажаришларига имкон яратади. Масалан, официант (тушлик пайтида катталарга ёрдам беради, олдиндан столга овқатларни келтириб қўяди), супирувчи (хона ичини супириб қўяди) зоолог (тирик бурчакда ҳайвонларни озиқлантиради), ботаник (гулларга сув қуяди), тарбиячи ёрдамчиси (давоматни кузатади), мусиқачи (машғулот учун мусиқа ноталарини танлайди), кутубхоначи (китоблар танлайди). Буларнинг барчаси болаларнинг гуруҳдаги кундалик ишларга бевосита иштирок этишига имкон беради.

Болалар гуруҳда юриш-туриш қоидаларини аниқлашда қатнашар эканлар ва ўзлари ҳам бу қоидаларга риоя этадилар, улар демократик ҳамжамият аъзолари сифатида ҳаракат қиладилар. Тарбиячи болалар ўртасида келиб чиққан зиддиятлар ечимини уларнинг ўзлари топишларига ундар экан, бу билан у болаларни кейинчалик ўзлари шахсий қарорлар қабул қилишга ўргатади. Болага йўналтирилган гуруҳларда болаларга эътиборли ва масъул шахс сифатида муносабатда бўлинади. Тарбиячилар болаларни бажарган аниқ ишлари ва унга тегишли қарорлар қабул қилишда қатнашганликлари учун олқишлайдилар. Тарбиячилар ўргатиш жараёнида болаларга ўзларига шерик бўлишлари учун имконият яратиб бераётганларидан қониқиш ҳосил қиладилар.

Ягона уюшма сифатида тузилган гуруҳларда жўшқинлик алоҳида ажралиб туради: уларда рағбат ва куч-қувват руҳи бор. Барча машғулотлар ва ўйинлар пайтида болалар ўз тарбиячилари уларнинг кучига ишонганини ҳис қилиб турадилар. Болалар ўзларини эътиборли, масъулиятли ҳис қиладилар ҳамда ўз имкониятлари ва кўникмаларидан энг кўп фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

### **Қарорлар қабул қилиш**

Болага мўлжалланган гуруҳларда қарорлар қабул қилиш педагогик жараённинг асосий бўғини ҳисобланади. Ўзлари учун машғулот, материаллар, овқат ва кийим танлаш билан болалар қарорлар қабул қилишда тажриба орттирадилар, бунинг устига бу нарса хавфсиз ва ташкилий вазиятда ўтади. Болалар ўз қарорлари учун ўзларига масъулиятни қабул қилишга ҳамда ўз ҳаракатлари оқибатларини ҳисобга олишга ўрганадилар. Бола ўздан сўраши керак: “Агар мен кубик ўйнасам, унда овқат тайёрлаш бўйича машғулотни ўтказиб юбораман. Мен учун қайси бири муҳимроқ?”.

Тарбиячи болаларга овозга қўйиш йўли билан тирик бурчакдаги қуёнча учун исм танлашни таклиф этса, ўшанда болалар гуруҳда содир бўлаётган воқеаларга

таъсир этишлари мумкинлигини ҳис қиладилар. Улар яна шунини тушуна бошлайдиларки, гуруҳдаги демократик жараёнлар натижаси ҳар доим ҳам уларнинг шахсий танловларига мос келмаслиги мумкин.

Қарорлар қабул қилиш тажрибага эга бўлишни талаб қилади. Мактабгача таълим муассасаларида гуруҳларда машғулотлар ўтказиш жадвали болаларга танлаш учун кўплаб имкониятлар беради: айлананинг қаерида ўтириш; қайси мавзули марказда ишлаш; очиқ майдончада ким билан ўйнаш; кичикми ёки катта тўп ўйнаш; пластилиндан нима яшаш. Тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини ақлий ривожланиш даражаси билан қўшиш, аралаштириш ярамайди: қарорлар қабул қилишни билиш амалий тажриба асосида ишлаб чиқилади.

Танлаш имконияти таълим воситалардан бири ҳисобланган гуруҳда болалар ўз танловининг ютуқ ва камчиликларини ўз таналарида ҳис этадилар ва тегишли қарорлар қабул қиладилар. Болалар танлашни амалга оширишда амалиёт ўтказсалар, бу мураккаб дунёда қарорлар қабул қилиш енгил кечади.

## *Гуруҳда феъл-атвор қоидалари*

### **Чеклашларни белгилашдаги зарурат**

Ҳар биримизнинг уйимизда маълум қоидалар, кундалик тартиб ва маросимлар амал қилади. Биз ниманидир маълум, одатий усул билан бажарсак ўзимизни қулай ҳис этамиз: у бизга ягона тўғри усул бўлиб туюлади. Болалар ўз уйларида маълум нарсалар қилинишига қўниқиб кетадилар, бу уларга табиийдек туюлади.

Болалар мактабгача таълим муассасасига келар эканлар, гуруҳда риоя қилиш зарур бўлган бир талай қоидалар ва талабларга рўбару келадилар. Бу қоидалар ва талаблар уларнинг уйларида қабул қилинганлардан жиддий равишда фарқ қилиши мумкин. Гуруҳда ўрнатилган қоидаларнинг моҳияти, асл маъноси ва уларнинг сони тарбиячига, ўқув режасига, хонадаги моддий шароит ва гуруҳ таркибига боғлиқ равишда ўзгартирилиши мумкин. Кўплаб болалар уларга мактабгача таълим муассасаларида таклиф этиладиган талабларни бажаришга тайёрдирлар. Агар улар нимани қилиш мумкин, нимани қилиш мумкин эмаслигини, бошқалардан нимани кутиш мумкинлигини билсалар ўзларини янада эркин ҳис этадилар.

Болалар ўзларининг қоидаларга риоя қилишга тайёрлик даражалари ва педагоглар кутган феъл-атворнинг ўша турини қабул қилишлари билан фарқланадилар. Болаларнинг қоидаларга энг кўп риоя қилишларини таъминлайдиган энг яхши усуллардан бири, бу - қоидаларни аниқлашга, уларни ўзгартиришга ва шундай зарурат туғилиб қолган тақдирда янги қоидалар қабул қилишга болаларнинг ўзини жалб қилиш ҳисобланади.

Кичик ёшдаги болалар билан ишлашнинг асосий мақсадларидан бири уларни ўзини ўзи назорат қилишга ўргатишдир. Бу мақсад билан тарбиячилар болаларга номақбул феъл-атворнинг келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларини тушунтирадилар, уларга ўзларининг муаммоси феъл-атворларини тушуниб этишлари ва уни тузатиш усулларини топишларига ёрдам берадилар. Болаларни қандайдир муаммоларни ҳал этишга жалб қилиш одатдаги «мукофотлаш — жазолаш» усули

натижаларидан устун бўлган узоқ муддатли ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Гуруҳда феъл-атворга нисбатан қоида ва талабларни ўрнатишнинг мақсади шундан иборатки, бунда болалар доимий равишда ўзини ўзи назорат қилиш даражаларини ошириб борадилар.

### **Қоидаларни ўрнатиш борасидаги асосий тавсиялар:**

- Тарбиячилар гуруҳда қайси феъл-атвор бўлиши мумкин, қайсиси эса бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари лозим.
- Педагоглар жамоаси қабул қилинган феъл-атворга нисбатан амалда изчиллик кўрсатишлари зарур.
- Педагоглар жамоаси болалар билан биргаликда қоидаларни ишлаб чиқишлари лозим.
- Вақт ўтиши билан болалар қоидаларга риоя этиш ҳамма учун фойда келтиришини тушуниб етишлари керак.

### **Амалда изчилликнинг аҳамияти**

Агар катта киши болага меҳрибонликни унга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш ва ўрнатилган қоидаларга изчил риоя этиш билан қўшиб олиб боришни билса, унда у тўғри педагогик йўл тутиш намунаси бўлиши мумкин. Катталар воқеа-ҳодисаларни назорат қилсалар, болалар ўзларини хавфсиз ҳис этадилар. Агар болалар ўйин майдончасидан қайтгандан сўнг кўчада қуртқаларини ечиш, уни ўз шкафчасига илиб қўйиш, кейин адабиёт марказига бориб, у ердан ўзи учун китоб танлаш кераклигини билсалар, бу нарса уларнинг ҳаёт тарзига айланиб қолади ҳамда улар бу ишларни муваффақиятли бажарадилар. Агар болалар сайр қилишдан сўнг нима бўлишини билмасалар, бу нарса гуруҳда тартибсизликка олиб келиши мумкин: айрим болалар хона бўйлаб югуришлари мумкин, бунда вазият тарбиячи назоратидан чиқади.

Тарбиячининг гуруҳда қайси феъл-атвор бўлиши мумкинлигини белгилашдаги изчил талаби шундай вазият яратадики, у болаларни керакли феъл-атвор моделига олиб келади. Гуруҳдаги бундай муҳит болаларга улардан қайси феъл-атворни қутишаётганлиги тўғрисида бевосита ва билвосита аниқ тушунча беради.

· Қоидалар истисносиз барча болаларга татбиқ этилиши керак. Масалан, қоидалардан бири шундай бўлиши мумкин: «Ўжанжаллашиш мумкин эмас». Бу қоидани қўйидагича таърифлаш мумкин: «Бошқа болаларга яхши муносабатда бўл. Сен бошқа болани уролмайсан, мен эса бошқаларнинг сени уришига йўл қўймайман».

· Болаларга доимий равишда нега у ёки бу қоида ўрнатилганлигини тушунтириш керак. Масалан, бир бола иккинчи болани урса, авало уларни ажратиб қўйиш лозим, шундан сўнг эса ёқалашиш ёмон иллат эканлигини, у нималарга олиб келиши мумкинлигини тушунтириш керак.

· Қоидаларни тажриба тарзида ўрнатиш. Масалан «Югуриш мумкин эмас» ўрнига «Марҳамат қилиб хонада секин юринг» деб айтиш.

Айрим қоида ва талаблар муайян тарбиячи ва муайян гуруҳга қараб ўзгартирилиши мумкин. **Масалан:**

· Рухсат этилган шовқин даражаси бинонинг акустик хусусиятига қараб ўзгариши мумкин. Шунинг учун бино ичида нормал овоз билан гаплашиш лозим, кўчада эса

қичқириб сўзлашиш ҳам мумкин, деган қоидага муносабатни аниқ вазиятга қараб турлича белгилаш мумкин.

· Хонада югуришни тақиқловчи қоидани ўрнатиш зарурати муайян хонанинг ҳажми, гуруҳда болаларнинг сони ва уларнинг мижози, шунингдек ўйинни очиқ майдончада ўтказиш имконияти бор ёки йўқлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

### **Қоидаларни ишлаб чиқишга болаларни жалб қилиш**

Агар қайсидир ҳолат гуруҳда тартиб бузилишига олиб келса ёки болаларга тинчлик бермаса, чеклашларни қўллаш ва болаларни ўзларига мос келадиган қоидаларни белгилашга жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Масалан:

Эргаш ва Мурод кубикча ўйнайдилар. Улар тарбиячига ўзлари қурган «дўкончани» кўрсатадилар, шу пайтда Мафтуна яқиндан югуриб ўтаётган оёғи «дўконча»га тегиб кетади ва уни бузади. Бу ҳодиса биринчи бор бўлаётгани йўқ. Шу ҳолатда нима қилиш керак?

Ҳар учала болани четга олиб чиқинг ва улар билан гаплашинг. Улардан сўранг:

- Муаммо нимадан иборат?
- У нимадан келиб чиқди?
- Муаммо бошқа келиб чиқмаслиги учун нима қилиш керак?

Болалар Мафтунанинг кубикчалар марказидан югуриб ўтиши муаммосини англаб олганларидан сўнг унинг ечимини топишга тайёр бўладилар, хулоса чиқарадилар. Балки тарбиячидан болаларнинг «кубикчалар марказидан югуриб ўтиш мумкин эмас» деган талабни қўйишни илтимос қилар. Улар шундай хулосага келганларидан сўнг, тарбиячи бу ҳақда гуруҳдаги бошқа болаларга айтиш учун нима қилиш кераклигини сўрайди. Болалар балки махсус белги қўйишни истайдилар (ёки уни тайёрлашни тарбиячидан сўрайдилар): «Тезликни камайтир» ёки «Бу ердан фақат юриб ўтиш мумкин». Бундай муаммо билан аввал бошқа болалар ҳам тўқнаш келганлар, шу боис тарбиячи янги қоидадан бутун гуруҳни хабардор этишга қарор қилиши мумкин. Бу қоидани қабул қилиш пайтида болалар бутун диққатни шу муаммони келтириб чиқарган муайян болага эмас, балки муаммонинг ўзига қаратишлари лозим.

### **Қоидаларни қайта кўриб чиқиш**

Агар болалар гуруҳда ўрнатилган қоидаларга риоя этмасалар педагоглар жамоаси ўзларига қўйидаги саволларни бериши керак бўлади:

- Болалар олдига қўйилган талаблар улар учун тушунарлими?
- Машғулотлар улар учун ҳаддан зиёд мураккаб эмасми?
- Болалар бир ерда узоқ вақт ўтириб қолмаяптиларми? Улар ўз навбатларини жуда узоқ вақт кутмаяптиларми?
- Фаол ҳаракат қилишлари учун болаларда вақт етарлими?
- Катталар уларга ниманидир кўрсатаётган пайтда ёки қандайдир машғулотни тушунтираётганда балки болалар уларни суст кузатаётгандирлар?

· Муайян боланинг ёмон хулқини изоҳлайдиган аниқ сабаб борми? (Масалан: ҳорвинлик, жисмоний муаммолар, уйдаги муаммолар ёки шахсий мослашув муаммолари).



Агар тарбиячилар гуруҳда ўрнатилган қоидаларни тушунтириш борасида болаларга ва уларнинг ота-оналарига ёрдам берсалар, бу нарса жараёни уй шароитидан мактабгача таълим муассасаси шароитига ўтказиш имконини беради. Болалар қоидаларни белгилашда қатнашар эканлар, улар муаммоларни ва ўзини-ўзи назорат қилиш кўникмаларини ишлаб чиқадилар. Ота-оналар ҳам оилада феъл-атвор қоидаларини ишлаб чиққан ҳолда бу жараёнда қатнашишлари мумкин.

### ***Маданий ўзига хосликни кўллаб-қувватлаш ва маданий тафовутлар тўғрисидаги тасаввурларни ривожлантириш***

**Мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари учун тест тўлдириш бўйича кўрсатмалар:**

Марҳамат қилиб «А», «В» ёки «С» белгиларини қуйида келтирилган саволлар қаршисига қўйинг:

- |          |          |                              |
|----------|----------|------------------------------|
| <b>А</b> | <b>=</b> | <b>тез-тез</b>               |
| <b>В</b> | <b>=</b> | <b>баъзан</b>                |
| <b>С</b> | <b>=</b> | <b>жуда оз ёки ҳеч қачон</b> |

#### **Жисмоний вазият, материаллар ва манбалар**

1. Мен маданий ва этник анъаналарни ифодаловчи расм, плакат ва бошқа хил материалларни ўз гуруҳимда ёки дастурда шуғулланувчи болаларга ва уларнинг оилаларига кўрсатаман.

2. Саҳналаштириш маркази машғулоти учун мен маданий тафовутларни акс эттирувчи қўлланма ва материалларни танлайман (масалан: қўғирчоқлар, ошхона ва уй жиҳозлари, мебел).

3. Мен адабиёт марказида гуруҳимда ёки дастурда шуғулланаётган болалар ва уларнинг оила аъзолари мансуб бўлган турли маданиятларни акс эттирувчи расмлар ва китоблар бўлишига ҳаракат қиламан.

4. Мен стол устида ўйналадиган ва бошқа ўйинчоқлар (одамларни ифодалаган) миллий ёки маҳаллий ҳудудда мавжуд бўлган турли маданий ва этник гуруҳларни ифодалаш тўғрисида қайғураман.

5. Гуруҳимда ёки дастурда мен болалар учун турли китоблар ўқиб бераман, уларда болаларнинг ўзлари мансуб бўлган энг яхши маданий ва этник гуруҳлар тўғрисида ҳикоя қилинади.

6. Бундай китоблар бўлмаса мен болалар ва уларнинг ота-оналари учун шундай китобларни тайёрлаш учун имконият яратаман ва шундан сўнг уларни гуруҳдаги бошқа ўқув материаллари орасига жойлаштириб қўяман.

7. Мен болалар ва уларнинг ота-оналари ўзларининг маданий анъаналарини бошқаларга шахсий суҳбатлар орқали етказишлари, гуруҳда машғулотлар ўтказиш вақтида фойдаланиши учун қўғирчоқлар ёки бошқа қўлланмалар тайёрлашларига имконият яратаман.

8. Мен саёҳатлар ташкил этаман, бу саёҳатлар вақтида болалар ва уларнинг ота-оналари ўзларининг маданий ва этник мерослари ва бошқа халқларнинг тарихи билан танишишлари мумкин.

9. Мен маданиятлар ўртасидаги тафовутларни кўрсатиб берувчи видеокассеталар, фильм ва бошқа ахборот материалларини танлайман ва гуруҳда шуғулланувчи болалар ҳамда уларнинг ота-оналарига улар билан танишишни таклиф этаман.

10. Мен болаларга турли маданиятларга дахлдор мусиқалар тинглаш имконини бераман ва уларга мусиқа асбобларини кўрсатаман.

11. Мен болаларга шундай овқатлар берилишига ҳаракат қиламанки, уларда гуруҳимда ёки дастурда қатнашаётган болалар мансуб бўлган маданий ёки этник гуруҳларнинг ноёб пазандалик анъаналари ўз ифодасини топган бўлсин.

12. Мен болаларга турли миллий маданиятларнинг овқатларини тайёрлаш ёки ўйларидан олиб келишларига имкон яратаман.

13. Агар менинг гуруҳим ёки дастур тўлиқ ҳолда бир маданий ёки этник гуруҳга мансуб бўлса, унда мен миллий ёки маҳаллий ҳамжамият даражасида мавжуд бўлган маданий тафовутларни ўзида акс эттирадиган ўқув муҳитини яратиш ва машғуллотлар ўтказиш зарур деб ҳисоблайман.

14. Мен мамлакатимизда/маҳаллий ҳамжамиятда нишонланадиган анъанавий байрамларнинг, шунингдек менинг гуруҳимдаги ёки дастурдаги болалар нишонлайдиган бошқа маданиятларга дахлдор байрамларнинг ўқув режаларига киритилишини таъминлайман.

### **Алоқа усуллари**

15. Агар айрим болалар бошқа тилда гаплашсалар, мен улар билан муносабат, алоқа ўрнатиш учун шу тилдаги зарур сўзларни ўрганаман.

16. Менинг мамлакатимда ва маҳаллий ҳамжамиятда устун бўлган тилни ёмон биладиган болалар билан алоқа ўрнатишни енгиллаштириш учун мен кўриш воситаларидан, имо-ишорадан ва моддий нарсалардан фойдаланаман.

17. Мамлакатимда ва маҳаллий ҳамжамиятда устун бўлган тилни яхши эгалламаган ота-оналар билан алоқа ўрнатиш пайтида мен қуйидагилар тўғрисида унутмайман:

- Тилни яхши билмаслик ақлий ривожланишнинг пастлигидан далолат бермайди.
- Мазкур маданиятда устун бўлган тилда алоқа ўрнатиш имкониятларининг чекланганлиги уларнинг ўз она тилларида алоқа қилиш имкониятларига таъсир кўрсатмайди.
- Улар ўз она тилларида ёки устун бўлган мазкур жамият маданияти тилида ёзишлари ва ўқишлари мумкин, балки буни қила олмасликлари ҳам мумкин.

18. Мен болаларнинг ота-оналарига жўнатиладиган барча хат-хабарлар уларнинг она тилида ёзилишига ҳаракат қиламан.

19. Мен айрим ота-оналар билан алоқа ўрнатишда ёзма ахборотлардан ташқари уларнинг маданиятида шахсан алоқа қилиш афзал бўлган бошқа усуллардан фойдаланиш кераклигини ҳам тушунаман.

20. Мен учрашувларда, ота-оналар йиғилишида қатнашувчи, ўз фикр-мулоҳазаларини таржимонсиз етказишга қийналувчи ота-оналар билан алоқа ўрнатиш

чоғида икки тилни билувчи кўнгилчилар ва шу ерда ишловчи ходимлар хизматидан фойдаланаман.

21. Мен болалар мазкур жой шевасидан бўлак шевада гаплашаётганида уларнинг хатосини тузатмайман.

22. Мен болаларнинг мактабгача таълим муассасасида сўзлашаётган тиллари билан уларнинг уйда гаплашиш тиллари ўртасидаги тафовутларни тушунаман ва қабул қиламан.

23. Мен ота-оналарни уларнинг устун бўлган маданий тилини қай даражада билишларидан қатъи назар кўнгилли ёрдамчилар сифатида болалар билан ишлашга таклиф этаман.

### **Қадриятлар ва муносабатлар тизими**

24. Мен болаларга уларнинг ўз маданий ва этник гуруҳида қабул қилинган қадриятларга зид бўлган қадриятларни мажбуран қабул қилдирмайман.

25. Мен болалар томонидан ирқий жиҳатдан фикр билдирилишига йўл қўймасликка ҳаракат қиламан, бунда айрим сўзлар айрим кишилар учун ҳақорат бўлиб туюлишини уларга тушунтираман.

26. Мен болалар ва уларнинг ота-оналари билан маданий, этник ва ирқий салбий ҳолатларни муҳокама қилишдан олдин уларга китобларни, фильмларни ва бошқа кўргазмаларни қўлланмаларни намойиш этаман.

27. Мен доимий асосда ўқув режасига шундай машғулотларни киритаманки, болалар уларда қатнашиш давомида одамлар ўртасидаги ўхшашлик ҳамда тафовутларни тушуниб олинлар.

28. Мен педагоглар жамоаси бошқа аъзолари болаларнинг маданий ўзига хослигига бефарқ қарашни намойиш этган пайтларида бу ҳолатга тегишли тарзда аралашаман.

29. Мен бошқа маданиятларга мансуб кишиларнинг улар келган мамлакатнинг устун маданиятига сингиб кетишга турли даражада интилаётганликларини тушунаман.

30. Мен у ёки бу маданиятга мансуб бўлган оилада эркаклар ва аёлларнинг роли маданиятга қараб ўзгариши мумкинлигини тушунаман ва бу ўзига хос хусусиятларга ҳурмат билан ёндашаман (масалан, муҳим қарорлар қабул қилишга кимнинг ҳуқуқи бор, ўфил болалар ва қизларга қандай ўйинларни ўйнашга ҳамда ижтимоий ўзаро муносабатларнинг қандай турига рухсат этилади).

31. Мен ўз ишимни яхши биладиган мутахассис бўлсам ҳам ва уларнинг фикрларига қўшилмасам ҳам болаларни ўргатиш ҳамда тарбиялаш масаласида охириги сўзни уларнинг оиласи/ота-оналари айтилишлари керак, деб ҳисоблайман.

32. Мен турли маданиятларда таълимнинг аҳамияти ва қадри турлича бўлиши мумкинлигини тан оламан.

33. Мен дин ва диний эътиқодлар оилаларнинг касаллик, ногиронлик ва яқинларининг ўлимига бўлган муносабатларига таъсир этишини тан оламан ва тушунаман.

34. Мен турли маданиятларда болаларни тартибга чақиришда анъанавий турлича усуллар қабул қилинган бўлиши мумкинлигини тушунаман.

35. Мен турли маданиятларнинг одат ва анъаналарида озиқ-овқат, унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ва тайёрлаш усулларига нисбатан тафовутлар бўлишини тушунаман ҳамда қабул қиламан.

36. Мен ўз дастуримга ўқитишда маданий тафовутларга жавоб берувчи ва болаларда маданият масалаларида чуқур билимга эга бўлишни ривожлантиришга ёрдам берувчи тамойил ва методларни киритиш учун унинг фалсафасини, мақсадини, сиёсатини ва бажарадиган иш тартибини қайта кўриб чиқишга тайёрман.

### **Тестдан қандай фойдаланиш керак**

Ушбу тест шунга мўлжалланганки, унда мактабгача таълим муассасаси ходими эрта босқичда турли маданиятларга нисбатан аралашув тўғрисида қарорлар қабул қилишда маданий тафовутлар ва билимларнинг муҳимлигини ҳис этсин. Тестда тўғри келадиган мос шароитни яратишга имкон берувчи аниқ педагогик ечимларга мисоллар келтирилади. Тест саволларида «бирдан бир тўғри» жавоблар йўқ. Шу билан бир пайтда, агар сиз кўпроқ «С» вариантини танлаган бўлсангиз, бу шунинг англатадики, демак сиз дастурингизда шугулланаётган болалар ва уларнинг оилаларининг маданий тафовутларни қабул қилишларига имкон берувчи, шунингдек бундай тафовутларни ҳисобга олувчи ўқув муҳитини яратишда педагогик усуллардан ҳамма вақт ҳам фойдаланмас экансиз.

**КУЗАТИШ,  
МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙД  
ЭТИШ ВА БОЛАЛАР  
РИВОЖЛАНИШИ ҲАҚИДА  
ҲИСОБОТЛАР ТУЗИШ**



W . 2 3 4 .

A

C

W



## ***V боб. БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИНИ КУЗАТИШ, МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ ВА ҲИСОБОТЛАР ТУЗИШ***

### ***Кузатиш ва қайд этиш***

Фаоллик марказларида жойлаштирилган материаллар болаларни қизиқтириши ёки қизиқтирмаслигини қандай билиш мумкин? Режалаштирилган фаолият турлари уларнинг талабини қондираётганлиги ва ўсишига сабаб бўлаётганлигига қандай ишонч ҳосил қилиш мумкин? Ота-оналарга уларнинг болалари ўз вақтини қандай ўтказаятганлигини қайси йўл билан тушунарли қилиб етказиш мумкин? Боланинг ўзини тутишидаги ташвиш уйғотадиган ҳолатларни қандай қайд қилиш керак? Болалар ўсишининг турли даражаларига мос келиш учун фаолият турларини қандай индивидуаллаштириш мумкин? Ушбу саволлар тарбиячининг фаолият турларини режалаштириш, муҳитни мослаш ва болалар билан гуруҳда ишлашга киришишидан олдин ўзига бериши керак бўлган саволларнинг фақат бир қисмидир.

Самарадор амалиётда исботланган методлардан бири болаларни уларни ўраб турган табиий шароит — уйда, гуруҳ хонасида, очиқ майдончада кузатиш ва олинган натижаларни қайд этишдир. Шундай йўл тутган тарбиячилар ота-она ва ҳамкасблари билан муҳокама қилиш мумкин бўлган аниқ ахборотга эга бўладилар.

**КУЗАТИШ** — болани ўйнаётган ёки ишлаётган вақтда, унинг фаолиятига аралашмасдан туриб синчковлик билан пойлаш жараёни.

**ҚАЙД ЭТИШ** — кузатилаётган фаолликни ҳужжатлаштириш жараёни. Гарчанд, кўпгина тарбиячилар буни табиий равишда қилсалар-да, болаларни кузатишга системали ёндашув олинаятган маълумотларнинг тўлақонлигини таъминлайди.

Тарбиячининг кузатишлари нозик ва синчков бўлиши керак. Кичик ёшли болалар кўп ҳолларда ўз ҳаракатларини сўзда ифодалаб бера олмайдилар. Агар бола қоғозни қайчи билан қирқа олмаса ўз норозилигини (фрустрация) қоғозни полга иргитиш орқали ифодалайди. Боланинг хурсанд жилмайиши унинг илк бор тепаликча устига тирмашиб чиқа олганидан мамнунлигинининг ягона ифодаси бўлиши мумкин. Негаки, болалар биз билан кўз ифодаси, овозининг баланд-пастлиги, тана ҳолати, қўл ҳаракатлари, қилиқлари, жилмайишлари, сакрашлари, лоқайдликлари воситасида гаплашадилар. Улар ички кечинмаларини нима қилаётганликлари ва қандай қилаётганликлари орқали бизга етказадилар. Биз болаларнинг ҳаракатларига ушбу ҳаракатларнинг улар учун аниқланган маъно нуқтаи назаридан, яъни ичкаридан туриб қарай олсак, уларни тушунишда тўғри йўлдамиз. Уларнинг мулоқот

усулларини қайд этиш бизга уларни аслида қандай бўлса шундай кўришимизга ёрдам беради.

Ҳаракатлар ёки уларнинг натижаларини қайд эта туриб, тарбиячилар болалар нима ва қандай қилаётганлиги ҳақидаги қайдларга эга бўладилар ва болани холисроқ баҳолайди ҳамда унинг олдига тўғри мақсадлар қўя оладилар. Болани кузатиш орқали унинг феъл-атвори, нималарни билишга қизиқиши, кўникмалари даражаси ва ривожланишидаги илдамлашни аниқлаб олишлари мумкин.

## КУЗАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Кузатиш тарбиячидан муайян вақт ва қайд этиш воситаларига эгалликни талаб қилади. Ҳеч бир тарбиячи мутлақо ҳолис кузатувчи бўла олмайди. Аммо тарбиячилар кузатилаётган ҳаракатларни тартиб билан ўз шахсий талқин ва баҳоларини аралаштирмаган ҳолда мунтазам қайд этиб боришга ҳаракат қилишлари керак. Ҳолис кузатиш воқеа-ҳодиса ҳақида тарбиячининг фикри ва ҳиссиётларини ўз ичига олмайди. У асосан нима қилингани ёки дейилганини қамраб олиши керак.

Ҳолис кузатиш бу: «Жаҳонгир кубикни олди ва Салимга отди», «Мухлиса вақтини очиқ майдончада, дарахт тагида ўтириш билан ўтказди» сингари аниқ қайддир.

Субъектив кузатишлар шахсий баҳо, мулоҳаза ёки жараён доирасидан ташқарида бўлган «Жаҳонгир тажовузкор» ёки «Мухлиса дангаса» қабилидаги ахборотдир.

Объективликни таъминлаши учун кузатиш батафсил ва тавсифий, иложи борича кўпроқ ахборотни ўз ичига олган бўлиши керак. Масалан, «Дурбек қурилиш марказида кубиклардан уй қуришга қарор қилди» ёзуви Дурбекнинг қарори ва у ишлатган қурилиш материаллари ҳақида хабар беради. У анча тўлиқ объектив, батафсил кузатиш орқали олинган ахборотни етказа олмайди:

«Дурбек хонага кирибоқ, ўртоқлари Миржалол билан Солига шаҳардаги энг чиройли уйни қурмоқчи эканлигини айтди ва унга қўшилишни таклиф қилди. Улар мавжуд барча қурилиш материалларидан фойдаландилар ва етти хонадан иборат уй қурдилар. Дурбек мендан ушбу уй учун бирор белги ясаб беришимни сўради, мен ясадим, у эса сариқ қоғозга ундан нусха кўчирди. Белгида «Бу чиройли уй» деган ёзув бор эди. Дурбек қурилиш марказида 50 минут қолди».

Ушбу ёзув қуйидагилар ҳақида ҳужжатли гувоҳлик беради:

- Танлаш мумкин бўлган фаолият турлари ичидан Дурбек уй қуришни танлади.
- У қурилишни мактабгача таълим муассасасига келмасдан бурун режалаштирди.
- У бошқа болаларни ҳам ўз лойиҳасини амалга оширишда иштирок этишга чақирди.

- У ўз фикрлари билан ўртоқлашди.
- У ёзувли белги ясашни ҳам қўшиб, одатий қурилиш фаолияти доирасидан чиқди.
- У узоқ муддат (50 минут) ўз машғулотига фарқ бўлди.

Дурбекнинг ҳаракатларини кузатиш ва батафсил тасвирлаш тарбиячининг кўп вақтини олгани йўқ. Режа тузиш вақтида ушбу ёзувга қайта кўз югуртириб тарбиячи қизиқишни рағбатлантириши ва кенгайтириши мумкин. Бундан ташқари у боланинг ота-онасига бу ҳақда сўзлаб бериши мумкин.

Юқорида тасвирланган ёзув кузатишининг бир кўриниши. Кузатишнинг бошқа типлари қоғоз бўлагидаги қисқа хабардан тортиб, қайд этиш лозим бўлган ҳаракатлар аниқ кўрсатилган варақчада бўлиши мумкин.

## Кузатишнинг норасмий усуллари

**Баъзи ҳолатларни қайд этиш**, бу - аниқ ҳодисаларнинг қисқача тавсифидир. Кам сўз билан лўнда қилиб тасвирлаш. Улар нима, қачон, қаерда содир бўлганлиги, нима туртки бўлганлиги, боланинг унга муносабати ва ҳодисанинг нима билан тугаганлиги ҳақида далилий ахборот беради. Ушбу қайдлар ўз ичига бола томонидан айтилган сўзлардан келтирилган кўчирмалар ёки боланинг ўзини тутишидаги алоҳида ҳолатлар тасвирини олиши мумкин.

**Кундалик тарзидаги қайдлар.** Бу аксарият ҳар кун охирида қилинадиган гуруҳ ва якка фаолият ҳақидаги қовозга туширилган таассуротлардир. Улар бирмунча субъектив хусусиятга эга бўлиб, кўп ҳолларда оний таассурот ёки кайфиятни ифодалайди. Улар кундалик воқеа-ҳодисалар орасида баъзи ютуқ ва камчиликларни кузатиш имконини беради. Масалан:

*«Гуруҳнинг бекинмачоқ ўйини унча қовушмади.*

Болалар чарчашган эди, тезда қизиқишини йўқотдилар. Уларга ялангликдаги сайр ва калтакесак болаларининг қандай қилиб тухумдан ёриб чиқишини томоша қилиш кўпроқ ёқди. Мурод сувнинг оқишини ўрганишга алоҳида қизиқиш кўрсатди: у катталаштириб кўрсатадиган лупа ёрдамида сувга боқиб, пуфақчаларнинг қандай пайдо бўлишини билмоқчи бўлди. Унинг хонага қайтгиси келмади ва мен уч марта унга бу ҳақда такрорлашга мажбур бўлдим».

**Соғлиқни кундалик назорат қилиш картаси.** Ҳар куни эрталаб болалар келгач, тарбиячи улар соғлигининг ҳолати ҳақида қайдлар қилиб боради. Болада тумов аломатлари борми, у бурнидан нафас ола биладими? Тана ҳарорати ошмаганми? Тошма тошмаганми? Кўзлари ёшланмаяптими? Бола бошини қашмайдими? Бола яхши эшитадими, қулоғи кирланмаганми? Оқсамайдими? Ичи кетмаяптими? Агар боланинг саломатлиги жойида бўлмаса – зудлик билан ота-онасини хабардор қилиб, уни имкони борича тинчроқ жойга жойлаштириш орқали, бошқа болалардан ажратиш керак. Ушбу кундалик текширувлардан ташқари мунтазам шифокор кўриги ҳам зарур. Барча мажбурий эмлашлар албатта қайд қилиб борилиши керак.

**Тарбиячининг кузатиш картаси.** Кузатиш картаси юриш-туришнинг кузатилиши лозим бўлган турларини аниқлаб беради. Бундай карта боланинг турли соҳалар бўйича ривожланиш даражаси ҳақида ахборот йиғиш жараёнининг тизимлилигини таъминлайди. Одатда у ўзлаштирилиши кетма-кетлиги асосида тузиб чиқилган кўникмалар рўйхатидан иборат бўлади. Карта ўз ичига майда ва катта ҳаракатланиш, нутқни қабул қилиш ва фаол нутқ, ақл-заковат, ижтимоий-ҳиссий ривожланиш, ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмаларини ҳам олиши мумкин. Карта боланинг ҳар бир ривожланиш соҳасида нимага қодир ва нимага қодир эмаслиги ҳақидаги ахборотга эгадир. Тарбиячилар ушбу ахборотдан болани ўстиришга қаратилган педагогик мақсадларни қўйиш ва фаолият турларини режалаштиришда фойдаланишлари мумкин. Бундай карта намунаси билан мазкур боб сўнгида танишасиз.

Бошқа кузатиш карталари болаларнинг қандай фаоллик марказлари ва қандай материалларни маъқул кўришлари ҳақида маълумот тўплашга мўлжалланиши мумкин. Бундай карталар доимий битта марказни танлаётган болаларга ўз вақтида эътибор қаратиш ва уларни бошқа марказлар билан ҳам танишишга йўналтиришда ёрдам беради. Тарбиячи буни болани қизиқтирадиган фаолият турини бошқа марказга



кўчириш, масалан, санъат марказини яхши кўрадиган болага қурилиш марказида бунёд этилаётган қалъа учун фон бўлиб хизмат қиладиган булутли осмонни чизиб беришни таклиф қилиш орқали амалга ошириши мумкин.

**Такрорланиш ва вақт оралиғини ҳисоблаш.** Ёзувларнинг ушбу тури тарбиячига муайян феъл-атворнинг нечоғли тез такрорланиб туришини кузатишга ёрдам беради. Ҳисоб-китоб аниқ вақтга нисбатан олиб борилади: «Бугун сайр пайтида Сардор бошқа болани беш марта туртди», ёки бирор ҳаракатнинг давомийлиги қайд этилади: «Тўлқинга тушлик овқат олдидан ювиниш таклиф этилганда у саккиз дақиқа йиғлаб олди».

Ушбу ёзувлар бола феъл-атворидаги нохуш ҳолатларни йўқотиш ёки сўсайтиришга эҳтиёж бўлган вақтда асқотиши мумкин. Масалан, тарбиячи Тўлқиннинг ҳар сафар бир фаолият туридан бошқасига ўтаётганда йиғлашини сезса, у вазиятни уни бўлажак ўзгаришга олдиндан тайёрлаш орқали яхшилаши мумкин. Ушбу усул тез-тез такрорланадиган ва аниқ кўриниб турган ҳолатлар ҳақида гап кетаётганда самаралидир.

**«Портфел» ёки ишлардан намуналар.** Бу боланинг муайян вақт оралиғида бажарган ишлари тўпламидир. Улар расмлар, бола томонидан тарбиячига айтиб берилган ҳикоялар, сўз ва рақамларни ёзишга уриниш натижалари бўлиши мумкин. Шунингдек, улар ўз ичига нутқ намуналари, яъни бола ўз фикр ва мулоҳазаларини англатишга уринаётиб қўллаган сўз ва ибораларнинг транскрипциядаги ифодасини ҳам олиши мумкин. Бунга қўшимча равишда бола фаолияти акс этган фотосурат, овози ёзилган аудиотасма ҳам жой олиши мумкин. Портфел — бу ўта индивидуал тўплам. Кўпгина болаларга ўз ишларини тарбиячи билан биргаликда бу ёки унисини қачон қилганликларини ва унинг қандай маъно англатишини эслаб, томоша қилиш ёқади. Шунинг билан биргаликда улар ўз тўпламларини мустақил равишда янада бойитишдан манфаатдор бўлишлари мумкин. Ота-оналар кўп ҳолларда ўз болалари ишларининг (масалан, йиғилишларда намойиш этилган пайтда) турли-туманлигидан ҳайрон бўлишади. Болалар уларнинг портфеллари ота-оналарга кўрсатилишидан хабардор бўлишлари керак.

**Интервью ва суҳбатлар.** Болалар ўз ишларига уларнинг ҳақиқатда самимий қизиқаётганлиги ва ҳурмат билан қараётганлигига ишонсалар, катталар билан ўз ўйлари, ғоя ва ишлари ҳақида гаплашишни яхши кўрадилар. Боланинг ўйин, бадий лойиҳа ёки севимли амакиваччаси ҳақидаги ҳикоясини эшитишга вақт ажрата олган тарбиячи уни яхшироқ тушуна бошлайди. «?авода нега булутлар бор?», «Аэроплан қандай учади?» ёки «Самолёт ва қушлар ўртасида қандай ўхшашлик бор?» сингари очиқ саволлар бола дунёни қандай англаётгани тўғрисида тасаввур беради.

Болаларга эътироз билдирманг ва уларнинг барча жавобларини қабул қилинг. Ушбу тадқиқотдан мақсад бола тафаккурини яхшироқ билиб олишдир.

**Ўқиш ва ёзиш борасидаги интервью** беш-олти яшар болалар билан ўтказилади ва уларнинг ўқиш, ёзиш, сўзлаш нималигини қандай тушунишлари ҳақида тасаввур

беради, шунингдек боланинг бундан ҳам мураккаброқ материални қабул қилишга қай даражада тайёрлигини кўрсатади. «Сенингча, сўзларни қандай ўқийдилар?» деган саволга «Аслида сўзлар – ҳар бири товушга эга бўлган кўплаб ҳарфлардир ва сиз уларни талаффуз қилиш учун тил ва лабларингизни вазирати тарзда қимирлатасиз», – деб жавоб берган бола қийин фонетик мундарижага эга бўлган шеър ва китобларни ўқишга тайёр бўлиши мумкин. «Сўзлар – бу катталар тушунадиган расмчалардир», дея жавоб берган бола наздида эса ўқиш ташқи жараён бўлиб, у ҳали масалага янада жиддийроқ қарашга тайёр эмас. Бундай бола билан китоблар ўқишда ҳамда ҳарфлар ва сўзлар ўйини ўйнашда давом этиш керак.

Шундай қилиб, биз бола ўйнаши ва фаолиятини кузатиш ва қайд этишнинг асосий вариантларини санаб ўтдик. Тарбиячилар қачон, қаерда ва нимани кузатишларини ҳал қилиб олишлари керак. Гуруҳдаги барча болалар хонанинг турли ҳудудларида ва очиқ майдончада, куннинг ҳар хил вақтида бутун йил давомида кузатувда бўлишлари керак.

### **Маълумотларни қайд этишнинг усул ва воситалари**

Ёзувларни юритиш ва кузатувни ташкил этишнинг кўплаб усуллари мавжуд. Бировлар доимо ён дафтарча ва қалам олиб юради. Бошқа бировлар қоғоз ва қаламларни хонанинг бир неча жойига қўйиб чиқади. Кун охирида қисқа қайдлар умумий дафтарга деталлар билан қўшиб кўчирилади. Баъзи тарбиячилар аниқ кузатишлар ва умумий таассуротни кундаликда қайд этиш учун кун охиридан фойдаланишади. Ҳар кун карточкаларни қайта кўздан кечирар экан, тарбиячи ёзувларнинг гуруҳдаги барча болаларни қамраб олган ҳолда олиб борилишига эришади. Кузатув қоғозлари деворларга бутун хона бўйлаб ёпиштириб чиқилади, бу эса болалар ҳаракатларини ўз жойида қайд қилиш имконини беради. Агарда тарбиячи умумий ҳаракатланишнинг ўсишини кузатмоқчи бўлса, у очиқ майдончада тўсиқли йўлакча ташкил этиб, болаларнинг тўсиқлар оша югуришлари, нарвонга чиқишларини кўриб барча болаларнинг бу борадаги малакалари ҳақида маълумотга эга бўлиши мумкин. Бунда у ривожланиш картасидан фойдаланади. Овоз ёзиш ва фото суратлардан фойдаланиш ҳам мумкин. Болаларни кузатиш – дастурни алоҳида бола ва умуман гуруҳнинг эҳтиёж ва қизиқишларига мувофиқ мақсадли режалаштириш ва индивидуаллаштириш асосидир.

### **НИМАНИ КУЗАТИШ КЕРАК**

#### **Индивидуаллик кўрсаткичлари**

Боланинг индивидуаллигини ҳисобга олиш – таълим самарадорлигининг пойдевори. Муҳими ҳар бир боланинг индивидуал ўзига хослигига муносабат билдиришидир. Уни баҳолаш ёки қоралаш ярамайди. Бола индивидуаллигини тушуниш қўйидаги кўрсаткичларни кўриб чиқишни тақозо этади.

#### **Маданият ва оиланинг ўзига хослиги**

Ҳар қандай оиланинг энг кўзга ташланиб турган жиҳати унинг маданиятидир. Маданият инсоннинг нимани ўйлаши, нимани қадрлаши ва ўзини қандай тутишини

жуда аниқ белгилайди. Болаларнинг жамиятга мослашуви ҳам кўпинча оила маданияти билан белгиланади.

Уйларга ташриф буюриш катта аҳамиятга эга, чунки улар тарбиячига оила ва унинг маданияти ҳақида тасаввур беради. Тарбиячи маданиятнинг дастурни амалга оширишда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлган жиҳатлари ота-оналар томонидан муҳокама қилинишини рағбатлантириб туриши керак. Бунга овқатланиш, диний маросимлар, тил, вақт кириши мумкин. Шунингдек, тарбиячилар ота-оналарнинг болалар билан қандай муносабатда бўлаётганларини кўришлари мумкин. Баъзи оилаларда ота-оналар болаларининг ҳамма нарсани кўришларини, бироқ ҳамма нарсани ҳам эшитилмаслигини исташади, бошқа оилаларда эса болаларни барча иш ва масалаларга жалб этишга ҳаракат қилишади. Баъзи маданиятларда боланинг катталар кўзига тик қарашни одобсизлик саналади. Уйга ташриф буюришдан олинган таассуротлар тарбиячига боланинг юриш-туришидаги у ёки бу жиҳатларни англашга ёрдам беради ва уларни ушбу бола маданиятига хос ҳолатлар сифатида баҳолаш учун асос бўлади.

### **Ёш**

Аёнки, уч ёшли бола тўрт ёки беш ёшли боладан кўра бошқача фикрлайди ва ҳаракат қилади. Ривожланиш босқичларини билиш – тарбиячилар учун муҳим нарсаси. Масалан, аксарият беш ёшли болалар кўпгина уч ва тўрт ёшлилардан кўра диққатини узоқроқ бир жойга жамлаши, яхшироқ мулоқотга киришиши, ўйин вақтида нисбатан мураккаб ўзаро ҳаракатларни амалга ошириши ва мавҳум тушунчаларни яхшироқ тушуниши мумкин. Ёш – фаолият турлари, тақдирот шакллари ва уларга ажратиладиган вақтни танлаганда ҳисобга олиниши лозим бўлган муҳим омил (қар.: Нормал ривожланиш чизмаси, II боб).

### **Ривожланиш даражаси**

Уч ёшлиларнинг исталган гуруҳидаги болалар ичида қобилият ва ҳаракат борасида катта фарқлар кузатилади. Баъзи болалар икки ёшлилар даражасини намоён этишади, баъзилар – тўрт ёшлилар, аксарият эса икки ёш ўртасида бўлишади. Аммо вазият ҳар бир алоҳида олинган боланинг ривожланиши барабар кечмаслиги билан янада мураккаблашиб кетади: бола ривожланган нутқ ва мулоқот қобилиятига эга бўлиши, лекин ҳаракат аъзолари ривожиди орқада бўлиши мумкин. Кўпчилик тенгдош болалар гуруҳлари доирасида ривожланиш даражасига кўра камида икки йиллик фарқ кузатилади. Агарда гуруҳда ўта қобилиятли ва ривожланишда орқада қолган болалар бўлса, ушбу фарқ яна ҳам катта бўлади. Шундай қилиб, фақат хронологик ёшни ҳисобга олишнинг ўзи етарли эмас. Индивидуаллаштиришни амалга ошириш учун ҳар бир боланинг ривожланиш даражасини ҳисобга олиш керак.

### **Шахс ва мижоз**

Шахс ва мижознинг кўплаб тавсифлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири учун ҳар бир боланинг ҳолатини аниқлаш мумкин бўлган континуум мавжуддир. Бу континуумлар қуйидаги қутбларда қўйилади:

- |                        |                          |
|------------------------|--------------------------|
| * Жиддий-Беғам         | * Бамайлихотир-Жонсарақ  |
| * Ғайратли-Босиқ       | * Саранжом-Бетартиб      |
| * Экстраверт-Интроверт | * Таваккалчи-Эҳтиёткор   |
| * Қизиқувчан-Бефарқ    | * Ишонувчан-Шубҳаланувчи |

Тарбиячилар уларнинг ўз мижозлари болалар мижози билан мос келиши ёки мос келмаслиги мумкинлигини билишлари керак. Ушбу жиҳатларни билгач, тарбиячилар болалар ҳаётини янада қулайлаштиришлари мумкин.

Баъзи болалар бошқалар билан мулоқот ва аралаш шароитда яхши ўзлаштирадилар, яна шундайлари ҳам борки, улар тинч шароитда мустақил ишлаб яхши натижаларга эришадилар. Тарбиячи ушбу омилларни тарозига солиб, болага тўғри йўл тутишда ёрдам беради ва, айтайлик, болани фақат тенгдошлари томонидан рад этилишидан қўрқиб ёки ундан бошқалар билан қўшилиб кета олиш қўникмасининг етарли бўлмаганлиги сабаблигина уни ажратиб қўймайди. Ушбу масалаларни тушуниб етиш осон эмас, чунки одатда бирор нарсани қила олмайдиган болалар айнан ўша нарсани четлаб ўтадилар.

### **ЖИНС**

Жинслар ўртасидаги фарқ шу қадар аёнки, индивидуаллик кўрсаткичлари кўриб чиқиладиганда улар ҳақида умуман унутадилар. Тарбиячилар тез-тез жинс туфайли юзага чиққан феъл-атворнинг гувоҳи бўладилар, масалан, ўғил болалар шовқинли, бақир-чақир аралаш тўполонни бошлаб юборишса, қиз болалар суҳбатга асосланган, тартибли ўйинни ёқтиришади. Ўйин ва шерикларни танлашни болаларнинг ўзига қўйиб бериш табиий бўлади. Бироқ, болаларнинг ўз фаолият кўламини кенгайтиришларини рағбатлантириш муҳим.

### **Дарс методикаси**

Болаларнинг ўзлаштириш тезлиги ҳар хил. Ўзлаштириш тезлиги ақлий қобилият кўрсаткичи бўла олмайди, чунки баъзи секин ўзлаштирувчи ўқувчилар материални тез ўзлаштирувчилардан кўра чуқурроқ тушунадилар. Баъзи болалар ўқиш давомида шерикларга муҳтож бўладилар, баъзилар эса яқка ҳолда яхши ишлайдилар. Кўпинча бола қабул қилишнинг муайян бир турига нисбатан мойиллик билдиради. Бу шуни англатадики, бола билиш фаолиятида асосан кўриш, эшитиш ёки ушлаб кўриш каби ахборот қабул қилишнинг каналларидан фақат биттасига таянади. Дарс методикаси тавсифи ҳам континуумга эгадир. Дарс методикаси континуум қутбларидан бирига яқин бўлганда, айниқса яққол кўзга ташланади. Бундай ҳолда ўқитиш стратегиясини танлаётганда ушбу омилни албатта ҳисобга олиш лозим.

### **Қизиқишлар**

Кўпчилик болаларнинг ҳеч бўлмаганда битта бўлса-да алоҳида қизиқиши бор. Бировлари машиналарга, бошқалари – қушларга, бичиш-тикишга, бирор спорт тури ёки бошқа яна нимагадир қизиқадилар. Тарбиячи ушбу қизиқишлардан келиб чиқиб таълим дастурининг барча қисмларини рўёбга чиқаради. Баъзида болалар ўз қизиқишларини фақат уйда намоён этадилар, шунинг учун ота-оналардан бу ҳақда сўраб олиш лозим.

### **Кучли ва кучсиз томонлар**

Ҳамма болаларнинг ҳам кучли, яъни жуда яхши бажара оладиган ишлари ва кучсиз, яъни ёрдамга муҳтож томонлари бор. Баъзида кучли ва кучсиз томонлар бир-биридан ажралмасдир. Яхши тарбиячи боланинг ожиз жиҳатларини кучайтириш мақсадида унинг кучли томонлари ва қизиқишларига (улар кўпинча бир-бирига мувофиқ тушади) таянади.

Масалан, Ҳавлон – ажойиб рассом ва у аксарият вақтини санъат марказида ўтказиши. Аммо у математикадан кучсиз ва бу соҳага қизиқмайди. Тарбиячи Ҳавлон учун санъат машғулоти шаклида математика дарсларини ташкил қилади. У Ҳавлондан нечта бўёқдан фойдаланишини сўрайди, кейин эса бўёқларни – ярим коса порошокли бўёқни бир коса сувга аралаштиришни таклиф этади. Кейинги куни у санъат марказини танлаган болалар учун хамир шарлар ясашни сўрайди. Ҳавлон болаларни санайди ва хамирни тенг ҳажмда беш бўлакка бўлади. У ўзи учун қизиқарли бўлган материалда математика билан шуғулланаётиб, ўзини эркин ҳис қилади.

### **«Мен»лик образи**

«Мен»лик образи кўрсаткичларига болаларнинг ўзларини ўзлари қандай қабул қилишлари, кучли ва кучсиз томонлари ҳақидаги тасаввурларининг ҳаққонийлиги ва муайян топшириқни бажара олишдаги ўз имкониятларини баҳолай олишлари киради. Барча болалар гуруҳга турли хил «мен»лик образлари билан келишади. Баъзилар ўзларини қобилиятсиз, баъзилар ўта қобилиятли ҳисоблашади, бошқалар эса ушбу континуумда оралиқ мавқени эгаллайди. Ўзига ҳаддан ташқари ишонч, қобилиятига ортиқча баҳо бериш ҳам уни етарли баҳоламаслик сингари зарарлидир. Тарбиячилар болаларнинг ўзлари ҳақида ҳаққоний тасаввур пайдо қилишларига қўмаклашишлари ва уларни муаммоларни ҳал қилишнинг заҳираларини топишга («мен» қувватининг муҳим қисми) ўргатишлари лозим, агарда улар боланинг ўзи мустақил равишда ушбу муаммони ечишига кўзлари етмаса, «мен» қувватининг оширилиши «мен»лик образига ижобий таъсир кўрсатади.

### **Кузатилиши лозим бўлган хатти-ҳаракат турлари**

- Боланинг тартибга муносабати.
- Болада тинч даврдан фаоллик даврига, гуруҳ бўлиб ишлашдан якка ҳолда ишлашга ўтиш қандай кечади. Ота-она билан хайрлашаётганда, овқат еяётганда, ҳожатхонадан фойдаланаётганда, кийинаётганда, ювинаётганда ва дам олаётганда ўзини қандай тутди.
- У қайси материаллардан ва қандай фойдаланади – фойдаланишнинг сифати (чўткани хавфсиз ушляптими?), материалларнинг ҳар хил бўлиши (бола санъат марказидаги барча жиҳозлардан фойдаланаяптими ёки фақат молбертда чизаяптими?), тасаввурнинг намоён бўлиши (бола кубиклардан қурилиш қилганда янги усуллардан фойдаланаяптими ёки уларни фақат бир-бирининг устига тахлаяптими?), малакавий кўникмалар (неча қисмдан иборат бошқотирмаларга унинг кучи етади?), тушунчаларни қандай тушуниши (саноқ материалдан фойдаланганда қай даражада математик фикрлашни намоён эта олади)ни кузатиб боринг.

· Боланинг бошқа болалар билан биргаликда ҳаракат қилиши — у кўпчилик болалар билан ўйнайдими ёки фақат ҳар доимги бир-иккита ўртоғи биланми? Ўйинчоқларни бошқалар билан баҳам кўрадими? Ўйинни ўзи ташкил этадими ёки уни ҳам таклиф этишларини кутадими? Қандай биргаликдаги фаолият турлари унга хузур бағишлайди?

· Боланинг тарбиячи ва бошқа катталар билан мулоқотга киришиши қандай — улардан ёрдам сўрашга қодирми? Ўзига кўпроқ аҳамият беришлари ва уни бошқаришларини талаб қиладими? Ҳар доим ўзиникини маъқуллаштириш ва мақтов эшитиш пайида бўладими? Унга тарбиячи билан гаплашиш ёқадими? Бола гуруҳга ташриф буюрган катталар билан мулоқот қилиб вақтини ўтказадими?

· Бола қаерда ўйнайди — унинг хона бўйлаб қандай ҳаракат қилишини кузатиш. Вақтини барча фаоллик марказларида ўтказадими? Улардан қайси бирида ўйнашни ёқтиради? Бола бир марказдан иккинчисига осон ўта оладими ёки унга ёрдам керакми?

· Тили қандай — уни тушуниш осонми? Ўз хоҳишларини ифодалай оладими? Унинг овози нимага ўхшайди? У ҳам болалар, ҳам катталар билан гаплашадими? Сўз бойлиги қандай?

· Бола макон бўйлаб қандай ҳаракатланади — уни очиқ майдончада кузатиш. У ўрмалайдими, югурадими, сакрайдими, ҳақкалайдими? Унинг мувозанат ҳисси қандай? Улоқтириш ва ушлаб олишни биладими? Қанчалар ишончли ҳаракатланади? Унга футбол ва хоккей ўйнаш, рақсга тушиш ва умуман ҳаракатланиш ёқадими?

· Боланинг характери ва мижози — бола эркинми ёки тажанг? Тез-тез йиғлайдими? Жилмаяди ва куладими? Ўз ҳисларини сўзда ифодалай оладими? Катталар ва болалар билан келиша оладими? Фрустрацияларга нечоғли берилган?

· Гуруҳда асосий вазифалар қандай тақсимланган (лидер, ўринбосар, ҳикоячи, тингловчи в.х.)

Тарбиячиларнинг кузатишлари, баҳолаш маълумотлари ва оила аъзоларидан олинган ахборот ҳар бир болани яхшироқ англаш ва у билан ишлашни аниқроқ режалаштиришга ёрдам беради.

## *Кузатиш асосида олинган ахборотдан фойдаланиш*

### **Индивидуал мослашиш**

Болани кузатишнинг бош мақсадларидан бири тарбиячиларга гуруҳ ҳаётини боланинг эҳтиёжлари иложи борича тўла қондириладиган қилиб ташкил этишга имкон берадиган ахборот тўплашдан иборатдир. Қуйида шароитни бола эҳтиёжларига мослаштиришнинг баъзи усуллари тавсифланган.

**Қизиқишга суяниш.** Агар бола фаолиятнинг янги турлари билан танишишга журъат эта олмаса, тарбиячи таниш фаолиятни, янгилликни унга элемент сифатида қўшган ҳолда кенгайтириши мумкин. Масалан:

Толиб кубиклардан уй қуришни яхши кўради,  
бирок расм чизиш ва ёзишдан ўзини четроққа

олишга ҳаракат қилади. Тарбиячи унинг материаллари орасига маркер, қоғоз ва ёпишқоқ лента қўшиб қўйиб ундан уйга осиб қўйиладиган «Безовта қилманг» йўл белгиси ясашни сўраши мумкин.

Елена шундай паст гапирадик, унинг овози гуруҳда эшитилмайди. Тарбиячи Еленага қўғирчоқлар бериб, улар қўшиқ нақоратини баланд овозда куйлаб беришларини сўрайди.

### **Жуфтликлар тузиш ва болаларни гуруҳларга бирлаштириш.**

Мутахассисларнинг фикрича, болалар бир-бирларидан ўрганиб, яхши ўқийдилар. Бирор тушунчани ўзлаштирган ва ўзлаштира олмаган икки боладан бир жуфтлик тузиш иккинчисининг тушунишини енгиллаштиради. Масалан, ўзаро миқдорий мосликни ўзлаштирмаган бола шеригининг унга юриш сони ўйин соққаларидаги сонга мос бўлиши лозим бўлган ўйинни ўргатаётганлигига гувоҳ бўлади.

**Фаоллик модификацияси.** Болалар материаллар билан ўйнаганда – натижа турлича бўлиши мумкин. Масалан, болалар бошқотирмалар билан ўйнаганда тарбиячилар турли миқдордаги босқичли жараёндан ташкил топган бошқотирмаларнинг қўл остида мавжуд бўлишига ҳаракат қилишлари керак. Гуруҳ билан ўйнаш асносида тарбиячи бирор боладан нисбатан қийинроқ вазифани бажаришни сўраши – бир оёқда сакрашга ўхшаган – ва бошқа боладан жойида сакраб беришни сўраши мумкин. Ҳамма иштирок этади, лекин турли шаклда.

**Аниқ муаммоларни ҳал қилиш.** Тарбиячи аниқ қўникмалар устида ишлаб, бола учун янги кўникма ёки қийин вазифада ўзини синаб кўришга имкон яратиши мумкин. Тарбиячи баъзи болаларнинг қайчини ишлатишда қийналаётганликларини кўрса олдин қисқич ёрдамида нарсаларни ушлаш, ўйиқли доскага айланачаларни киритиш, қоғозни йўл-йўл қилиб йиртиш сингари нозик ҳаракатлар талаб қилинадиган ўйинларни режалаштириб, кейин қайчи ёрдамида қирққишга ўтиши мумкин.

### **Ташқи маслаҳатчи излаш ёки текширишга йўлланма бериш.**

Тарбиячи болани кузатиш асносида ундаги баъзи ташвишланишга сабаб бўладиган феъл-атворнинг у билан алоҳида шуғулланишига қарамай яхши томонга ўзгартаётганлигини пайқаб қолиши мумкин. Тарбиячи боланинг ривожланмаётганлиги ва бунинг орқасида чуқур муаммо ётганлигидан ташвишга тушиши мумкин. Барча ташвишли ҳолатлар ва уларни яхшилашга уринишларни ҳужжатлаштириш ва уларни оила билан ўртоқлашиш ўта муҳимдир. Эҳтимол, биргаликда ҳали бундан ҳам кўпроқ ахборот олиш керак деган қарорга келишингиз мумкин. Шифокор, психолог ёки бошқа мутахассиснинг ушбу ҳолатга қандай аралашини мумкинлиги ва бунинг учун қандай ёрдам талаб қилиниши тўғрисидаги маслаҳати керак бўлиб қолиши мумкин. Ушбу тавсиялардан болага нисбатан аниқ мақсадлар қўйиш ва индивидуал фаолликни режалаштиришда фойдаланиш мумкин.

Скриннинг ва ривожланишни баҳолашнинг расман тан олинган усуллари қўшимча ахборот бериши мумкин. Улар ишончли ва кенг қамровли бўлиши керак. Тарбиячилар маълумотларни тўғри талқин қилиш ва ушбу усуллардан оқилона фойдалана олишлари учун тайёргарликдан ўтган бўлишлари лозим. Баъзи ташхис тестлари махсус педагоглар, психологлар, логопедлар ёки психо- физиотерапевтлар сингари махсус тайёргарликка эга бўлган мутахассислар томонидан ўтказилиши мумкин.

### **Ривожланишида нуқсони бор болалар**

Ривожланишида нуқсон бўлган болаларни дастурга жалб этиш жамоатчиликнинг кучли қўллаб-қувватлаши бўлиб, биз ҳар қандай инсонни қадрлашимизни намоён этади. Барча кичик ёшли болалар ўртасида фарқлардан кўра умумийлик кўпроқдир ва тарбиячи ҳамда ота-оналар ёрдамида ривожланишдан орқада қолган болалар ҳам ҳар бир боланинг индивидуаллиги ва ўзига хослиги қадрланадиган гуруҳда бемалол фаолият кўрсатиши мумкин. Нормал ривожланаётган болалар дўстлашиш, ўйнаш, ўқиш асносида ўзларининг махсус эҳтиёжлари бор бўлган тенгдошлари билан алоқа қилишни ўрганадилар.

Ривожланишида нуқсон бўлган болалар билан олдин ишлаб кўрмаган тарбиячилар бундай болаларнинг талабларини қондира олмайман, деб қўрқадилар. Улар умуман ривожланишдаги бузилишлар ҳақида маълумотга муҳтож ва уларга ўз ташвишларини ифодалашлари учун имкон керак. Кўпинча боланинг махсус эҳтиёжлари ва уларга нисбатан қандай усуллари қўллаш самаралилиги тўғрисида маълумот берувчи энг яхши манба ота-оналарнинг ўзларидир. Шунингдек улар тарбиячига боланинг кучли ва кучсиз томонлари ва қизиқишларини аниқлашда ёрдам беришлари мумкин.

Ота-оналарнинг розилиги билан логопед ёки физиотерапевт мутахассислар гуруҳда болани кузатишлари ва материаллар ҳамда фаолият шакллари болага мослаш билан боғиқ тавсияларини беришлари мумкин. Мутахассислар улар билан ҳам индивидуал, ҳам кичикроқ гуруҳ фаолиятига қўшган ҳолда ишлашлари мумкин. Тарбиячилар ривожланишда нуқсони бўлган бола учун индивидуал режа тузиш пайтида ҳам ёрдам сўрашлари мумкин.

Оддий болаларга нисбатан қабул қилинган индивидуаллаштириш усуллари ҳамма ҳолатлар учун тўғри келади.

Қуйида ишлатилиши мумкин бўлган конкрет модификациялар келтирилган:

· **Жисмоний нуқсонлар.** Гуруҳ хонасини шундай қайта жиҳозлаш керакки, унда аравача билан ҳаракатланиш мумкин бўлсин. Зинани қия йўлакчага алмаштириш керак, молберт ва стол бассейнини кўтариш лозим. Юмшоқ валикларнинг мавжудлиги болага ётганда ёки ўтирганда ўзига қулай ҳолатни эгаллашига имкон беради. Шунингдек, муйқалам ва бўрлар; боланинг қилқалам (кисточка)ни яхши ушлаши учун ёпишқоқ лента; нусха кўчириш осон бўлган бўртма расмлар; бошқа махсус жиҳозларнинг ҳам бўлиши мақсадга мувофиқдир.

· **Нутқ ривожидagi нуқсон.** Содда гаплардан фойдаланиб тўғри нутқни шакллантириш. Расм, мавжуд буюм ва материаллар шаклидаги кўз билан кўришга мўлжалланган (визуал) таянчлардан фойдаланиш. Ахборот ва буйруқларни такрорлаш ва боланинг ҳам айтилганларни қайтаришига эришиш. Тингловчи/



тарбиячи болага қоралаш эмас, қабул қилиш руҳида муносабатда бўлишига аҳамият бериш.

· **Эшитишдаги нуқсонлар.** Агар бола кар-соқовлар алифбосидан фойдаланса, гуруҳдаги барча болаларга ушбу алифбонинг оддий белгиларини ўргатиши мумкин бўлган бирор кишини таклиф қилинг. Эшитиш аппарати батареяларининг ҳолатидан хабардор бўлинг. Расм, фотография, мавжуд буюмлар сингари визуал таянчлардан фойдаланинг. Бирор ахборотни етказиш ёки бирор нарсани ҳикоя қилиб беришдан олдин унинг диққатини ўзингизга қаратинг. Фаолиятнинг янги турлари ва материалдан фойдаланишнинг янги усулларини намойиш этинг.

· **Кўриш қобилиятининг пастлиги ёки кўзи ожизлик.** Кўпгина сезги аъзоларига таъсир қиладиган материаллар - қумқоғоз (наждак) дан ясалган ҳарф ва рақамлардан фойдаланинг ёки қирқма расмчалар устига расм мазмунига мос (фактура) матолардан ёпиштириб чиқинг. Хонада бемалол ҳаракатланиш учун унинг хавфсизлигини таъминланг. Доим боланинг ёнида бўлинг ёки соғлом болалардан бирортасини гуруҳ хонаси ва очиқ майдончада унга ҳамроҳ этиб тайинланг. Болалар диққатини жалб қилиш учун қўнғироқчадан фойдаланинг. Мусиқа чалинг, қўшиқлар куйланг. Боланинг янги ашё ва жиҳозларни ҳис қилишида ёрдамлашинг.

· **Ақлий заифлик.** Керакли ашё ва фаолият турларини муҳайё қилиб, боланинг муваффақият қозонишига ёрдамлашинг. Топшириқни қандай қилиб содда бўлақларга бўлиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўриб, оддий, тушунарли кўрсатмалар беринг ва болага таъсирини кузатинг. Боланинг бошқалар билан ўйинга киришиб кета олишига ёрдамлашинг.

· **Диққатни бир жойга жамлаш билан боғиқ қийинчиликлар.** Кичик ибораларни ишлатинг ва аниқ йўл-йўриқлар беринг. Бутун гуруҳ билан ишлаш вақтини қисқартиринг. Визуал таянчлардан фойдаланинг. Бутун гуруҳ бир жойга жам бўлганда бундай бола тарбиячи ёнида бўлиши керак. Гуруҳ хонасида бола дам олиши ёки диққат талаб қиладиган иш билан шуғулланиши мумкин бўлган тинч бир жой бўлишини таъминланг.

· **Ҳиссий ёки ўзини тутиш билан боғлиқ нуқсонлар.** Боланинг ҳиссиётларини сўз билан ифодалашига ёрдамлашинг ва танлов имконини камайтиринг. Бола яққа қолиши мумкин бўлган тинч жой ташкил қилинг. Боладан ижобий тарзда қайта алоқа амалга оширилшини таъминланг ва қоида ва натижаларнинг ўзаро боғланган тизимини яратинг. Ўғирчоқлар ва ҳайвонларнинг қирқма шакллари билан боланинг ўз фикр ва ҳиссиётларини ифодалаш воситаси сифатида фойдаланинг. Болани маълум бир доирада «тутқунликда» сақламасдан бошқа болаларнинг чеклов ўрнатишлари ва ўзларини хавфсиз ҳис қилишларига ёрдам беринг. Ўйинда иштирок этмайдиган болаларнинг гуруҳни кузатишларига рухсат беринг, кейин эса унинг ўз ўртоғини топишига кўмаклашинг.

## ***ОИЛАГА АХБОРОТНИ ЕТКАЗИШ***

### **Ота-оналар ва тарбиячилар мажлиси**

Оила билан алоқаларнинг катта қисми норасмий характердадир. Норасмий алоқа жуда қадрли ва оила ва педагогик жамоанинг кўпгина муаммоларини ҳал қилади.

Бироқ сизга боланинг иштирокисиз оила аъзолари билан расмий учрашувни ўтказиш зарур бўлиб қолиши мумкин. Бундай учрашувнинг одатий мақсади – боланинг ривожланишини муҳокама қилиш ва ота-оналарга ўз кузатишлари, гоё ва гамхўрликлари билан ўртоқлашиш имконини бериш. Тарбиячи ва ота-оналар муаммоларни биргаликда муҳокама қилиб, қарорлар қабул қилишлари, бола учун индивидуал мақсадларни белгилаб олишлари мумкин, ота-оналар эса биргаликдаги ҳаракатнинг қайси усуллари уйда ўз самарасини берганлиги билан ўртоқлашишлари мумкин. Одатда бундай учрашувлар 30-45 дақиқа давом этиб, йилида бир мартадан уч мартагача уюштирилади.

### **Ҳисоботлар**

Болалар ҳақидаги ёзма ҳисоботлар ҳам оила билан ахборот алмашишнинг расмий усулларида бири ҳисобланади. Ушбу ҳисоботлар боланинг ўсиши, умумий ривожланиши, хоҳишлари, биргаликда ҳаракат методининг тавсифидан иборат бўлади. Ҳисоботлар боланинг оддий кун давомидаги қиёфасини тасвирлаб бериши керак. Ҳисоботлар тузишнинг икки варианты боб охирида кўрсатилган: бу журнал шакли ва тавсифий ҳисобот.

Боланинг ҳам кучли, ҳам кучсиз томонларини аниқ кўрсатган ҳолда асослаб ёзинг. Ўз ташвишларингизни очиқ ва холис баён қилинг. Қатъий муҳокама ва хулосалардан сақланинг. Ахборотни кузатиш мумкин бўлсин ва у ҳужжатлаштирилган бўлсин. Аҳволни ўзгартириш ва дастурни қабул қилишни яхшилаш йўллари хусусида ўз фикрингизни билдиринг, оилага фойда келтирадиган манбаларни тавсия этинг. Иложи борича аниқ ифодаланг. Ҳисоботларга ҳар доим имзо қўйинг ва ота-онанинг сиз билан боғлана олишини таъминланг.

Агарда ҳисобот ота-онадан ташқари яна кимгадир, масалан, бошланғич мактаб, психолог ёки терапевтга берилиши керак бўлса, ота-оналарга у билан танишиб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиши учун, бошқаларга берилишидан олдин имкон яратилиши лозим. Оила ҳисоботни кўриб чиқади, имзолайди ва бошқа хизматлар ва мактаб ўқитувчиларига берилишига рухсат беради.

Ҳисобот мазмуни ота-оналар учун қутилмаган бўлмаслиги керак. Ҳисобот – оила билан муҳокама қилинган ахборотнинг умумлашмаси.

Тарбиячи ва ота-оналарнинг тез-тез мулоқот қилиб туриши ҳаммага – болаларга ҳам, ота-оналарга ҳам, тарбиячиларга ҳам фойда келтиради. Биргаликда улар болани муваффақият сари етаклайдиган шароит яратишлари мумкин.

### **Мажлисларни муваффақиятли ўтказиш тамойиллари**

Мажлисларни ота-оналар учун қулай вақтга белгиланг. Иш билан банд ота-оналар учун кечки пайт ёки, ҳатто, шанба кунидан фойдаланишга тўғри келади. Агарда сизга улардан бирор бир ахборот лозим бўлса, айнан қанақа ахборотлигини аниқлаштиринг ва аниқ мисоллар келтиринг. Одатда бундай учрашувлар мактабгача таълим муассасасида ўтказилади. Ота-

оналар ўзларини бемалол ҳис қилишлари учун Оила хонаси ёки гуруҳ хонасидан фойдаланинг. Қаҳва ва энгил тамадди тайёрланг. Болаларга биров қараб туриши учун олдиндан қайғуринг (агар бунга эҳтиёж бўлса). Сухбатни боланинг ютуқлари ва ривожланиши тўғрисидаги ижобий ахборотдан бошланг. Агар сизда бола тўғрисида бирор-бир ёзма ахборот мавжуд бўлса, унинг нусхасини ота-оналарга, уларнинг учрашувга қадар танишиб чиқишлари ва ўзаро муҳокама қилишлари учун олдиндан тарқатинг. Боланинг ишлари намуналаридан сиз муҳокама қилишни мўлжаллаган ҳолатларни намойиш этадиганларини танлаб олинг. Агар «портфел»дан фойдаланилса, ота-она ва тарбиячилар боланинг ривожланишини унинг ўз ишларига таянган ҳолда муҳокама қилишлари мумкин. Ҳамма вақт ота-оналарга савол бериш, ташвишларини изҳор этиш, уйдаги ютуқ ва муаммолар билан ўртоқлашишга имконият беринг. Учрашувдан мақсад ўзаро ахборот алмашишдир. Мажлисга индивидуал тус беришга ҳаракат қилинг — ота-оналардан бола уйда нима билан шғулланишни яхши кўришини сўранг, оиланинг бола ҳикоя қилиб берган бетоб аъзоси ҳақида суриштиринг ёки бола томонидан ўқиб чиқилган охириги китобни сўранг.

Кўп ҳолларда безовталиқ омилли ва муҳокама сабабчиси боланинг ўзини тутиши бўлади. Бундай ҳолларда ота-оналарга гуруҳ хонасида юриш-туриш қонун-қоидалари ҳақида, боланинг тўғри ҳаракатлари қандай рағбатлантирилиб, нотўғри ҳаракатларига қандай қарши турилаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб берилади, аниқ мисоллар келтирилади. Бундай мажлислар (йиғилишлар, ахборот варақалари ва семинарлар билан биргаликда) ота-оналар ва тарбиячиларнинг боланинг ўзини тутишини бошқаришдаги ҳаракатларининг бир-бирига мувофиқлигини мустаҳкамлайди.

Оилага ҳурмат кўрсатиш ва учрашув режасига риоя қилишни намоён этиш лозим. Агар 30 дақиқалик мажлис мўлжалланган бўлса, уни ўттиз минутда тугатинг. Агар мўлжалдаги нарсаларнинг барчасини муҳокама этиб улгурмаган бўлсангиз, икки томон учун ҳам қулай вақтга яна бир учрашув белгиланг. Мажлисни доим яхши гаплар билан якунланг ва ота-оналарга савол беришлари учун имкон беринг ёки ушбу масалада сиз билан қачон учрашишлари мумкинлигини айтинг.

## ТАРБИЯЧИЛАР УЧУН КУЗАТИШ ШАКЛЛАРИ

Боланинг исми \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_ Вақт \_\_\_\_\_

Кузатувчининг исми-шарифи \_\_\_\_\_

Боланинг юриш-туришига мос келадиган бандларни белгилаб чиқинг. Бирор банд юзасидан сизда маълумот бўлмаса, уни «МЙ» белгиси билан белгиланг. Фикр ва аниқлаштирадиган ахборотни мос келадиган модда ёнига ёзинг.

### **НУТҚ ВА НУТҚ КЎНИКМАЛАРИ**

Болалар билан гаплашади \_\_\_\_\_  
Катталар билан гаплашади \_\_\_\_\_  
Сухбатдошлари уни тушунади \_\_\_\_\_  
Тўлиқ гаплар туза олади \_\_\_\_\_  
Ўйин давомида гаплашади \_\_\_\_\_  
Нутқдан хоҳишига кўра фойдаланади \_\_\_\_\_  
Ўзи гап бошлайди \_\_\_\_\_  
Ҳиссиётларини сўзда ифодалайди \_\_\_\_\_

### **ПЕРЕЦЕПТИВ (КЎРИШ ВА ЭШИТИШ) КЎНИКМАЛАРИ**

Ранг ва шаклларни танлай олади \_\_\_\_\_  
Янги материал ва ўйинчоқларни пайқайди \_\_\_\_\_  
Ўз исмининг ёзилишини билади \_\_\_\_\_  
Оддий товушларни такрорлай олади \_\_\_\_\_  
Баланд шовқинларга парво қилмайди \_\_\_\_\_  
Топшириқни тинглайди ва тушунади \_\_\_\_\_  
Эртақларни тинглайди ва шарҳлайди \_\_\_\_\_  
Муסיқага мос ҳаракатланади \_\_\_\_\_

### **УМУМИЙ ҲАРАКАТЛАНИШ (МОТОРИКА)**

Тўсиқ оша икки оёқлаб сакрайди \_\_\_\_\_  
Доска устида мувозанатини сақлай олади \_\_\_\_\_  
Зинадан осон чиқиб тушади \_\_\_\_\_  
Тўпни улоқтиради \_\_\_\_\_  
Улоқтиришда доим асосий қўлини ишлатади \_\_\_\_\_  
Тўпни тепа олади \_\_\_\_\_  
Зарб берганда доим етакчи оёғини ишлатади \_\_\_\_\_  
Йиқилмасдан югуради \_\_\_\_\_  
?илдиракли жиҳозда енгил юра олади \_\_\_\_\_  
Оромкурсида тебрана олади \_\_\_\_\_  
Тепаликгача чиқиб, сирпаниб туша олади \_\_\_\_\_

### **НОЗИК ҲАРАКАТЛАР (МОТОРИКА)**

Тугмаларини ўтказиб, еча олади \_\_\_\_\_  
Занжирсимон ёпқич (молния)ни ёпиб оча олади \_\_\_\_\_  
Мунчоқ ёки бошқа кичкина нарсаларни инга ўткази олади \_\_\_\_\_  
Қирқма расмчаларни йиға олади \_\_\_\_\_  
Буюмларни яхши тахлай олади \_\_\_\_\_  
Буюмни пайпаслайди \_\_\_\_\_  
Қайчи билан яхши қирқади \_\_\_\_\_  
Оддий шаклларни чизади \_\_\_\_\_  
Михни дарахтга қоқа олади \_\_\_\_\_  
Бир оз ёрдам билан ошхона жиҳозларидан фойдалана олади \_\_\_\_\_

## БИЛИМ КЎНИКМАЛАРИ

- Материаллар юзасидан саволлар беради \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ гача адашмай санайди  
Баъзи ҳарф ва рақамларни танийди \_\_\_\_\_  
Ўлчам, шакл ва рангга кўра хилларга ажратади \_\_\_\_\_  
Ўхшаш ва фарқларни тушунишни намоён қилади \_\_\_\_\_  
Ролларга асосланган ўйинда шартли ҳаракатларни бажара олади \_\_\_\_\_  
Китобларга қизиқиш намоён этади \_\_\_\_\_  
Баъзи сўзларни танийди \_\_\_\_\_  
Ўқий олади \_\_\_\_\_  
Кубиклардан узун қаторлар тиза олади \_\_\_\_\_  
Кубиклардан кўприклар қура олади \_\_\_\_\_  
Кубиклардан бинолар қуради \_\_\_\_\_

## ИНТИЗОМ МАДАНИЯТИ

- Фаоллик марказини қийналмай танлайди \_\_\_\_\_  
Ўйинни охирига етказиши \_\_\_\_\_  
Бир фаолият шаклидан иккинчисига осон ўтади \_\_\_\_\_  
Тенгдошлари билан яхши ўйнайди \_\_\_\_\_  
Гуруҳда юриш-туриш қоидаларига риоя қилади \_\_\_\_\_  
Катта гуруҳлар фаолиятида иштирок этади \_\_\_\_\_  
Бет-қўл ювгич ва ҳожатхонадан мустақил фойдаланади \_\_\_\_\_  
Овқатнинг деярли барча турларини ейди \_\_\_\_\_  
Бажонидил сайрга чиқади \_\_\_\_\_  
Ҳордиқ чиқара олади \_\_\_\_\_

## ИЖТИМОЙ ВА ҲИССИЙ КЎНИКМАЛАР

- Бошқа болалар билан яхши келишади \_\_\_\_\_  
Катталар билан яхши келишади \_\_\_\_\_  
Баҳам кўра олади \_\_\_\_\_  
Навбатга риоя қила олади \_\_\_\_\_  
Ҳазабини мулойимроқ тарзда ифода қилади \_\_\_\_\_  
Бир ва ундан кўп яқин ўртоқларига эга \_\_\_\_\_  
Йиғиштиришда ёрдамлашади \_\_\_\_\_  
Гуруҳ ўйинларида иштирок этади \_\_\_\_\_  
Гуруҳ хонасида бир-иккита тенгдоши билан бирга ишлайди \_\_\_\_\_  
Исм-фамилиясини айта олади \_\_\_\_\_  
Гапирганда суҳбатдошига қараб туради \_\_\_\_\_  
Материалларга эҳтиёткорлик билан, батартиб муносабатда бўлади \_\_\_\_\_  
Ота-она билан йиғламасдан хайрлашади \_\_\_\_\_  
Жилмаяди ва кўпинча хурсанд бўлиб юради \_\_\_\_\_  
Бошқалар фаолиятига камдан-кам халақит беради \_\_\_\_\_  
Ўз муваффақиятларидан хурсанд кўринади \_\_\_\_\_

Янги тажрибага эга бўлишдан қўрқмайди \_\_\_\_\_  
Ҳайвон ва ҳашаротлардан унчалик қўрқмайди \_\_\_\_\_

### **БОЛАНИНГ САЛОМАТЛИГИ**

Камдан-кам келмай қолади \_\_\_\_\_

Камдан-кам касал бўлади \_\_\_\_\_

Чидамли \_\_\_\_\_

Умуман олганда соғлом кўринади \_\_\_\_\_

Кўринишидан аллергияга мойил эмас \_\_\_\_\_

Камдан-кам ўзини ёмон ҳис қилаётганлигидан шикоят қилади \_\_\_\_\_

Илтимос, боланинг сеvimли фаолият турларини санаб беринг:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Илтимос, сеvimли китоб ва эртақларини санаб беринг:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Бошқа изоҳлар: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

## ЯРИМ ЙИЛЛИК НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА НАМУНАВИЙ ҲИСОБОТ

**Иеми:** Азиза

**Тарбиячилар:** Наргиза ва Раъно

**Сана:** 2001 йил январь

Бу ўқув йилида Азиза билан ишлаш мамнуният бағишлади. Ҳозирча қизалоқ фақат бир мартагина, қулоқ оғриғи сабабли қатнай олмади. Азизанинг иштаҳаси яхши ва нонушта, ярим тушлик ёки тушлик пайтида бажонидил янги овқатлардан татиб кўради. Унинг сеvimли янги овқати – олма мураббоси, ва у сабрсизлик билан уни иккинчи тушликка беришларини кутиб туради. У мустақил равишда палто ва шапкасини еча олади, шунингдек, палто тугмаларини ўзи ўтказади. Бундан ташқари, у «молния»ни мустақил ёпишга ҳаракат қилади, бироқ оёқ кийимини кияётганда ҳали ҳам ташқи ёрдамга муҳтож. Азиза мустақил равишда ҳожатхонадан фойдалана олади ва одатда, ундан кейин қўлини ювишни унутмайди.

Ўқув йили кечиси давомида Азиза бувиси билан осон хайрлашадиган бўлиб қолди. Энди у бувижон билан қучоқлашиб хайрлашиб, ўзи гуруҳ хонасига кириб кетади. Одатда у хурсанд кириб келади ва тарбиячилар ҳамда ёнидаги болалар билан саломлашади. Азиза дарҳол нонушта қилади, кейин эса мустақил равишда фаоллик марказларидан бирига боради. Унга бошқа болалар билан ўйнаш ёқади, у улар билан ўйинчоқ ва материалларни осон бўлишади. Қизалоқ ўзи ўйинни бошлай олади ёки бошқа болалар ўйинига қўшилиб кета олади. Азиза ўзига ишончини намоён қилади ва гуруҳ билан ўртоқларига ўз расмлари ёки бошқа ишларини кўрсатади.

Азиза бир тематик марказдан бошқасига осон ўтади ва, одатда, тарбиячининг ёрдамига муҳтож бўлмайди. Азиза бошқаларидан кўпроқ адабиёт, қум ва сув, санъат марказларини ҳамда қўл ҳаракатларига асосланган ўйинларни яхши кўради. Жихозлар марказида Азиза кубиклардан ҳар хил қизиқарли иншоотлар қуради: масалан, олдинги ҳафта у ўйинчоқ ҳайвонлар учун уйча қурди. Қизалоқда нозик ҳаракат кўникмалари яхши ривожланган, у қайчи ёрдамида қирқа олади ва ёғоч деталларни бир жойга тера олади. Қизалоқ ярим соатларгача аппликация билан шуғулланиши, пластилиндан шакллар ясаши ёки ўзи тайёрлайдиган кўплаб китобчалар учун расмлар чизиши мумкин.

Азизада сўзлар ва ҳарфларга қизиқиш уйғона бошлади ва у тез-тез биздан ўзи чизган расм остига изоҳ ёзиб беришимизни сўрайдиган бўлиб қолди. Сизган бўлсангиз керак, Азиза ўз исмини ёзишга урина бошлади. Унинг ёзаётганда ҳарфларни тескари томонга буриши ушбу ёшдаги болалар учун табиийдир. У ҳозир қаламни дадил тутлади.

Манипулятив ўйинлар марказида Азиза бошқа болалар билан биргаликда кубикларни ранги ва шаклига кўра хилларга ажратади. Унга тушлик олдидан столни безатиш ёқади, у еттигача бўлган буюмлар – косалар, сочиқчалар, пичоқ ёки санчқиларни (вилкаларни) санашни билади. Ушбу ҳаракатларнинг барчаси муҳим мантиқий математик тушунчаларни англаш билан боғлиқдир.

Катта гуруҳдаги машғулотлар вақтида Азиза 5-10 минутдан кейин адабиёт ёки санъат марказида мустақил шуғулланиш учун кетади. Маълумки, болалар мустақил

равишда бундай қарор қабул қилишлари мумкин. Гуруҳ машғулотида Азиза диққатли ва фаол. Айниқса унга мусиқа тинглаш ёки овоз чиқариб ўқиш ёқади. Ҳаммадан кўпроқ унга «Бўри билан қўзичоқ» ёқади, у такрор ва такрор ўзи ва ўртоқларига ушбу эртакни ўқиб беришни сўрайди.

Азиза сабрсизлик билан очиқ ҳаводаги машғулотларни кутади ва биринчилардан бўлиб кийинади. Майдончадаги сеvimли машғулоти тепаликдан сирпаниш ва бир неча бошқа қизчалар билан «сарик уйча»даги ўйинлардир: улар «ўрмонда яшайдиган» ҳайвонча ёки мушукчалар ўйинини ўйнашади. Яқинда у бошқа болалар билан копток ўйнай бошлади ва агар нишонга уролмаса унчалик хафа бўлмайди. Азизани турли асбоб-анжомларда шуғулланаётган пайтида кузатиб, биз унинг мувозанат ҳисси, эмақлаш ва сакраш қўникмалари ёшига мос деган қарорга келдик. Қизалоқ бажонидил югуради ва велосипедда учини ўргана бошлади.

Азиза тез-тез ота-онаси билан дам олиш кунларида қаёққа борганлигини жуда хурсанд ҳолда ҳикоя қилиб беради. У гуруҳдаги ўртоқларига жияни - кичкинтой Жамилни бориб кўрганлигини айтиб берди. Натижада гуруҳда чақалоқлар тўғрисида умумий баҳс бошланиб кетди ва кўпчилик болалар ўзларининг чақалоқликдаги фотосуратларидан албомлар ясадилар. Биз Азизанинг бувисидан гуруҳга келиб болалар билан биргаликда овқат тайёрлаётганлиги учун миннатдормиз. Азиза бувисини бошқа болалардан қизганмайди ва унинг меҳрини бошқа болалар билан баҳам кўради. Чамаси қизалоққа овқат пишириш машғулотида қатнашиш ёқади.

Азиза гуруҳнинг иш фаолиятига катта ҳисса қўшди ва биз у билан иккинчи ярим йилликда учрашишни сабрсизлик билан кутиб қоламиз.

### **БОЛАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ (мактабгача кичик ва ўрта ёш)**

**ФАМИЛИЯСИ,** \_\_\_\_\_ **ИСМИ** \_\_\_\_\_  
**ТУГИЛГАН ЙИЛИ:** \_\_\_\_\_  
**ТАРБИЯЧИЛАРИ:** \_\_\_\_\_  
**САНА:** \_\_\_\_\_

#### **I БЎЛИМ:**

Ўз ҳисоботларимизда биз ота-оналар билан дастурнинг болага бераётган имкониятларидан у нечоғли фойдалана олаётганлиги борасида ўз таассуротларимиз билан ўртоқлашишга ҳаракат қиламиз. Мазкур бўлимда тавсия этиладиган материал ва машғулотлар рўйхати келтирилган.

Боланинг фаолият доирасига кирувчи соҳалар айлана билан ажратилган. Болада алоҳида қизиқиш уйғотадиганлари эса юлдузча билан (\*) кўрсатилган.

#### **Бинода:**

Катта ичи вовак блоклар  
Кичик яхлит блоклар  
Тадқиқотлар столи

#### **Махсус лойиҳалар:**

Китоблар тайёрлаш  
Овқат пишириш  
Дурадгорлик



(қум, сув, экилган ер)  
Китоблар, ҳикоячилик,  
қофиялаш  
Муסיқа (қўшиқ, рақс)  
Ёзувлар  
Бошқотирмалар  
Диафильмлар  
Ўйинчоқ хамир  
Бўр билан ёзиладиган доска  
Сюжет-ролли ўйин  
Манипулятив материаллар  
(лего, нинали доска)  
Молбертда рассомчилик  
Кесиш  
Боғлаш  
Чизиш (қалам, бўр, ручка)  
Елимлаш  
Енгил тамадди

**Биодан ташқарида:**

Қум  
Арғимчоқ-беланчак  
Арғимчоқ-тўсин  
Қорбўрон  
Ўрмалаш  
Чорпоя ва доскалар  
Ўйинчоқ уйчалар  
Аравачалар  
Коптоқлар

**Маҳсуе буюмлар:**

Муסיқа  
Кутубхона  
Жисмоний тарбия

**ИЗОҲЛАР:** \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

**II БЎЛИМ:**

**БИЛИМЛАРНИНГ ЎСИШИ**

**(МОДДИЙ ОЛАМ, САВОДХОНЛИК, МАНТИҚИЙ-МАТЕМАТИК ОНГ)**

Бизнинг буюмлардан турли билимларга эга бўлиш мумкин. Масалан, блоклар билан ишлаётиб, бир бола ишнинг эстетик томонига, бошқаси эса математик томонига қизиқиш кўрсатиши мумкин. Болангизнинг I бўлимда санаб ўтилган материаллардан фойдаланиши асосида моддий борлиқ тўғрисидаги тушуниши ортади, ўз навбатида бу математик онгнинг ўсишига, шунингдек, саводхонликнинг ривожига туртки бўлади.

----- **материаллар билан ишлаганда,** -----  
эканлигини кўришимиз мумкин.

Қиш			Баҳор		
А	Б	К	А	Б	К

А=аҳёнда, Б=баъзида, К=кўпинча

Материалларнинг физик (юзаси в.ҳ.) хоссаларини тадқиқ этади

Бошқаларнинг материаллар билан қандай ишлатёганини кўзатади

Ишнинг кетишига қараб уни режалаштиради  
«Нима бўлаётганлиги»ни кўзатади ва муносабат билдиради (объектдан тесқари алоқа)

Материалларни ташкил қилишнинг ўзга йўллари кўрилади

Ишни охирига етказилади

Вазиятнинг ўзгаришини кўзатиб боради

Материаллардан фойдалана олишини намоён этади

**ИЗОҲЛАР:** \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

**Математика соҳасида** \_\_\_\_\_

Қиш			Баҳор		
А	Б	К	А	Б	К

**А=аҳёнда, Б=баъзида, К=кўпинча**

Солиштириш ва таққослаш билан шуғулланади  
(кўп, оз, баравар, ҳар хил ва х.к.)

Материалларни тартибга солади

Намуналар устида тажрибалар ўтказади

Буюмларни санайди

Ўзаро мувофиқликни тушунади ва ундан  
фойдаланади

Рақамни буюмлар миқдори билан боғлай олади

**ИЗОҲЛАР:** \_\_\_\_\_

**Нутқ ва саводхонлик соҳасида** \_\_\_\_\_

Қиш			Баҳор		
А	Б	К	А	Б	К

**А=аҳёнда, Б=баъзида, К=кўпинча**

Бошқаларнинг гапини тинглайди

Эшитганини тушунади

Оззаки ахборотга тўғри жавоб қайтаради  
Сўз бойлигини кенгайтиришга қизиқиш намоён  
қилади.

Фикрларини сўзда ифодалайди

Гаплар туза олади

Китобларга қизиқади

Ўқилган нарсани тушунади

Белги ёки ҳикояларни айта олади

Ёзувни нутқнинг ифодаси сифатида қабул  
қилади

Ҳарф ва сўзлар билан қизиқади

Ҳарфлар ясашга уринади

Таниш сўз ва исмларни ажрата олади

Босма ҳарфлар билан ўз исминини ёза олади

Ёзма ҳарфларни фарқлайди

Қофияларни фарқлайди

**ИЗОҲЛАР:** \_\_\_\_\_

### III БЎЛИМ: ИЖТИМОЙ-ҲИССИЙ РИВОЖЛАНИШ

Ҳар қандай бола ҳам мактабгача таълим муассасасига муайян ҳис-туйғулар билан келади. Улар, авваламбор, оила ва яқин дўстлар билан мулоқотга киришиш жараёнида ривожланади (бунга қўшимча мактабгача таълим муассасасида ортирилган тажриба). Ҳисоботнинг ушбу қисмида биз боланинг мактабгача таълим муассасасига қатнай бошлагандан кейинги ижтимоий-ҳиссий ривожланиши нечоғли илдамлагани борасидаги кузатишларимиз билан ўртоқлашамиз. Ушбу ривожланишнинг асосий жиҳатлари катталар ва тенгдошлар билан муносабатлар, шунингдек, эркинликка тааллуқли.

\_\_\_\_\_ билан ишлаш давомида биз \_\_\_\_\_ ни

кузатдик

Қиш			Баҳор		
А	Б	К	А	Б	К

**А=аҳёнда, Б=баъзида, К=кўпинча**

Катталар билан ўзини яхши ҳис қилади

Катталар ёрдамидан фойдалана олади

Катталар билан бирга ҳаракат қила олади

Каттанинг бошқарувида яхши ҳаракат қилади

Тенгдошлари орасида ўзини яхши ҳис қилади

Кичик гуруҳда ўзини яхши ҳис қилади

Катта гуруҳда ўзини яхши ҳис қилади

Болалар томонидан ташкил этилган ишларда қатнаша олади

Қиш			Баҳор		
А	Б	К	А	Б	К

**А=аҳёнда, Б=баъзида, К=кўпинча**

Ўзи учун машғулот турини танлай олади

Ўзи ва нарсаларига қарай олади

Туйғуларини сўз билан ифодалай олади

Бошқалар ҳаракатларини кузата олади

Ўзгалар фикридан фойдалана олади ва ўрناق ола билади

Якка ҳолда ҳаракат қила олади

Ҳаракатларини бошқара олади

Навбатга риоя қила олади

Тенгдошлари билан низоларни бартараф эта олади

**ИЗОҲЛАР:** \_\_\_\_\_

#### IV БЎЛИМ: ИЖТИМОЙ АХБОРОТНИ ЎЗЛАШТИРИШ

Баъзи билимлар бир одамдан иккинчисига, авлоддан авлодга ўтади. Маданий ва ижтимоий анъаналарнинг барча доираси фақатгина бошқа одамлардан ўзлаштирилиши мумкин (математик билимдан фарқли ўлароқ). Социумни ўзлаштириш 1 ёшдан 8 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган дастурнинг асосий қисмидир. Бироқ, ҳар бир бола ушбу ахборот билан, фаолиятнинг бошқа жабҳаларида бўлгани каби, ўзича ишлайди.

\_\_\_\_\_ билан ишлаб, \_\_\_\_\_ га гувоҳ бўлдик

Қиш			Баҳор			
НҚМ	НҚ	ТНҚ	НҚМ	НҚ	ТНҚ	
						НҚМ=намоён қилмайди, НҚ=намоён қилади, ТНҚ=тез-тез намоён қилади
						Оила тузилиши, уйдаги тартиб, ўз байрамлари в.х. ҳақида тасаввур
						Бошқа оилалар тузилиши, ҳаёт тарзи, байрамлари в.х. ҳақида тасаввур
						Гуруҳдаги тартиб ва жадвал ҳақида тасаввур
						Гуруҳ биносидан ташқаридаги ҳаёт (жой ва одамлар) ҳақида тасаввур
						Уй ва МТМдан ташқаридаги жамият ҳақида тасаввур
						Болаларга аталган шеърлар, ҳикоялар, ТВ-қўрсатувлар в.х. дан хабардорлик
						Кенг луғат бойлиги
						Тўғри нутқ ҳақида тасаввур
						Олинган ахборотни ўзига мослаш олиш қобилияти

ИЗОҲЛАР: \_\_\_\_\_



## VI боб. ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН РЕЖАЛАШТИРИШ

Режалаштириш ўқув режасини яратиш ва қўллаш жараёнининг муҳим таркибий қисмидир. У педагоглар жамоасининг ҳамжиҳатлик билан ва осойишта ишлашларига имкон яратади, уларнинг вазифалари ва мажбуриятлари борасида чалкашликлар келиб чиқмаслигида ёрдам беради. Режалаштиришни ҳамкорликда амалга ошириш учун педагогик жамоа йиғилишларини ҳар ҳафтада бир марта ўтказиб туриш лозим.

Ўқув режасининг мазмуни энг камида учта манбадан келиб чиқади: болаларнинг тарбиячи томонидан қўйилган мақсадларга қандай эришаётганликларини кузатиб боришдан; тарбиячининг болаларнинг муайян гуруҳини тушунишидан (уларнинг индивидуал қизиқишларини, кучли ва заиф томонларини, ўзига хос хусусиятларини, ҳаёт шароитлари ва муаммоларини); тарбиячининг болалар ва уларнинг ривожланишга оид умумий билимларидан. Масалан, тарбиячи 3 ёшли болаларга 6 ёшли болаларга қараганда анча оддий, содда, аниқ-равшан ва сенсор машғулотлар зарурлигини билиши лозим.

### Узоқ ва қисқа муддатли ўқув режаларининг зарурати

Педагоглар узоқ ва қисқа муддатли ўқув режаларининг аҳамиятини тушунишлари лозим. Узоқ муддатли режаларида педагоглар жамоаси бутун ўқув йилига мўлжалланган вазифаларни белгилайди. Тарбиячилар мактабгача таълим муассасасига биринчи марта қадам қўйган болаларни қандай кутиб олиш, уларнинг ўзларини бемалол ҳис этишлари учун нима қилиш кераклиги, ота-оналарни педагогик фаолиятга қандай жалб этиш каби масалаларни муҳокама қиладилар. Узоқ муддатли режага муайян гуруҳдаги ҳар бир машғулот киритилавермайди. Шу билан бир пайтда у келгуси йилда амалга ошириладиган асосий тадбирларни белгилаб олиш имконини беради. Узоқ муддатли режал болаларнинг ривожланишдаги асосий босқичларни белгилашга имкон яратади: педагоглар болаларни ана шу босқичларнинг ҳар бирига олиб келадиган машғулотларни режалаштирадилар. Бундай режа ўқув муҳитидаги катта ўзгаришларнинг, масалан, очиқ майдончани қайта жиҳозлаш сингари ишларнинг осон қўчишига хизмат қилади.

Қисқа муддатли режалар ҳар ҳафтада амалга оширилади. Мазкур режалаштириш доирасида педагогик жамоа ҳар бир боланинг манфаатлари ва эҳтиёжларини муҳокама қилади. Доимий мунозаралар давомида педагоглар болалар учун тадқиқот лойиҳаларини ўйлаб топадилар, мавзули марказларда қандай ўзгаришларни амалга ошириш зарурлигини ҳал этадилар. Улар, шунингдек, педагогик фаолиятда ота-оналардан иборат кўнгилчилардан қандай фойдаланиш, улар ўзларини бемалол ва ишонч билан тутишлари учун нима қилиш зарурлиги каби масалаларни ҳам муҳокама қиладилар. Педагогик жамоа аъзолари жорий кун вазифаларини ўзаро тақсимлаб оладилар (педагогларнинг бири болаларнинг кичик гуруҳи билан шуғулланиши, бошқаси хона бўйлаб юриб, ҳамкасбларига ёрдам бериши ва болаларни кузатиб туриши мумкин). Шу тарзда болалар билан индивидуал ишлаш ёки болалар гуруҳи билан ишлаш учун вақт топилади. Педагоглар болаларнинг фаол машғулотлари билан осойишта машғулотлари, уларнинг бўш вақтлари билан ташкилий равишда

ўтадиган вақтлари ўртасидаги тўғри мувозанатни топадилар. Улар алоҳида муҳим воқеаларни эса сақлайдилар ва режада ҳисобга оладилар (болаларнинг тувилган кунлари, байрамлар). Педагогик жамоа аъзолари ким кутубхонага бориши, ким ота-оналарга қўнғироқ қилиши, ким шифокорлардан кўплаб болаларнинг боғчага келмай қолишига сабаб бўлган шомоллаш ҳақида маълумот йиғиши каби вазифаларни ўзаро тақсимлаб оладилар. Режа тузиш чоғида педагоглар ота-оналарни ҳам ҳисобга оладилар, масалан, уларга мактабгача таълим муассасасидан бола учун қандай ўйинчоқларни ижарага олиш борасида маслаҳат берадилар. Педагоглар болалар эришган муваффақиятларни муҳокама қиладилар, муайян бола ва бутун гуруҳ учун мақсадларни белгилайдилар.

### **Ёзма режанинг аҳамияти**

Ўқув режалари ёзма равишда расмийлаштирилиши лозим. Бунда тарбиячилар турли усулларни қўллайдилар. Айримлар тақвимлардан фойдаланадилар ва уларга бир ҳафта ёки бир ой учун мўлжалланган асосий машғулотлар ва муҳим ишларни қайд этадилар. Бошқалар мавзули марказлар, ҳафта кунлари ва тегишли машғулотлар белгилаб қўйилган трафаретлардан фойдаланадилар. Ҳар бир бола учун аниқ-равшан мақсадлар ва уларга эришиш усуллари кўрсатилган ҳолда индивидуал режалар ишлаб чиқувчи тарбиячилар ҳам бор. Бошқа режалар бунчалик мураккаб бўлмаслиги мумкин: уларда фақат тарбиячининг келгуси ҳафтадаги машғулотлари, ўқув материаллари ва ишлари санаб ўтилади.

Ёзма режалар дастур тузилмасини яратишда ёрдам беради, уларда мавзули марказлардаги қўшимча ўзгаришлар кўзда тутилади ҳамда болалар билан ўтказиладиган машғулотлар қайд этилади. Режалар тарбиячиларнинг кўнгилли ёрдамчилари учун фойдали бўлган ахборотни ўз ичига олади. Ўқув режалари шакллариининг намуналари ушбу бобнинг охирида келтирилади.

Яна бир вариант - ўқув схемаларининг тузилишидир. Улар машғулот мавзуси билан ривожланиш соҳалари ёки мавзули марказлар ўртасидаги алоқани кўргазмали тарзда акс эттиради. Ўқув схемасига болаларнинг гоёлари ва тасаввурлари ҳам киритилиши мумкин (боб охирида келтирилган ўқув режалари схемалари намуналарига қаранг).

### ***Кун жадвалини тузиш***

Кун жадвалида машғулотлар, ишлар ва болалар ўйинларининг тузилмаси акс этирилади. Бундай жадваллар ҳар кунги кун тартибини белгилашга имкон беради, болалар унга кўникиб қоладилар ва бу улар учун қулайдир. Жадвалда болаларнинг ривожланишидаги аҳтиёжлари ҳисобга олинади: масалан, 3 ёшли болалар гуруҳининг машғулотлар жадвалида ўйинларга 6 ёшли болалар жадвалидагига қараганда кўпроқ вақт, тарбиячи раҳбарлиги остидаги машғулотларга эса камроқ вақт ажратилади.

Махсус тадбирлар, яъни экскурсиялар, болалар учун янги машғулотларни таклиф этишлари мумкин бўлган ота-оналарнинг келишлари ёки болаларнинг кайфиятларига ва ҳатто об-ҳавога мос тадбирларни амалга оширишни кўзда тутиш учун барча жадваллар етарли даражада мослашувчан бўлиши зарур. Агар уч кун давомда ёққан



ёмғирдан сўнг ҳаво очилиб кетса, ўқув режасида мазкур кун учун қандай машғулотлар кўзда тутилганидан қатъий назар, болаларга тоза ҳавода ўйнаш учун қўпроқ вақт бериш лозим. Мослашувчан жадваллар машғулотларни ягона мақсадга бирлаштириш имконини беради: ўйинга берилиб кетган болаларнинг бошқа машғулотга ўтиш учун ўйинни тарк этишларига тўғри келмайди. Болаларга ўзлари танлаган машғулотлар билан шуғулланиш, гуруҳда мавжуд ўқув материалларини ўрганиш, очиқ майдонда шуғулланиш учун етарли даражада вақт берилади. Жадвал бир машғулотдан иккинчи машғулотга ўтиш учун вақт ажратишни ҳам кўзда тутуди, тарбиячига болаларни кузатиб туриш, кичик гуруҳларда улар билан индивидуал сўзлашиш ёки ишлаш имкониятини беради. Расмлар билан безатилган жадвал кўпчилик кўрадиган жойга осиб қўйилиши лозим.

Ушбу бўлимда кундалик жадвалларнинг намуналари берилган. У гуруҳдаги болаларнинг ёши ва ўқув кунининг давомийлиги билан боғлиқ равишда ўзгартирилиши мумкин (боб охирида берилган жадваллар намуналарига қаранг).

### **Болаларнинг келиши ва нонушта қилиш**

Болалар келгунга қадар педагогик жамоа эрталабки машғулотлар учун зарур бўлган барча материалларни тайёрлайди. Педагоглар барча келаётган болалар ва уларнинг ота-оналари билан саломлашадилар. Болалар турли вақтларда келишлари мумкин. Шу сабабли уларни банд қилиб туриш учун гуруҳда осойишта ўйинлар учун зарур воситалар, китоблар, фломастерлар ва расм чизиш учун қоғозлар бўлиши лозим. Ҳамма болалар тайёр бўлганларидан сўнг уларга нонушта олдида тинчланиб олишлари учун озроқ ўйнашга вақт бериш керак, бошқа болаларга бунинг зарурати бўлмалиги ҳам мумкин. Нонуштадан сўнг барча болалар ўйинни тўхтатадилар, расмлар ва китобларни бир четга олиб қўядилар ва тарбиячи эрталабки йиғинни ўтказди.

### **Эрталабки йиғин**

Эрталабки йиғин вақтида болалар ўзларининг кун бўйи амалга оширадиган машғулотларини ўйлаб оладилар ва режалаштирадилар. Тарбиячилар болаларга ўқув материалларини кўрсатадилар ва бажарилаётган лойиҳаларнинг жорий аҳволини текшириш учун амалга ошириладиган машғулотларни муҳокама қиладилар. 3 ёшли болалар учун йиғин қисқа тарзда ўтказилади. Бу ёшдаги болалар гуруҳида йиғин болаларнинг бугун нималар қилишни хоҳлаётганликлари ҳақидаги сўзларидан ҳамда тарбиячининг қўйидагича эслатишлари ва айтиб туришларидан иборат бўлиши мумкин: «Бугун биз бармоқларимиз билан чизамиз»; «Ёдингиздан чиқарманг, биз бугун сут заводига экскурсияга борамиз» ёки «Кеча сизлар картон қутиларидан ҳайкал ясаган эдингиз. Бугун уни бўйяйсизми?»

4, 5 ва 6 ёшли болалар эрталабки йиғин вақтида кун жадвали билан танишишлари ва унга киритилган машғулотларни муҳокама қилишлари мумкин. Бу ёш гуруҳига мансуб болаларга деворга осиб қўйилган жадвални, тақвимни ёки об-ҳаво маълумотини кўриб чиқиш ёқиши мумкин. Эрталабки йиғин пайтида болалар ўз уйларида ёки маҳаллий ҳамжамятда содир бўлган янгиликлар тўғрисидаги ахборотлар билан бир-бирларини таништиришлари, жумладан, ўзларининг қариндошларини кўргани борганликлари ёки табиат қўйнига уюштириладиган экскурсия ҳақида сўзлашлари

мумкин. 5 ва 6 ёшли болаларнинг айрим гуруҳларининг эртаси арифметик масалаларни ечиш, топишмоқлар топиш ёки бошқа бир «қизиқарли» машғулот билан бошланади.

### **Машғулотларни танлаш**

Эрталаб ва кундузи болаларга индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлаш имконияти берилади. Бунинг учун тарбиячилар махсус машғулотларни режалаштирадилар ва мавзу марказларини зарур материаллар билан таъминлайдилар. Болалар ушбу материаллардан турли усуллар билан, уларга нисбатан ўз ижодий ёндашувларини намоён этган ҳолда фойдаланадилар. Улар лото, карта, шашка сингари эркин ёки ташкил этилган ўйинларга нисбатан ўз ёндашувларини намоён этадилар.

Тарбиячилар болалар орасида юриб, уларга машғулотларни тушунтириб берадилар ёки саволлар берадилар. Сал каттароқ ёшдаги болалар савод чиқариши ёки арифметикага оид топшириқларни тарбиячининг раҳбарлиги остида бажаришлари мумкин. Бу вақтда болалар, шунингдек, умумий лойиҳаларни бажариш устида ишлашлари ёки махсус машғулотларда: овқат пишириш, тикиш каби ишларни бажаришда иштирок этишлари мумкин. Ушбу машғулотлар пайтида болаларга ота-оналар ёки бошқа кўнгилли ёрдамчилар кўмак беришлари мумкин. Муҳими, тарбиячилар болаларнинг машғулотларни танлашларига, улар индивидуал ёки гуруҳ бўлиб ишлаётганидан қатъий назар иш сифатига ҳамда уларнинг муайян машғулотга бўлган қизиқиши қанча муддат давом этишига эътибор беришлари лозим.

Болалар машғулотлардан қониқиш олишлари ва ўзларига мос суръатни мустақил равишда танлаб олишлари зарур. Тарбиячининг вазифаси болалар учун қизиқарли бўлган ва уларнинг ижодига кенг эркинлик берадиган таълим имкониятларини таъминлашдан иборат бўлиб қолади.

### **Ярим тушлик ва тушлик**

Айрим тарбиячилар норасмий ярим тушлик ташкил қилишни ёқтирадилар. Бунда болалар ўзлари стол ёнига келиб, уларга ёққан егуликни танлаб олишлари мумкин. Бошқа тарбиячилар эса болаларнинг ташкилий равишда, барчаси бирга овқатланишини афзал кўрадилар. Ярим тушлик оддий ва тўйимли бўлиши лозим. Болаларни галмагалдан столга навбатчи қилиб қўйиш мумкин: улар столни тузайдилар ва идиш-товоқларни йиғиштирадилар.

Тушлик болаларнинг овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Бундан ташқари тушлик ижтимоий ва маданий хусусиятга эга бўлган тадбирдир. Болалар кичик столчалар атрофида ўтирадилар, ўзларини мустақил тутишни ўрганадилар, янги таомларни татиб кўрадилар, бир-бирларига ликопчаларни узатадилар ва оҳиста сўзлашиб ўтирадилар. Болалар гуруҳда қандайдир бир ишни бажаришлари лозим. Масалан, болаларга стол тузашни, (ликопчаларни, қосалар ва пиёлаларни, анжомлар ва сочиқларни қўйиш), овқат олиб келишни, тушликдан сўнг столларни тозалаш ва артишни топшириш мумкин.

Тушлик пайтида катталарга ёрдам берар эканлар, болалар кўп нарсаларни, масалан, санашни ва бир-бирлари билан муомалар қилишни ўрганадилар. Агар столда исмлар ёзилган доскачалар қўйилган бўлса, болалар бу исмларни таниб оладилар. Тушлик

осойишта ҳордиқ чиқариладиган вақтдан иборат бўлиши лозим. Тарбиячилар стол атрофида ана шундай вазиятни яратишда ёрдам берадилар. Улар ўтириб, болалар билан бирга овқатланадилар, уларни суҳбатга таклиф қиладилар.

Айрим болалар кўп, бошқалари эса камроқ овқат ейдилар. Баъзилар тез-тез овқатлансалар, бошқалари шонилмасдан тановул қиладилар. Болалар ўртасидаги бундай фарқларга йўл қўйиш ва рағбатлантириш зарур. Бошқалардан олдинроқ овқатланиб бўлган болалар бошқалар овқатланиб бўлгунча ўз идиш-товоқларини йиғиштиришлари ва қандайдир осойишта ўйин билан шуғулланишлари ёки китоб ўқишлари мумкин.

### **Тиш тозалаш**

Овқатдан сўнг тиш тозалаш - жуда фойдали одат ва болаларда бу одатни шакллантириш лозим. Ҳар бир болани болалар тиш чўтқаси билан таъминлаш зарур. Тиш чўтқалари алмашиб қолмаслиги учун уларга болаларнинг исми ёзиб қўйилиш керак. Уларни бир-бирига тегмайдиган ва тез қурийдиган жойда сақлаш лозим. Ҳар бир боланинг ўз тиш чўтқаси, пастаси ва уларни солиб қўйиш учун идиши бўлиши зарур. Агар тиш пастаси ҳамма учун умумий бўлса, катталардан бирон киши пастани эҳтиёткорлик билан ҳар бир боланинг чўтқасига суриб бериши лозим, чунки тубик чўтқага тегса микроблар юқиши мумкин. Кичик гуруҳлардаги болалар тишларини катталарнинг назорати остида тозалашлари зарур.

Болаларни тишни тўғри тозалашга ўргатиш гуруҳда қизиқарли ва интерфаол шаклда ўтказилади. Болаларнинг амалда бу иш билан шуғулланишларига, ойнада ўз тишларини кўришларига имкон бериш, чиройли табассумга эга бўлишнинг яхшилигини тушунтириш керак. Тишларни тозалаш пайтида тарбиячи уларга қўшимча тушунтириш ва изоҳлар беради. Ушбу амални барча болалар бирданига яхши бажара олмайдилар. Шундай бўлса-да, болалар тишни парваришлашнинг аҳамиятини тушуниб етишлари муҳимдир.

### **Гуруҳли машғулотлар**

Педагоглар жамоаси машғулотларни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилади: болалар умумий гуруҳда шуғулланишлари ёки уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Гуруҳли машғулотларнинг давом этиш муддати ёш гуруҳлари билан боғлиқ равишда белгиланади. Уч ёшли болалар, одатда, 10 минутдан кейин чарчай бошлайдилар, 5 ва 6 ёшли болалар эса биргаликда ярим соатгача шуғулланишлари мумкин. Гуруҳдаги машғулотлар – бу умумий ўйинлар, овоз чиқариб ўқиш, кейинги машғулотлар ва ўйинларни биргаликда режалаштириш вақти. Тарбиячилар болаларнинг чарчаганликларини ёки машғулотга бўлган қизиқишлари пасайганини сезганларида гуруҳ машғулотларини ўзгартиришга ёки вақтини қисқартиришга тайёр бўлишлари лозим. Тарбиячилар ёки уларнинг кўнгилли ёрдамчилари ҳар куни болаларга овоз чиқариб китоб ўқиб беришлари керак. Кичик болаларга гуруҳ машғулотларини тарк этиш ёки уларда бутунлай иштирок этмасликка, бунинг ўрнига мавзули марказларда индивидуал шуғулланишга рухсат этиш лозим.

### **Очиқ ҳавода бўлиш**

Барча болалар учун соф ҳавода машғулотлар ташкил этиш зарур. Болалар тирмашиб чиқишлари, сирпанишлари, сакрашлари ёки саҳна кўринишларини ташкил

этишлари учун жиҳозларни харид қилиш ёки ижарага олиш мумкин. Тоza ҳаводаги машғулотлар ҳам бино ичида ўтказиладиган машғулотлар сингари олдиндан режалаштиришни талаб қилади. Болаларни турли-туман материаллар ва жиҳозлар билан таъминлаш зарур. Тарбиячилар очиқ майдонга сув ўйнаш учун столларни, дурадгорлик дастгоҳларини, сахна кўринишлари учун материаллар ва бошқа жиҳозларни олиб чиқишлари мумкин. Очиқ майдон учун атрофимизни ўраб турган табиатни ўрганиш, қурилиш, табиий фанлар соҳасидаги тадқиқотлар, масалан тўфонлар ва дарё кўприкларининг қурилиши, арқонлар ва блоклар билан ўйналадиган ўйинлар, соялар ва акс тасвирларнинг хусусиятларини ўрганиши каби машғулотлар идеал даражада мос тушади. Тарбиячилар бундай машғулотлардан болаларнинг моторикаси ривожланишлари, ижтимоий кўникмалари ва белгиланган қоидаларни тушунишлари даражасини кузатишда фойдаланишлари лозим.

### **Осойишталик соати**

Болаларнинг овқатга ва ҳожатхонадан фойдаланишга бўлган эҳтиёжлари ҳам уларнинг уйқуга бўлган эҳтиёжлари сингари соф индивидуалдир. Баъзи болалар учун узоқ давом этадиган кундузги уйқу зарур, бошқалари эса шунчаки дам олса бас, яна баъзи бирлари ухлаши керак, аммо бу уйқу қисқа муддатли бўлади. Ҳадвал тузишда ана шу фарқларни ҳисобга олиш зарур.

Кун давомида болаларнинг дам олишлари учун вақт ажратиш тавсия этилади. Бутун кун давомида гуруҳда фаол шуғулланадиган болаларнинг дам олишлари ва ҳордиқ чиқаришлари зарурдир. Бошқалардан олдин ўйғонадиган болаларга туришга ва китоб ўқишга, расм чизиш, бошқотирмалар тўплаш ёки бошқа воситалар ёрдамида ўйнашга рухсат бериш лозим. Осойишталик соати пайтида ухлашни истамайдиган болаларнинг қаерда ўйнашларини белгилаб берувчи қоидаларни жорий этиш зарур. Одатда, кичкина болалар каттароқ ёш гуруҳларига мансуб болаларга қараганда кўпроқ дам олишлари керак.

Айрим болаларнинг осойишталик соати бошланишидан олдин тинчланишлари қийин бўлади. Педагогик ходимлар фаол машғулотлардан дам олишига ўтишида ёрдам бера оладилар: бунинг учун оҳиста мусиқа қўйиш, паст овозда китоб ўқиб бериш, боланинг орқасини уқалаш, каравотларни бир-биридан узоқроқда жойлаштириш, пардаларни тушириш, ота-оналардан болаларнинг бирга ухлашни яхши кўрадиган ўйинчоқларини, адёллларини уйдан олиб келишини илтимос қилиши мумкин.

Агар болалардан биронтаси бошқалардан олдинроқ уйғониб, ўйнай бошласа, тарбиячилар у бутун гуруҳни уйғотиб юборади, деб ташвишга тушадилар. Шу муносабат билан тарбиячининг вазифаларидан бири болаларни уларнинг организми талаб қилган пайтда дам олиш зарурлигига ўргатиш ва болаларга ана шу имкониятни таъминлаб беришдир. Қандайдир бир куни болалар бошқа болалар ухламаётгани ва ўйнаётгани учун кроватидан туришлари ва ўйнай бошлашлари мумкин. Бошқа куни улар ўзларини чарчаган ҳис этадилар ва шу сабабли ухлашни ёки тинчгина китоб ўқишда давом этадилар.

### **Бир машғулотдан бошқасига ўтиш**

Бир машғулотдан бошқасига ўтиш кўп ҳолларда болалар ва тарбиячилар учун муаммога айланади. Шундай ҳам бўладики, тарбиячилар болаларнинг бир машғулотни тугаллаб иккинчисига ўтишлари учун жуда оз вақт қолдириб, уларни шошириб қўядилар. Агар машғулотлар жадвали болалар ўзлари учун қулай ритмда ишлай оладиган даражада мослашувчан қилиб тузилса, машғулотдан машғулотга ўтиш муаммосини қарийб бартараф қилиш мумкин. Ҳатто кун учун тузилган аниқ-равшан жадвал мавжуд бўлганда ҳам тарбиячилар болаларнинг олдинги ишни тамомлай олишлари ва кейинги машғулотга ўтишлари учун етарли вақт ажратишлари лозим.

Тарбиячилар болаларнинг ишларига нисбатан ҳурмат билан қарашларини намоён этишлари ва уларга машғулотларни танлаш вариантларини беришлари зарур. Қўйида машғулотдан-машғулотга ўтишни уйғун ташкил этиш юзасидан кўриладиган чоралардан намуналар келтирилади:

- Машғулотдан машғулотга ўтиш ҳақида болаларни олдиндан огоҳлантиринг: «Бу мусиқа тугагандан сўнг, биз тушликка тайёрлана бошлаймиз» ёки (катта ёшли болалар учун) «Тушликкача ўн минут қолди», сўнгра – «Беш минут қолди...» ва ҳоказо.

- Тарбиячи хоналар бўйлаб айланиб юради ва болаларнинг бошқа машғулотга ўтишга тайёргарлик кўришларига ёрдамлашади: «Мен сизларга пластилинни қутига солишда ёрдам бераман».

- Болаларга бажараётган ишни тугаллашлари учун етарли вақт беринг. Тамомлаб бўлганларга китоб ўқишни таклиф қилинг.

- Кун учун тузилган жадвалда зиммасига машғулотлар охирида ўйинчоқларни ва материалларни йиғиштириш юклатилган навбатчиларнинг исмини ёзиб қўйинг.

- Қандайдир машғулотга қизиқиб қолган болаларга кейинроқ яна ўз машғулотларига қайтишига имкон беринг: уларнинг ёйиб қўйилган ўйинчоқлари ва материаллари ёнига «Тегманг!» деб ёзилган доскачани жойлаштириш мумкин.

### **ОТА-ОНАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ**

Ўқув йилининг бошланиши – тарбиячилар, ота-оналар ва болалар учун ҳаяжонли давр. Педагоглар болаларнинг янги гуруҳлари билан ишлашга тайёр бўлишлари, ҳар бир боланинг индивидуал ривожланишига қандай ёрдам бериш мумкинлигини олдиндан ўйлаб кўришлари лозим. Ҳар бир ёш гуруҳи учун болаларнинг ёшига мос бўлган ва уларга бир текис, сокин ритмда шуғулланиш имконини берадиган хулқ-атвор қоидалари ва тартиби белгилаб қўйилади. Педагоглар болаларнинг ривожланишини раъбатлантирувчи ва индивидуал ҳамда кичик ва катта гуруҳдаги машғулотларни ўз ичига олувчи ўқув режасини тўзадилар.

Ота-оналар ҳам болаларни бошқа катта ёшли кишилар қарамовига топширишга тайёрланадилар. Улар уйларида жорий этилган тартибни мактабгача таълим муассасаси ахтиёжларига мослайдилар, бошқа болаларнинг ота-оналари билан танишадилар, дастурни ва дастур доирасида қўйилаётган талабларни тушунишга ҳаракат қиладилар.

Болаларнинг уй шароитларидан мактабгача таълим муассасасидаги машғулотларга оҳиста ўтиши учун пухта режалаштириш талаб қилинади. Бундай режалаштиришда қўйидаги асосий элементлар ва босқичлар ҳисобга олинади:

**Ўқув йили бошланиши олдида**

Болаларнинг уйдаги вазиятдан мактабгача таълим муассасасига ўтиши имкон қадар аста-секин амалга оширилиши лозим. Болалар ва уларнинг ота-оналари янги бинолар ва янги қондалар билан танишишлари зарур. Болалар ва ота-оналар мактабгача таълим муассасаси ҳақида қанча кўп билсалар, улар учун унга ўтиши шунча осон бўлади.

Педагоглар ўтишни ташкил этишда турли ёндашувлардан фойдаланишлари мумкин.

**Мана уларнинг айримлари:**

- Болалар ва ота-оналарларнинг мактабгача таълим муассасасига ўқув йили бошланишдан олдин келиши.
- Тарбиячиларнинг болаларнинг уйларига бориб, болаларни уй вазиятида кўриши.
- Кичик гуруҳларда болалар учун ўйинлар ташкил этиш
- Ўқув йили бошланиши олдида дастурни муҳофаза қилиш учун ота-оналарнинг умумий йиғилишини ўтказиш.

**Ота-оналардан ажратиш**

Болалар ўзлари ўрганиб қолган, яхши кўрган кишиларидан ажралишдан жуда кўрқадилар. Кичик ёшдаги болалар учун ота-оналаридан ажралиш ва мактабгача таълим муассасасига бориш жуда оғир. Мана шу лаҳза кўп болалар учун муаммолар туғдиради. Уларга далда бериш, тинчлантириш лозим. Болаларга кун охирида ота-оналари уларни албатта олиб кетиш учун келишларини, ота-оналари йўқ пайтда эса бошқалар уларга ғамхўрлик қилишини тушунтириш керак.

Агар болани ота-онасидан ажратиш мушкул бўлса, ота-оналар, тарбиячилар биргаликда ажралиш пайтида болага қай тарзда далда бериш, уни қандай тинчлантириш хусусида ўйлаб кўришлари лозим.

**Қуйида айрим тавсиялар келтирилади:**

· Ота-оналардан бирданига кетиб қолмасликларини, болалар педагоглар ҳамда гуруҳдаги бошқа болалар танишиб олиши учун ҳар куни эрталаб бирмунча вақт бола билан бирга бўлишларини илтимос қилинг.

· Ота-оналардан боланинг қандай ўйинчоқларни яхши кўришини, унга қандай машғулотлар ёқишини сўраб билиб олинг ва болани ана шундай ўйинчоқлар билан таъминлашга ва ўйинлар билан машғул қилишга интилинг.

· Бола гуруҳга кўникаётган пайтда унга алоҳида эътибор беринг ва ғамхўрлик кўрсатинг.

· Болага ўз ҳиссиётларини расмлар чизиш, катта ёшдагиларнинг биронтаси билан ёки «Энг яхши дўсти» билан суҳбатлашиш орқали ифода этиши имкониятини беринг.

· Ажралиш давриинг енгил кўчиши учун болаларга уйдан яхши кўрган ўйинчоқларини ва бошқа нарсаларни олиб келишларига рухсат беринг.

Энг асосийси — бу болалар учун улар ўзларини хавфсиз ҳис қиладиган вазиятни ва улар ҳақида ғамхўрлик қилинаётганини ҳис этадиган муҳитни яратишдир.

### **Оилалар билан мулоқот**

Ота-оналар билан мулоқот иложи борича тез-тез ўтказилиши ва кундалик жадвалнинг бир қисми бўлиши лозим. (Бу мавзу «Ота-оналарни жалб этиш» деб номланган III бобда муфассалроқ кўриб чиқилади). Жадвални тузишда ота-оналар билан шахсан, эълонлар доскаси орқали, кундаликдаги ёзувлар воситасида, уйга қилинадиган ташрифлар ёки ота-оналар мажлисларида қилинадиган мулоқот учун вақт ажратишни кўзда тутиш керак.

### **Бошланғич мактабга ўтиш**

Бошланғич мактабга ўтиш ҳамма вақт болалар учун ҳаяжонли воқеа ҳисобланади. Бу ўтиш хусусида фақат болалар эмас, ота-оналар ҳам ҳаяжонланишлари мумкин. Ушбу ўтиш даврини енгиллаштириш учун тарбиячилар махсус машғулотлар, шунингдек ота-оналар ва болалар билан суҳбатлар ўтказишлари муҳимдир.

### **Мана айрим маслаҳатлар:**

- Болаларни ўзлари яқинда ўқишни бошлайдиган бошланғич мактабга олиб боришни ва бўлажак ўқитувчилари билан учрашувини ташкил этинг.
- Гуруҳда «Мактабга» деган ўйин учун махсус жой ажратинг.
- Бошланғич синф ўқитувчиси учун ҳар бир бола ва унинг оиласи ҳақида ахборот тайёрланг (буни фақат ота-оналарнинг розилиги билан қилиш лозим).
- Ота-оналарнинг бошланғич синф ўқитувчиси билан учрашувини ташкил қилинг.
- Ўқитувчини сизнинг мактабгача таълим муассасасидаги тайёрлов гуруҳига таклиф қилинг.

### **Мавзули лойиҳаларни режалаштириш**

Болаларга таълим бериш ва уларнинг ўсиши интеграция (уйғун)лашган жараён: боланинг ривожланишининг ҳар бир соҳаси бошқа соҳалар билан боғлиқ. Ўзлари учун қизиқарли бўлган ишни бажарар эканлар, болалар ўзлари учун янги ахборот оладилар ва ундан тегишли хулосалар чиқардилар. У ёки бу муаммони ҳал этишда болалар арифметик ёки лисоний кўникмалардан фойдаланишлари, синаб кўриш ва хатоларга йўл қўйиш усулларини қўллашлари мумкин. Болалардаги бундай қобилиятлар ривожланишини муайян соҳалари бўйича алоҳида эмас, уларга бир бутун мажмуа сифатида қараш лозим. Ўқитиш жараёни турли соҳаларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда интеграциялашуви асосида кечади.

Тадқиқотларнинг натижалари шунни кўрсатадики, болалар бирон-бир янги нарсани инсон миясининг бир пайтнинг ўзида катта ҳажмдаги ахборотни, сенсор ҳиссиётлар, туйғулар ва сезгиларни қайта ишлашга қодир бўлган улкан қобилияти туфайли ўрганади. Фикрлаш қобилиятининг ривожланиши ташқи омиллар таъсири туфайли юзага келади. Болалар томонидан хилма-хил ва мураккаб тажрибаларнинг қабул қилинишига қўмак берувчи бой атроф-муҳит уларда тафаккур мослашувчанлигига олиб келади. Болаларнинг ижодий иқтидорини рағбатлантириш учун уларни етарли миқдорда турли-туман материаллар билан таъминлаш «интеграциялашган» таълимнинг оптималлашувига хизмат қилади. Бирлашган лойиҳалар ва мавзулар доирасида машғулотлар ташкил этиш орқали болаларнинг уларни ўраб турган дунё билан билиш

алоқаларнинг ўрнатилишига кўмак берадиган тарбиячилар болаларнинг мотивацияси ошганлиги ва таълим жараёнининг тезлашганлигига шахсан ишонч ҳосил қиладилар. Мутахассислар болаларни қўзғатиш ва фаоллигини таъминлашга турли машғулотлар мазмунини уйғунлаштириш ва ушбу мазмунини турли усуллар орқали етказиш ҳамда бунда болаларнинг ўз муносабатларини ифода этишларига имкон бериш асосида эришилади, деб ҳисоблашади. «Болага йўналтирилган таълим» дастури бўйича шуғулланаётган гуруҳларда мавзули марказлар болаларнинг муайян эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда исталган пайтда ўзгартириш имконини берадиган тарзда ташкил этилади. У ёки бу мавзу бўйича машғулотларни ёки лойиҳаларни ташкил этиш ташаббуси тарбиячилар томонидан ёки болаларнинг ўзлари томонидан кўриб чиқилиши, қабул қилиниши мумкин. Лойиҳа асосида болаларнинг ёки болалар гуруҳининг ушбу мавзуга бўлган қизиқиши ётиши лозим. Агар лойиҳани амалга ошириш жараёнида болаларнинг унга бўлган қизиқиши сусаймаса, лойиҳани концептуаллаштириш ва ривожлантириш мумкин. Буни тарбиячилар ҳам, болаларнинг ўзлари ҳам қила оладилар.

Тарбиячилар лойиҳаларни амалга оширишнинг ёки мавзуга доир машғулотлар ўтказилишининг ташаббускорлари сифатида чиқишлари мумкин, лекин улар болалар учун қизиқарли бўлмаса, қутилган натижани бермайди. Яъни, болалар бу мавзунини ўзларида туғилган саволлар туфайли кўтариб чиққан ҳоллардагина уларда у ёки бу мавзунини ишлаб чиқиш учун мотивация юзага келади.

### **Мавзу бўйича лойиҳа қандай тузилади**

Мавзулар бўйича лойиҳалар хилма-хил бўлиши мумкин, бироқ болаларнинг қизиқишларига асосланган мавзулар яхшироқ мотивацияга эга бўлади ва таълимнинг анча муваффақиятли бўлишини таъминлайди. Болаларнинг сўзларига қулоқ солиб, уларни нималар қизиқтиришини сўраб олган тарбиячи лойиҳалар ташкил этиш учун кўп мавзулар топади. Богда ёки маҳаллий ҳамжамиятда бутун бир гуруҳни қизиқтирган қандайдир воқеа юз бермадими? Болалардан биронтасининг оиласида кичик ука ёки сингил туғилмадими? Шаҳарга цирк келгани йўқми? Агар болаларни ҳаяжонга соладиган қандайдир воқеа юз берган бўлса, масалан, циркнинг келиши сингари болалар уни ўзларининг ҳамкорликдаги лойиҳалари учун мавзу сифатида танлашлари мумкин. Цирк мавзусини бир гуруҳда бир ой давомида ёки ундан ҳам узоқроқ ишлаш мумкин. Мавзу лойиҳасининг амалга оширилишининг қанча давом этиши гуруҳдаги болаларнинг унга бўлган қизиқиши даражасига боғлиқ. Бу қизиқишнинг даражаси тарбиячи томонидан белгиланади. Мавзули машғулотларнинг ва умумий лойиҳаларнинг ташкил этилиши тўрт ёш ва ундан каттароқ болалар учун кўпроқ мос тушади.

Мавзули лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг энг самарали усулларида бири «уч савол» моделидир. Мазкур моделнинг моҳияти шундан иборатки, тарбиячи болаларга қуйидаги учта саволни беради:

- Биз нималарни биламиз?
- Биз нимани билишни хоҳлаймиз?
- Биз нимани билиб олдик?



Аввал тарбиячи болаларнинг муайян предмет ёки ҳодиса ҳақида нималарни билишларини аниқлаб олиш учун ўтказиладиган умумий муҳокамада ташаббускор бўлади. Агар сўз цирк ҳақида бораётган бўлса, масалан, тарбиячи шундай саволлар беради: «Биз цирк ҳақида нималарни биламиз?» ёки «Менга цирк ҳақида сўзлаб беринг». Болалар саволларга жавоб беришлари билан тарбиячи уларнинг жавобларини бутун гуруҳ кўра оладиган катта ватман қоғозга ёзиб қўяди. Барча болаларнинг жавобларини ёзиб олиш ва ёнига уларнинг исmlарини ёзиб қўйишни унутмаслик лозим.

Сўнгра тарбиячи иккинчи саволни беради: «Биз цирк ҳақида нималарни билишни истаймиз?». Жавоблар юқоридаги тарзда ёзиб қўйилади. Болаларнинг жавоблари мавзули лойиҳа мазмунини белгилаб беради, бунда барча жавоблар, улар қанчалик содда ва мантиқсиз бўлиб кўринишга қарамасдан ёзиб олинади. Ҳамма болалар ўз фикрларини айтиб бўлганларидан сўнг тарбиячи: «Биз ўз саволларимизга қандай жавоб топишимиз мумкин?» деб сўрайди.

**Қуйида саволлар юзасидан ахборот йиғишнинг айрим усуллари келтирилади:**

- Китоблар ўқиш.
- Ота-оналарга саволлар бериш.
- Мутахассисларга саволлар бериш.
- Тажриба-синовларини ўтказиш.
- Жойларга саёҳат уюштириш.
- Предмет ёки воқеани қайта тиклаш.

Тарбиячи болалардан олинган жавобларни мантиқий ўқув режасида акс эттиради. Ўтказилиши мумкин бўлган машғулотлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Цирк ҳақидаги китобларни ўқиш.
- Бутун гуруҳ учун цирк ҳақидаги китоблар олиш мақсадида умумий равишда кутубхонага бориш.
- Гуруҳга мутахассисни: масхарабозни ёки ҳайвон ўргатувчини таклиф этиш.
- Болаларнинг ўз «циркларини» ташкил этишлари. Болалар «масхарабозлар», «сеҳргарлар», «ҳайвонлар», «жонглерлар», «гимнастлар»дан иборат кичик гуруҳларга бўлинадилар.

Учинчи савол: «Биз нималарни билиб олдик?». Бу саволга берилган жавоблар тарбиячига болаларнинг нималарни ўрганганлиги ҳақида тушунча беради. Лойиҳани амалга ошириш натижаларини баҳолаш фаол таълим жараёнининг танқидий омили ҳисобланади. Тарбиячи қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим: «Лойиҳанинг қандай қисми энг муваффақиятли чиқди?», «Кейинги сафар нималарни ўзгартириш лозим?», «Болалар нималарни ўргандилар?», «Нимага эришиб бўлмади?» ва «Нима учун?».

Кейин бутун гуруҳ билан биргаликда лойиҳа натижаларини муҳокама қилиш лозим. Болаларни лойиҳа доирасида ўтказилган цирк билан боғлиқ бўлган барча машғулотларни ўйлаб кўришларини сўранг. Лойиҳа аввалида тузилган, болалар цирк ҳақида нималарни билишни исташлари ҳақида саволлар рўйхатига яна қайтинг.

Аввал ҳар бир саволни ўқинг ва болаларга навбат билан ана шу саволга жавоб беришни таклиф қилинг. Болаларга шундай саволлар бериш мумкин:

- Ким ўзи учун бирон-бир янги нарсани билиб олди?
- Сиз илгари билмаган бирон нарсани билиб олдингизми?
- Сиз цирк ҳақида ўзингизни ҳайратга солган бирон нарсани билиб олдингизми?
- Лойиҳадаги машғулотларнинг қайси сизга ҳаммасидан кўра кўпроқ ёқди?

Гуруҳда «Цирк» тузиш жараёнини махсус китобда қайд этиш мумкин: болалар лойиҳани амалга оширишнинг ҳар бир босқичини баён қилишлари мумкин. Болалар чизган расмларни безак сифатида келтириш, шунингдек, китобга болалар айтиб турган пайтда ёзиб олинган матнларни киритиш мумкин. Кейинчалик болалар китобни катта қониқиш билан кўриб чиқадилар, уларга айниқса, ўзларининг циркка бағишлаб чизган расмлари ёқади. Лойиҳа ҳақидаги китобда унинг амалга оширилишида ота-оналарнинг, маҳаллий ҳамжамятнинг бошқа аъзолари иштироки ҳам қайд этилиши зарур.

Лойиҳани амалга оширилиши натижаларини баҳолаш натижасида тарбиячи келажакда бундай лойиҳаларни яхшилаш ва кенгайтиришга оид қўйидаги масалалар бўйича қарор қабул қилиши мумкин:

- Машғулотларни яхшилаш мақсадида уларни ташкил этишни қай тарзда ўзгартириш мумкин.
- Ҳар бир бола учун машғулотни қандай индивидуаллаштириш лозим.
- Алоҳида эҳтиёжларга эга бўлган болаларни лойиҳани амалга оширишга қандай қилиб жалб этиш мумкин.
- Болалар учун келажакда ушбу лойиҳа билан мавзу жиҳатдан боғлиқ бўлган яна қандай машғулотларни ташкил этиш мумкин.

### ***Мавзули лойиҳа намунаси***

Мавзули лойиҳалардан бири бир нечта гуруҳдаги болаларнинг нимага бўлган қизиқишлари асосида тузилди. Болалар бу улкан сут эмизувчи ҳайвонга жуда қизиқиб қолдилар. Тарбиячи болалар гуруҳига китлар ҳақида суҳбатлашишни таклиф қилди: гуруҳдаги учта бола бу масалага айниқса қизиқиб қолган эди. Тарбиячи болалардан улар китлар ҳақида айнан нималарни билишларини сўрайди. Маълум бўлдики, болалардан бири китларнинг ҳар хил турлари мавжудлигини билар экан. У кўк китни ва ўрқачли китни тилга олди. Бошқа бир бола бу фикрга қўшилмади ва кит фақат бир хил бўлади, деди. Тарбиячи баҳсни бошқа болалар ҳал этишларини таклиф қилди ва гуруҳда умумий мунозара бошланиб кетди. Кун охирида тарбиячи болаларга ўз ота-оналаридан китлар ҳақида сўраб-суриштиришни таклиф қилди.

Эртаси куни болалардан бири гуруҳга кит ҳақидаги китобни олиб келди, бошқа бири унинг онаси университетда ўқиган пайтда китларни ўрганганлигини айтиб берди. Тарбиячи китобни ўқиб берган пайтда болалар мамнуният билан тингладилар ва ундаги расмларни томоша қилдилар. Сўнгра улар айтиб турдилар ва тарбиячи бир пайтлар китни ўрганган онага унинг гуруҳга келишини ва болаларга кит ҳақида ҳикоя қилиб беришини сўраб хат ёзди.

Кейинги бир неча ҳафта давомида болалар яна китлар ҳақида китобларни олиш учун кутубхонага бордилар, китлар ҳақида ўзлари мустақил китоб яратишга қарор қилиб, ушбу китоб учун китларнинг расмини чиздилар, алюминий фольгадан ўйинчоқ китлар ясадилар, китларнинг плёнкага ёзиб олинган овозларини тингладилар. Улар китларнинг «тили»га қизиқиб қолдилар ва экологик ташкилотлардан бирига ўзларининг китларни ов қилиш давом этаётганлигидан ташвишга тушаётганликлари ҳақида хат ёздилар.

Китларнинг катталиги ҳақида баҳс тувилганда тарбиячи болаларга кичкина кит қанча майдонни эгаллаши мумкинлигини ҳисоблаб чиқишни таклиф қилди. Болалар хонани рулетка ёрдамида ўлчаб чиқдилар ва кит бундан кўра каттароқ, деган хулосага келдилар. Шундан сўнг улар мактабгача таълим муассасаси ёнидаги паркда кубиклардан китнинг контурини ясашга қарор қилдилар. Улар ўша ерга аравачаларда кубикларни олиб бордилар, бироқ, кейин маълум бўлдики, бунинг учун ҳамма кубиклар ҳам етмас экан. Сўнгра тарбиячининг айтганига амал қилиб, болалар китнинг узунлигини бир ўрам арқон ёрдамида ўлчашга қарор қилдилар.

Кит билан боғлиқ лойиҳа бир мунча вақт давомида барча болаларни қизиқтирди, улардан ўта қизиқиб қолган учтаси бу мавзу билан шуғулланишни бир ойдан ортиқ давом эттирдилар. Бу болаларнинг чуқур тадқиқотларга ва жиддий таълим олишга қобилиятли эканликларини тасдиқлайди. Бундай лойиҳа болалардан муаммоларни ҳал этиш кўникмаларига эга бўлишни, саводли бўлиш, арифметикани билиш, шунингдек, табиий фанлар соҳасида билимларга эга бўлишни талаб қилди. Лойиҳанинг амалга оширилиши доирасида болалар индивидуал тарзда ва гуруҳларда ишлаш имкониятига эга бўлдилар. Тарбиячининг ўзи ҳам болалар билан бир қаторда ўқувчига айланди. Лойиҳада ота-оналар, маҳаллий ҳамжамият аъзолари иштирок этдилар. Унда энг хилма-хил материаллардан фойдаланилди, лойиҳа бўйича машғулотлар кўп ҳолларда бинодан ташқарида ўтказилди.

Хулосада шунини қайд этиш лозимки, мавзули лойиҳалар, агар улар тарбиячи томонидан яхши режалаштирилган бўлса катта муваффақият билан яқунланади. Бундай режалаштириш учун бундан олдинги бўлимда келтирилган лойиҳа шаклидан фойдаланиш мумкин.

Қуйида келтирилган «Мавзули лойиҳа режаси»дан режалаштиришда, лойиҳани амалга оширишда ва унинг яқунларини чиқаришда фойдаланиш мумкин. У лойиҳани кейинчалик, олинган ахборотни ҳамкасблар билан ўртоқлашиш мумкин бўладиган тарзда, профессионал савияда расмийлаштириш имконини беради.

## ***Режалаштиришда ҳисобга олиниши зарур бўлган омиллар***

### **Болаларнинг ривожланиши даражаси.**

Машғулотларни муваффақиятли режалаштириш ва болаларга тақдим этишнинг омилларидан бири - тарбиячининг касбий тажрибасидир. Айрим мавзулар кўпчилик маданиятларга мансуб 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг аксарияти учун муҳим аҳамият касб этади. Бундай мавзуларнинг рўйхати оила, уй ҳайвонлари, гўдак болалар, сув, автомашиналар, ота-оналардан айрилиш, адолат, ёқимли овқатлар, мусиқа, дўконга харид учун бориш кабиларни ўз ичига олади. Бир сўз билан айтганда, булар болалар ўзларининг кундалик ҳаётларида бевосита тўқнаш келадиган нарсалардир. Амалда

бу мавзуларнинг ҳар бири агар у болаларнинг ёшени, ривожланиши даражасини, маданий мансублигини ва гуруҳ таркибини ҳисобга олган ҳолда берилса мактабгача таълим муассасасидаги самарали таълим-тарбия жараёни учун асос бўлиши мумкин.

Масалан, сув мавзуси 2-3 ёшли ва 6-7 ёшли болаларга турлича тақдим этилиши зарур. Кичик болалар гуруҳларидаги машғулотларнинг аксарияти сенсор сезгиларга қаратилиши, аниқ-равшан ва содда бўлиши лозим. Бундай машғулотларда сув билан ўйнашда асқотадиган турли материаллардан (воронкалар, қувурчалар, филтрлар, косалар) фойдаланилади. Машғулотлар сувни музлатиш ва эритиш (музнинг хоссалари билан танишув), ёмғир остида сайр қилиш ва кўлмакларни кечиш, сувни ичиш ва уни турли бўёвчи моддалар ёрдамида рангли сувга айлантириш кабиларни ўз ичига олиши мумкин. Абстракт хусусиятга эга бўлган анча мураккаб машғулотлар: ундаги микроорганизмларни кўриш учун сув томчисини микроскоп остида ўрганиш, сувнинг қандай ҳароратларда музлаши ва қайнашини аниқлаш, турли типдаги сув ҳавзаларига (дарё, денгиз, кўл, ҳовуз) экскурсиялар, буғланиш ва конденсация жараёнларини намойиш этиш, сувнинг сув ҳавзасидан уйдаги водопроводгача «босиб ўтадиган» йўлини белгилаш.

### МАВЗУЛИ ЛОЙИҲА РЕЖАСИ

I. Мавзу ва мавзунинг келиб чиқиши.

II. Лойиҳани амалга ошириш давомида ўрганиш мумкин бўлган оралиқ машғулотлар ва оралиқ тушунчалар.

III. Зарур материаллар.

IV. Болаларга қуйидаги саволларни бериб, лойиҳани тақдим этинг:

Биз \_\_\_\_\_ ҳақида нималарни биламиз?  
(реактив олдинги билим)

Биз \_\_\_\_\_ ҳақида нималарни билишни хоҳлаймиз?  
(таълим жараёни мазмуни)

Биз \_\_\_\_\_ ҳақида саволларимизга қандай жавоб топишимиз мумкин?

V. Баҳолаш: Биз ўзимиз учун қандай янги нарсаларни билиб олдик? (болаларнинг ва тарбиячининг нуқтаи назарларидан)

VI. Лойиҳани кенгайтириш ва такомиллаштириш ва такомиллаштиришга оид таклифлар. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Машғулотларни индивидуаллаштиришга оид фоялар.
- Ишлаб чиқиш учун оралиқ мавзулар.
- Лойиҳа доирасида машғулотларни такомиллаштириш усуллари.
- Лойиҳадан чиқариб ташланиши ёки киритилиши лозим бўлган элементлар.

## ГУРУХ ТАВСИФНОМАСИ

Муайян гуруҳ тавсифномаси ўқув режасини тузишга таъсир кўрсатувчи иккинчи омилдир. Болаларнинг ҳар бир гуруҳи ўзига хосдир. Болалар ва тарбиячи ўз субмаданиятига эга бўлган кичик бир ҳамжамиятни ташкил этади. Ўқув режасининг элементлари ва уларни болаларга тақдим этишнинг усуллари гуруҳнинг тавсифномасига мос бўлиши зарур: бир гуруҳ учун қизиқарли бўлиб туюлган нарсага бошқа гуруҳ мутлақо бефарқлик билан қараши мумкин.

Бир тарбиячи болаларнинг сайр пайтида кўчадан топиб олинган ўргимчакка қизиқишларини сезиб, болаларга ўргимчакларга бағишланган ва икки ҳафтага мўлжалланган мавзули машғулотларни тақдим этишга қарор қилди. Бошқа бир тарбиячи эса болалар китоблардан бирининг персонажи бўлган айиққа қизиқиб қолган вақтда айиқлар мавзусига тўхталди. Учинчи тарбиячи ўқув режасига болаларнинг туғилишига бағишланган мавзуларни киритди, чунки у гуруҳдаги болалардан учтасининг оналари ҳомиладор эканлигини, биттаси эса яқинда туққанлигини билиб олган эди. Яна бир гуруҳда болалар шифохона мазусини ўргандилар, чунки гуруҳдаги икки нафар бола яқинда режали операция қилиниши лозим эди. Тарбиячилардан бири гуруҳлардан бири билан сайр пайтида болаларнинг дарёда сув юзасига сакраётган балиқчиларга нисбатан қизиқишларини кўргандан сўнг балиқ овини машғулот мавзуси қилиб олди. Мактабгача таълим муассасаси яқинидаги бир уйда содир бўлган ёнғинни ўчириш жараёнини кузатган гуруҳдаги болалар ўт ўчирувчиларнинг иши ва ёнғин хавфсизлиги масалаларини ўргана бошладилар.

Мазкур мавзулар бўйича машғулотлар болалар кўникмаларининг ривожланиш даражаси, ёши ва қизиқиши билан боғлиқ равишда мослаштирилади. Масалан, бошқотирмаларни йиғишни яхши кўрадиган гуруҳда тарбиячи «Айиқлар» мавзуси устида ишлаш учун она айиқ ва айиқча тасвири туширилган 25 бўлакдан иборат йиғма бошқотирмани тайёрлади. Болалар санъатта оид машғулотларга қизиқадиган бошқа бир гуруҳда мана шу мавзу доирасида тарбиячи гуруҳли лойиҳани: картон қутиларидан айиқнинг табиий катталиқдаги ҳайкалини ясашни ташкил этди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун (режалаштириш, ташкил этиш, қурилишнинг ўзи, бўяш ва ҳайкални ўрнатиш) икки ҳафтадан ортиқ вақт керак бўлди.


Муайян мавзу бўйича машғулотларда тарбиячи болалар ривожланишининг индивидуал мақсадларини ҳисобга олиши мумкин. Масалан, мақсади ўнгача санашни ўрганишдан иборат бўлган болалар мавжуд қутилар сонини ва айиқ ҳайкалини ясаш учун керак бўлган қутилар сонини санашлари мумкин.

## Таълим жараёнини индивидуаллаштириш

Болаларни кузатиш ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиш натижасида тарбиячилар ҳар бир боланинг кучли ва заиф томонларини ҳамда қизиқишларини билиб оладилар. Бу ахборот тарбиячиларга ҳар бир бола учун индивидуал таълим мақсадларини белгилаш имконини яратади. Бир бола учун бу мақсад унинг гуруҳдаги хилма-хил машғулотларда иштирок этиши ва бошқа болалар билан навбат кимники эканлигини қизиқмасдан муҳокама қилишни ўрганиб олишдан иборат бўлиши мумкин. Бошқа бир бола учун эса ўнгача санашни ўрганиб олиш, овқат пайтида ёки кичик гуруҳлардаги машғулотлар вақтида умумий суҳбатларда фаолроқ иштирок этишдан иборат бўлади.

Ҳар бир бола учун индивидуал мақсадларни белгилашда ривожланишнинг ижтимоий, ҳиссий, билиш, лисоний соҳалари ҳамда соғлом одатларнинг ривожлантирилиши ҳисобга олинади.

Педагогик стратегия болаларнинг қўйилган мақсадларга эришишларига ёрдам беришда тарбиячилар фойдаланадиган муайян усуллар йиғиндисидан иборатдир. Стратегиянинг асосида боланинг қизиқишлари, унинг кучли томонлари, ўқитиш методи ва шахсий фазилатлари ётади. Тарбиячиларнинг айнан битта мақсадга эришиш стратегиясининг бир нечта вариантларини ишлаб чиқишлари фойдалидир. Масалан, ўзини мустақил тутувчи боланинг ўнгача санашни ўрганиб олиши учун унга одатдаги ўйинлар ва машғулотлар вақтида санашни машқ қилиш учун имконият бериш зарур. Масалан, кубикларни йиғиштириб олиш вақтида тарбиячи боладан квадрат шаклдаги ўнта кубикни тоқчага ёнма-ён териб қўйишни илтимос қилиши мумкин. Анча киришимлироқ бола учун ўнгача санашни ўргатиш стратегияси кичик гуруҳлардаги машғулотларни, масалан, тарбиячи ёки санашни яхши билиб олган болалардан бири билан биргаликда санаш; ликопчаларни столга қўйиш вақтида санаш ёки бошқа болалар билан ўйинлар пайтида интерфаол санашни кўзда тутиши мумкин.



**Ҳужжатлаштириш ва болаларнинг индивидуал олға силжишни кузатиб бориш.**

V бобда айтиб ўтилганидек, тарбиячининг болаларни кузатиш катталарига оид ёзувлари ўқув режалаштиришнинг муҳим воситасини ташкил этади. Бундай ахборотни сақлаш учун биз ҳар бола учун алоҳида папка юритишни тавсия этамиз. Болалар ўзи учун белгиланган мақсадга эришгандан сўнг унинг олдига янги вазифа қўйиш мумкин бўлиши учун кузатувни доимий равишда олиб бориш лозим. Машғулотлар режасини тузишда гуруҳдаги болаларнинг улар учун қўйилган мақсадлар ва уларга эришиш усуллари (бир-икки саҳифада) кўрсатилган рўйхатига эга бўлиш фойдалидир. Машғулотлар режаси индивидуал шуғулланадиган болалар ҳақида қисқача ахборотни: уларнинг исми (символлар ёки исми, фамилиясининг бош ҳарфлари билан белгилаш мумкин), тарбиячи уларга қандай ва қачон топшириқ беришга тайёрланаётганлиги (стратегия) ни ўз ичига олиши лозим. Машғулотлар режасида индивидуаллаштириш нимадан иборатлиги кўрстилиши зарур. Кўп тарбиячилар ижодий ёндашувни намоён этадилар ва бола учун индивидуал машғулотни махсус тайёргарликсиз, дабдурустан ташкил эта оладилар. Бундай ҳолда тарбиячи машғулотни ва унинг натижаларини ҳужжатлаштириб қўйиши, бунинг учун ўқув режаларининг шаклларида, муайян бола ҳақида ахборотлар солинган папкадан фойдаланиши лозим. Моҳиятан, ўқув режаларининг шакллари режалаштириш мақсадларига ҳам, машғулотларнинг натижаларини қайд этишга ҳам хизмат қилади.

**3-4 ёшли болалар учун кунлик жадвал намунаси**

7:00-10:00	Болаларнинг келиши, нонушта, эрталабки машғулотлар. Болалар гуруҳга келадилар, тарбиячи улар билан саломлашади, нонушта қўйилади. Болалар овқатланиб бўлганларидан сўнг, ўз машғулотларини бошлайдиган мавзули марказни танлайдилар.
10:00-10:15	Гуруҳли машғулот вақти. Болалар тарбиячи раҳбарлиги остида битта катта ёки иккита кичик гуруҳда шуғулланадилар. Ўз машғулотларига қизиқиб қолган болалар уни давом эттиришлари ва гуруҳли машғулотда қатнашмасликлари мумкин.
10:15-10:30	Ярим тушлик, тозалаш.
10:30-11:30	Соф ҳавода ўйинлар ўйнаш.
11:30-12:30	Қўлларни ювиш, стол тузаш, тушлик.
12:30-12:45	Бутун гуруҳ учун овоз чиқариб китоб ўқиб бериш ёки индивидуал тарзда китобларни кўриш.
12:45-2:15	Дам олиш, осойишталик соати.
2:15-3:15	Бўш вақт. Болалар мустақил равишда ўз танловлари бўйича мавзули марказларда шуғулланадилар.
3:15-3:30	Ярим тушлик, йиғиштириш.
3:30-4:30	Тоза ҳавода ўйнаш
4:30-4:45	Гуруҳли машғулот вақти. Болалар тарбиячи бошчилигида битта катта гуруҳда ёки иккита кичик гуруҳда шуғулланадилар.

4:45-5:30 Ўз машғулотларига қизиқиб қолган болалар уни давом эттиришлари ва гуруҳли машғулотда қатнашмасликлари мумкин Сокин машғулотлар.

**5-6 ёшли болалар учун кунлик жадвал намунаси**

9:00-9:15 Эрталабки йиғилиш. Болалар ўзларига куннинг бошланиш қисми учун машғулот танлайдилар. Тарбиячи уларга бугунга режалаштирилган алоҳида машғулотлар ва уларнинг ўтказилиши учун зарур тегишли материаллар ҳақида гапириб беради. Болалар ўзларининг нима билан шуғулланишлари ҳақидаги масалани ҳал қиладилар. Болалар бир-бирлари билан янгиликлар айирбошлайдилар.

9:15-10:30 Болаларнинг ўз танлови бўйича машғулотлар. Болалар ўзлари танлаган мавзули марказларда шуғулланадилар ва машғулотлар тамом бўлгач, бир марказдан бошқасига ўтадилар.

10:30-11:00 Тозалаш, ярим тушлик.

11:00-12:00 Болаларнинг танловига кўра тоза ҳавода машғулотлар.

12:00-12:45 Қўлларни ювиш, стол тузаш, тушлик.

12:45-1:15 Бутун гуруҳ учун овоз чиқариб китоб ўқиб бериш ёки индивидуал китоб ўқиш.

1:15-2:30 Дам олиш, осойишталик соати.

2:30-3:10 Болаларнинг танловига кўра машғулотлар. Болалар мавзули марказларда мустақил шуғулланадилар.

3:10-3:30 Тозалаш, ярим тушлик.

3:30-4:15 Болаларнинг танлови бўйича соф ҳаводаги машғулотлар.

4:15-4:45 Гуруҳли машғулот вақти. Болалар ўтган кунда юз берган воқеаларни муҳокама қиладилар, ўйнайдилар, қўшиқ айтадилар ёки тарбиячининг ҳикоясини эштадилар.

4:45-5:30 Сокин машғулотлар. Ота-оналар сирасидан бўлган кўнгилли ёрдамчилар билан машғулотлар.



## Интеграциялашган ўқув режасини ишлаб чиқиш.

### Иқтибослар<sup>1</sup>

#### ўқиб чиқинг

1. Янги ўргоқ (Латиф Маҳмудов).
  2. Нега дўст бўлишолмас (Собит Фафуров).
  3. Лайлак билан тулки (Ўзбек халқ эртаги).
  4. Эгри ва тўғри (Ўзбек халқ эртаги).
  5. Гулбаҳорнинг дўстлари (Замира Иброҳимова).
  6. Навоийнинг дўсти (Ўзбек халқ ривояти).
  7. Дўстлар ва дўстлик ҳақидаги машҳур мақолларни муҳокама қилинг:
- Дўст — дўстга қалқон
  - Дўст дўстни кулфатда синар, одам одами — меҳнатда

### Ижтимоий ривожланиш

Харитада сизнинг дўстларингиз яшайдиган шаҳар ва вилоятларни белгиланг.

### Қўшиқ

1. Ёш аскарлар қўшиғи (С.Барно С.Жалил).

### Табиат билан таништириш

- Диаграммалар кўринишида сизнинг дўстларингизга дахлдор фактларни: кўзларининг ранги, сочининг ранги, ёши ва бошқаларни тасвирланг.
- Газламадан «Дўстлик» деган мавзуда аппликация ясанг.
- Картондан кемачалар ясанг ва уларга дўстларнинг фигураларини жойлаштириш.

### Санъат

Энг яхши дўстингизнинг суратини чизинг.

## ДЎСТЛИК

### Шеърлар

1. Дўст дўстга ойна экан (Қ.Муҳаммадий).
2. Дўстлик (Шукур Қурбон).
3. Турсун, Унсин ва табассум (Миразиз Аъзам).

### Ўқинг

### Саҳналаштириш

#### Янги дўстлар орттиринг

«Янги дўстлар орттиринг, аммо Эскиларни чиқарманг ёддан. Янгилари гар қумуш бўлса Эскилари эрур тиллодан. Айлананинг охири йўқдир, Худди шундай узундир йўлим, Мен сенга дўст бўлгум Бу менинг қўлим. Мана бу сеники Менда сен бор, сенда эса мен»



### Хат

- Дўстлик ҳақида ҳикоялар ёзинг.

### - Ўқинг:

Дўстлик ҳақида ўзбек халқ мақолларини ўқинг ва муҳокама қилинг

- Сиз дўстингиз билан биргаликда нима қилишни яхши кўришингиз ҳақида ёзинг.
- Гуруҳдаги бирон боладан ва узоқдаги биронтасидан бошланг.
- Дўстингиздан керакли маълумотларни сўраб олинг ва унинг таржимаи ҳолини ёзинг.
- Д-Ў-С-Т сўзидан ҳарфлар бўйича муашшаҳ ёзинг.

«Бизнинг дўстимиз бор.

Салом, \_\_\_\_\_

Унинг исми \_\_\_\_\_

Салом, \_\_\_\_\_

-мана шундай, Сенинг биз билан биргалигингдан биз жуда хурсандмиз!


Унинг оти \_\_\_\_\_

### Муסיқа

Т.Илҳомов ва Ф.Қодировнинг «Дўстлик қўшиғи»ни куйланг. «Ёш аскарлар қўшиғи» (С.Барноев, Сайфи Жалил) қўшиғини айтинг

<sup>1</sup> Qulgina. Кичкинтойлар учун бадий адабиёт мажмуаси. Medianashr, Yangi nashr, I, II jild T., 2010.

**Интеграциялашган ўқув режасини ишлаб чиқиш**



ҲАФТАЛИК МАШҒУЛОТЛАР ҲАДВАЛИ

	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
<b>Эргалабки йиғилиш</b>	Дарё ҳақида китоб ўқиш. Кўприклар мавзусини муҳокама қилиш.	Экскурсияни муҳокама қилиш.	Болаларга бугун улар кундаликларга ёзувлар	Болаларга «Дўкон» лойиҳаси ҳақида эслаб қўйиш.	Пазандалик машғулот учун стол ўрнатиш.
<b>Сағъат</b>	Апликация учун материаллар топиш.	Болалар қовоз ва фломастерларни қўлга оладилар, планшетларни ўзаро бўлиб оладилар.	ёзишларини эълон қилиш. Улар нима ҳақида ёздилар?	Ўйин учун ясалган пулларни тарқатиш.	Тоза альбомлар (саҳифалари рангли) ва фломастерлар тарқатиш.
<b>Адабиёт</b>	Дарёлар ва кўприклар ҳақидаги китоблар кўриш.	Фақат куннинг иккинчи ярмида. Янги бўёқлар қўшимча қилиш.	Кундаликлар билан ишлаш. П. она ёрдам-лашади.	«Дўкон»даги моллар учун нархлар белгилашни бошлаш.	Марказга тебранувчи қайиқлар қўйиш ва матросча шапкачалар олиб келиш.
<b>Кубиклар</b>	Болалар «дарёлар» қила олишлари учун кўк қовозни қўшимча қилиш.	Дарёлар ва кўприклар ҳақидаги фильмни кўриш.	Тарбиячи болаларга кўприк қуришда ёрдам бериши мумкин.	Ўйинчоқ қайиқчалар ва кишиларнинг гавдаларини ясаб қўшимча қилиш.	Ўйинчоқ машиначалар, қайиқлар ва доскалар қўшимча қилиш.
<b>Оила/драма</b>	Докторнинг сумкасини олиб келиш. Очилмасин — бугун ва сешанба кuni стол майдончада тuzалади.	Болалар «дарёлар» ясай олишлари учун кўк қовоз қўшимча қилиш.	Сув ўйнаш учун ўйинчоқ қайиқчалар олиб келиш.	Марказга тебранувчи қайиқчани қўйиш ва матрослар шапкачаларини олиб келиш.	Саралаш учун тугмалар олиб келиш.
<b>қум ва сув ўйнаш учун стол</b>	Янги лотони кўрсатиш. Тарбиячи болалар билан бирга ўйнайди.	Фақат куннинг иккинчи ярмида.	Патнисдаги тошларни саралаш учун йиғиб олиш.	Ўйинчоқ машиналар, қайиқлар ва доскачаларни қўйиш.	Саҳнада машғулотлар ўтказиш.
<b>қўлланмалар</b>	Қум ва сув ўйнаш учун столларни ҳовлига олиб чиқиш. Кўприк қуриш учун тошлардан фойдаланиш.	Қум ва сув ўйнаш учун столни куннинг иккинчи ярмида ҳовлига олиб чиқиш.	Эркин ўйинлар. Табиатга экскурсия.	«Дўкон»даги янги «молларга» нархлар белгилашни бошлаш.	Иншони ўқиб бериш. Бекинмачоқ ўйнаш.
<b>очиқ майдонча</b>	Мусиқа: 3. опа дотор чалади ва болалар билан бирга қўшиқ ёд олади.	Қум ва сув ўйнаш учун столни куннинг иккинчи ярмида ҳовлига олиб чиқиш.	Иншо ёзиш — кўприкка экскурсия.	«Дўконга» ўйини.	Овқат тайёрлаш — ярм тушлик учун мевали салат.
<b>гуруҳли машғулот</b>	Ярим тушлик — куннинг иккинчи ярмида сабаи тайёрлаш.	Уети ёниқ кўприкка экскурсия.	Сайр пайтда шох-шаббаларни тўплаш.	Майдончада саҳна ўрнатиш.	
<b>бошқа машғулотлар</b>				Моҳинанинг тувилган кuni — тушликда дастурхонга торт қўйилади.	

Маҳсуе мавзу:

Сув ва кўприклар

**Ҳафтага мўлажалланган ишлар:** ота-оналарга кўприкка уюштирилладиган экскурсия ҳақида хабар қилишни эсдан чиқармаслик. Уларни экскурсияда иштирок этишга таклиф қилиш. Чоршанба кuni кундаликлар билан ишлаш пайтида Наргиза холанинг ёрдам беришини сўраш. 3. опага хат жўнатиш — дотор чалиб бергани учун миннатдорчилик билдириш. Пайшанба кuni — Моҳинанинг тувилган кuni.

ОЙЛИК ЖАДВАЛ

Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
<p><b>Санъат</b> – барглاردан апликация, ҳар хил воқеаларни ҳикоя қилиб бериш ёки янги китобларни ўқиш. З. опа гуруҳда ёрдамлашади. Кутубхонага бориш. Соқда ўйнашни ўргатиш.</p> <p><b>Санъат</b> - қўғирчоқлар яшаш. Ҳар хил воқеаларни ҳикоя қилиб бериш ёки янги китобларни ўқиш. З. опа гуруҳда ёрдам беради. Дурадгорлик иши учун материалларга чарм қирқимларини қўшимча қилиш. Бутун ҳафта давомида оила марказида «бозор» уюштириш, ҳар хил воқеаларни ҳикоя қилиб бериш ёки янги китобларни ўқиш. К. опа гуруҳда ёрдам беради. Овқатлар ҳақида китоб ўқиш.</p>	<p>Бўёқларни аралаштириш. Ярим тушлик учун картошка поресини тайёрлаш. Сув ўйнаш столига совун ва чўтка келтириш. Янги китобларни ўқиш.</p> <p><b>Санъат</b> - қўғирчоқлар яшаш. Стул устида ўйналадиган ўйинчоқларга магнитларни қўшимча қилиш. Қўғирчоқларни оила марказига жойлаштириш. «Дўкон» учун ясама ўйинчоқ пуллар тайёрлаш. Полни бўйаш учун бўёқ келтириш.</p>	<p>Ўйинчоқ хамир тайёрлаш. Қўбиклар марказига ўйинчоқ машиначалар келтириш. Табиат қўйнида сайр—япроқларни териш. Кечки йиғилиш: «Болалар ва ўйинлар». Лайлонинг туғилган куни. Пирог олиб келиш. Отриткалар ва безаклар тайёрлаш. Қартон қутисиди қўғирчоқ театри учун сахна яшаш – болалар қутини бўйядилар. Пластинкадан бозор учун «Маҳсулотлар» тайёрлаш. «Маҳсулотлар»ни тортиш учун тарози яшаш.</p>	<p><b>Санъат</b> – барглар расмини чизил. Табиий фанлар – сув ўйнаш, япроқлар ва гуддаларни саралаш учун патнисга қўйил.</p> <p><b>Санъат</b> - марионеткалар учун қоғоз олиб келиш. Ўйин учун хамир тайёрлаш. Қўғирчоқ спектакль. Тушликка сабзавотли шўрва пишириш. Б. опа гуруҳда ёрдам беради. Полиздан шўрвага солиш учун ошқўклар териш.</p>	<p>Нон ёшиш. И. амаки гуруҳда ёрдам беради. Табиат билан таништириш – сув билан ўйналадиган ўйинлар. Деворга осиб қўйил учун турли дарахтларнинг барглари тасвирланган плакатлар тайёрлаш. Экскурсияни муҳокама қилиш – егуликлар қаердан олинади? Бозорга экскурсия. И. амаки ва Л. опа гуруҳда ёрдам берадилар. Ишно ёшиш. Тарозида ҳар хил материалларни тортиш.</p>

Бутун ҳафта давомида очиқ майдончада ёғоч устида машғулотлар  
– болалар мувозанатни қандай сақлашларини кузатиш.

Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Ҳар хил воҳеаларни ҳикоя қилиб бериш ёки янги китоблар ўқиш И. амаки гуруҳда ёрдам беради. Санъат марказига момиқ пахтани қўшимча қилиш.	Тарозида тортиш ва бўйаш учун тошлар йиғиш. Ярим тушлик учун сабзи қазиб олиш ва ювиш. Стул устида ўйналадиган янги ўйин билан танишиш.	Муסיқа: Сурайё вижжак олиб келади. Оила марказига чолғу асбобларини олиб келиш.	Муסיқа ҳақида китоб ўқиш. Хум ўйнаш учун столга япроқлар, шоҳлар ва ғуддаларни қўйиш.	Усмоннинг тувилган куни. Откриткалар ва безаклар тайёрлаш. Олма соусини тайёрлаш. Фломастерларни қўшимча қилиш. Китоблар тайёрлаш.

Очиқ майдончада катта ва кичик тўплар ўйнаш  
– болалар тўпларини қандай отаётгани ва илиб олаётганини кузатиш.



III ҚИСМ

**БОЛАГА  
ЙЎНАЛТИРИЛГАН  
ТАЪЛИМ ЖАРЁНИ**



## VII боб. ЎҚУВ МУҲИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ташқи муҳит мактабгача таълим муассасасида болани ўраб турган, унинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган ҳамма нарсаларни, шу жумладан, пол, деворлар, биноларнинг режалаштирилиши ва ўлчамлари, ҳовлидаги ўйин майдончаси, мебель, материаллар, жиҳозлар, ўйинчоқларни ўз ичига олади. Гуруҳ хонасининг эстетик жиҳатдан жозибадор безатилиши болаларга ҳам, тарбиячиларга ҳам ўзларини яхши, қулай ҳис этишлари учун ёрдам беради. Ёрқин ажралиб турадиган фрагментлар билан алмашилиб турувчи холис ранглар, илиқ табиий ёруғлик шинамлиқ ва қувноқ кайфият муҳитини яратади. Мебелларнинг мувофиқ тарзда жойлаштирилиши бино ичидаги майдондан қандай яхшироқ фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб беради, болаларнинг хона бўйлаб ҳаракатланишларини тартибга солади, хавфсизликни таъминлашга, шовқин даражасини пасайтиришга ёрдам беради, тарбиячининг болаларни қузатиб туриши учун қулайлик яратилишини таъминлайди. Бинолар ва болаларнинг очиқ майдончаларининг тузилиши ва безатилиши пухта ишлаб чиқилиши лозим: ҳар бир нарса муайян вазифага эга бўлиши керак. Гуруҳ хонасининг яхши ўйланган ҳолда жиҳозланиши ва безатилиши болалар ўйинларининг мураккаблашувига, уларда мустақиллик ва ижтимоийлашув ҳамда муаммоларни ҳал этиш кўникмаларининг ривожланишига хизмат қилади. Материалларни ўрганиш ва тадқиқ этиш болаларга қувонч бахш этиши лозим: уларда янги ахборот олиш истаги пайдо бўлиши зарур (боб охиридаги расмларга қаранг).

Гуруҳ хонаси болалар тасарруфида бўлиши лозим, демак унинг безатилишида болалар қизиқишлари, улар маданиятининг ўзига хосликлари акс этиши лозим. Табиий материаллар билан ўтказилган тажрибаларнинг натижалари кўргазма сифатида қўйиб қўйилиши ва имзоланиши керак. Агар болалар қурилишни давом эттирмоқчи бўлсалар, уларнинг кубиклардан қураётган иншоотларини эртаси кунга қолдиришга рухсат этинг. Предметлар,



китоблар, озиқ-овқатлар ҳам ушбу гуруҳда шуғулланаётган болаларнинг маданий анъаналарини акс эттириши лозим. Дастурлар мавзулари бўлимлари ёки кенг миқдосли гуруҳий топшириқлар гуруҳ хонасини осонлик билан боққа, полизга, дўконга, космик станцияга айлантириб юбориши керак.

Материалларни эҳтиёт қилишга асосланган муносабат болаларнинг табиий қизиқишларини, «ичида нима борлигини» билиш истагини мувозанатга солиб туриши лозим. Болани жуда кичик ёшдан бошлаб, буюмларни эҳтиёт қилишга ўргатиш керак: болалар, шунингдек, тартибни сақлашда, материаллар ва ўйинчоқларни ўз жойига қўйишда ёрдам беришлари даркор. Токчалар ва қутилар устидаги ёзувлар бу жараёни анча енгиллаштиради.



Гуруҳдаги барча материаллар ва жиҳозлар соҳалар бўйича тартибга солиниши лозим. Бу болалар ўйинлари ва ишларининг янада уюштирилишига ёрдам беради. Бу соҳалар мавзули ўйин марказлари деб аталади. Ҳар бир гуруҳда қуйидаги марказлар бўлиши лозим:

**Санъат**

**Қурилиш**

**Пазандалик**

**Саҳналаштириш**

**Адабиёт**

**Математика/Манипулятив ўйинлар**

**Музиқа**

**Очиқ майдонча**


**Қум ва сув**

**Табиат билан таништириш**

Мавзули марказларда турли-туман материаллар танлаб олинган бўлиб, улардан болалар ностандарт ва ижодий ёндашувни намоён этган ҳолда фойдаланишлари мумкин. Тарбиячи ҳар бир марказ учун материаллар танлаш жараёнига жиддий ёндашмоғи лозим, зеро ушбу материаллар болаларнинг мустақил тадқиқот оли боришига туртки бериши керак: предметларни ҳам тоқчаларга шундай жойлаштириш керакки, улардан осон ва қулай тарзда фойдаланиш мумкин бўлсин ҳамда кўрган кишининг кўзи қувонсин. Болаларнинг мустақил ишлашга интилишлари рағбатлантирилиши зарур.

Кўпчилик назарийчилар бола учун ўйин — бу унинг иши, деб ҳисоблайдилар. Жуда кичик ёшда ўйин — бу билиш, билиш эса — бу ўйин: ушбу икки жараённи бир-биридан ажратиб мумкин эмас. Болалар ўйинларини қўллаб-қувватлар экан, тарбиячи улардаги кўникмалар ва қобилиятларнинг табиий ривожланишга қўмаклашади. «Болага йўналтирилган таълим» дастури ўйиндан ўқув-тарбия жараёнининг асоси сифатида фойдаланади: бунинг учун ҳар бир марказ ўйинни рағбатлантирувчи материаллар билан таъминланади, тарбиячилар эса умумий режалаштириш ва қўллаб қувватлашни амалга оширадилар. Болалар бир-бирларидан кўп нарса ўрганадилар: ўйин марказлари ва кичик гуруҳлардаги иш уларга табиий мулоқот имконини беради. Шунингдек, бу улар учун муаммоларни ҳал қилиш, қарорлар қабул қилиш, ўз фикрлари ва туйғуларини ифода этишга ўрганиш, мавжуд фарқларни билиб олиш, мустақилликка эришиш ва тенгқурларидан ўрганиш имкониятини яратади.

Ўйин марказларини режалаштирар ва ташкил этар экан, тарбиячи майдонни қандай ташкил этиш ҳақида чуқур ўйлаб кўриши зарур. Масалан кубиклар ўйнаш маркази у ерда бир пайтнинг ўзида бир нечта киши шуғулланиши, барчаси биргаликда ёки ҳар бири мустақил равишда ўзларининг баҳайбат иншоотларини яратишлари учун етарли даражада кенг бўлиши лозим. Бу ерда полга гилам ёки бошқа бир юмшоқ нарса тўшаб қўйилса ёмон бўлмасди, бу шовқинни камайитиришга ёрдам беради ва болаларнинг ўтиришлари учун ҳам қулайдир. Саҳналаштириш (драматик ўйинлар) маркази, одатда, кубиклар ўйнаш маркази билан ёнма-ён



жойлаштирилади, чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам фаол, шовқинли ўйин марказларидир. Болалар ҳам кўп ҳолларда кубикларни «театр-сахна» реkvизити билан яъни, кубиклардан қурилган уйда «яшайдиган» қўғирчоқлар, ҳозиргина қуриб битирилган ферма учун аталган юмшоқ ўйинчоқлар ёки ўз «табиий» катталигида ясалган ўт ўчирувчлар машинаси учун шлемлар билан бирга қўшиб ўйнайдилар. Агар имконият бўлса, табиат билан таништириш маркази қуёш нури тушадиган томонда, дераза ёнида жойлаштирилиши лозим, унда уй ўсимликлари ўстириладиган ва урувларни ундиришга хизмат қиладиган туваклар туриши керак бўлади. Адабиёт марказини кичкина ва шинам қилиш лозим, унда гиламлар, ёстиқлар, юмшоқ креслолар, ёзиш ва расм чизиш учун стол бўлиши керак. Санъат марказининг жойлаштирилиши раковинанинг қаерда эканлиги билан боғлиқ, чунки сув болаларга марказни тозалаш ва йиғиштиришда керак бўлиши мумкин. Қум ва сув маркази ҳам, табиийки, контейнерларнинг тез ва қулай тарзда тўлдирилиши ва бўшатилиши учун раковинадан узоқ бўлмаган ерда жойлашиши лозим. Марказлар китоб жавонлари, кийим илгичлар, пенопласт тўсиқлар ва мебель ёрдамида бир-биридан ажратилади. Бундай бўлиниш ҳар бир марказнинг чегараларини аниқ белгилайди, бир пайтнинг ўзиде марказда бўлиши мумкин бўлган болалар сонини чеклайди; хона бўйлаб ҳаракатланишнинг хавфсиз йўллари кўрсатади. Шунингдек, ҳар бир болага кичкина шахсий шкафча берилиши, унда боланинг исми ёзиб қўйилган (ва фотосурати ёпиштирилган) бўлиши зарур. Унда бола ўзининг нарсаларини сақлайди.

Ҳар бир марказда бир вақтнинг ўзиде бир неча киши шуғуллана олишлари учун турли материаллар етарли миқдорда бўлиши керак. Масалан, санъат марказида бир бола махсус хамирдан нарса ясаши мумкин, бошқа бир бола коллаж қилиши, учинчиси мольбертда бўёқ билан расм чизиши ва яна икkitаси доскада бўр билан катта расм солиши мумкин.

Ўйин марказлари болалар ўйин ва материалларни тадқиқ этиш орқали мустақил ўқиб-ўрганадиган лабораторияларга айланади. Болаларга ҳар қандай материалларни олишга ва ўз билганича фойдаланишга рухсат берилади. Шу тарзда, «Лего» конструктори бир бола учун қурилиш материали, бошқа бола учун санокчўп бўлиб хизмат қилиши мумкин, учинчиси эса шунчаки унинг ёрқин рангли деталларини ранглар бўйича тахлашни истайди.

Болалар марказлар ўртасида бемалол бир марказда ўтказиладиган вақт ҳар бир болада турлича бўлиши мумкин. Агар болалар ўйинга қизиқиб қолсалар материаллардан ижодий фойдаланадилар ва кўп вақтларини муайян машғулот билан ўтказган ҳолда бир марказдан бошқа марказга кам ўтадилар.

Тарбиячилар марказларни вақти-вақти билан модификациялаб туришлари, болалар кўникиб қолган ва улар учун қизиғи қолмаган материалларни янгилари билан алмаштиришлари зарур. Марказларни муайян болаларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда индивидуаллаштириш мумкин. Саҳналаштириш маркази космосга қизиқувчи бола учун космик кема бўлиб хизмат қилиши мумкин, бунинг учун марказ материалларига озроқ фольга, ўйинчоқ шлем қўшиш ва картондан бошқарув панели ясаш лозим бўлади. Илонларга қизиқувчи бола учун эса китоб тоқчасидан рептилиялар ҳақидаги китоблар ва альбомларни топиш ёқимли бўлади. Кўприклар қурилишини ёқтирадиган бола учун қурилиш марказидаги машиначалар ва кемачалар қандай ажойиб қутилмаган совға бўлишини кўз олдингизга келтиринг!

Гуруҳдаги жиҳозланиш ўзгарувчан бўлиши лозим. Тарбиячилар унинг жорий аҳволи нечоғли самарали эканлигини доимий равишда баҳолаб боришлари ва ўзлари зарур деб ҳисоблаган ҳар қандай ўзгаришларни киритишлари лозим. Қўйида тарбиячилар ўз ишларида фойдаланишлари мумкин бўлган «яшаш муҳити»га қўйиладиган талаблар келтирилади.

### **Гуруҳ биносининг хавфсизлиги**

Тарбиячи, энг аввало, болаларнинг жисмоний ва эмоционал хавфсизлиги учун жавоб беради. Очиқ ҳавода ўтказиладиган сайрлар ва машғулотлар ҳақидаги бобда очиқ майдончаларнинг хавфсизлик «чек-варақаси» келтирилган. Руҳий хавфсизлик масалалари «ҳамжамиятнинг яратилиши» бобида кўриб чиқилади. Қўйида келтирилган «ҳолат хавфсизлигига қўйиладиган талаблар» сизга болаларнинг хавфсизлигини таъминлашда ёрдам беради.

Вазият хавфсизлигига қўйиладиган талаблар:

- Гуруҳда тутун детекторлари ва ўт ўчириш воситалари борми?
- Барча тозалаш воситалари, дори-дармонлар ва бошқа хавфли материаллар болаларнинг қўли етмайдиган жойда сақланадими?
- Телефон ёнига энг яқиндаги касалхонанинг, заҳарланишга қарши марказнинг, тез ёрдам ва ўт ўчирувчилар бригадасининг телефон рақамлари ёзилган рўйхат осиб қўйилганми?
- Электр розеткалар махсус қопқоқлар билан беркитилганми?
- Барча симлар ва электр асбоблари яхши ҳолатдами?
- Заҳарли ўсимликлар болаларнинг қўли етмайдиган ерда жойлашганми? Улар заҳарли ўсимлик сифатида белгилаб қўйилганми?
- Гуруҳда биринчи ёрдам аптекаси борми?
- Ходимлар биринчи ёрдам кўрсатишга, сунъий нафас олдиришга ўқитилган (ўргатилган)ми?
- Мебель ва ўйинчоқларда учли қирралар мавжуд эмасми?
- Тарбиячилар ва болалар ёнғин юз берганда нима қилиш кераклигини биладиларми?
- Ҳар бир бола учун унда аллергия кўзғатадиган маҳсулотлар номи, оила шифокорининг фамилияси ва телефон рақами, ота-оналарининг ёки бола учун масъул бўлган бошқа катта ёшли кишиларнинг фамилиялари ва боғланиш телефонлари кўрсатилган тиббий карта тузилганми?

Кейинги бобларда (VIII-XVII) предмет марказларининг муфассал тавсифи ва ҳар бир марказда боланинг ривожланишида қандай мақсадлар қўйилиши, қандай материаллар ва жиҳозлар борлиги, тарбиячи нималар қилиши ҳақидаги ахборот берилган. Бундан ташқари намунавий топшириқлар келтирилади. Ҳар бир тарбиячи ғоялар, машғулотлар ва материаллар қўшиб, муайян болаларнинг эҳтиёжларига мослаштирган ҳолда дастурни индивидуаллаштириши мумкин.

### **Гуруҳнинг жиҳозланишига оид эслатма**

Ҳар бир бандга мос келадими?

- Гуруҳнинг бутун ҳудуди муайян мавзули марказларга (очиқ майдонча, санъат, саҳналаштириш, адабиёт, математика, қурилиш, қум ва сув, мусиқа, табиат билан таништириш ва ҳоказо) бўлинган.

- Табиий, илмий ва математик тадқиқотларни рағбатлантирувчи материаллар барча марказларга киритилган.

- Материаллар мантиқан гуруҳлаштирилган ва муайян жойларда туради.

- Ҳайвон марказлари аниқ-равшан чегараланган. Токчалар, пол устидаги тўсиқлар, қутилар, мольбертлар, столлар ва баланд жойлардан ҳудудни чегаралашда фойдаланиш мумкин.

- Барча материаллар ва марказлар имзоланган.

- Мебель ва жиҳозлар болаларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган тарзда жойлаштирилган (масалан, югуришга имкон берадиган даражада катта очиқ майдон бўлмаслиги лозим, ювиш-тозалаш воситалари ва бошқа хавфли предметлар боланинг қўли етмайдиган жойда туриши зарур).

- Марказларда индивидуал ғайинларга ҳам, кичик ва катта гуруҳларга бўлиниб ўтказиладиган машғулотларга ҳам йўл қўйилади.

- «Сокин» ва «шовқин» марказлар болалар бир-бирларига халақит бермасликлари учун бир-биридан етарли даражада узоқда жойлаштирилган (шовқин даражаси ҳаракатланиш истагига, хавотирланишга ва ижодий қобилиятларга таъсир қилади).

- Ўқиш, дам олиш, мусиқа тинглаш мақсадида «ўзини ташлаш» мумкин бўлган юмшоқ жойлар етарли (ёстиқлар, филофланган пенеопласт матраслар, қуруқ ловия тўлдирилган кресло — «қоплар»).

- Бўёқлар билан расм чизиш ҳамда сув ва қум ўйнаш учун қаттиқ тўшамалар мавжуд (линолеум ёки доска).

- Хонада барча болаларнинг ўтиришлари ва бемалол нонушта ёки тушлик қилишлари учун етарли стол ва стуллар бор (столлар турли жойларда туриши лозим).

- Гуруҳ хонаси шундай ташкил этилиши лозимки, тарбиячилар бир пайтнинг ўзида кўпчилик марказларда нималар бўлаётганини кузатиш имконига эга бўлсинлар.

- Ҳовлида болалар ғайин майдончаси бор.

- Барча материаллар ҳамда болалар чизган расмлар ва ясаган турли нарсалар болаларнинг бўйига мос баландликда осиб қўйилган.

- Ҳар бир боланинг ўз бўюмларини қўядиган жойи бор.

### **Гуруҳнинг жойлашиш режаси**

Китоблар

Болаларнинг йиғилиш жойи

Қўғирчоқ театри

Саҳналаштириш маркази

Хат маркази

Очиқ токчалар

Қум ва сув учун стол

Қурилиш маркази

Йирик конструктор

Токчалар

Математик ва манипуляцион ғайинлар

Санъат маркази

Табиат билан таништириш

Шкафчалар

Санъат билан шуғулланиш учун зарур предметлар

**Гуруҳнинг жойлашиш режаси**

Санъат билан шуғулланиши учун предметлар тоқчалари

Санъат билан шуғулланиш учун предметлар

Математика маркази

Манипулятив ўйинлар

Қум ва сув учун стол

Ўзув қуроллари

Китоблар

Табиат билан таништириш


Қурилиш маркази


Тоқчалар

Қўғирчоқ театри


Болаларнинг тўпланиш жойи

Шкафчалар





# САЊАТ





## VIII боб. САНЪАТ

**Болалар ўйин пайтида: Санъат маркази**

Ушбу марказ болаларга қувонч, ҳаяжон ва қониқиш ҳисларини бахш этади. У турли функцияларни бажаради, бироқ, энг аввало, болаларнинг ижодкорлиги, қизиқувчанлиги, тасаввури ва ташаббусига озиқ беради.

Агар болаларга материаллар билан тажрибалар ўтказиш, ўзи учун янги нарсаларни кашф этиш, ғояларни синаб кўриш учун вақт, имконият ва эркинлик берилса, уларда муваффақиятли ўқиш ва ишлаш учун пойдевор шаклланади.

Санъат маркази, одатда, болалар энг кўп иштирок этадиган марказдир. Улар турли воситаларни синаб кўрадилар, мольбертларда расм соладилар, бармоқ билан мусаввирлик қиладилар, лой, бўр парчалари, пластилин, қайчи ва бошқа кўплаб материаллар ва воситалардан фойдаланадилар. Бунда энг муҳими — тадқиқот жараёнининг ўзи эканлигини ёдда тутиш аҳамиятга моликдир.

Болаларга мўлжалланган юқори сифатли таълим дастури боланинг турли хил материаллар асосида ижодий тажриба ортиришини таъминлайди. Болалар ўз ижодларининг икки меъёрли (расм чизиш ва тасвирий санъат) маҳсулотларини ҳам, шунингдек, уч меъёрли маҳсулотларини ҳам (қурилиш ва тўқиш) яратадилар. Дастур, шунингдек, болаларга санъат асарлари билан танишиш ва уларни муҳокама қилиш имкониятини ҳам беради. Фаолиятнинг бу турлари болаларга ўзлари яхши кўрган ва ёқтирган нарсалар ҳақида, санъат асарига қараб туриб улар нималарни ҳис этишлари тўғрисида сўзлашиш имконини яратади. Бундай фаолият турлари билан шуғулланиш давомида болалар маданият, тарих ва ҳозирги жамият ҳақидаги билимларни ўзлаштирадилар.

Болалар, гарчи уларнинг охириги маҳсулоти катта ёшли кишининг назарида ҳеч нарсага ўхшамаса ҳам, ўзлари қилаётган иш билан боғлиқ равишда ҳаяжонланадилар. Нозик ҳис этувчи тарбиячилар ҳар бир боланинг ҳис-туйғуларига шерик бўладилар ва унинг куч куч-ғайратини қадрлайдилар. Улар, шунингдек, болалар ўзларининг ривожланишларига кўра бир-бирларидан фарқ қилишини ҳам ҳисобга оладилар.

Расм чизишнинг илк босиқичларида боланинг мушак фаолияти ажи-бужии чизиқларни юзага келтиради (икки ёшдан уч ёшгача). Мана шу жуда муҳим босқичда бола сенсор-кинестетик тажриба касб этади. Икки ва тўрт ёшлар оралиғидаги даврда бола айлана, квадратлар, учбурчаклар сингари ўзига хос шаклларни чиза бошлайди. Кунлардан бир куни у икки кичик доираси бўлган катта бир дориани чизишга муваффақ бўлади ва қувонч билан «Мен одамнинг юзини чиздим» деб айтади. Одатда



бу тўрт ёшдаги беш ёшгача бўлган даврда юз беради. Сўнгра кўп марта қайта-қайта уринишлар натижасида ҳаракатлари тобора кўпроқ бошқариладиган бўлиб боради. Кейинчалик, тажрибаси ортиб борган сари, у шаклларни олдиндан ўйлаб чиза бошлайди ва улар ҳақида тасаввур қилинадиган воқеаларни ҳикоя қилиб бериши мумкин. Беш ёшга кирганда кўпчилик болалар одамлар тасвирланган расмларни чизадилар ва ана шу расмлар асосида ҳикоялар айтиб беришлари мумкин. Тарбиячи ана шу расмларни тўплаб бориши лозим. Бу боланинг ривожланишини ҳужжатлаштириб қўйиш ва уни ота-оналар билан муҳокама қилиш учун зарур. Ота-оналар улар боланинг куч-вайратини рағбатлантиришлари ва тақдирлашлари учун унинг бу соҳадаги ривожланиш даражаси ҳақида тасаввурга эга бўлиши муҳимдир.

Тарбиячилар боладаги ўзига хосликни инкор қилмасликлари, аксинча уни рағбатлантирган ҳолда фасилитаторлар сифатида майдонга чиқишлари зарур. Баъзан тарбиячилар болаларга турли намуна ва моделларни кўрсатиб, ўзлари сезмаган ҳолда уларнинг ижодини чеклаб қўядилар. Бу фрустрацияни юзага келтириши мумкин. Чунки кичкина болаларда етакчи қўлнинг яққол ажралиб туриши ва қўлларнинг сенсоматор мувофиқлаштирилиши ҳали шакланмаган бўлади.

### ***Ривожланишга таъсир кўрсатиш***

Санъат маркази дастурда муҳим роль ўйнайди, чунки ривожланишга унинг барча аспектларида кўмаклашади.

#### **Ҳиссий ривожланиш**

- Сўзсиз мулоқот қилиш имконияти.
- Ҳис-туйғуларни ифода этиш учун канал.
- Ҳиссиётларни тўкиб солиш имкониятлари.
- Куч-қудратни ҳис қилиш.
- Ўз маҳсулотини яратганлигидан қониқиш ҳиссиёти.

#### **Жисмоний ривожланиш**

- Нозик моториканинг ривожланишини назорат қилиш.
- Тактиль қабул қилишни ривожлантириш.
- Кўриш орқали қабул қилишни ўткирлаштириш.
- Умумий моторикани ривожлантириш.
- Кўриш қобилиятини ва қўлларини мувофиқлаштириш тажрибасини орттириш.

#### **Ижтимоий ривожланиш**

- Болаларни муаммоларни ҳал қилиш ва қарорлар қабул қилишга рағбатлантириш.
- Мустақилликни рўёбга чиқаришда ёрдам бериш.
- Бошқа болалар билан ҳамкорлик ва галма-галдан ҳаракат қилиш имконияти.
- Буюмларнинг сақланиши учун масъулиятни ҳис этишга ўргатиш.
- Бошқаларнинг вояларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш.

**Интеллектуал ривожланиш**

- Сўз бойлигини кўпайтириш.
- Сабаб-оқибат муносабатларини ўзлаштиришда ёрдам бериш – бирон ҳодиса қандай ва нима учун юз беради.
- Чизиқ, ранг, шакл ва матн билан таништириш.
- Ўз исмининг ёзилиши билан таништириш. Тарбиячи болалар бажарган ишлар санасини ёзиб қўяди ва имзолайди ёки буни болаларнинг ўзлари қиладилар.
- Диққат ҳажмини орттириш.
- Тартибли бўлишга, изчилликка ва режалаштиришга ўргатиш.

**Ижодкорликни ривожлантириш**

- Очиқ турдаги муаммоли вазиятлар орқали дивергент тафаккурни рағбатлантириш.
- Маданий ва бадиий меросни қадрлаш қобилиятини шакллантириш.

***Санъат марказининг ташкил этилиши***

Рангли бўлақлар, ювиладиган маркерлар, қайчилар (ўнг ва чап қўл учун), коллатлар учун материаллар, елим, қоғоз (картон, газеталар, фойдаланилган қоғоз ва журналлар) —буларнинг барчаси очиқ токчаларда, болаларнинг ўзлари олиши мумкин бўлган тарзда жойлаштирилиши лозим. Ҳар куни уларнинг ихтиёрида ҳажмли конструкциялар тайёрлаш учун сим, магнитофон тасмаси, чангақлар, чилвир сингари сочма материаллар бўлиши зарур.

Мусаввирлик билан шуғулланиш имкониятига ҳам улар кун бўйи эга бўлишлари керак. Мольбертларга катта қоғоз ва рақамларини (60 x 90 см) ёпиштиринг ва сувда аралаштирилган қизил, кўк, сариқ бўёқларни (акварель ёки гуашь) кичик сивимли идишларда қўйиб қўйинг. Бўёқ тўқилмаслиги ва чўтканинг сопига суркалмаслиги учун уни оз-оздан ишлатинг. У тамом бўлиши билан дарҳол яна бўёқ қўшинг.

Ҳар бир ранг учун алоҳида узун дастали чўткачага эга бўлиш лозим. Кичик ёшли ёки тасвирий санъат билан шуғулланиш тажрибаси кам болалар учун калта дастали чўткачалар талаб қилинади, чунки уларни ишлатиши осонроқ. Чўткачалар тўплами болаларга танлаб олиш имконини яратади ва хилма-хилликни таъминлайди.

Мольбертлар ёнига халатлар ёки эски кўйлақларни илиб қўйинг. Болаларга ўз кийим-бошларининг ифлосланишидан хавотирланмаслик учун ана шу халатлар ва кўйлақларда фойдаланишни назокат билан эслатиш лозим.

Лой ҳам санъат марказида ҳар доим тайёр туриши керак. Уни катта кастрюл ёки тувакда, устига ҳўл латта ёпилган ҳолда сақлаш мумкин. Бунда токчаларда ҳар хил нарсалар яшаш учун бир нечта тасма ва асбоблар бўлиши мақсадга мувофиқдир.

## ***Тарбиячиларнинг роли***

Бўёқлар билан расм чизиш имкониятига болалар биринчи ҳафтадан бошлаб ҳар кунни эга бўлишлари зарур. Бирданига учта асосий рангни бериш мумкин, аммо баъзилар уларни битта-биттадан, орада бир-икки кунни ўтказган ҳолда қизил бўёқни, кейин кўк ва сўнгра сариқ бўёқни бериш мумкин. Кейинчалик болалар бошқа ранглارни ҳосил қилиши учун ана шу учта рангдан фойдаланишлари мумкин. Ундан ҳам кейинроқ йил давомида оқ чойшабга хос тусни ҳосил қилиш учун оқ бўёқни ҳам қўшимча қилиш мумкин.

Вақт ўтиши билан айрим янги элементларни киритиш мумкин (масалан, болаларга қоғоздан қирқиб ясалган доираларда расм чизишни таклиф этиш).

Агар бошқа болалар навбат кутиб турмаган бўлса, болаларнинг чизадиган расмлари сонини чекламаслик лозим. Агар кутиб қолиш вазияти тез-тез такрорланадиган бўлса, болаларга стол устида расм чизишни таклиф этиш мумкин. Бу ишни полда қилса ҳам бўлади, бунинг учун аввало полга газеталар ёзиш лозим.

Хилма-хиллик бўлиши учун қуйидагилар ёрдамида расм чизиб кўриш мумкин:

- кичик чўткачалар билан;
- эски тиш чўткалари билан;
- пульверизаторлар билан;
- швабра билан, кесилган чўтка ёки сабзавотлар билан;
- ғалтаклар ёки картон роликлар билан.

Кўп тарбиячилар болаларнинг тажрибалар ўтказишга қизиқишларини рағбатлантиришни ёқтирадилар, бунинг учун улар бармоқ билан расм чизиш, совун билан расм чизиш, арқон билан, тўкилган доғлар билан, мумда расм солиш сингари ўзига хос фаолият турларини ҳамда ҳаракатланувчи бадий конструкциялар ясашни ташкил этадилар.

## ***Ижодий фаолликни рағбатлантириш***

Болаларнинг ижодга ва тажриба ўтказишга қизиқишида деярли ҳамма нарса мотивация бўлиб хизмат қилади. Айрим болалар табиатан жуда топқир бўладилар, айна пайтда бошқалар ўз-ўзини ижодий намоён этиши жараёнида биров ноқулай сезадилар. Тарбиячилар болаларнинг санъатга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириши учун уларга кўплаб предметлар, ғоялар ва омилларни тақдим этадилар.

Тарбиячи қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

- болалар кўришлари ва у ҳақда суҳбатлашишлари учун гуруҳга санъат асарини олиб келиши;
- хонага машҳур санъат асарларининг нусхаларини қўйиб қўйиши;
- болалар китобларида берилган санъат асарларини муҳокама қилиши;
- болалар билан муҳокама қилиш ёки ижодий лойиҳаларда фойдаланиш мумкин бўлиши учун табиий материалларни йиғиши;
- муסיқа садолари остида расм чизиш ёки тасвирий санъат машғулотларини ташкил қилиши;

· сенсор — таъм билиш, ҳид билиш, эшитиш, тактли ва кинетик тажрибаларнинг ўтказилишини таъминлаш ва болалардан уни санъат воситалари ёрдамида акс эттиришни сўраши.

Санъат тарихи билан танишиш мумкин бўлган бадиий музейларга уюштириладиган экскурсиялар санъат билан шуғулланишга жуда рағбатлантиради. Маҳаллий рассомни болалар билан шуғулланиши учун таклиф этиш ҳам жуда қизиқарли ва қувончлидир. Санъатнинг барча соҳаларга интеграциялашуви ва болалар ижодкорлигининг ривожланиши, янгиликка ва нарсаларга сеҳрли тус беришга бўлган табиий интилиш болалар учун тадқиқот йўлини очади ва уларга ўзининг бадиий қобилиятига бўлган ишонч туйғусини бахш этади.

Болаларнинг бадиий фаолиятига жалб қилинган катта ёшли кишилар учун амалий тавсияларни икки қисмга бўлиш мумкин “Нима қилиш мумкин” ва “Нималарни қилиш мумкин эмас”. Бу қисман, шу ҳол билан боғлиқки, болалар кўпинча уларнинг ўрнига бирон ишни бажаришини сўрайдилар: “Менга динозавр ясаб бер”. Бу ўринда ушбу илтимосга рози бўлиш истаги жуда кучли бўлади. Бунинг сабаби фақат болалар бирон нарсани астойдил сўраган пайтда рад қилишнинг қийинлигида эмас, балки тошшириқнинг ўзи қизиқарли бўлиши мумкинлигида ҳамдир. Кўпинча шундай бўладики, катта ёшли киши ўз вақтида ўзи орзу қилган ва энди юзага келган вазиятдан ана шунинг ўринини тўлдириши учун фойдаланади. Кимдир кўнларнинг бирида тарбиячи фақат саҳнани ташкил этиши, аммо спектаклда иштирок қилмаслиги лозим, деган эди. Бирон ишни боланинг ўрнига бажариши шунга олиб келадик, у ишни бажаришга уриниб кўришга ҳам қўрқа бошлайди.

Болаларнинг санъат билан шуғулланишга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш учун нима қилиш “керак” ва нималарни қилиш “мумкин эмас”. Қуйида шу тўғрида сўз юритилади.

### *Керак*

Ҳар бир болани унинг бемалол ишлаши ва бошқа болалар унга халақит бермаслиги учун етарли майдон билан таъминланг.

Рангларнинг танлаб олинишини, бир нечта болалар бир-бирларидан мустақил равишда ишлай олишлари учун етарли миқдорда материаллар бўлишини ва танлаб олинадиган предметларнинг хилма-хиллигини таъминланг.

Далдага муҳтож бўлган бола билан ёнма-ён ўтиринг. Унга мунтазам равишда ўз эътиборингиз ва қизиқишингизни намоиш этинг.

### *Мумкин эмас*

Болага бирон ишни қандай қилишни, масалан, чўтка билан ҳар хил чизиқлар ўтказишни ёки бўёқни бўр билан кўшишни кўрсатиб берманг.

Болаларга нима қилишни кўрсатманг. Уларга ғоялар, таклифлар беринг, синаб кўриш учун намуналар ва ҳар хил материаллар олиб келинг.

Охирги маҳсулотга урғу берманг. Болаларга “Сизларда ҳамма нарса етарли” деманг. Улар учун ҳамма вақт ва ҳамма нарса етарли эмас.

Боланинг нима қилаётганини сўраманг. Унда ҳеч қандай ниёт

Иш пайтида барча болаларга эътибор беринг ва уларнинг куч-гайратларини маъқуллашингизни кўрсатинг (табассум қилиш, елкасига қоқиб қўйиш, ранг, чизик ёки газлама комбинацияси хусусида изоҳ бериш. Болага “Сен зўр ишладинг” дейиш ҳам мумкин, бироқ бу сўзлар самимий бўлиши лозим).

Болаларнинг ишларини адолатли ва ҳаққоний таҳлил қилинг. Эсда тутинг, сизнинг қўл ҳаракатларингиз ва сўзлаш оҳангингиз айтаётган сўзларингизга мос бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли, агар бир нарса ҳақида у чиройли, деб ўйламаётган бўлсангиз, бу фикрни айтманг.

Болаларга тажрибалар ўтказиш учун вақт ва эркинлик беринг. Бундай ҳолатда тартибсизлик ва шовқин-сурон юз бериши муқаррар, аммо бунга рози бўлиш ва чидашга тўғри келади.

Агар болалар тасвирий санъат билан шуғулланмоқчи бўлсалар, уларга халатлар кийишда ёрдамлашинг, уларни мольбертдан фойдаланишга рағбатлантиринг, мольберт ҳар доим тайёр ҳолда турсин.

Боланинг ҳар бир ишига унинг исмини ва бажарилган санани ёзиб қўйинг. Агар бола ўз ташаббуси билан сизга ўзи чизган расм ҳақида бирон нарсани сўзлаб берган бўлса, буни ишнинг орқасига ёзиб қўйинг.

Агар бола эркин ҳаракат қила олмаса, уни мусиқа садоси остида расм чизишга рағбатлантиринг. Бармоқлар, қўллар, товонлар ва оёқ билан расм солиш ҳам қизиқарли ва қувноқ машғулоти.

бўлмаслиги мумкин. Агар бола бирон нарса қилаётган бўлса-ю, сиз унинг нималигини била олмасангиз, сиз амалда болага унинг муваффақиятсизликка учраганлигини аниқлаётган қўясиз. “Бу жуда чиройли!” сингари ибораларни қўллашда эҳтиёт бўлинг – бола кўрқинчли монстрни чизган бўлиши ҳам мумкин. Агар сиз суҳбатни йўлга қўймоқчи бўлсангиз боладан буни қандай қилганлигини сўранг.

Болаларни шоширманг.

Тозалик ва саранжомликни қатъий талаб этманг.

Болаларнинг ишларини таққосламаманг. Кичкинтой болалар ўртасида мусобақа бўлиши мақбул эмас, чунки бу ривожланишга халақит беради ва улар ўртасидаги муносабатларни бузади.

Болалар ишларидан фақат “энг яхши” намуналаринигина осиб қўйманг.

Ўзингизни боланинг ҳар бир ишига изоҳ беришга мажбур деб ҳис этманг.

Асбоблар ва материаллардан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйманг.

Болалар машғулотлардан сўнг ўз жойларини бирданига, катталарнинг ёрдамисиз йиғиштириши, тозалаш мумкин, деб умид қилманг.

Шуни кўзда тутингки, “нотўғри” мутаносибликлар бола ҳиссиётларининг ёки тажрибасининг ифодаси бўлиши мумкин. Улар ҳам боланинг ривожланиш даражаси билан боғлиқ.

Билиб қўйинг, боланинг санъат билан боғлиқ кечинмалари катталарнинг шу сингари туйғуларидан фарқ қилади. Унинг ишини унинг ўз меъёрлари билан ўлчанг, катталарнинг меъёрлари билан эмас.

Ҳар бир боланинг ишларидан бир нечтасини боланинг бўйига мос баландликда деворга ҳамда ота-оналар учун қилинган махсус стендга осиб қўйинг.

Ҳар бир боланинг ишларини ҳар куни кўргазмага қўйишнинг иложи бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳеч ким эътибордан четда қолмаслигини қузатиб боринг. Болаларни бир-бирларининг ишларига ҳурмат билан қарашга ўргатинг.

Болаларга ўз ишларини уйга олиб кетишга рухсат беринг. Дастлабки йиғилишларнинг бирида ота-оналарга болалар ижодининг босқичлари ҳақида сўзлаб беринг.

Материаллардан тежаб-тергаб фойдаланишни рағбатлантиринг.

Болаларни машғулотлардан сўнг ўз иш ўрнини тозалашга рағбатлантиринг ва бунда ўзингиз улар билан бирга ишланг.



## ***Фаолият турлари ва лойиҳалар***

### **Бармоқ билан расм солиш**

Бунинг учун анча кенг майдон зарур: бармоқлар билан расм солишда болаларнинг кичик гуруҳи билан шуғулланган маъқул. Ялтироқ, силлиқ қоғозни хўлламасдан туриб орқа томонига исмларни ва санани ёзиб қўйинг. Ўралган қоғозларни болалар ишга киришмасдан олдин текисланг. Болаларга халат кийиб олишни таклиф қилинг.

Уларга бармоқлари, қафтлари, муштлари билан расм чизишлари мумкинлигини, аммо чўткача билан чизмасликлари кераклигини айтиш лозим. Фаолиятнинг тури болаларга бўёқ чаплашга “қонуний асосда” киришиб кетишга имкон беради. Айрим чеклашларни жорий этиш мумкин. Болалар уларни жон деб қабул қиладилар, чунки фаолиятнинг бу тури ўта қизиқарлидир.

Бармоқлар ёрдамида расм чизиш билан махсус тарзда ишлов берилган юзага эга бўлган столда ҳам шуғулланиш мумкин. Столда чизилган расмни кейин қоғозга қўчириш мумкин. Бунинг учун қоғозни расм устига қўйиш ва қаттиқ босиш кифоя. Столнинг ўйилганлиги ҳам бу жараёни осонлаштиради.

Бармоқ билан расм солиш. У турли усуллар билан ташкил этилиши мумкин.

### ***Маккажўхори крахмали ёрдамида бармоқ билан расм солиш***

- уч қисм сувга бир қисм крахмал солинг;
- крахмални совуқ сувда думалоқ тугунчалар йўқ бўлиб кетгунча аралаштиринг;
- пудингнинг тиниқлиги ва консистенцияси даражасига қадар қайнатинг;
- илиқ аралашмага озиқ-овқатларга ранг берувчи моддаларни қўшинг.

Болаларнинг кичик гуруҳчалари тайёрланиш босқичидаёқ ишга жалб этилиши- таркибий қисмларнинг керакли дозаларини ўлчаш ва аралаштиришда ёрдам беришлари мумкин.

### ***Картошка крахмали ёрдамида бармоқ билан расм солиш***

- бир ярим коса крахмал;
- ярим коса совун кўпиги;
- тўрт коса қайноқ сув;
- ярим коса кукун;
- ранг берувчи мода.

Крахмални сув билан юмшоқ масса ҳосил бўлгунча аралаштиринг. Сувни аста-секин, аралаштиришни давом эттирган ҳолда қўшинг. Паст ёнувчи оловга аралашма ялтироқ тусга киргунча қўйиб турунг. Қоришма совумасдан туриб унга совун кўпигини аралаштиринг. Аралашма совугандан сўнг унга кукун ва ранг берувчи мода қўшинг.

Агар заҳарли бўлмаган суюқ крахмал топиш мумкин бўлса, уни бўёқнинг сувли аралашмаси ёки кукунли бўёқ билан аралаштиринг.

### ***Совун кўпиги ёрдамида бармоқ билан расм солиш***

Кўпикни суюқ хамир даражасига қадар аралаштиринг. Агар бирон ери ифлосланишидан қўрқадиган болалар бўлса, уларни хамир тайёрлашга жалб қилинг



ва уларга рандаланган қопламали столда ана шу аралашма ёрдамида чўтка билан расм солишларига имкон беринг.

Бошқа болалар учун тайёрланган аралашмага оз миқдорда осон ювиладиган ранг қўшиш мумкин. Столнинг расм чизиб ташланган юзасини губка билан ювиш мумкин.

#### ***Губка билан босиб расм солиш***

Бир нечта губкаларга ҳар хил шакллар беринг (қайчи ёки пичоқ ёрдамида) тухум саривидан тайёрланган бўёқни сув билан аралаштиринг ва кичик ликопчаларга қуйинг. Болалар губкани бўёққа ботиришлари ва қоғозга босишлари мумкин. Губка билан оддий чизса ҳам бўлади. Бу машғулот жуда қизиқарли. Вақт ўтиши билан болалар босиш тамойиллини ўрганиб оладилар.

Тутма, картон қирқилган картон доиралар, елим вилкалар, шиша пўкаклари каби турли предметларни йиғинг. Бўёқни саёз елим товоқчаларга қуйинг.

Болалар ўзлари танлаган предметни тўлиқ бўяшлари лозим. Тарбиячи буни қандай қилишни кўрсатиб бериш мумкин. Болалар тамойилни тезда уқиб оладилар ва мустақил ҳаракат қила бошлайдилар.

#### ***Томчилатилган доғлар ёрдамида расм солиш***

Агар болалар кичик бўлса, тарбиячининг ўзи улар расм соладиган қоғоз варақларини ўртасидан буклайди. Агар бу пайтда болалар ҳам ҳозир бўлсалар яхши бўлади. Улар вақт ўтиши билан ғояни илғаб оладилар ва ҳамма ишни ўзлари бажарадилар.

Томчилатилган доғлар ёрдамида расм солишда болалар букланган қоғоз варағининг бир томонига бўёқ томонидан буклаб, бир томонини бошқа томонига ёпиштирадилар. Улар қоғозни ёзган пайтда, одатда, кўзлари тушган расмни муҳокама қилишдан ўзларини ривожлантириш ва айрим кўрқувларни бартараф қилиш учун ажойиб шарт-шароитлар яратади (“Кўршапалак расми ҳосил бўлди!!!”).

#### ***Чилвир билан босиб расм солиш***

Бундай машғулотларда болалар чилвирни бўёққа ботирадилар ва уни қоғоз бўйлаб тортадилар. Кўп марталаб тортиш натижасида қизиқарли расмлар ҳосил бўлади. Буларнинг ҳаммасини халат кийган ҳолда бажариш лозим.

#### ***Мум ёрдамида расм солиш***

Бундай расм солишда болалар қоғозни мум қалам билан қалин қилиб бўяйдилар. Улар ҳатто қалам сифатида шамлардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Сўнгра бутун расмни бўёқнинг сувли аралашмаси билан чаплайдилар. Мум бўёқнинг суртилишига тўсқинлик қилади ва расм унинг фонида намоён бўлади. Болалар бундай расмларни кўпинча сеҳрли расмлар, деб атайдилар. Тарбиячи бу машғулотларга илмий тажриба сифатида қараши мумкин.

#### ***Ўйин учун хамир***

Хамир билан ўйин ташкил қилиш жуда оддий. Хамирни уйда осонлик билан қилса бўлади. Бунга болаларни ҳам жалб этиш мумкин — бу уларга мамнуният бахш этади.

**Хамир рецепти:**

- бир коса ун;
- ярим коса туз;
- чорак ёки ярим коса сув.

Ун ва тузни аралаштиринг. Сув қуйинг ва яхшилаб аралаштиринг (1 ош қошиқ салат ёғининг қўшилиши хамирни бир хил қилади). Керакли рангни ҳосил қилиш учун тухум саривидан тайёрланган буёқ ёки ранг берувчи моддалар қўшинг.

Бу хамир қотмайди. Уни ёпиқ идишда сақлаш лозим.

Ишни хилма-хилликни таъминлаш мақсадида бўялмаган хамирдан бошлаш мумкин. Иккинчи марта қандайдир ранг қўшинг. Кейин ранглارни ўзгартириш мумкин.

**Қўғирчоқлар.**

Қўғирчоқлар — бир нечта фаоллик марказларининг таркибий қисми. Дўкондан сотиб олинган қўғирчоқлардан манипулятив марказда, қурилиш, оила бурчақларида, адабиёт ва мусиқа марказларида фойдаланиш мумкин. Бу ҳолатда намоён этилган фантазия ушбу қўғирчоқларга алоҳида қиммат бахш этади. Қўғирчоқларни турлича яшаш мумкин. Бунда оддийларидан бошлаш керак, болалар бу наشرларни қайта яратганларидан ўтиш мумкин. Қўғирчоқни болаларнинг кичик гуруҳи билан ёки умуман битта бола билан яшаш лозим.

**РЕАЛИЗМНИ ТАЛАБ ҚИЛМАНГ, БОЛАНИНГ ФАНТАЗИЯСИГА ЭРК БЕРИНГ**

Аввалги, бутун гуруҳ ёки кичик гуруҳлар учун энг яхшиси қисқа, импровизация қилинган саҳна томошаларини ташкил этишдир. Режалаштирилган томошаларни таниш эртақлар ёки китоблар мазмуни асосида яратиш мумкин. Саҳнани йирик конструкторлик унсурларидан яшаш мумкин. Уни картон қутиларида ҳам қилса бўлади. Бунинг учун қутининг орқа девори олиб ташланади, олд томонидан эса тешик очилади.

**Қоғоздан ясалган қўғирчоқ-қўлқоплар**

Боланинг қўлига осон кийдириладиган (аммо осилиб турмайдиган), унча катта бўлмаган қоғоз пакетларни олинг, қўлни унинг ичига қандай суқиш ва букилган жойлари билан манипуляция қилишни кўрсатинг. Болалар бир вақтнинг ўзида оғиз қаерда бўлишини ҳам ажратиш оладилар.

Ўзни тасвирлаш учун болалар коллаж воситаларидан (кўз учун — тугмалар, оғиз учун — сомон чўплари, бирон нарсдан қирқиб олдиндан ясаб қўйилган ёноқ ва бурун) фойдаланишлари ёки уни қаламлар ёки бўёқлар билан чизишлари мумкин.

Қоғоз қўлқоплардан қўғирчоқ яшашни яна бир усули шундай: болалар бу қўлқопчаларни йиртилган, вижимланган газеталар билан тўлдирадилар. Қанчалик тўлиб, юмалоқ бўлиб қолганда тарбиячи қўлқопнинг оғзини арқонча билан боғлаши мумкин - бу бош бўлади. Энди уни бўяш ва коллаж воситалари ёрдамида ишни

охирига етказиш мумкин. Қўғирчоқ ҳайвон, сеҳрли махлуқ ёки қандайдир нарса (персонаж) бўлиши мумкин.

### **Таёқчаларга ўрнатилган қўғирчоқлар**

Журналлардан одамлар, ҳайвонлар автомашиналарнинг расмларини қирқиб олинг, уларни юпқа картон қоғозларга ёпиштиринг. Ҳосил бўлган қаттиқ фигурани таёқчага елим билан ёпиштиринг. Томошалар пайтида қўғирчоқларни шундай ушлаб туриш керакки, томошабинлар ўтирган томондан қараганда таёқчалар кўринмасин. Болалар бир оз ўсиб, ўзларига кўрсатилган предметларни расмларни чиза бошлаган пайтда мана шу расмларнинг ўзидан намуна сифатида фойдаланиш мумкин бўлади.

Томоша пайтида таёқчани саҳнадан пастрокда ушлаш ва фақат расм кўринадиган тарзда ҳаракатлантириш лозим.

### **Таёқчаларга ўрнатилган ниқоблар**

Булар таёқчаларга ўрнатилган қўғирчоқларнинг бир туридир. Кичкинтойлар кўп ҳолларда бошига кийиладиган ва кўзни беркитиб турадиган ниқоблардан кўрқадилар. Шу сабабли болалар томошаларда кўрқмай иштирок этишлари учун уларнинг ўрнига таёқчаларга ўрнатилган қўғирчоқлардан фойдаланиш мумкин.

### **Пайпоқлар ва қўлқоплардан ясалган қўғирчоқлар**

Зарур материаллар: пайпоқлар, қўлқоплар, тугмалар, иплар, безовчи элементлар, елим, кигиз.

Тарбиячи болаларга пайпоқни ёки қўлқопни қандай кийишни кўрсатиши лозим. Болаларга бармоқлари учун тешиклар қирқишда ёрдам керак бўлиши мумкин.

### **Турғун конструкциялар**

Турғун конструкцияни уч ўлчамли коллажга ўхшатиш мумкин. У қуйидагича ясалади: асос сифатида қотган лой, хамир ёки пенопластни олиш мумкин. Ўровчи пенопластни тўғри бурчакли шаклларга қирқиб, бўлиш мумкин (15 x 20 см) ва бунда болаларнинг эътиборини сочма материалдан фойдаланаётганига қаратиш керак.

Асосга вертикал устун (таёқчалар, симчалар ва х.к) суқинг.

Коллажларни устунчаларга маҳкамлаш.

Ҳаракатланувчи конструкциялар

Бундай конструкцияларни каттароқ болалар ясашлари мумкин, чунки улар мувозанатловчи элементларни ўз ичига олади. Асос сифатида кийим илгични ёки қандайдир бир планкани олинг. Мана шу асосий элементга қисқичлар ёрдамида қандайдир предметларни илиб қўйишни болаларга қолдиринг.

### **Тўқиш ва тикиш**

Болалар қоғоз тасмалари калава ип, табиий материаллар ва қўл остида бўлган бошқа материаллардан нарсалар тўқиш билан шуғулланишлари мумкин. Болага тўқишни бир мартга кўрсатиб қўйишнинг ўзи етади ва у бу ишни мустақил равишда бажара бошлайди.

Болалар катта ишлар ва йўғон ишлар ёрдамида унча мураккаб бўлмаган тикиш ишлари билан ҳам шуғулланишлари мумкин. Катталар болаларга ишлашнинг хавфсизлик усуллари кўрсатиб беришлари ва ана шундай машғулотлар пайтида уларнинг ёнида туришлари лозим.

Санъат билан шуғулланиш ҳаммага ёқди. Материаллар қанчалик хилма-хил бўлса, шунча яхши. Санъат маркази-бу шундай жойки, у ерда бир жуфт қўл ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди ва марказга ота-оналардан ёрдамчиларни жалб этиш лозим.

Ота-оналар санъат марказини кўплаб материаллар билан тўлдиришга ёрдам беришлари мумкин. Улар жумласига қуйидагилар киради:

Қутилар  
Банкалар  
Пенопласт  
Журналлар  
Эски чўткалар (бинодан ташқарида ишлатиш учун)  
Уруғлар  
Ёғоч кирқимлари

Тугмалар  
Газламал  
Газеталар  
Эски кўйлақлар (халатлар сифатида)  
Таёқчалар, калава ип, ишлар, тасмалар



# ҚУРИЛИШ



## IX боб. ҚУРИЛИШ

### **Болалар ўйин пайтида: Қурилиш маркази**

Қурилиш марказида болалар турли катталиқдаги ва шаклдаги конструктор элементлари (блоклар)дан фойдаланган ҳолда биргалиқда ҳамда алоҳида-алоҳида ўйнайдилар. Бу бурчак табиий равишда болаларни ўзига тортади, чунки унда қайноқ ҳаёт жўш уради ва у ижод ҳамда қувончга тўла. Тарбиячилар болаларни қурилиш элементларини тадқиқ этишга, конструкциялашга ва сюжетли-ролли ўйинларни авж олдиришга рағбатлантиришлари зарур.

Қурилиш – кўп жиҳатдан, шу жумладан, нутқ ижтимоий кўникмалар, математик ва илмий тафаккур, моторика ҳамда ижтимоий муҳит ҳақида тасавур ҳосил қилиш борасида болаларни ривожлантиришнинг энг муҳим омили.

Қурилиш маркази болаларга бинолар қуриш, баландлик нима, оғирлик нима эканлигини билиш, шаклларни таниб олиш, биргалиқда ҳаракат қилишга ўрганиш, кўз-қўл мувофиқлигини яхшилаш, ўйин тугагандан кейин майдончани тозалаш кўникмаларини орттириш имконини беради.

Блоклардан (кубиклар ва бошқа шаклдаги қурилиш элементларидан) конструкциялар яшани ўзлаштириш бошқа ҳоллардаги сингари, бир қатор босқичларини босиб ўтади. Ёш билан мувофиқ равишда катта ёшдагиларнинг улардан кутадиган натижалари ҳам ўзгаради.

Кичкинтойлар биноларни бир жойдан бошқа жойга ташиш билан шуғулланадилар. Сўнгра улар содда конструкциялар, вақт ўтиши билан анча мураккаб конструкциялар қурадилар.

Конструкцияларнинг табиати шундайки, унинг ёрдамида болалар ижод қиладилар, ўзлари қилаётган ишни мураккаблаштиришлари, янгидан қайта яратишлари ёки ўз хоҳишлари бўйича ҳамма нарсани ўзгартиришлари мумкин. Конструктор ёрдамида қуришнинг тўғри ёки нотўғри усуллари йўқ.

Болалар материалдан аввал содда, кейинчалик эса анча мураккаброқ конструкциялар яратиш учун фойдаланадилар.

### **Конструктор билан ишлаш босқичлари**

· Бир жойдан иккинчи жойга ташиш. Конструкторлик элементлари бир жойдан бошқа жойга ташилади, аммо улардан қурилиш учун фойдаланилмайди. Энг кичик болалар ўзларини шундай тутадилар.

· Қаторлар териш: болалар полда горизонтал қаторлар териб чиқадилад ёки элементларни устма-уст қўйиб вертикал қалаштирма ясайдилар.

Оралиқни қолдириб боғлаш. Болалар икки элементни орада учинчи элементи учун жой қолдирган ҳолда боғлайдилар.



· Тўсиқлар. Болалар қурилиш элементларини ўралган майдон ҳосил бўладиган тарзда жойлаштирадилар. Оралиқ қолдириб боғлаш ва тўсиқлар ясаш – булар болалар ечадиган энг дастлабки «техник» қурилиш вазифаларидир. Мазкур қурилиш кўникмалари болалар конструктордан мунтазам фойдалана бошлаганларидан сўнг орада пайдо бўлади.

· Манзарали конструкциялар. Болалар конструктордан бирмунча осон фойдаланиш кўникмасини эгаллагандан сўнг, улар манзарали иншоотлар ярата бошлайдилар. Одатда, улар жуда симметрик бўладилар. Бу иншоотларга ҳозирча ном берилмайди.

· Ўйин-номлар қўйиш, ўйиндан фойдаланиш учун қурилиш конструкцияларига номлар қўйишдан бошланади. Бунга қадар ҳам бундай номлар баъзан фойдаланилган бўлиши мумкин, аммо энди улар иншоотларнинг функцияси билан боғланган.

· Ўйин-номлар ва улардан ўйинда фойдаланиш. Болалар иншоотлари энди ҳақиқий конструкциялар тимсолига айланади. Иншоотлар эски биноларнинг нусхаси бўлиши ёки ўзига хос хусусият касб этиши мумкин. Болаларда иншоотларни ўйнашга кучли интилиш мавжуд бўлади.

## ***Ривожланишга таъсир кўрсатиш***

### **Нутқ ривожланиши**

Қурилиш марказида боланинг сўз бойлигини ошириш мумкин. Бу қуриш ва иншоотларга ном бериш, қурилган иншоотни муҳокама қилиш, блокларнинг шакллари ва ўлчамларига тавсифлар бериш, тенгдоши билан бўлак иншоотнинг режасини муҳокама қилиш, яратилган конструкция ҳақидаги ҳикояни айтиб туриб ёздириш, тегишли китоблар билан танишиш, таққослашга имкон берувчи лексикани ўзлаштириш (худди шундай, бошқа, узун, қисқа) жараёнида содир бўлади.

Мана шу ўринда, болалар ўз иншоотлари учун ёрлиқлар ва белгилар тайёрлаётган пайтда функционал хат билан дастлабки танишув ва синаб кўриш бошланади.

### **Ижтимоий кўникмаларнинг ривожланиши**

Конструктор ўйинини ўйнар эканлар, болалар ижтимоий кўникмалар ҳам касб этадилар. Бу бола ўз тенгқури билан ёнма-ён ўтириб бирон нарса кўраётгандан, бошқа боланинг ишини қузатаётганда, ундан нусха кўчирганда, бир нечта шериклари билан биргаликда, улар билан баҳслашган ва фикрларига рози бўлган, ўйлаган ниятни биргаликда режалаштиришган ва амалга оширишган, конструкциядан биргаликда фойдаланган ва бошқаларнинг фойдаланиши учун имкон берган, иншоот атрофида авж олиб кетган сюжетли роли ўйинларда иштирок этган ҳолда иншоот қураётганда содир бўлади.

### **Илмий ва математик кўникмаларнинг ривожланиши**

Конструктор элементлари билан фаолиятга киришиб, болалар қуйидаги тушунчаларни ўзлаштирадилар:

- ўлчам, шакл, овирлик, баландлик, қалинлик, майдон, йўналиш, намуна, режа;
- қузатиш, тасниф қилиш, дастурлаштириш, олдиндан айтиб бериш;

- битта объектнинг ўзидан турлича фойдаланиш (масалан, блокни горизантал эмас, вертикал жойлаштириш);
- мувозанат, баланс, бардошлик;
- ўлчам, санаш;
- ўхшашлик, фарқ;
- тенглик (2 та яримта блок битта тўлиқ);
- муаммоларни ҳал этиш;
- ижодий тафаккур ва тасарруф;
- бардошлилик тортишиш кучларининг ўзаро таъсири, материалнинг хоссалари;
- синаб кўриш ва хатога йўл қўйиш.

### **Моториканинг ривожланиши**

Конструктор ўйинини ўйнаш умумий ва нозик моторикани ривожлантиради. Болалар турли ўлчам ва оғирликдаги қурилиш элементлари билан ҳаракат қилишни, уларни мувозанатга келтиришни ўрганадилар. Бундан ташқари улар берилган физик майдон доирасида фаолият кўрсатишга кўникадилар. Уларда кўз ҳаракати мувофиқлиги, ҳаракатларнинг аниқлиги ривожланади. Элементларни ушлаш, кўтариш ва бир-бирига киритиш жараёнида етакчи қўлнинг ажралиши юз беради. Нозик мувозанатни топиш туфайли кўриш орқали қабул қилиш қобилияти такомиллашади.

### **Ижтимоий муҳит ҳақидаги тасавурларнинг ривожланиши**

Конструктор билан ўйнар эканлар, болалар уни схематик акс эттириш орқали ўзларининг ижтимоий муҳит ҳақидаги билимларини кенгайтирадилар. Конструкторнинг ўз элементларини ўрганиш ёғочларнинг хусусиятлари ҳақида, элементлар қандай қилиниши ва стандарт ўлчамнинг нима сабабдан муҳимлиги ҳақида билиб олишнинг яхши усули. Шу ернинг ўзида болалар одамларнинг бир-бирига ўзаро бовлиқлиги ҳақида, одамларнинг ўзлари ва уларнинг ишлари тўғрисида тасаввур ҳосил қиладилар. Кишилар турли замонларда ўз иншоотларини қандай барпо этганликлари ҳақида масалани муҳокама қилиш мумкин.



### **Қурилиш марказини ташкил этиш**

Яқин атрофида фаол ҳаракатланиш мавжуд бўлмаган жойни танланг. Конструктор қуриладиган конструкциялар уларнинг ёнидан ўтиб кетаётган бола томонидан тасодифан бузиб юборилмаслиги учун хавфсиз жойга жойлаштирилиши керак. Агар бу бурчакдан бошқа мақсадларда фойдаланилса яна ҳам яхши, у ҳолда конструкцияларни кун давомида, ҳатто бир неча кун давомида тегмасдан қолдириш мумкин бўлади.



Қурилиш марказида фаолиятнинг катта қисми полда ўтирган ҳолда амалга оширилади, шу сабабли юмшоқ гилам тўшаб қўйиш лозим. Бу шовқинни камайтиради, катталар ҳамда болаларнинг ўзларини бемалол ва қулай ҳис этишларига имкон беради.

Қурилиш марказидаги фаолият кўп ҳолларда сюжетли-ролли ўйинга айланиб кетади ва уни оилавий-уй вазиятларини ўйнашга қаратиш мумкин. Шу сабабли ҳамда қурилиш ва ролли ўйинларнинг фаоллик даражасига кўра ўхшашлигини кўзда тутган ҳолда қурилиш ва саҳналаштириш марказларини ёнма-ён ёки бирига яқин ерда жойлаштириш тавсия этилади.

Конструктор элементларининг сони, уларнинг шакллари хилма-хиллиги ва майдоннинг катталиги болаларнинг ёши билан боғлиқ равишда мувофиқлаштирилади. Катта ғовак блоклар, цилиндрлар, узун тахталар, ярим доиралар, учбурчаклар ва қияликлар, йирик иншоотлар учун фойдаланилади. Бу ўринда картон қутилари фойдали бўлиши мумкин: улар янги, фойдаланиш учун қулай ва ёғоч элементлари билан биргаликда қизиқарли эффект ҳосил қилишида қўлланиши мумкин.

Ғовак блоклардан ташқари тўпламга ниқ блоклар ҳам кириши керак. Улар қизиқроқ бўлади ва улардан фақат полда эмас стол устида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ниқ блокларни ғовак билан бирга қўшиб ишлатиш мумкин. Масалан, болалар гуруҳи йирик блоклардан қаср қуриши, сўнгра эса кичик блоклар ёрдамида жимжимадор нақшли безак солиши мумкин.

Конструкторларни очиқ тоқчаларда болаларнинг бўйи етадиган баландликда сақлаш лозим. Элементларни турлари бўйича тахлаш керак, бунда уларни шундай қўйиш керакки, фақат учи эмас, бутун узунлиги кўриниб турсин. Тоқчаларга белги қўйиш лозим, зеро болалар ўйиндан кейин блокларни қаерга қўйишни билишлари зарур. Болаларнинг ихтиёрида ўйин учун керак бўлган жуда кўп предметлар бўлиши лозим (масалан, қурувчилар каскаси, темир йўл чипталари, ўйин учун тайёрланган ясама пуллар, арқон ва қўтарма блоклар).

Катта машиналар, юк машиналари, самолётлар ва кемалар ҳам қурилиш марказидаги махсус ажратилган жойда жойлаштирилиши зарур.

Гуруҳдаги барча жиҳозлар сингари блоклар ҳам уларга аҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб қилади. Вақти-вақти билан уларни совунлаб ювиб туриш, агар ўткир ботмалари пайдо бўлган бўлса, уларни жилвир қоғоз билан тозалаш керак.

### ***Тарбиячиларнинг роли***

Биринчи навбатда, тарбиячилардан қурилиш марказини барча зарур материалларга эга бўлган ва болаларни ўзига жалб эта оладиган даражада ташкил этиш талаб қилинади. Материалларнинг миқдори ва мураккаблиги болаларнинг ёши билан белгиланади, бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам йил бошида барча материаллар бирданига қўйилмайди. Уларга қўшимча қилиш, камайтириш, болаларнинг қизиқишлари динамикаси билан мувофиқ равишда ўзгартириш ва яратиш лозим.

Бурчакдаги машғулотлар вақтида тарбиячининг роли қуйидагилардан иборат бўлади:

- болаларни жалб этиш даражаси, улар қураётган иншоот тури қандай, ёлғизми ёки биргаликда ҳаракат қилганини қайд этган ҳолда болаларни кузатиб бориш;
- барча болаларнинг ўз вақтларини қурилиш марказида ўтказишга рағбатлантириш ва у ерда фақат ўғил болалар эмас, балки қиз болалар ҳам бўлишларига алоҳида эътибор бериш;
- болаларнинг ишларини конструктив шарҳлаш («Кўриб турибман, сизлар бир хил шаклдаги учта блокни олибсиз», «Сиз бино баланд бўлиши учун блокларни устма-уст қўйяпсиз», «Кўпригингиз бузилиб кетмаяпти, сиз буни қандай қилдингиз?»);
- жавоблар беришдан қочган ҳолда болаларга муаммоларни ечишда ёрдамлашувчи саволлар бериш;
- керакли материалларни қўйиш;
- болалар қураётган иншоотлар билан боғлиқ китобларни танлаш ва ўқиб бериш;
- болаларнинг у ёки бу мавзуга оид билимларини тўлдириш учун экскурсияларни режалаштириш ва уларнинг таклифларини инобатга олиш;
- ўйинчоқ бинолар учун пешлавҳалар тайёрлаш;
- агар мумкин бўлса, болаларга уларнинг иншоотларини келгуси кунга қадар сақлашга рухсат бериш.

Болаларнинг баланс, баландлик ва оғирлик ҳақидаги тасаввурлари синаб кўриш ва хатолар қилиш натижасида шаклланади. Уларнинг иншоотлари бузилади — бу қурилиш ва таълим жараёнининг бир қисми. Болалар амалиётда ўрганадилар — бу муаммоларни ҳал этиш жараёнининг бир қисми. Шу сабабли ҳар бир вазият индивидуал ёндашувни талаб қилади.

Иншоотларнинг баландлигини чекловчи қоидалар бўлмаслиги лозим, бироқ агар бола ёки гуруҳ ҳар доим атрофдагиларга халақит берган ва уларга хавф туғдирган ҳолда ўз конструкцияларини ҳадеб қуриб бузаверса, аралашин лозим бўлади.

Болаларнинг қурилиш марказидаги фаолиятини назорат қилишнинг яна бир жиҳати унда бир пайтнинг ўзида ўйнаши мумкин бўлган болалар сонини назорат остида тутишдир. Бу миқдор майдоннинг катталигига, болаларнинг ўзлари ва улар қураётган иншоотга боғлиқ. Бу борада қатъий қоидалар жорий этиш керак эмас, агар ўйнаётганлар сонини камайтириш зарур бўлиб қолса, бу муаммони болаларнинг ўзлар билан бирга муҳокама қилиш ва жамоавий қарор қабул қилиш лозим.

Баъзан, зарур ва мумкин бўлган пайтларда болаларнинг иншоотларини эртаси кунга қолдириш лозим. Бундай зарурат ҳар кунни ҳам пайдо бўлавермайди, фақат болалар бирон



нарсени яратиш учун кўп куч сарфланган, уни қуришни давом эттираётган ёки барпо этилган конструкциядан сюжетли-ролли ўйинларда фойдаланаётган ҳоллардагина юзага келади.

Агар болалар доимий равишда улар қурган иншоотларини кун охирига келиб бузишга мажбур этиладиган бўлса, унда бу ҳол уларнинг назарида ўз меҳнатларининг қадрини пасайтиради.

Агар сиз болаларга қуйидаги сўзларни айтсангиз, у ҳолда йиғиштириш ва тозалаш ҳам қизиқарли ҳамда сабоқ бўладиган тадбирга айланиши мумкин:

- «Ниқ блокларни ким олади?»
- «Барча квадратларни топинглар»
- «Ҳар бир киши иккитадан блокни олади»
- «Бутун, келинлар бирданига тўрттадан блокни оламиз»
- «Битта катта ва битта кичик блокни олиб кел»

Бунда икки бола вишг дўкони ишчилари ролини ўйнашлари ва блокларни олиб, тоқчаларни қўйишлари, қолган болалар эса юк ташувчи ролини бажаришлари мумкин.

### ***Фаолият турлари ва лойиҳалар***

Вақти-вақти билан тарбиячи қурилиш марказида қандайдир лойиҳани амалга ошириш ташаббуси билан чиқса яхши бўлади. Масалан, маҳаллий балиқ дўконига уюштирилган экскурсиядан сўнг фаолликнинг бир неча турлари юзага келади (экскурсия ҳақида лавҳа ёзиш, балиқларнинг расмларини чизиш, балиқдан таомлар тайёрлаш). Улардан бири балиқ дўконини қуриши мумкин. Тарбиячи болаларда улар экскурсия пайтида яна қандай бошқа дўконлар ёки биноларни кўрганликларини сўраб, лойиҳани кенгайтириш имконига эга.

Қурилиш маркази — бу бошқа марказларни ўзига жалб этиш мумкин бўлган машғулотлар соҳаси. Қурилган уй учун дурадгорлик марказида тайёрланган мебель талаб қилиниши мумкин; уй — улкан ўйинни саҳналаштириш марказига кўчиб ўтиш ва у ердаги материаллардан фойдаланишни тақозо этиши мумкин. Санъат марказида ясалган нарсаларни ҳам қурилиш зонасига олиб келса бўлади.

Болалар йўл белгилари, дўконлар учун пешлавҳалар ва иншоотлар учун бошқа белгилар тайёрлашлари мумкин. «Тўхташ» белгиларини тайёрлашда картондан ва таёқчалардан фойдаланиш ўйинчоқ шаҳарда ҳаракатни тартибга солишга ёрдам беради ва болаларнинг йўл ҳаракати қоидалари, жамоатчи ёрдамчилар ва ранглардан рамзий фойдаланиш ҳақидаги билимларини бойитади.

Агар болалар кўприклар ва қайиқлар ясаётган бўлсалар, уларни қоғозга чизиш ва ўз конструкциясига киритишга қарор қилишлари мумкин.

Болалар ўзлари ясаган иншоотлар бузиб ташланишидан олдин уларнинг расмини чизишни хоҳлаб қолишлари мумкин. Биноларнинг ўлчамлари ва шаклларини ҳамда айрим блокларини схематик равишда тасвирласалар бўлади. Хонадаги турли предметларнинг овирлигини таққослашда блоклардан фойдаланиш мумкин.

Катта блоклар ёрдамида бажариладиган яна бир қизиқарли машғулот тўсиқлар бўлагини қуришдир. Бу катта майдонни талаб қилади ва бошқа фаоллик зоналари ўрнидан силжитилиши мумкин. Мувозанатни сақлаш, тирмашиб чиқиш, стол тагидан эмаклаб ўтиш ва полда ётган тахталар устидан ўтиш болаларга кўп қувонч бахш этади.

# ПАЗАНДАЛИК



## Х боб. ПАЗАНДАЛИК

### **Болалар уйин пайтида: гуруҳларда пазандалик машғулот.**

Овқат бизнинг тирикчилигимизнинг асосидир. Биз организмнинг озиқ олиши ва энергия билан таъминланиши учун овқат еймиз. Шу билан бирга кўпчилик кишилар учун овқат анча катта аҳамият касб этади ва фақат яшаш воситаси эмас. У киши ҳаётидаги воқеаларни ва одамлар ҳақидаги хотираларни уйғотади.

Янги ёпилган ноннинг ҳиди тандир ёнида турган бувини, унинг тандирдан хушбуй ҳид таратиб турган бўрсилдоқ нонларни олишини ёдга солади. Ёқимли ҳид уфуриб турган қовурилган қўй гўшти бизга холалар, тоғалар, ҳолаваччалар иштирокидаги байрам дастурхонини, дастурхон атрофида ўтириб оила ўтмишига оид воқеаларни хотирлаётган қариндошларимизни эслатади. Овқат ўзида маданий мазмун ва ўз-ўзига ҳурматни муҷассам этади.

Пазандалик билан шуғулланар эканлар, болалар одамлар ҳақида, бошқа мамлакатлар тўғрисида кўп янги нарсаларни билиш имкониятига эга бўладилар. Тарбиячилар болаларни ҳамма яхши кўрадиган маҳаллий таом масалан, чучвара билан таништиришлари ва болаларга тушлик ёки ярим тушлик учун чучвара пиширишни таклиф этишлари мумкин.

Китоблар ва ҳикоялардан фойдаланиб у болаларга чучвара бутун дунёда тайёрланиши, турли халкларнинг чучваралари турлича аталиши ва таркиби ҳамда ташқи кўриниши билан бир-биридан бир мунча фарқ қилишини айтиб бера олади. Италияда уни равиоли деб атайдилар, Исроилда креплач, Хитойда вонтон, Ҳиндистонда самоса дейдилар. Болалар чучварани кўплаб турларини тугишлари ва бундай чучваралар қиладиган мамлакатлар ҳақида мулоҳаза юритишлари мумкин.

Ўз болаларининг яхши овқатланишни қийинчилик билан таъминлайдиган ёки қачонлардир очликни ўз бошидаи кечирган оилалар учун овқат катта қадрият сифатида намоён бўлади. Ота-оналар ўз болаларининг тўйиб овқат емаётганликларидан ташвишга тушишлари, иложи бўлган ҳолларда озиқ-овқат сотиб олиш учун соатлаб навбатда туришлари мумкин. Бундай шароитларда яшаётган болалар уларга қандай овқат берилса ҳаммасини қолдирмасдан ейишга урганадилар. Бошқа болалар эса инжиқ, танлаб овқат ейдиган бўлишлари мумкин.

ТТТу билан бирга, вазият имкон берган ҳолатларда барча болалар ошхонада унча қийин бўлмаган ишларда катталарга ёрдам берар эканлар, бундан катта мамнуният ва қониқиш ҳис этадилар.

Турли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўтказилган ҳар хил тажрибалар озиқ-овқат борасида ўзларининг барқарор майлларини ҳосил қилишда ёрдам беради. Улар қандайдир овқатлар тананинг ва ақлнинг ривожланишига хизмат қилиши, айни пайтда бошқалари саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни туғдириши мумкинлигини билиб оладилар.

Болаларни организм учун нималар талаб қилинишини билишга асосланган ҳолда соғлом овқатни танлашга ўргатиш лозим.

Биз ейдиган овқатларнинг асосини ташкил этувчи хом озиқ-овқат маҳсулотларига жумладан, ловия, дон маҳсулотлари, сабзавотлар, мевалар, уруғлар ва ёнғоқларни тадқиқ

этиб, болалар овқатланиш манбалари ва овқат тайёрлаш усуллари ҳақида дастлабки тасаввурларга эга бўладилар.

Бувдой уруғининг ниш ўриши ва ўсимликларни парвариш қилиш, бувдойнинг ўсаётган томирларини қузатиш, бувдой пояларидаги ипақдек майин бошоқчаларни сийпалаш болалар учун қанчалик ҳаяжонли эканлигини кўз олдингизга келтиринг. Улар ўзлари донни янчиб ун қилишлари, хамир қоришлари ва ўзлари печда пишириб, янги пишган ноннинг хушбўй ҳидидан, қирсиллаб турувчи қирралари ва юмшоқ мағзидан лаззатланиши мумкин.

Гуруҳда болалар энгил егуликлар пишира оладилар, нонупта ёки ярим тушлик учун таом тайёрлашлари ёки тантанали воқеалар учун махсус овқатлар тайёрлашлари мумкин. Болалар учун яроқли бўлган рецептлардан фойдаланганда икки ёки уч компонентга эга бўлган оддийларидан бошлаш, аста секин анча ривожланган кўникмаларни талаб қилувчи, кўйлаб компонентларни ўз ичига олувчи мураккаб рецептларга ўтиш лозим.

Овқат ҳақидаги билимларни олишга ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида овқат тайёрлаш ва у билан боғлиқ, бошқа фаоллик марказларига киритилиши мумкин. Овқат тайёрлаш - бу барча аспектларни таълим олиш ва ривожланишига хизмат қилишини таъминловчи фаолият.

## ***Ривожланишга таъсир кўрсатиш***

### **Саводхонлик**

Болалар сўзлари ва расмлари бўлган рецептларни ажратишни ўрганиб олишлари билан, уларни рўпара келган жойга кўчириб ёза бошлайдилар ва рамзий белгиларни муайян иш ҳаракатларга угира бошлайдилар. Улар «ўқиш»дан завқ оладилар, айрим болалар эса ўзларининг олдиларида турган рецеитни кўчириб ёзишдан қониқиш ва мамнуният ҳосил қиладилар.

Улар овқат тайёрлашда қадам-бақадам юз берадиган кетма-кетликни ўзлаштириб оладилар. Бироз вақт ўтгандан сўнг болаларга топшириқ берилади - овқат тайёрлаш фаолиятини тасвирлаб бериш. Бу мазкур жараённинг изчиллиги ҳақидаги билимини мустаҳкамлайди ҳамда болаларнинг бой инсоний тажрибага эга бўлишларига кўмаклашади. Улар ўз нутқларида элакдан ўтказиш, қориш, арлаштириш сингари сўзларидан фойдаланиб, ўзларининг сўз бойликларини оширадилар.

Болалар топшириқларни қанчалик кўп бажара борганлари сари лимонни сиқиш, желатинни аралаштириш, ёғни эритиш типидagi иборалар улар лисоний репертуарининг бир қисмига айланади.

### **Математик тафаккур**

Болалар бир литр мева шарбатини идишга қуйиб, унга икки ош қошиқ шакарни аралаштирган вақтда миқдорлар ва ўлчовлар ҳақида билиб оладилар. Улар учта тухум, беш чой қошиқ ванилин ва чорак стакан сувни ҳисоблаганларида миқдорнинг маъносини англаб етадилар. Тортни кесиб, уни ўн беш бўлакка бўлган ёки ўлчов косасининг ярмини ун билан тўлдирган пайтда болалар каср тушунчасини ўзлаштирадилар. Улар духовкада кексни бир соат ушлаб турганларида ёки қиёмни 10 минут қайнатганларида вақтни ҳис этиш қобилиятини касб этадилар.

### **Илмий билимлар**

Овқат тайёрлаш химия ва физикани билишга асосланган. Болалар хамиртуруш қўшилган хамирни ва унинг кўпишини кузатаётганларида уларда бу ерда нима юз бераётганлиги ва нима учун юз бераётганлиги ҳақида гипотеза пайдо бўлади. Улар овқатнинг қайласи ҳам, суюқ шokolад ҳам иссиқ эканлигини пайқайдилар.

Болалар лимон ёки апельсин сингари маҳсулотларни топиб кўриб ёки турли тарздаги: хом, қайнатилган, пирогда пиширилган сабзини истеъмол қилиб ва уларнинг хоссаларини тавсифлар эканлар, ушбу маҳсулотларни қиёслаш ҳамда фарқ қилишни ўрганадилар. Улар уруғни эканда, униб чиққандан сўнг суғорганда ва ниҳоят салат учун сутчўп қирққанда овқатнинг қандай пайдо бўлишини билиб оладилар.

Болалар жўжа билан тухум ўртасидаги муносабатни ҳаётий цикл элементи сифатида англаб етишга ҳаракат қилиб, тухум қаердан пайдо бўлади, деган масалани муҳокама қилишлари мумкин.

### **Жисмоний ривожланиш**

Чўмич билан олиш, пўчоқ артиш, элакдан ўтказиш, тўғраш, қўйиш сингари ишлар бола ҳаракатларини мувофиқлаштиришга хизмат қилиб, нозик ҳаракатларнинг назорат қилинишини яхшилайти. Болалар аралашмага қўйиш учун тузни чой қошиқда эҳтиётлик билан олганларида кўз ва қўл ҳаракатларини мувофиқлаштиришлари зарур. Хамиртуруш қўйиш ва хамир қориш қўллар, бел қисми ва орқа мушакларни мустаҳкамлайди.

### **Ижтимоий кўникмалар ва маданият ҳақидаги тасаввур**

Болалар сутли банкани давра бўйлаб бир-бирларига узатиб, уни то ёғ ҳосил бўлгунча силкитар эканлар, навбат билан ҳаракат қилишга ўрганадилар. Улар ҳар бир киши ўз ҳиссасини олишни кузатиш вақтида тайёр маҳсулотни тақсимлашни ўрганадилар. Болалар барча кишилар бир-биридан фарқ қилишларини англаб етадилар: кимгадир ёнғоқнинг мазаси ва қаттиқлиги ёқади, бошқа бир кишига эса у бемаза ва ёқимсиз бўлиб туюлади. Ва ниҳоят болалар оилаларида тайёрланадиган таомларнинг хилма-хиллиги ва пазандалик маҳсулотларига майл қўйиш борасидаги маданий фарқлар ҳақида тасаввур ҳосил қиладилар.

### **Ҳиссий ривожланиш**

Овқат, кўпинча, кишилар томонидан лаззат манбаи сифатида қаралади. Бинобарин, болаларга, агар улар бирон нарсадан хафа бўлиб турган бўлса ёки бирон воқеани нишонлаётган пайтларида улар яхши кўрган таомни бериш мумкин. Таомни рецепт бўйича мазали қилиб пишириш ва дўстлар билан баҳам кўриш имконияти катта ҳузур ва мамнуният бахш этади. Болалар қандайдир бир ҳақиқий ишни бажарганларида уларнинг ўз-ўзини англаши ривожланади. Айни пайтда, агар кўп вақт сарф қилиб қорилган хамир кўпмаса, бу кайфиятнинг бузилишига сабаб бўлади ва болалар хато қилиш ҳам мумкин эканлигини тушуна бошлайдилар ва рецепт нима учун иш бермаганлиги ҳақида фикр юритадилар.

### **Тушунчаларнинг ривожланиши**

Болалар сариқ апелсин шарбати, қизил лавлаги шўрваси ва кўк салат тайёрлаш жараёнида рангларни ўзлаштирадilar. Улар хамирдан зувала ясаганларида, уч бурчакли чучваралар тукканда ёки сабзини халқа шаклида қирққанда турли шакллар маъно касб этади. Болалар овқат пиширишда иштираётганларида барча сезгилар - таъм билиш, ҳид билиш, сезиш ва кўриш фаоллашади.

### ***Пазандалик машғулоти учун жойни ташкил этиши***

Кўпчилик мактабгача таълим муассасаларида болалар ошхонадан фойдаланиш имкониятидан маҳрумдирлар. Бироқ электр токи мавжуд бўлган барча гуруҳларда пазандалик бурчагини ташкил этиш мумкин. Агар бахтли тасодифга кўра ошхона мавжуд бўлса, катта ёшли киши ўз назорати остида болаларнинг унча катта бўлмаган гуруҳи учун машғулот ташкил этиши мумкин. Бундан ташқари яна бир варианты ҳам бор: болалар овқатни, асосан, гуруҳнинг ўзида тайёрлайдилар, ошхонадан эса фақат плита ёки духовка зарур бўлган пайтларда фойдаланадилар. Совутгич ва раковинанинг мавжудлиги маҳсулотларни сақлаш ва машғулотдан кейин хонани йиғиштириб-тозалаш имконини беради. Асосийси – болаларнинг таомлар тайёрлашдан лаззат олганлари ва ўз имкониятларини рўёбга чиқарганлари ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари билан танишишларига ёрдам берадиган муҳитни яратиш.

Ихчам пазандалик марказини ташкил этишда иложи борича уни раковина билан ёнма-ён жойлаштиришга ҳаракат қилинг. Одатда санъат марказида вақтинча фойдаланиш мумкин бўлган стол ҳам, раковина ҳам мавжуд. Агар хонада раковина бўлмаса, у ҳолда фаолиятни электр тармоғидан узоқ бўлмаган ҳар қандай жойда ташкил этиш мумкин. Зарур жиҳозларни аравачада сақлаш ёки олиш осон бўлган ерда қутиларга жойлаб қўйиш қулайдир. Агар совутгич бўлмаса, унинг ўрнини вақтинча муз солинган қути босиши мумкин.

### **Асосий пазандалик жиҳозлари**

Нон учун қолиплар.

Пироглар ва пирожнийлар учун қолиплар.

Консерва пичоғи.

Пирожнийлар учун паккилар.

Тахтакач.

Товалар.

Қирғичлар.

Қопқоқли соус идишлари (кичик ва катта).

Қайчилар.

Ўткир кичик пичоқлар.

Элак ва човлилар.

Комбинезонлар, эски эркалар

кўйлақлари ёки фартуклар.

Чўмич.

Шарбат сиқиб асбоби.

Ўлчов косалари.

Ўлчов қошиқлари.

Аралаштириш учун идишлар.

Аралаштириш учун қошиқлар.

Картошка.

Миксер.

Жува.


Қуракча.

Таймер.

Сабзавотлар учун артгич.

Ёғоч қошиқлар.





### Электр жиҳозлари

Печь (духовка бўлмаса тестердан ҳам фойдаланиш мумкин).

Плита (ёки бошқа иссиқ юзали жиҳоз).

Электр това.

Аралаштиргич.



Пазандалик маркази болалар камроқ

ўйнайдиган жойни эгаллаши лозим. Бунда у тарбиячилар учун яққол кўришиб турадиган ва болаларнинг унча катта бўлмаган гуруҳининг ишлаши учун хавфсиз бўлиши керак. Стол юзаси болалар чўтка ва совун ёрдамида осонлик билан юва оладиган бўлиши зарур. Пол ҳам йиғиштириш-тозалаш учун мослаштирилиши ёки газеталар ёхуд пластик билан қопланиши лозим. Кўлмаклар ва ахлат пайдо бўлишини ва буларнинг ҳамма ўқув жараёнининг бир қисми эканлигини кўзда тутинг.

Овқат тайёрлаш дастур бюджетига киритилиши зарур. Тегишли ассигнациялаш зарур идиш-товоқлар, озиқ-овқатлар захиралари ва сақланадиган идишларнинг мавжуд бўлишини таъминлаши керак. Бунинг устига, агар имконият бўлса, оилалар мактабга айрим турдаги таомлар учун зарур бўлган масаллиқларни беришлари мумкин ва ниҳоят бино ташқарисидagi компостлар уюми (сабзавот ва мева чиқиндилари учун) ва кичик боғ бизнинг овқатимиз қаердан ва қандай олинishi ҳақидаги тасаввурларини мустақкамланган ҳолда, пазандалик марказини тўлдириши мумкин.

### *Тарбиячиларнинг роли*

Болалар овқат тайёрлаш технологияси билан индивидуал тарзда ёки кичик гуруҳлар таркибида таништирилишлари зарур. Улар турли усулларни то ўзларининг масалаларига ишонч ҳосил қилгунларича қайта, қайта ва қайта такрорлашлари лозим. Кичик гуруҳлар 5-6 тадан ортиқ бўлмаган болаларни ўз ичига олиши ва катта ёшли кишининг узлуксиз назорати остида бўлиши керак.

Ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзолари-пазандалик марказини ташкил этишда ёрдамчилардир. Бу ёрдам турлича тарзда кўрсатилиши мумкин: болаларга қараб

туриш, овқат тайёрлаш жараёнини режалаштириш, масаллиқларни тайёрлаш, махсус рецептларни ишлаб чиқиш, боғда ишлашда ёрдам бериш, уйда тайёрланган овқатни олиб келиш ва ҳаказо. Тарбиячилар гуруҳи катта ёшли кишилар жумласидан бўлган ёрдамчиларни хавфсизлик чоралари ва бошқа муҳит ишлар ҳақида хабардор қилиб туришлари зарур. Болалар учун овқат тайёрлаш ёқимли, енгил машғулот бўлиши лозим. Катта ёшли ёрдамчилар шуни тушуниб етишлари зарурки, овқат тайёрлаш жараёни ва бу жараёнда орттириладиган тажриба охириги маҳсулотга қараганда анча кўпроқ муҳимдир.

Пазандалик машғулотларининг мақсади, энг аввало, болаларнинг иқтидорлилик, мустақиллик туйғусини ҳис этишлари ва тажрибалар ўтказиш кўникмаларига эга бўлишларидир.

Овқат тайёрлаш бўйича ишни болаларнинг ўзлари бажаришлари лозим, аини пайтда катта ёшли кишининг вазифаси-кузатиш ва раҳбарлик қилиш!

### **Пазандалик машғулотларини режалаштириш**

Болалар овқат тайёрлашга киришишларидан аввал барча зарур масаллиқлар ва ошхона асбобларининг мавжуд бўлишини таъминланг.

Ишни оддийларидан бошланг: бананни арчиш ва қирқиш, попкорн (бодроқ) тайёрлаш, нонга асал суртиш, нўхатни қобивидан ажратиш ва ҳаказо. Кўрсатмалар аста-секин кўплаб қадамларни ўз ичига олиши ва мураккаблашиб бориши мумкин. Болалар пазандалик атамаларини ўргана бошлашлари учун уларга шундай топшириқлар беринг: «Сиз олмани қирқасиз, хамир қорасиз, лимонни сиқасиз, тухумларни чақасиз ва оқини кўпиртасиз».

Болаларнинг улар нимани тайёрлашни хоҳлашларига оид фикрларини инобатга олинг. Имкони борича уларнинг истакларини қондиришга интилинг.

Бошқа машғулотлар пайтида пайдо бўлган ва пазандаликка оид фикрларни ишлаб чиқишга хизмат қилувчи ғояларни рад этманг. Болалар, масалан, олмалар ҳақида китоб ўқишлари ва олмадан тайёрланган ҳамда ўзлари яхши кўрадиган таомларни муҳокама қила бошлашлари мумкин. Тарбиячи болаларнинг қизиқишларига асосланган ҳолда олмадан тайёрланадиган турли таомлар – олмали гуммалар, олма соуси, олмали пирог, олма печеньелари, қирқилган олма солинган асал ва бошқаларнинг тайёрланиш жараёнини ўрганишни ташкил этиши мумкин. Диққат-эътиборли бўлинг ва қутилмаганда очилаётган имкониятлардан фойдаланинг.

Рецептларни болаларга яққол кўринадиган жойларга осиб қўйинг. Иш учун лозим бўлган жиҳозлар, шунингдек, рецептда кўрсатилган мутаносибликларни кўргазмали тарзда акс этириш учун матн ҳамда барча расмлардан фойдаланинг. Жараённинг қадам-бақадам кўргазмали тарзда акс этирилиши учун турли хилдаги расмлардан фойдаланиш мумкин. Кичик ёшдаги болалар учун жараённинг айрим қоғоз варақлари ёки карточкалардаги тасвирини уларнинг тўғри изчиллиги, биринкетин келишини сақлаган ҳолда ошхона столига яқин жойда жойлаштириш жуда муҳим ва аҳтимол, энг афзал усулдир.

Бошқа бир усул барча босқичлар тасвирланган қоғоз ленталардан ёки рецептура ёзилган катта қоғоз варақлари ёпиштириб қўйилган юмшоқ стенд ёхуд мольбертдан, бирмунча каттароқ ёки тажрибалироқ болалар учун эса китоб форматидаги қоғоз

варақларидан фойдаланишдан иборат. Болалар исталган пайтда улардан фойдалана олишлари учун бу варақларни «Пазандалик китоби»га жойланг. Катта болаларда ўз рецептларини айтиб туриб ёздириш ёки чизиб бериш, ёзиш истаги пайдо бўлиши мумкин.

- Болаларга қўлларни ювиш ва комбинзон ёки иш кийимини кийиш зарурлигини эслатинг. Кўرғазмали эслатма сифатида қўл ювиш тасвир этилган расмни осиб қўйиш мумкин.

- Иш бажариладиган юзанинг тозалигига ишонч ҳосил қилинг, агар тоза бўлмаса, болалар овқат тайёрлашдан олдин уни ювишлари керак.

- Рецептни болалар билан бирга, талаб қилинадиган ошхона асбоблари ва масаллиқларни алоҳида ажратган ҳолда кўриб чиқинг.

- Жихозларга тўғри муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатинг, навбатга риюя этилишини кузатиб боринг.

- Ишчи гуруҳда болалар сони уларнинг барчасининг бир пайтда банд бўлишни таъминлайдиган миқдорда бўлиши лозим. Айрим рецептлар гуруҳдаги барча болаларнинг бир пайтда ишлашини таъминлайди (масалан, ярим тушлик учун пишлоқли ўрамалар тайёрлаш), айна пайтда бошқалари бир ёки икки боланинг иштирок этишини кўзда тутати (масалан, пирог пишириш).

- Жойни тезда тартибга келтириш учун қўл остингизда ҳар доим совунли сув ва чўтка бўлсин.

### **Овқат тайёрлаш пайтида эҳтиёткорлик чоралари**

Болаларга кесувчи мосламаларни фақат катталар назорати остида фойдаланиш шарти билан беринг.

Овқат тайёрлаш пайтида риюя қилиниши лозим бўлган эҳтиёткорлик чораларини – иссиқ предметларга тегиб кетиб қуйиб қолиш хавфи, тез ёнувчи материалларни оловдан узоқда сақлаш зарурлиги, асбобларни ўз вақтида ўчиришнинг муҳимлигини кўрсатинг. Болалар нима учун барча идишларнинг дастаси стол ёки плита четидан қарама-қарши томонга буриб қўйилиши зарурлигини тушунишларига ишонч ҳосил қилинг.

Болаларга асбоблардан қандай фойдаланишни кўрсатинг. Кичик болалар учун овқат тайёрлаш билан банд бўлган, масалан, қайнаб турган шўрвани шопираётган ёки бўғирсоқлар пишираётган катта кишини кузатиш фойдали бўлиши мумкин. Айна пайтда катта болалар анча фаолроқ иштирок этишга қобил бўладилар. Бирон-бир хавф мавжуд бўлган топшириқни беришдан олдин болаларнинг индивидуал имкониятлари ва малакалари сизга яхши маълум эканлигига ишонч ҳосил қилинг.

Болаларга идишларнинг дасталаридан қандай фойдаланишни, иссиқ буюмларни тагликка ёки иссиққа чидамли юзага қандай қўйишни ўргатинг.

### **Овқат тайёрлаш тажрибаси**

Болалар масаллиқларни аралаштиришдан олдин уларнинг айримларини фарқлаш, ҳис қилиш ва имкон бўлганда татиб кўришни билишлари лозим.

Болаларга масаллиқларни яхшилаб кўришда ва уларнинг шакли, таркиби, ранги, ўлчами, ўхшашлик ва фарқлари ҳақида сўзлашиб олишларида ёрдам беринг. Муҳокамани ташкил этиш учун болаларга саволлар беринг. «Бунинг мазаси қанақа - ширинми ёки шўрми?», «Йогурт ва мураббонинг мазаси бир хилми ёки фарқ қиладими?», «Сизга қайси таъм ёқимлироқ – қудуплайнинг мазасими ёки равочникими? Нима учун?». Болаларга уларни тайёрлашнинг кимёвий ва физик жиҳатларини муҳокама қилишда кўмаклашинг. «Агар шакар, хамиртуруш ва сув сингари моддалар бирга қўшилса нима юз беради?», «Овқат иситилганда ёки совутилганда нима юз беради?». Болалар овқат тайёрлаётган пайтда уларга сув-бу суюқлик эканлиги, у қайнаган пайтда буғ деб аталувчи модда кўринишида учиб кета бошлашини, музлаганда эса қотиб қолиши ҳамда муз деб аталиши ҳақида сўзлаб беринг. Муздан соққачалар ясанг, сўнгра болалардан уларни иситганда нима бўлиши ҳақидаги саволга жавоб топишларини сўранг. Уларнинг ғоялари ва тажриба натижаларини қайд этинг. Кун охирида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун қилинган ишларга умумлашма яқун ясанг.

Болаларнинг ишларини шарҳлаётганингизда тўлиқ гаплардан фойдаланинг «Сиз барча суюқ моддаларни қуруқ моддаларга қўшишингиз лозим. Сиз унга қўшганингиздан сўнг томатнинг ранги қандай ўзгарди?». Болалар ўз кузатишларини қандай тил ёрдамида баён этаётган бўлсалар, ўша тилни қабул қилинг.

Ихтиёрингизда овқат тайёрлаш учун етарли вақт бўлишига ҳаракат қилинг. Овқат тайёрлашда иштирок этишни истаётган барча болалар навбат билан, бир-бирига ўрин бўшатган ҳолда пазандалик марказида ишлаш имкониятига эга бўлишлари лозим. Иштирок этишни истовчи болаларнинг рўйхатини уларнинг навбатини ҳам кўрсатган ҳолда осиб қўйинг. Шунда болалар бошқалар ишнинг ўзига тегишли қисмини бажаргунча сабрсизланмай кутиб ўтирадилар. Бошқа хоҳловчиларга бу ишга қўйилишига руҳсат беришдан олдин илгарироқ ёзилганларни таклиф қилишни унутманг. Агар барча хоҳловчилар ишлаб кўришлари учун сизда вақт ёки озиқ-овқат маҳсулотлари етарли бўлмаса, у ҳолда ҳафтанинг кейинги ёки бошқа бир қулай кунда шундай машғулотни такроран ўтказинг.

Ҳар бир болага ўзи тайёрлаган овқатни татиб кўришга имкон беринг. Иложи бўлса бутун гуруҳ татиб кўриш учун етарли миқдорда овқат тайёрланг.

Овқат пиширишда ёрдамлашган ҳар бир кишининг зиммасига йиғиштириш–тозалаш ишидаги масъулиятнинг бир қисмини юкланг. Сув тўлдирилган тоғоралар ва чўткаларни тахлаб қўйинг. Супурги ва швабра ҳам қўл остида бўлсин. Идиш-товоқ ювишда раҳбарлик қилинг. Хавфли мосламалар ва ўта ифлос предметларни бир четга олиб қўйинг, улар билан боғлиқ ишларни катта ёшли кишининг ўзи охирига етказсин.

Эсингизда бўлсин, болалар йиғиштириш-тозалашда катталар сингари эпчил эмас. Уларнинг саъй-ҳаракатларини танқид қилманг, яхшиси, кўрсатган ёрдамлари учун мақтанг ва рағбатлантиринг.

## Фаолият турлари ва лойиҳалар

**Иссиқ ишлов беришни талаб қилмайдиган овқатларни тайёрлаш.**

- Ошхона буюмларини сув билан синаб кўриш (косалар, чойнаклар, қувилар).
- Қуруқ моддаларни ўлчаш ва солиш (гуруч, ун, майиз).
- Янги узилган мевалар ва сабзавотларни татиб кўриш ва таққослаш (кўк ва қизил қалампир).
- Узиш, синдириш ва тозалаш (сутчўп, салат учун ловия ва нўхат).
- Суюқликларни қуйиш (болаларга қуйишни қачон тугатишни кўрсатиш учун коса четини белгилаб қўйинг).
- Аралаштириш ва ўлчаш (какаони сутда, мураббони йогуртда).
- Пичоқлар ёрдамида суртиш (сарёғни, асални, ёнғоқли кремни).
- Икки қўллаб ёзиш (пишлоқ).
- Қўл билан шарбат тайёрлаш (лимон, апельсин шарбатлари).
- Пўстни (пўчоқни) қўл билан тозалаш (қайнатилган тухумлар, бананлар, апельсинлар).
- Аста-секин, юмшоқ маҳсулотлардан (банан) қаттиқ маҳсулотларга (олма) ўтган ҳолда пичоқ билан кесиш.
- Артгич билан тозалаш (картошка, сабзи).
- Қўл қирғичи билан қириш (пишлоқ, картофель).
- Миксердан фойдаланиш (мевалар, сутли ичимликлар ва йогурт).



### Мавзу: Сабзавотларни ўрганиш

Мавзулар болалар учун қизиқарли бўлсагина тўлиқ ўзлаштирилиши мумкин. Сизнинг олдингизда ўз полизига эга бўлган ва ўзлари ўстираётган ўсимликлар ҳақида кўпроқ билишни истаган болалар гуруҳи томонидан тайёрланган лойиҳа намунаси турибди.

Агар сиз болалардан, «Сизлар уруғларни, илдишларни, пояларни ва барглари ейтишни яхши кўрасизми» деб сўрасангиз улар кўп ҳолларда «Йўқ» деб жавоб берадилар.

Сабзавотлар етиштириш ва улардан турли таомлар тайёрлаш болалар ўсимликларнинг турли қисмлари ҳақида билимга эга бўлишининг ажойиб усулидир.

Сабзавотларни ўрганишни ўсимликлар ҳақидаги ҳикояларни ўқиш ва уларнинг қандай ўсишлари, уларнинг илдизи, пояси, барглари, гуллари, мевалари ва уруғи сингари қисмларининг қаерда жойлашиши ҳақидаги суҳбатлардан бошланг.

Болалардан ўсимликлар тасвирланган расмларни қирқиб олиб келишни ва ўзлари яхши кўрган ўсимликларнинг расмини чизишларини сўранг.

Болалар сувга солиб ўсишни кузатишлари учун уларга редиска сингари айрим тез ўсадиган ўсимликларнинг уруғларини беринг. Ўсимликларин турли қисмларини тадқиқ этинг.

### **Илдизлар**

Лавлаги, сабзи, картошка, редиска сингари илдизмеваларни келтиринг. Болаларнинг ўзлари уларни ювиб тозалаганларидан сўнг уларга ушбу сабзавотларни хом ҳолда еб кўриш учун беринг. Кичкина болалар учун тарбиячининг ўзи бу қаттиқ сабзавотларни қирқиб беришга тўғри келади. Болалардан ушбу сабзавотларнинг шаклига, ранги ва мазасига кўра фарқларини баён қилиб беришни сўранг.

Болаларга рельефли кесилган картошкалар ёрдамида, уларни бўёққа ботириб ва қоғозга босиб, босма тасвирлар қилишларига рухсат беринг. Уларга санъатга доир китоблардаги ёғочга ўйиб ишланган рамаларни кўрсатинг ва уларнинг ўзларининг бу борадаги уқуви қандай эканлигини аниқлашинг.

Сабзавотларни пиширинг ва болалардан улардаги ўзгариш нималардан иборатлигини сўранг. Қайнатилган картошка ва ширин печенье тайёрланг – улар нимаси билан фарқ қилади?

Болалардан хом сабзи билан хамирда пиширилган сабзи ўртасидаги фарқни баён қилиб беришларини сўранг.

### **Поялар**

Сельдер, равоч ёки сарсабил олиб келинг. Болаларга ўсимликни барглари билан тўлиқ кўрсатинг ва фақат пояси ейилишини тушунтиринг. (Равочнинг барглари заҳарли, шу сабабли болалар уни татиб кўрмасликлари учун кузатиб туринг). Уларга поя қай тарзда илдизлар билан барглари бирлаштиришини яхши кўриб олишга имкон беринг.

Болаларга сув қандай қилиб поя орқали юқоридаги баргларга етиб боришини иллюстрация қилиш учун сельдернинг сувда ҳўлланган, овқатга ранг берувчи моддалар билан бўялган поясини кўрсатинг.

Болаларга нечта сельдер пояси уларнинг бўйларига тўғри келишини топишни таклиф қилинг. Жавоб олингандан сўнг болалар пояларни қоғоз варағига бир чизиқда териб кўядилар. Ҳар бир боланинг бўйини ўлчаб учун нечта сельдер пояси керак бўлишини аниқлаш учун жадвал тузинг.

Болалар равочни пиширсинлар ва аччиқ, сосус қўшиб ширин ҳолга келтирилмагани билан шакар ёки асал қўшилган ширин равоч ўртасидаги фарқни татиб кўрган ҳолда сезишсин.

Болаларга юмшоқ пишлоқлар ичига газак учун сельдер солишни таклиф қилинг.

Улардан агар электр товага озроқ сув қўйиб, унга сельдер ва сарсабил гулини солиб қайнатса нима бўлишини кузатишни сўранг.

### **Барглар**

Болаларни карам, сутчўп, шпинат, карам, петрушка сингари ҳар хил ўсимликларнинг янги барглари териб келишга юборинг. Бунинг деҳқон бозори ёки озиқ-овқат дўконига боришни ташкил этиб, болалар билан бирга амалга ошириш ҳам мумкин.

Болалардан барглар бир-бирларидан нимаси билан фарқ қилиши ҳамда нимаси билан бир-бирига ўхшаш эканлигини аниқлашни сўранг ва уларнинг мулоҳазаларини ёзиб олинг.

Болалар карамни салат тайёрлаш учун мўлжалланган қирғичда қиришлари, қовурилган шпинат билан аралаштиришлари ва рулет тайёрлаш учун майдаланган гўштни салат-сутчўпнинг баргига ўрашлари мумкин.

### **Гуллар**

Болалар кўп ҳолларда тарвуз, қовун ва карам – булар гуллар эканини билиб ҳайрон қоладилар. Болаларга ушбу сабзавотларни катта қилиб кўрсатувчи ойна орқали кўришлари ва ҳар бир гул ёзилишга тайёр турган куртак эканлигига ишонч ҳосил қилишлари учун имкон беринг.

Уларга полиз экинларининг мазасини хом ҳолида ва пишгандан сўнг татиб кўришларига рухсат этинг. Гулкарамдан тайёрланган, озгина сут ва пишлоқ қўшилган, бутунлай бошқача таркиб ва мазага эга бўлган бўтқани татиб кўришни таклиф қилинг.

### **Мевалар**

Помидор – худди қовоқ ва ошқовоқлар сингари чинакам мевадир. Пояси ва учини қирқиб ташлаб, ҳар хил турдаги ошқовоқлардан фойдаланинг, болалар кўллари ёки қошиқлар билан унинг ичидаги мағзини кавлаб олсинлар. Уруғларни газ плитасида қовуришдан олдин уларни ювинг ва тузланг. Айрим болалар ошқовоқ мағзини ейишни яхши кўрадилар, бошқаларга эса унинг мазаси ёқмайди. Ошқовоққа одам юзи тасвирини солинг ва «Меҳржон байрами» ҳақида ҳикоя қилиб беринг. Овқат болаларнинг нафақат миллий, балки бошқа мамлакатларнинг одатлари ва удумлари ҳақида билиб олиши учун ажойиб воситадир.

Болаларга помидорни янгилигида еб кўриш учун беринг, гуручга қўшиш учун томатли соус ёки томат пастасини тайёрланг ёки бир нечта помидорнинг шарбатини сиқиб олинг.

Сабзавотлар мавзусига бағишланган байрам тадбирини полиз экинлари ҳақида болалар ҳикояларини ёзиш ёки шўрва пишириш тарзда нишонлаш мумкин. «Шолғом шурва» - бу болаларнинг севимли эртаги. Барча болаларни уйларида сабзавотлар олиб келишларини сўранг. Ота-оналарни сабзавотлардан тайёрланган ярим тушликка таклиф қилинг. Болалар томонидан тайёрланган таомлар билан бирга истеъмол қилиш учун барча турдаги сабзавотларни: янги поялар, илдизмевалар, гул ғужумлари ҳамда салатлар учун меваларни пиширинг ва қирқиб кўйинг. Болаларга уйларида келтирган сабзавотлардан шўрва пиширишни таклиф қилинг. Бу таомларнинг айримлари бир неча кун илгари тайёрлаб қўйилиши ва совутгичларда сақланиши мумкин. Дастурхон атрофида ўтирганда болалар томонидан чизилган ўсимликлар расмларини ота-оналарига кўрсатишларини ва ўзларининг сабзавотлар ҳақидаги билимлари билан ўртоқлашишларини сўранг.

### **Оталар учун нонушта**

Мақтабгача таълим муассасалари кўп ҳолларда оталарни таълим жараёнига жалб этишда қийинчиликларга дуч келадилар. Мақтабгача таълим муассасаларидан бири ҳар ойнинг биринчи жума кунинда оталар ёки бошқа эркак қариндошлар учун нонушта беришни одат тусига киритди. Болалар менюни режалаштирдилар, овқат

тайёрлайдилар ва стол тузайдилар ҳамда ўз оталарини ўзларининг пазандалик интилишларининг натижаси бўлган таомлар билан меҳмон қилиб лаззатланадилар. Бу тадбир катта муваффақият қозонди. Сиз бу ғоядан, уни оилаларнинг бошқа ҳар қандай аъзоларига нисбатан қўллаган ҳолда фойдаланишингиз мумкин.

## **Рецептлар**

Қуйида гуруҳда таомлар тайёрлаш бўйича айрим тавсиялар келтирилган. Қўпчилик рецептлар болалар учун мослаштирилган бўлиши мумкин, шунга қарамай уларни содалаштиришга ҳаракат қилинг. Овқат болалар томонидан тайёрланишини эсда тутинг. У ёки бу маҳсулотларнинг мавжуд бўлиши йил фасллари ва иқтисодий вазият билан бовлиқ ҳолда алмашуви мумкин, шу сабабли ишга ижодий ёндошишга, қўл остингиздаги ҳамма нарсадан фойдаланишга интилинг — рецептларни модификация қилиш, масаллиқларни эса бошқалар билан алмаштириш мумкин.

### **Порцияли рецептлар**

Бу рецептлардан битта бола ёки индивидуал тарзда ишловчи болалар гуруҳи фойдаланиши мумкин.

#### **Французча тост**

- 1 та тухум.
- 2 чой қошиқ сут ёки шарбат.
- бир чимдим долчин (корица).
- бир бўлак нон.
- 1 ош қошиқ ўсимлик мойи ёки сариёғ.



Сут ёки шарбат ва долчин солинган елим косага тухумни чақинг, унга нонни ботиринг ва ана шу аралашмани шимиб олгунча у ёқдан-бу ёққа айлантинг. Сариёғ ёки ўсимлик ёғини товада доғланг. Ноннинг бир томонини қовуринг, у қизаргандан сўнг, ағдариб иккинчи томонини қовуринг. Уни товадан олиб мураббо ёки асал билан бирга дастурхонга тортинг.

#### **Сутчўндан ветчинали рулет**

- 1 дона сутчўп барги.
- 1 чой қошиқ майонез.
- бир бўлак қўйғўшти.



Салат баргини ювинг. Унга майонез суртинг. Устига ветчина бўлагини қўйинг ва ўранг.

#### **Олма салати**

- 1 та олма.
- 1 боғ сельдер.
- 2 дона ёнғоқ.
- 10 дона майиз.
- 1 ош қошиқ йогурт.





Олма ва сельдерни ювинг. Олмани бўлак-бўлак қилиб қирқинг, ўртасини қирқиб, уруғларини олиб ташланг. Олмани майдаланг. Сельдерейни майда қилиб тўғранг. Ёнғоқларни майдаланг. Майдаланган компонентларни идишга солинг ва йогурт қўшинг. Яхшилаб аралаштиринг.

### **Фрикаделькалар**

- 120 г гўшт.
- 1 та тухум.
- 1 бўлак қотган нон.
- 2 ош қошиқ сут.
- Туз ва қалампир.
- 1 ош қошиқ ўсимлик ёғи (агар товадан фойдаланилса).



Гўштни косага майдаланг. Нонни ҳам устига майдалаб солинг. Тухумни чақинг ва сут билан бирга коса ичидаги масаллиққа қўшинг. Аралашмани ковланг ва капкир ёки ёғоч қошиқ билан аралаштиринг. Бир чимдим туз ёки қалампир қўшинг. Аралашмадан тахтачага ёки кленкага юмалоқ шакллар ясанг. Уларни микротўлқинли печда ёки товада ҳар томонга ағдариб, қизариб пишгунга қадар қовуринг.

### **Гуруҳ бўлиб тайёрланадиган таомлар рецепти.**

Бу рецептлардан болаларнинг кичик гуруҳлари ишларида фойдаланиш мумкин.

### **Ивитилган нўхатдан пиширилган шўрва**

- 2 коса тозаланган қуруқ нўхат.
- 9 коса сув.
- 1 бош пиёз.
- 4 та сельдерей пояси.
- 3 дона сабзи.
- 3 дона картошка.
- 1 чой қошиқ туз.
- 3/4 чой қошиқ қалампир.
- 1 дона лавр япроғи.



Болалар нўхатни тун бўйи сувда ивитиб қўйсинлар. Сувини тўкиб ташланг. Пиёз, сельдер, картошка ва сабзини ювиб, қирқинг. Уларни майдаланган сабзавотлар, нўхат ва 4 -5 литр сув билан катта кастрюлда аралаштиринг. Туз, қалампир, лавр япроғи қўшинг ва қопқоқни қия ёпган ҳолда 3 соат давомида қайнатинг. Агар шўрва жуда қуюқ бўлиб қолган бўлса, сув қуйинг.

### **Кўптирма кулчалар**

- 1 коса ун.
- 1/4 коса сув.
- 2 чой қошиқ хамиртуруш.
- 1 чой қошиқ шакар.
- 1/2 чой қошиқ туз.
- 1 та тухум.



Ун, хамиртуруш ва тузни катта косада аралаштиринг. Хамирни қоринг ва уни бир хил масса ҳосил бўлгунга қадар муштланг. Хамирдан кичик бўлақлар узиб олиб, уларни ҳар хил шаклларда ясанг. Косага тухум чақинг ва хамир бўлақларини унга ботиринг. Қулчаларни қаттиқ қизитилган печда 12-14 минут давомида пиширинг.

### ***Олмали пирог***

- 6 дона олма.
- 1 та лимон.
- 1 коса тозаланган сули.
- 1/4 коса ун.
- 1/4 коса шакар.
- 1 чой қошиқ долчин.
- 1/4 коса сариёғ.



Олмаларни ювинг ва бўлак-бўлак қилиб қирқинг, уларни ёғ суртилган патнисга қўйинг. Лимонни ўртасидан тенг бўлинг ва шарбатини олмалар устига сиқинг. Ёғни доғ қилинг. Косада ун, сули, долчин ва шакарни аралаштиринг. Доғ қилинган ёғ қўшинг. Сочилма ҳолатга келгунча аралаштиринг. Мана шу таркибни олмалар устига сепинг. Ўрта даражада қиздирилган печда 20-30 дақиқа давомида ёки тайёр бўлгунча пиширинг.

### ***Салат паста***

- 3 коса угра ёки макарон.
- 9 коса сув.
- 2 дона бодринг.
- 3 дона сабзи.
- 4 та сельдерей пояси.
- 8 та тухум.
- 1/2 коса йогурт.
- 1/2 коса майонез.
- 1 та лимон.
- Туз ва қалампир.



Уграни пишгунча қайнатинг. Сўнгра сувини тўкиб ташлаб, совутинг. Тухумни қайнатинг. Барча сабзавотларни ювинг. Сельдер ва бодрингларни майдалаб тўғранг. Сабзини қирғичдан ўтказинг. Тухумни арчинг ва бўлак-бўлак қилиб кесинг. Буларнинг ҳаммасини косадаги угра билан аралаштиринг. Йогурт, майонез ва лимоннинг сиқилган сувини қўшинг. Туз ва қалампир солинг.

### ***Асосийси — хавфсизлик***

Болаларнинг ўткир асбоблардан фақат катталар кузатувида фойдаланишига рухсат беринг.

Болаларнинг диққатини овқат тайёрлаш жараёнида дуч келинадиган хавф омилларига: иссиқ предметларга тегиб кетиб куйиб қолиш; тез ёнадиган материалларни иссиқлик манбаларидан узоқ жойда сақлаш; асбобларни ўчириб қўйиш; барча кастрюлкалар ва товаларни уларнинг дастаси ёки қулоғи стол ёки плита томонга қаратиб қўйилиши лозимлигига қаратинг.

Болаларга асбоблардан қандай фойдаланишни ўргатинг. Энг кичик болаларнинг катта ёшли кишининг қайнаётган шўрвани қовлаётгани ёки хамирни пишираётгани сингари ҳаракатларини кузатиб туриши талаб қилинади, айти пайтда каттароқ болалар бу ишларин ўзлари қилишлари мумкин. Болаларга хавф элементлари мавжуд бўлган пазандалик топшириқлари беришдан олдин уларнинг индивидуал кўникмалари ва қобилиятлари ҳақида албатта умумий тасаввур ҳосил қилинг.

Болаларни тутқичлардан фойдаланишга ўргатинг ва иссиқ овқатли идишни тагликка ёки иссиққа чидамли юзага қандай қўйишни кўрсатинг.

Болалардан биронтасининг қандайдир бир овқатга аллергияси бор-йўқлигини аниқланг, катта ёшли ёрдамчиларнинг ҳаммаси бу ҳақда билишларига ишонч ҳосил қилинг. Аллергияга чалинган болаларга кўнглига қараб бошқа бирон овқат таклиф этилиши лозим.

Озиқ-овқатлар билан ишлашдан олдин барча болаларнинг қўлларини ювишларини кўриб, ишонч ҳосил қилинг. Иш бажариладиган юзаларни ювинг ва дезинфекция қилинг.

Болалар овқат тайёрлаётган бутун вақт давомида уларинг катта ёшли киши томонидан ишончли назорат қилиб турилишини таъминланг.

Электр асбобларига нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлинг. Болаларнинг «иссиқ» нима эканлигини тушунишларига ва печлар, плиталар, электр кастрюллар ва товалар олдида ўзларини эҳтиёткорлик билан тутишларини ўз кўзингиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилинг. Болаларга иш пайтида электр асбоб атрофида тўпланиб олишга рухсат берманг.

Асбобларни электр тармоғига шундай улангки, симлар болаларнинг йўлида ётмасин ва улар симларга қоқилиб кетмасин.

Асбоблар ишламаган пайтида уларни тармоқдан узиб қўйинг.

Ошхонадаги идишларнинг шикастланган жойлари йўқлигига ўзингиз текшириб, ишонч ҳосил қилинг.

Болалар пичоқлар, арчқичлар, қирғичлар ва бошқа ўткир мосламалр билан ишлаётганларида ўтириб олишларини сўранг.

Тарбиячилар болаларнинг бирон ери кесилганда, қуйганда ёки бўвилганда биринчи ёрдам кўрсатиш ва тўғри ҳаракат қилишни билишлари лозим.



САҲНАЛАШТИРИШ

## ***XI боб. САҲНАЛАШТИРИШ***

Саҳна ўйини – ўз-ўзидан юзага келадиган ижодий фаоллик бўлиб, унинг давомида бола дунё ҳақидаги ва ўзи ҳақидаги билимларини синаб кўради ва кенгайтиради. Гарчи дунёнинг турли қисмларида ва турли маданиятларда болалар ўйинларининг муайян деталлари турлича бўлса ҳам, лекин уларнинг мавзулари ўхшашдир. Ўйин ўйнар эканлар, болалар ўзлари ҳаётда кўрган жойларни ва саҳналарни қайта яратадилар, оила аъзоларининг хатти–ҳаракатларига тақлид қиладилар, учратган турли кишиларнинг родини ўйнайдилар. Улар ўзларига тушунарли бўлган оламни ёки уларнинг онгига кўрқув ва ваҳима соладиган дунёни қайта яратадилар.

Жуда ёшлик чоғларидан бошлаб болалар ўзлари эшитган товушларга ва кўрган хатти-ҳаракатларга тақлид қиладилар. «Жўрттага» қилинган ҳаракатлардан завқ олганлари ҳолда болалар ўз ҳаракатлари ва овозлари билан янги вазиятга муносабат билдирадилар - қисқа қилиб айтганда, улар ўйнайдилар. Бу ўйин агар у қўллаб-қувватланса, саҳналаштиришга - санъат шаклига, фаолиятнинг ижтимоийлаштирувчи турига ва воқеликни ўзлаштириш усулигача ривожланиб боради.

Ижодий саҳналаштириш ва ўйин, хусусан кичкинтой болалар ўйини бошқалардан ажратиб қўйилиши ёки муайян жой ва вақт билан чеклаб қўйилиши мумкин эмас. Гуруҳда, уйда ва жамоат жойидаги ижодий саҳналаштириш ва ўйин боланинг ўзида масъулият ҳисси тарбиялашида, янги билимларни сингдириб олишида ёрдам беради, бу ҳол айниқса гуруҳда яққол кўзга ташланади.

Саҳналаштириш – энг шахсий, индивидуал ва интим усуллардан бири. Бироқ, ижодий саҳналаштириш тетр томошаси эмас. Унда ролларни ёдлайдиган, томошабинларга таъсир кўрсатиш учун аксессуарлардан ва костюмлардан фойдаланадиган ижрочилар йўқ. Ижодий саҳналаштиришда болалар ўзлари учун таниш вазиятлар ва мавзуларни тўсатдан, ўз-ўзидан кашф этадилар, ўйнайдилар ва талқин қиладилар. Масалан, мактабгача ёшдаги болалар кўпроқ болага қараш, автомобиль ҳайдаш, ҳайвонот боғига бориш сингари ўзлари ҳаётда дуч келган воқеалар билан боғлиқ реал ёки тасаввур қилинадиган ролларга асосланган вазиятларни ўйнайдилар. Саҳна ўйинида болалар ўз дунёларини яратадилар ва реал дунёни билиб оладилар. Бу тасаввур қилинадиган дунёда болалар реал ҳаётний муаммоларни ҳал этишга уринадилар. Улар ўз кечинмаларини такрорлайдилар, қайта ўйнайдилар ва жонлантирадилар. Шу тариқа, саҳна ўйини боланинг эгоцентрик жонзотдан бошқалар билан ўзаро ҳамкорлик қилишга қобил бўлган шахс даражасига ўсиб ривожланишига кўмак беради.

### ***Ривожланишга таъсир кўрсатиш***

Саҳна ўйинида болалар кўпинча кутилмаганда ўз зиммаларига бошқа бир кишининг родини ўйнашни оладилар (ўзларини худди ёнғинни ўчираётган ўт ўчирувчилар сингари тасаввур қиладилар), объектлардан уларнинг функцияларини алмаштирган ҳолда фойдаланадилар (конструктордан олинган кубик усулида ўтириб, юк машинасини кўча бўйлаб ҳайдаб бораётган киши родини ўйнайдилар) ва таниш вазиятларни (бозорга ёки дўконга озиқ-овқат учун бориш) ўз ўйинларида

тасвирлайдилар. Мактабгача ёшдаги бола учун бу —ҳиссий бойитилган ва идрок этилган тарзда ўрганиш учун идеал саҳнадир. Саҳна ўйини болани ҳар жиҳатдан ривожлантиради. Агар тарбиячи боланинг фаолиятини тўғри ташкил қилса, улар ўзларининг индивидуал қобилиятларига адекват равишда ҳар томонлама (ақлий ва ҳаракатли) тажриба орттирадилар.



Ижодий саҳналаштиришда мактабгача ёшдаги бола шундай ҳаракатларни амалга оширадики, улар:

- бешта ҳиссиётнинг ривожланишига кўмаклашади;
- фаол ва пасив нутқни ривожлантиради, болаларга кишиларнинг ўзаро муносабатларини тушунишда ва хулқ-атвор намуналарини ўзлаштиришда ёрдам беради;
- тасаввурларни бир-бирига боғлайди;
- ижодий фикрга ва муаммоларни ҳал этишга туртки беради;
- туйғулар ва ҳиссиётларни ифодалаш усулларини ривожлантиради;
- нозик ва умумий ҳаракатчанликни ривожлантиради.

Ўйнар эканлар, болалар ўз диққат-эътиборларини жамлашни ўрганадилар, тасаввурларини машқ қилдирадилар, янги гоёларни синаб кўрадилар, катталарнинг хулқ-атвор шаклларини тажриба қилиб кўрадилар ва ўзларини уларни ўраб турган дунёга таъсир кўрсатаётганликларини ҳис этадилар. Бундан ташқари ўз фикрлари, ҳис-туйғу ва кечинмалари ҳақида бошқаларни хабардор қилиш усулларини эгаллай бошлаганлари сари уларда гўзалликни, ритмликни ва атроф муҳитдаги уюшганликни идрок этиш ўсиб боради.

### **Ижтимоий ривожланиш**

Сюжетли-ролли ўйин деярли ҳамма вақт бир нечта болаларнинг иштирок этишини тақозо қилади ва шу сабабли у бола ижтимоий ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади. Ўйин кўп ҳолларда биргаликда режалаштириш ва кооперация элементларига эга бўлади: «Мен ойи бўламан, сен болам бўласан, бўптимми?» ёки «Келинлар дўконларга борамиз, Баҳодир ота бўлиши мумкин». Ўйин зиддиятларни ҳал қилиш амалиётини ҳам таъминлайди: «Мен пат қадалган шляпани олишни хоҳлайман. Сен унга тегма». Болалар баҳслашишлари, хафа бўлишлари мумкин, ammo улар бошқаларнинг манфаати билан ҳисоблашишга кўникадилар.

Айни пайтда улар тенгдошлари билан шуғулланиш ёқимли ва қизиқарли эканлигини тушуна бошлайдилар.

### **Ҳиссий ривожланиш**

Болалар ўйинга ҳаёт ҳақида ўзлари билган нарсаларни: ўз билимлари ва хатоларини, истаклари ва қўрқувлари, баъзан эса оғриқли хотираларини олиб кирадилар. Нутқ имкониятлари чекланган кичкинтойлар, кўп ҳолларда, ўйиндан ўз дунёларини идрок этиш воситаси сифатида фойдаланадилар.

Ўйин болаларнинг ижтимоий роллар ва ўзаро муносабатлар ҳақидаги тушунчаларини акс эттиради. Масалан, болалар оиланинг қандай яшаши, ким овқат

пишириши, ким кир ювиши, ким ишга бориши, ота-оналарнинг қандай сўзлашиши – осойишта муомала қилишлари ёки жанжаллашишлари, оила аъзоларининг бир-бирлари билан мулоқотлари уларга қувонч бахш этиш-этмаслигини ўз тажрибаларидан биладилар. Бундан ташқари болалар турли касбдаги кишилар, доктор ёки тиббиёт ҳамшираси, сотувчи ёки ўқитувчи ва бошқалар ҳақида ҳам бирмунча билимларга эга бўладилар. Болалар бу ролларни ўзлари уларни қандай тасаввур қилсалар шундай ўйнайдилар.

Болалар, шунингдек, ўзлари бошидан кечирган ёки эшитган воқеаларни ҳам ўйнашлари мумкин. Улар ўзларини қўрқитиб юборган бирон воқеани, масалан, ўзлари гувоҳ бўлган бахтсиз ҳодисани ўйинга кўчиришлари ва шу орқали овир руҳий кечинмалардан қутулишни енгиллаштиришлари мумкин. Улар, шунингдек, яна бир марта завқ ва лаззат олиш мақсадида қувончли, ёқимли бир воқеани ҳам ўйин сифатида такрорлашлари мумкин.

Ролли ўйинда болалар кийимларини алмаштиришлари ва ким бўлишни хоҳласалар ўша қиёфага киришлари мумкин. Бола ҳамма нарсага кучи етадиган ота ҳам ёки қўрқинч туйғусини уйғотадиган доктор ҳам бўлиши мумкин. Қўрқоқ бола кучли ва ботир ҳам бўла олади. Оиласида ука ёки сингил тувилган бола ўзи гўдак бўлиб ўйнаши мумкин. Болалар одамлар ва воқеаларни фақат улар аслида қандай бўлса ёки қандай бўлиб кўринса шундай тасвирламайдилар, балки баъзан ўзлари уларни қандай бўлишини истасалар шундай тасвирлайдилар. Бу билан улар ўзларининг истаклари, фрустрациялари ва қўрқувларини ифода этадилар. Ўйин болага у ҳали сўз билан тасвирлаб бера олмайдиган салбий туйғуларни ифода этиш имконини беради. Ўйинда болалар ҳаётий тажрибани ўйнайдилар, бунда улар роллар ва воқеаларни ўзларининг бахтли эмоционал ҳолатларини сақлашга бўлган интилишларига мувофиқ равишда танлайдилар ва ташкил этадилар. Ўйин туфайли болаларда ўзларининг кучли ва заиф томонларини, майллари ва антипатияларини, етакчилик қилиш, ишонтириш ёки бўйсунуш қобилиятларини тушуниш даражаси ортади. Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзини англашнинг ривожланишига хизмат қилади.

### **Интеллектуал ривожланиш**

Саҳна ўйини жараёнида болалар бир ҳодисани бошқаси билан боғлашни, хулқ-атвор намуналарининг моҳиятига кириб бориш ва ахборотни ташкил этишни ўрганган ҳолда ўзларининг когнитив кўникмаларини ривожлантирадилар. Улар ғояларни синаб кўрадилар, синаб кўриш, хатоларга йўл қўйиш орқали ўрганадилар. Улар режалар тузадилар ва амалга оширадилар, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ҳақидаги тасаввурларини шакллантирадилар. Болалар одамлар ва воқеаларни ўз тасаввурларида тиклаш учун хотирадан фойдаланадилар. Ўйинда болалар материаллар ва ўйинчоқлардан мутлақо янги усулларда фойдаланган ҳолда ижод қиладилар. Шу тариқа, драматик ўйин ақлий ривожланишни фақат ижодий ҳодисаларнинг намоён бўлишини қўллаб-қувватлаш орқалигина эмас, балки тафаккур ва мулоқотда асосий роль ўйновчи нутқ кўникмаларининг жалб этилиши туфайли ҳам рағбатлантиради.

## **Мақтабгача таълим муассасаси дастурида саҳналаштиришнинг роли**

Ўйин фақат абстракт фикрлашни шакллантириш воситаси эмас, балки ўқув дастурига киритилган предметлар соҳасидаги билимларни кенгайтириш омили ҳамдир.

### **Ижтимоий тасаввурларнинг ривожланиши**

Болалар одамлар ва уларнинг роллари ҳамда хулқ-атворлари тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтирадилар. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий кўникмаларнинг ривожланиши билан биргаликда ўйиннинг бола ҳаёти ва тарбиясига қўшадиган муҳим ҳиссасини ташкил этади.

### **Математик тасаввурларнинг ривожланиши**

Ўйин болага математикага оид илк тушунчалар билан танишиш имконини беради. Ўйин марказида бола материаллар ва буюмларнинг турли гуруҳлари ва гуруҳчалари билан тўқнашадилар. Коса ва чой идишлари ошхона асбобларининг бир турига, кўзалар ва костюллар бошқа бир турига киради.

Бу каби нарсаларни таснифлаш муҳим мантиқий тушунча ҳисобланади. Бола олмалар ва стулларни қўшиш ва айиришни бошлашдан олдин кўплик ёки синфнинг нималигини тушуниб олиши лозим.

Болалар ўзларининг тасаввурларидаги кечки овқат учун стол тузатар эканлар, ўзаро бир хил мувофиқлик тушунчаси билан танишишлари мумкин. Ҳар бир одам битта стулга, битта тарелка, вилка, пичоқ ва қошиққа эга бўлишини таъминлашга уринар экан, бола одамлар сонига нисбатан “етарли”, “жуда кам”, “кўпроқ” ва “худди шунча” сингари сўзларни тушуна бошлайди. Ўйинда ҳам болалар “кўпроқ”, “камроқ”, “кенгроқ”, “торроқ”, “овирроқ”, “енгилроқ” сингари тушунчалардан фойдаланадилар. Қарсак чалиш, ашула айтиш ва маршда юриш — буларнинг барчаси санашни, кетма-кетликни ва такрорланувчи бирикмаларни ўрганишда болалар учун фойдали бўлган ҳаракатларнинг улар томонидан ўзлаштириб олинишига имконият яратади.

### **Илмий тушунчаларнинг ривожланиши**

Ўйин илмий характердаги тушунчалар ва усулларнинг ривожланишига ҳам кўмаклашади. Болалар тажриба қилиб кўришлари (агар... нима бўлади?), текшириб кўришлари (мен бунга яна бир марта қилсам бу юз берадими?) мумкин. Болалар нарсаларни уларнинг ўхшашлиги ва фарқлари нуқтаи назаридан таққослаб кузатиш орқали (илмий методлардан бири) ўрганадилар. Улар саволлар қўядилар ва вазиятни умумлаштирадилар. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси кейинчалик улар фан билан шуғулланган вақтда болаларга ёрдам беради.

### **Ўқишга тайёргарлик**

Сўз бойлигини кўпайтириш ва тушунчаларни ривожлантириш ўқиш ва тушунишнинг муваффақиятли боришининг муҳим шартидир. Ўйин давомида болалар бир-бирлари билан мулоқот қилар эканлар, фикр алмашиш учун ўз она тилларидан



фойдаланадилар ва бунда ўзларининг луғат бойлигидан фойдаланиш малакаларини оширадилар. Материаллар ва предметларни уларнинг ўхшашликлари ва фарқларига мувофиқ равишда тартибга келтириш кузатиш қобилиятини ўтқирлаштиради. Ўхшашлик ва фарқларни аниқ ўқиш пайтида ҳарфлар ва сўзларни таниб олиш учун ҳам жуда муҳим.

Қандайдир мавзунини ўйнаш болаларни ўз тасаввурларини ташкил этишга мажбур қилади. Кейинчалик бу усуллар болаларнинг воқеалар мантиқий изчиллигини ҳисобга олиш лозим бўлган матнларни тушунишларини енгиллаштиради. Ўйинда фойдаланиладиган ўйинчоқ телефонлар болаларнинг алифбони ўзлаштиришларига кўмаклашади. Ўзига хос ва расмли ёрликларга эга бўлган бўш консерва банкалари ва қутилари болаларга сўз билан унга мувофиқ бўлган нарса ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўришда ёрдам беради.

### ***Ўйинларнинг фаоллик марказлари билан алоқаси***

Саҳна ўйинини фақат саҳналаштириш марказида бўлиши шарт эмас: у бошқа марказларда ҳам бўлиб ўтиши мумкин.

Адабиёт марказида ижодий саҳналаштириш ва ўйинлар учун кўплаб имкониятлар мавжуд. У ерда жойлашган китоблар, расмлар, кўшиқлар, ўйинчоқ ҳайвонлардан сюжетли ролли ўйинларда фойдаланса бўлади.

Муסיқа маркази кўшиқлар, муסיқа асбоблари, ёзиб олинган кўшиқлар, зарбли мосламалар ёрдамида ўйинлар уюштиришга рағбатлантиради.

Қурилиш марказида ўйинга қурилиш материаллари туртки беради. Бир-бирининг устига оддийгина қалаштириб қўйилган кубиклар ўт ўчириш машинаси, минора ёки қаср бўлиши мумкин. Картон қутилар ёки эски чойшаб яшириниш жойига ёки фортга (қалъага) айланиши мумкин. Ушбу марказдаги материаллардан ўйинларни ташкил этишда бемалол фойдаланса бўлади, ўйин тугагандан сўнг уларни жойига қўйиб қўйиш мумкин.

Ўйинни безатиш зарурати туғилганда санъат марказига мурожаат этса бўлади. Ушбу марказда ўйинчоқ қаср учун бўёқ, шляпалар ясаш учун қоғоз, ясама мўйловлар қирқиш учун картон ва цирк дорбозлари учун чилвир олиш мумкин.

### ***Саҳналаштириш марказини ташкил этиш***

Хонани болаларни сюжетли-ролли ўйинларга ундовчи ярим очиқ муомала ҳудуди ҳосил бўладиган, тарбиячиларга уларни хонанинг исталган қисмидан кузатиш имконини берадиган ҳамда болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига ўйиннинг ўзгариб турувчи сюжетларига мослаштириш учун етарли имкониятларга эга бўлган тарзда ташкил этишнинг бир қатор усуллари мавжуд.

Саҳналаштириш маркази, одатда, хона бурчагида жойлаштирилади. Шундай қилинганда уни интенсив ҳаракат йўлларида ва ўйинда иштирок этмаётган болаларнинг чалғитувчи таъсиридан узоқда бўлишини таъминлаш осон кечади. Қурилиш билан шуғулланиш ролли ўйинларга ижобий таъсир кўрсатади ва одатда, бу

зоналар ўртасида анча яхши самара бериши мумкин бўлган ўзаро таъсир юзага келади. Шундай қилиб, бу икки соҳани бир-бирига яқин жойлаштириш керак, ammo уларни бирлаштирмаслик лозим.

Сюжетли-ролли ўйинларнинг ҳудуди аниқ белгиланиши ва ўйинда иштирок этмайдиган болаларнинг бу зонага киришига ва ўйинни бузишларига йўл қўймайдиган чегараларга эга бўлиши зарур. Чегаралар ўйновчиларда муомалалилик туйғусини уйғотиши, айти пайтда бошқа болалар истаган маҳалда қўшила олишлари учун етарли даражада очиқ бўлиши керак. Чегараларни хона деворлари, мебель, токчалар ва бошқа предметлар ёрдамида ҳосил қилиш мумкин. Мебел ва токчалар катталар болаларни тузата оладиган ва зарур бўлганда уларга ёрдам кўрсатишга имкон берадиган даражада паст бўлиши лозим.

Тарбиячилар ўйиннинг бир жойдан иккинчи жойга қўчирилишини ҳам қўллаб-қувватлашлари лозим. Ўйин кўпинча уй бурчагида кийимни алмаштириб олишдан бошланади ва пляж ташкил этиладиган жойга, яъни қум марказига қараб силжийди. Болалар ролга кўникиб қолганлари заҳоти кўп ҳолларда, бирданига улар учун қандайдир қўшимча жойлар зарурлигини тушуниб қоладилар: улар кутубхона марказидаги “мактаб” га боришлари ёки манипулятив ўйинлар марказидаги дўконга киришлари мумкин.

## *Материаллар*

### **Асосий материаллар**

Асосий мебель тўплами ўйинчоқ печка, қўл ювадиган раковина, совутгич, ёзув столи, токчалар, ўйинда кийиладиган кийимлар ва қўғирчоқларнинг либослари учун илгичлар, бола ҳам сиғадиган анча катта қўғирчоқлар кроватини ўз ичига олиши лозим. Бундан ташқари болалар ликопчалар, кастрюль, пичоқлар ва ўйинчоқ озиқ-овқат маҳсулотларини (бўш банкалар ва қутилар) сақлаш учун токчага, стол, тўртта стул ва одам бўйи келадиган синмайдиган ойнага эга бўлишлари зарур.



Саҳналаштириш марказида бир нечта қўғирчоқ, шу жумладан, жисмоний камчиликка эга болани тасвирловчи қўғирчоқ ҳам бўлиши лозим. Иккита телефон бўлса яхши бўлади. Агар соат ҳам бўлса (унинг ишлаши шарт эмас) яна ҳам яхши. Қўлда ушлаб кўрадиган кичик ойна, қўғирчоқларни чўмилтириш ва кийимларини ювиш учун ванна бўлиши ҳам мақбулдир.

### **Бола учун ўйин кийимлари**

Ҳар бир саҳналаштириш марказида бола учун ўйин кийимлари: аёллар ва эркаклар шляпалари, пиджаклар ва галстуклар, кўйлақлар ва юбкалар, фартуклар (болаларнинг бўйига мослаб қирқилган), шарфлар, ҳамёнлар, эркаклар ва аёллар пойафзали, ён дафтарчалари, калитлар, жомадонлар ва ўйин учун яроқли бошқа нарсалар бўлиши лозим. Шунингдек, мазкур тўпланда қўғирчоқлар кийими, гўдакларнинг алмаштириладиган ич кийимлари, матрас ва қўғирчоқлар кровати учун одеяло бўлиши зарур.

### **Ошхона ва емакхона асбоблари**

Ошхона ҳам тасвирланиши лозим бўлган ўйинларда кастрюллар ва унча катта бўлмаган товоқлар бўлиши керак. Бундан ташқари ўйинчоқ ликопчалар, косачалар, қошиқчалар ва пичоқчалар бўлиши зарур.

Шунингдек, чойнак ёки қаҳва қайнатгич, ёғоч қошиқлар, чўмич, элак, галвир, тухум кўпиртиргич, ўлчов косалари, маҳсулотларни аралаштириш учун банка, жува бўлгани маъқул. Шунингдек, болаларнинг ихтиёрида ўткир учли, қирралари бўлмаган, маҳсулотнинг номи ёзилган ёки тегишли тасвирлари туширилган (масалан, ловиялар, нўхат, шафтоли) оригинал ёки қўлда ёзилган ёрлиқларга эга бўш консерва банкалари ҳамда гуруч, ёнғоқ ва бошқа қуруқ маҳсулотларнинг қутилари бўлиши лозим.

### **Тозалаш ва ювиш асбоблари**

Болалар супиргиси, ахлат кураги, чўтка, челак ва швабра — ушбу марказ учун фойдали буюмлардир. Уларга ювиш воситаларидан бўшаган шишалар ва қутилари ҳам қўйиш мумкин. Буларнинг ҳаммасида ҳақиқий ёки тарбиячи томонидан қилинган ёрлиқлар ва ёпиштирилган қоғозлар бўлиши мақбулдир.

### **Материалларни танлаш**

Ижодий саҳна ўйинини ташкил этишдаги муҳим ишлардан бири янги материалларнинг аста-секинлик билан киритилиб боришидир. Болалар ўйинни бошлашлари учун мавжуд тўплам тўлиқ бўлиши шарт эмас. Ўйин марказида фойдаланиш учун мос бўлган предметларни танлаш — бу ота-оналар, жамоатчилик ва маҳаллий бизнесмен ва тадбиркорлар жалб қилиниши лозим бўлган узлуксиз жараён.

Фаолиятнинг кўп турлари учун зарур материаллар гуруҳда бўлиши зарур ва “Ёрдамга!” деган шошилинч чақириқ ушбу тўпламни болаларнинг эҳтиёжлари билан мувофиқ равишда тўлдириш масаласини осонлик билан ҳал этади.

Қўйда саҳналаштириш маркази учун фойдали бўлган материалларнинг қисқароқ рўйхати берилмоқда:

эски гудок	қўлқоплар
эски штурвал	елим
эски телефон	шляпалар
мўйна	муסיқа асбоблари
қўғирчоқлар	ошхона асбоблари
кубиклар	шеърлар
оёқ кийими	костюллар ва товалар

### **ҳайвонларнинг ёзиб олинган овозлари**

шарфлар	ниқоблар
оёқ кийими қутилари	дўмбалоқ ошиш учун тўшаклар
оёқ кийими	эски бижуетерия
тайёрлаш учун пайпоқлар	қовоз сумка
тугмалар	қовоз тарелклар

елкага ташланадиган енгсиз кийимлар	қоғоз сочиқлар
картон	ҳайвонлар тасвирланган расмлар
картон қутилар	труба тозалагичлар
рангли қоғоз	қўғирчоқлар
тожлар	таёқчалар
қўғирчоқлар	буюмлар сақланадиган қутилар
кийим	эртак китоблар
барабанлар	похол
воронкалар	ип
оддий ва ҳимоя қўз ойнаклари	асбоблар
катта ойна	сув қуйиш учун шланг
катта ғовак блоклар	ясама сочлар (париклар)
макияж воситалари	ўрама қоғоз
	калава ип

Ҳайвонлар ролини ўйнаш учун керак нарсалар (думлар, қулоқлар, бурунлар). Ёзиб олинган қўшиқлар (яққол ифодаланган ритмга эга бўлган).

### ***Тарбиячиларнинг роли***

Тарбиячи гуруҳдаги драматик ўйиннинг табиати ва интенсивлигини белгилашда асосий ролни ўйнайди. Айни у қулай вақт ва жойни ажратган ҳаракатлар саҳнасини болаларнинг тасаввурига туртки берадиган тарзда уюштирган ҳолда ўйин шароитларини ташкил этади. Айнан тарбиячи боланинг ривожланиши учун энг юқори имкониятларни яратган ҳолда, материалларни танлайди ва уюштиради. Болалар ўз ҳис-туйғуларини ифодалашда ўзларини эркин сезишлари ҳам тарбиячининг ўзини қандай тутишига боғлиқ. Тарбиячи ўйинни кузатар ва унга раҳбарлик қилар экан, уни бойитиб бориши мумкин.

### **Кузатиш**

Ўйнаш ёки ўйнамасликни болаларнинг ўзлари ҳал қилишлари ва мавзулар ҳамда ролларни ҳам мустақил танлашлари (ушбу марказни танлаган бошқа болалар билан бирга) лозим. Уларнинг ўйини баъзан катталар нуқтаи назаридан изчил йўлдан боради, баъзи вақтларга эса олдинга силжийди ва олдиндан айтиб бўлмайдиган йўналишда ривожланади.

Кўп ҳолларда тарбиячиларнинг ўйин марказларидан ташқарида қолганлари маъқулроқ бўлади. Лекин улар болаларнинг хулқ-атвори, юз ифодаларини кузатган, уларнинг овозларидаги оҳангларга қулоқ солган ҳолда у ерда нима бўлаётганини кўриш ва эшитишга имкон берувчи яқин жойда туришлари керак. Педагогик жамоа, энг аввало, қандай материаллар ўйинни бойитиши мумкинлигини, болаларнинг ривожланишга бўлган эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаш учун фаолиятнинг қайси турларини режалаштириш лозимлигини ҳал қиладиган таркибий тузилмадир.

Тарбиячилар, агар гап жисмоний ёки ҳиссий хавфсизлик ҳақида бормаётган бўлса, ўйинга аралашмасликка ва уни бошқармасликка ҳаракат қилишлари лозим,

чунки бу воқеаларнинг эркин намоён бўлишига халақит беради ва ўйинни тасодифийликдан маҳрум қилади. Улар яна шунини ҳам билишлари лозимки, баъзан айрим ролнинг сохта талқин қилинишининг намоён бўлиши болалар яхши англаб турган жўшқин тасаввур натижаси бўлиши ҳам мумкин.

### **Муаммоли вазиятларнинг бартараф этилиши**

Агр болалар кун бўйи битта мавзунинг айнан ўзини ўйнайверсалар, у ҳолда тарбиячи нима қилиши лозим? Бу саволга ҳаётнинг ҳамма ҳодисалари учун мос келадиган жавоб мавжуд эмас. Тарбиячи ўйиннинг конструктив эканлиги ёки бундай эмаслигини тўғри ҳал қилиш учун болаларни яхши билиш лозим. Бир мавзудаги ўйинни такрорлаш ўйин ҳудуди турғунлик хусусиятларини касб этганлиги ва энди болаларнинг тасаввурига туртки бера олмаётганлигининг асорати бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда тарбиячилар болаларни ўраб турган атроф-муҳитни янги воқаларга туртки бера оладиган қилиб ўзгартирган ҳолда, унга янги рағбатлантирувчи элементларни киритишлари лозим. Такрорланаётган ўйин боланинг тажрибаси энди иш бермай қўйганлигини, уни кенгайтириш ва бойитиш учун янги қадамлар қўйиш зарурлигини кўрсатувчи «огоҳлантирувчи белги» бўлиши ҳам мумкин. Битта ва айнан ўша мавзунинг ҳадеб ўйналиши бошқа бир нарсадан ҳам дарак бериши мумкин. Масалан, болани у илгари тўқнашган руҳий жароҳат етказувчи қандай вазият ёки ўз ечимини топмаётган қандайдир муаммолар безовта қилётган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда ўйинни қайтариб ўйнаш ўзига хос «даволаш» таъсирини кўрсатади ва руҳий жиҳатдан жуда муҳимдир. Бунга ўхшаш жиҳатларда тарбиячилар ўзларининг профессионал психотерапевтлар эмасликларини ёдда тутишлари зарур. Ва гарчи улар болаларнинг ҳиссий эҳтиёжларини тушунишга доимий равишда уринсалар-да, мактабгача таълим муассасаси психотерапия ўтказиладиган жой эмас.

Ўйин тўполонга хос хусусиятлар касб этган пайтда тарбиячилар нима қилишлари керак? Баъзан бунга ўйин марказида материалларнинг ҳаддан ташқари кўпчилиги ёки уларнинг тартибсизлиги сабаб бўлади. Материалларнинг сероблиги ўта кучли туртки берувчи ва ташкилий жиҳатдан бузувчи таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолда тарбиячи материалларнинг бир қисмини сездирмай йиғиштириб олиши, уларни қайта ташкил этиши ёки илгари турган жойларига қўйиб қўйишлари лозим. Атрофдаги жиҳозлар ва вазиятни тартибга солиш баъзан ўйиндаги тартибни тиклаш учун етарли бўлади.

Бола қўрқаётган ва ўйнаётган болаларга қўшилишга уялаётган бўлса унга қайдай ёрдам бериши мумкин? Бундай ҳолатда аралашини ва боланинг ўйнаётганлар сафига қўшилишига ёрдам бериш фойдалидир (масалан, эшикни таққиллатиши ва “сизларга Марям хола меҳмонга келди“ ёки “акангиз Тўлқин қишлоқдан келди“ сингари бирон гапни айтиш). Бироқ тарбиячининг аралашуви жуда узоққа чўзилмаслиги керак ва у ўз мақсадига эришгандан сўнг вазиятдан чиқиши лозим.

Агар болалар бирон нарсани синдирсалар ёки гердайиб кетсалар, тарбиячи шубҳасиз, аралашини ва уларни тўхтатиши зарур. Бироқ, шунини эсда тутиш лозимки, бундай хулқ-атворнинг ўз сабаблари бўлади ва уни тарбиячи (боланинг ўзи ҳам) тушунмаслиги мумкин. Тарбиячилар болаларни ва уларни ўраб турувчи предметларни муҳофаза қилувчи чегараларни белгилашлари лозим. Улар деструктив болаларни

уларнинг ўзларидан, ўз-ўзини назорат қила олмасликдан ва пировардида улар ҳис этишлари мумкин бўлган айбдорлик туйғусини ҳис этишдан ҳимоя қилишлари лозим. Бунда болаларни “ёмон” деб атамаслик ва улардан юз ўгирмаслик жуда муҳим. Бундай хулқ-атворнинг жуда кўп сабаблари мавжуд. Тарбияси оғир болаларни қабул қилиш, уларнинг ҳис-туйғуларига сезгирлик билан муносабатда бўлиш, аммо шу билан бир пайтда деструктив ҳолатларни жиловлаб туриши зарур. Тарбиячи қатъий ва вазмин, боланинг эҳтиёжларига нисбатан сезгир бўлиши ва уни ижобий натижаларни таъминловчи фаоллик турларида ўзларинида ушлаб туриши лозим (масалан: «Сен лойи муштлашинг мумкин, аммо бошқа болаларни урма» ёки «Сен миҳни дастгоҳга қоқишинг мумкин, аммо уни стулларга қоқиш керак эмас”).

### ***Олга силжизишни қайд этиш***

Тарбиячининг йил давомида қайд этиб борган ёзувлари ўйин жараёни натижасида боланинг билим орттиришида, тилдан фойдаланишида, ўзига бўлган ишончда, жамоавий ўйин вақтида ўз хулқ-атворини назорат қилишда олга силжиганини кўрсатиб туриши керак. Кузатишлар қўйидаги жиҳатларга қаратилиши лозим:

- кимнингдир ролига кириш;
- ўйин алмашишлардан фойдаланиш;
- объектни, вазиятни ёки ҳолатни белгилашда ишоралар, товушлар ва сўзлардан фойдаланиш;
- ўйинга бошқаларни жалб қилиш;
- ролли ўйин жараёнидаги мулоқот.

### ***Ўйинни қандай қўллаб-қувватлаш лозим***

Болаларнинг ўйинларига дахлдор болалар китобларидан турлича фойдаланиш мумкин. Агар болалар қандайдир мавзуга қизиқиш билан қарасалар, китоб ушбу қизиқишини қондириш ва болаларга мамнуният бахш этиши мумкин. Агар қизиқишининг сабаби шу мавзу билан боғлиқ хавотирланиш ва қандайдир кўрқувлар бўладиган бўлса (масалан, боланинг шифокор қабулида бўлишининг ёки ота-оналардан бирининг касалхонага ётқизилишининг натижаси сифатида), китоб болага уни ҳиссий жароҳатловчи вазиятни яхшироқ тушуниш ва безовталиқни муайян даражада камайтиришда ёрдам беради. Агар ўйин қандайдир англашилмовчиликдан далолат берса, китоб болага уни аниқ изоҳлаб берувчи ахборотни бера олади. Бундан ташқари, китоблар янги кечинмалар манбаи бўлиб хизмат қиладилар, бундай кечинмалар эса фантазияга ва ўйинга рағбатлантиради.

Жамоат муассасаларига экскурсиялар, агар улар узоқ давом этмаса, ўйинни фаоллаштиради, билимларни бойитади, боланинг дунё ҳақидаги тушунчалари ва тасаввурларининг ривожланишига туртки беради. Булар дўконга, маҳаллий нон заводига боришдан иборат бўлиши мумкин, бунда болалар нон қандай пиширилишини, ўт ўчирувчилар станциясини ёки милиция участкасини, тиш шифокори кабинетини, шифокор қабулхонаси ёки шифохонани ўз кўзлари билан кўрадилар.

Ўйинни кўриш учун келган катта ёшли кишилардан қўшимча ахборот манбаси сифатида фойдаланиш ёки уларни қандайдир махсус мақсадларда таклиф этиш

мумкин. У киши шифокор ҳам, виолончелист ҳам, қоровул ҳам, нонвой ҳам бўлиши мумкин: болада ҳамма касбларнинг вакиллари бирдек қизиқиш уйғотади. Агар улар ўз касблари ҳақида сўзлаб берсалар ва у билан боғлиқ предметларни, меҳнат қуроолларини кўрсатсалар, болалар, албатта, унга қизиқиб қоладилар. Ота-оналарнинг, улар ва тарбиячилар дўстларининг гуруҳга таширф буюриши болаларга ифтихор туйғуларини бахш этади ва уларнинг билимларини бойитади. Бу эса ўз навбатида уларни ўйинга рағбатлантиради.

Ўйинга ёрдам бериш учун хонада болалар ўйин учун танлайдиган сюжетларнинг турли жиҳатларини аке эттирувчи расмларни осиб қўйиш мумкин. Бу расмлардан муҳокама предмети сифатида фойдаланиш ва бу билан болаларда тушунчаларнинг ривожланишига кўмаклашиш мумкин. Экскурсиядан кейин ўтказилган муҳокама турли соҳага оид билимларни уйғунлаштиришга ёрдам беради, тасаввурлардаги бўшлиқни тўлдиришга, бошдан ўтган кечинмаларни яна бир марта ҳис этишга кўмаклашади. Бундай муҳокамаларни гуруҳга катта ёшли меҳмонлар келишидан олдин ва улар кетгандан кейин ўтказишда ҳам маъно бор.

Қандайдир бир воқеалар ёки болаларда пайдо болган у ёки бу ташвишлар ва қизиқишлар билан боғлиқ суҳбат ўтказиш ҳам жуда муҳимдир. Суҳбат учун боланинг савол бериши ёки унинг бирон нарсани тушуна олмаётганлигини кўрсатувчи вазият сабаб бўла олади.

## ***Фаолият турлари ва лойиҳалар***

### **Ритмли ўйинлар**

Ритмли ўйин асосий ҳаракатлар билан ижодий ўз-ўзини намоён этишнинг бирга қўшилишидан иборат. Уни мусиқа ва рақсдан ажратиб олиб бўлмайди.

Ритмли ўйинларнинг биринчи босқичи мусиқа садолари остида сакраш ёки тебранишдир. Кейинги ҳаракат кўникмаларининг ривожланиши ана шундан бошланади. Мактабгача ёшда ритмика билан шуғулланишни болаларнинг моторика ва ўз туйғулари ва ҳисларини ифодалашни назорат қила олишларини ривожлантиришга қаратиш лозим. Шунда болаларда вақт ўтиши билан ўз-ўзига ишонч ва ритми осойишта қабул қилиш кўникмаси шаклланади.

Ритмика бўйича машғулотларнинг дастлабки босқичларида улар чапак чалиш, марш билан юриш, мусиқа тактига мос равишда сакраш, югуриш ва тебраниш сингари асосий ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкин.

Чапак чалиш

### ***Биринчи машғулот: такт бўйича чапак чалиш***

· Болаларни катта гуруҳга тўпланг (болалар полда ўтиришлари ёки давра бўлиб туришлари мумкин).

· Ритмли таққиллатиш ва овоз чиқариб санаш ёрдамида оддий тактни белгиланг: “бир-икки”.

· Болаларни иккинчи тактга қарсак чалишга ўргатинг.

- Болалар билан машқ қилинг: аввал улар ўтирган пайтда, сўнгра улар давра бўйлаб юрганда.
- Болалардан бирига мустақил равишда ритм беришни топширинг, қолганлар бу пайтда ана шу ритмга эргашадилар.
- Шундан сўнг болалар тарбиячига эргашиб янада мураккаб ритмларни чиқаришлари мумкин.

***Иккинчи машғулот: мусиқа остида чапак чалиш***

- Болаларга ритмли мусиқа ёзувини эшиттиринг.
- Тактга мос чапак чалишни бошланг.
- Болаларга қўшилишни таклиф қилинг.
- Турли мусиқа ёзувларини эшиттиринг, болалар мустақил равишда ритмни топсинлар (тарбиячи болаларга далда бериши, саволлар бериши ва ритмни қандай топишни ўзи кўрсатиб бериши мумкин).

***Учинчи машғулот: шеър ритми остида чапак чалиш***

- Болаларга таниш, кучли ритм ва такрорланувчи сўзларга эга бўлган шеърни ўқиб беринг.
- Болаларга такрорланувчи сўзларни чапак билан алмаштириш ёки шеър ритмига мослаб чапак чалишни ўргатинг.
- Болаларга такрорланувчи сўзлар ўрнига чапак чалиб кўришига имкон беринг.

**Марш билан юриш**

Гуруҳда ҳар кун “маршлар”, “парадлар” ва “юриш”лар ўтказилиши зарур. Бундай маршлар мактабгача ёшдаги болалар учун ажойиб жисмоний машқдир. Улар моторли мувофиқлаштиришни ривожлантиришга ва болаларнинг ўз ҳиссиётларини ифода этишларига имкон беради. Маршни хонада ҳам, очиқ майдонда ҳам ўтказиш мумкин. Маршлар бир машғулотдан иккинчисига ўтишни ташкил қилишида фойдали восита бўла олади.

Маршларни ритмли мусиқа остида ёки таёқчалар билан барабанда такт урган ҳолда ёхуд қўлда ясалган мусиқа асбоблари ёрдамида ўтказиш мумкин.

**Маршларнинг турлари**

- Оёқ билан марш, оёқни баланд/паст кўтариб марш қилиш.
- Чапга/ўнгга бурилган ҳолда марш қилиш.
- Олдинга қараб айланиб бурилган ҳолда ва орқага марш қилиш.
- Юриш пайтида чапак чалган, оёқларни ерга урган ёки қичқирган ҳолда марш қилиш.
- Қўл ва оёқларнинг параллель ёки галма-гал ҳаракати билан марш қилиш.
- Айлана бўйлаб, бир қаторда ёки колоннада марш қилиш.
- Тик туриб ёки чўнқайиб (масалан, тўсиқлардан ўтишда) марш қилиш.



### Сакраб юриш/югуриш

Кичик ёшдаги болаларни сакраш ва югуришга ўргатиши шарт эмас. Бу кўникмалар улар ривожланиб борган сари табиий равишда пайдо бўлади. Болалар атайлаб ҳайвон ролига кирадилар ва сакраб юрадилар ҳамда югурадилар. Ҳаракатнинг ушбу икки туридан тарбиячилар драматик саҳналарда ва ўйинларда фойдаланишлари мумкин. Буни эркин ва табиий равишда қилиши лозим.

Ҳаракатларнинг кўпроқ эркинлигини таъминлаш ҳамда хавфсизлик мақсадларида сакраш ва югуришни ўз ичига олувчи машғулотларни очиқ майдончаларда ўтказган маъқулроқдир.

### Тебраниш

Жуда кичик ёшдаги болаларга ритмли мусиқа остида, барабан овози, таниш шеърнинг ўқилишидаги тактга, баъзан эса атрофда юз бераётган воқеалар тактига мос равишда (масалан, болаларнинг шамол катта дарахтларнинг барглари учираётганлигини кузатиш пайтидаги хулқ-атворида эътибор беринг) тебранишни ёқтирадилар.

Бу ёш гуруҳидаги болаларнинг бутун таналари: қўллари, боши, елкалари, оёқлари ва оёқ таглари билан қиладиган ритмли ҳаракатларини ҳар қандай йўл билан рағбатлантириш лозим.

Бармоқлардаги қўғирчоқлар ва бошқа қўғирчоқлар билан ўйинлар.

Болалар бармоқлардаги қўғирчоқларни ўйнашидек оддий ўйиндан катта завқ олишлари ва у уларнинг ўз-ўзини ижодий намоён қилиш учун манба бўлиши мумкин. Бу ўйинни саҳна ўйини деб ҳисобламаслик керак, у сизнинг бармоқларингиздаги қўғирчоқ билан боғлиқ овозлар, ҳаракатлар, диалоглардан фойдаланиб бажариладиган оддий “томоша” холос. Болалар ўзлари яхши кўрган эртақ ёки қўшиқни ўйин сифатида ижро этиш мақсадида бармоқлар учун қўғирчоқлар яшашлари мумкин. Шунингдек, болалар улардан ўзларининг “жўрттага” ўйнайдиган ўйинлари ёки сюжетларини ўзлари ўйлаб топадиган ўйинларида ҳам фойдаланишлари мумкин.

### Бармоқлар учун қўғирчоқлар яшаш

**Материаллар:** аппликациялар учун қоғоз, қайчилар, фломастер ва елим

Яшаш усули:

1. Қоғоздан ҳайвоннинг ёки одам бошининг шаклини қирқинг. Елка даражасида ҳар томондан бўлақлар қолдиринг.

2. Фломастер билан барча зарур деталарни чизинг.

3. Ён томондан қолдирилган қоғоз бўлақларини халқа шаклида елимланг, халқа бармоғингиз учига лойиқ бўлсин.

4. Қўғирчоқни бармоғингизга суқинг, сўнгра бармоғингизни қўғирчоқнинг салом бериши ёки сизнинг хоҳишингиз бўйича бошқа “ҳаракат”ларини бажариши учун имкон берадиган тарзда қимирлатинг.

### **Гуруҳда марионеткалар билан ишлашга оид айрим маслаҳатлар:**

- Гуруҳда марионеткалар маркази яратинг. Унда марионеткалар тайёрлаш учун материаллар солинган қути ва тайёр қўғирчоқларни сақлаш учун жой бўлсин.
- Болаларга ўзларининг қўғирчоқларини ясашни таклиф қилишдан олдин уларнинг тайёр қўғирчоқлар билан ўйнашларига имкон беринг.
- Болалар уларнинг қўғирчоқлари қандай “ҳаракат қилаётгани”, “сўзлаётгани”, “имо-ишоралар” қилаётганини кўра олишлари учун гуруҳга ойна олиб келинг.

### **Одимловчи қўғирчоқлар**

Материаллар: аппликациялар учун қоғоз, қайчи, фломастерлар ва елим ясаш усули:

1. Аппликация учун қоғоздан ўзингизга керак бўлган персонажнинг боши ёки гавда шаклини қирқинг. Икки томондан сон тўғрисида қоғоз бўлаклари қолдиринг (мисол, қуйига қаранг).
2. Фломастер билан барча зарур деталларни чизинг, фигурани бўянг.
3. Ён томондан қолдирилган бўлакларни кўрсаткич ва ўрта бармоқларингиз учига лойиқ келадиган халқа ҳосил бўладиган тарзда елимлаб ёпиштиринг. Шу тариқа боланинг бармоқлари қўғирчоқнинг “оёқлари” бўлади ва қўғирчоқ “худди ҳақиқийдек” юриш, югуриш рақс тушиши мумкин ва ҳоказо.

### **Марионетка (қўлда ясалган қўғирчоқ)лар**

Марионетка (қўлда ясалган қўғирчоқ)лар гуруҳ ишини жонлантиради. Улар ижод, тахайюл ва ўз-ўзини намоён қилиш учун имконият яратади. Марионетка (қўлда ясалган қўғирчоқ)лар, шунингдек, дарс беришнинг ҳам муҳим воситаси ҳисобланади. Гарчи “марионетка” сўзи лотинча “қўғирчоқ” сўздан олинган бўлса-да, лекин бу сўз оддий қўғирчоқдан кўра кўпроқ нарсани англатади. Марионеткалар болаларни ўз тахайюлини ишга солишга, ўз хаёлларидаги тасаввурларни ўртоқларига айтиб беришга мажбур қилади. Бундан ташқари марионеткалар ижодий саҳна ўйини учун ҳам ажойиб воситадир.

Болалар ўзларининг марионеткаларини ясаган пайтларида ўрганиш ва таълим жараёни улар учун янада кўпроқ аҳамият касб этади. Ўзлари ясаган қўғирчоқлар уларнинг ўз мулки бўлиб қолади. Тарбиячилар асосий эътиборни натижага эмас, балки жараёнга қаратишлари лозим.

Агар тарбиячи болалардан ўзлари ясаган марионеткаларга “овоз бериш”ни сўраса, улар бунда жуда ифодали тилдан фойдаланадилар. Бола марионеткани ўйнаётганда у “диалог”да қатнашаётган ҳар икки суҳбатдошнинг тилидан сўзлаш имконига эга бўлади. Бола ўзининг сеvimли персонажини ўйнаши мумкин. У ўзи телевизорда кўрган нарсаларга тақлид қилиб: ўйнаши мумкин. ўйин пайтида бола ўз ота-оналарини, ўртоқларини тасвирлаши мумкин.

Тарбиячилар аввал болаларга “марионетка қандай “гапириши”, “ҳаракат қилиши” ёки уларнинг севимли эртагини инсценировкасида “иштирок этиши”ни кўрсатиб беришлари талаб қилиниши мумкин.

### **Қўғирчоқ яшаш осон**

#### **Бўялган қўл ва шарф**

1. Қўлингизни мушт қилиб сиқинг. Катта бармоқингизнинг учи кўрсаткич бармоқингизнинг иккинчи бўғинига тиралиши керак.

2. Лаб бўёғи ёки бошқа бир ювса кетадиган косметика билан қўлингизга қандайдир бир оддий юз расмини чизинг.

3. Иплар ёки калава ишдан муштнинг устига “сочлар” расмини чизинг. Билагингизга газлама парчасини масалан, шарфни “кийим” қилиб кийинг.

4. Панжангизни қимирлатиб қўғирчоқни “гапириш”га, “ҳиссиётларни ифодалаш”га мажбур қилинг.

#### **Пайпоқдан қўғирчоқ яшаш**

(Ёски, оқ пайпоқлардан ажойиб қўғирчоқлар яшаш мумкин)

1. Пайпоққа сочларни тасвирлайдиган ипларни ёки калава ипни тикинг шунингдек, тугмаларни ҳам қаданг — улар кўз ва бурун бўлади.

2. Пайпоқни чоки бўйлаб шундай қирқингки, овиз ҳосил бўлсин.

3. Бошқа деталларни улаб тикинг: қулоқларни газлама парчаларидан ёки узилган калава иплардан қилиш мумкин.

#### **Қоғоз ликопчадан қўғирчоқ ниқоби яшаш**

(ниқобни бир марта ишлатиладиган қоғоз тарелканинг орқа томонидан яшаш мумкин.)

1. Апликациялар учун қоғоздан фойдаланиш

2. Тарелканинг орқа томонига қоғоз бўлагини ёпиштиринг. Унинг остига қўл суқиб, ниқобни ўйнаш мумкин бўлади.

#### **Букланган қоғоз ликопчадан ясалган қўғирчоқ**

1. Қоғоз ликопчани ўртасидан букланг. Кўп ҳайвонларнинг овзи ва пастки “жағлар” ҳосил бўлади.

2. Ликобчани бўянг, апликация учун қоғозлардан қирқиб ясалган деталларни қўшинг.

3. Қўғирчоқ катта бармоқ билан бошқа бармоқлар ўртасида ушлаган ҳолда ўйнатилади.

#### **Кичик ёшдаги болалар билан ўтказиладиган пантомима машғулотларининг айрим намуналари:**

- Яхши кўрган аллани айтиш кўриниши.
- Севимли қўшиқдаги персонаж ёки ҳайвонни тасвирлаш.
- Одат бўлиб қолган кундалик амалларни тасвирлаш: қўл ювиш, тиш тозалаш, печенье пишириш, тўп ўйнаш.
- Чангалзордаги ҳайвонларни тасвирлаш: уларнинг юриши, ўлжани таъқиб қилиши, ов қилиши.

### Оёқ остидаги қўғирчоқ

1. Бола оёғининг тагига, унинг юқори қисмига қўғирчоқнинг юзини чизинг. Оёқ бармоқлари “сочлар”ни тасвирлайди.
2. Болаларга оёқларини стул суянчигига қўйишларини таклиф қилинг.
3. Ҳар бир бола ўз “қўғирчоғи”ни яхшилаб кўриб олиши учун ойна олиб келинг.

### Пантомима

Пантомима – бу спонтан ёки норасмий ролли ўйиннинг бир тури. Бу ижодий саҳналаштиришга ўтиш учун яхши ибтидоидир. Пантомимада болалар ўз ғоялари, ҳис-туйғулари ва фаолиятларини ифода этиш учун турли имо-ишоралар ва сўзсиз ҳаракатлардан фойдаланадилар, масалан, ўзларининг ҳайвонлар билан дўстликларини тасвирлар экан, айрим болалар пантомима ёрдамида улар ўз мушуклари ёки итларини қандай боқишларини, бошқалари эса уларни қўлларида қандай ушлаб туришларини акс эттиришлари мумкин.

Пантомима болаларга ўз танаси билан танишиш ва унга кўникишда ёрдам беради. Пантомима асосида жисмоний ҳаракатлар ётганлиги эса бола жисмоний ривожидagi аҳамияти ҳам каталигини англатади.

Кичик ёшдаги болалар пантомималар кўрсата бошлаши учун уларга ёрдам зарур бўлиши мумкин. Уларнинг тасаввурини кўзғатиш мақсадида тарбиячилар улардан нима талаб қилинаётганлигини тушунтиришлари ва моделлаштиришлари зарур бўлади. Бунда энг яхшиси “Менга гавданг билан \_\_\_\_\_ ни кўрсат” ёки “Менга юзинг билан \_\_\_\_\_ ни кўрсат”, тарзида мурожат қилишдир.

### Шарадалар

Шарадалар ҳам худди пантомималар сингари ўйин бўлиб, унда айрим болалар муайян нарсалар ёки буюмларни ифода этадилар, бошқалар эса сўз нима ҳақда эканлигини топишлари лозим. Болаларнинг ўзлари яхши кўрган ҳикояларни материаллар ва кийимлардан фойдаланган ҳолда ўйинда тасвирлашларини рағбатлантириш лозим. Болаларга уларнинг сеvimли персонажларини тасвирлашни таклиф қилинг. Болалар уни давом эттиришлари учун ҳикояни энг қизиқ жойида тўхтатинг. Масалан, агар сиз болаларга “Уч қўй боласи” эртагини ўқиб бераётган бўлсангиз, ҳар гал бўри “ғазабланган” пайтда тўхтатинг – болаларнинг ўзлари буни тасвирлаб берсинлар.

### Тақлид қилиш (муқаллидлик)

Тақлид қилишга доир машғулотлар болаларга яхши таниш бўлган хулиқ-атворни қандайдир қўшимча материаллар ва жиҳозлардан фойдаланмаган ҳолда имитация қилишдан иборат. Тақлид қилиш болаларга бошқа одамлар, ҳайвонлар ёки машиналар қандай ҳаракат қилса, шундай ҳаракат қилиш имконини беради. Тақлид қилиш пайтида болаларнинг тасаввурини уларга бошқа зарур предметларни ҳам имитация қилиш имкониятини яратади.

Мана тақлид қилишга оид бир нечта таклифлар: капалак тутиш, ўтин ёриш, деворга чиқиш, “илон” бўлиб ўрмалаш, ариқ қазиш, қушнинг учиши, отнинг чопиши, қурбақанинг сакраши, арқонда сакраш, хамир қориш, кийикнинг югуриши, гул териш,

велосипед ҳайдаш, эшкак эшиш, копток ўйнаш, “балиқ каби” сузиш, яккама-якка қиличбозлик, ўрдакнинг юриш, айиқ юриш кабиларга тақлид қилсин.

Тақлид қилиш жисмоний ҳаракатларни шунчаки имитация қилишдан бошланиши мумкин. Сўнгра унга товушлар имитациясини қўшиш мумкин. Бундан энди ҳис-ҳаяжонни ўз ичига олган анча-мураккаб бирикма ҳосил бўла олади. Масалан:

- Болаларга ит, от, маймун ва йўлбарс тасвирланган расмларни кўрсатинг.
- Болалардан бу ҳайвонлар қандай ҳаракат қилади, деб сўранг ва уларнинг ҳаракатини кўрсатиб беришни сўранг (ит кўчада югуради, от чопади, маймун дарахтдан-дарахтга сакрайди, йўлбарс ов қилади).
- Болалар билан бирга бу ҳайвонлар қандай овоз чиқаришларини муҳокама қилинг. Болалардан ана шу овозларни ўхшатишларини сўранг (ит вовуллайди, от кишнади, маймун қичқиради, йўлбарс ирриллайди).
- Болалардан ҳайвонлар нималарни ҳис қилишини сўранг (ит хурсанд, от эркин, маймун ҳаяжонланган, йўлбарс оч).
- Болаларнинг ҳайвонларнинг ҳаракатлари, овозлари ва ҳиссиётларини биргаликда қўшиб тасвирлашини сўранг (Ит хурсанд бўлиб кўчада югурапти ва вовуллаяпти, от далада эркин чопиб юрибди, ҳаяжонланган маймун дарахтдан-дарахтга сакраб қичқирмоқда, оч йўлбарс ўз ўлжасини таъқиб қилиб иррилляпти).

Тақлид қилиш мумкин бўлган вазиятларнинг сон-санови йўқ. Болаларнинг тажрибаси ортиб бориши билан улар ўз ўйинларига тақлид элементларини қўша бошлайдилар.

Мана яна тақлид қилиши учун бир нечта яхши объектлар: айиқ, қуш, қурбақа, кийик, бўри, масхарабоз, сигир, ўрдак, илон, мушук, дурадгор, учувчи, дорбоз, балиқчи, бешик тебратаётган аёл, нонвой, баландликка сакровчи.

### **Ролли ўйинлар учун воситалар ва тўпламлар**

Болаларга катталарга тақлид қилиш ёқади. Бунда улар катталар жамиятда қандай роллар ўйнашини, зиммасига муайян мажбуриятлар юклатилган маълумотли киши бўлиши нималарни англатишни билиб оладилар. Шунинг учун болалар ролли ўйинларининг энг кўп учрайдиган мавзуси бўлган “уй”дан ташқарида тасодифан равишда гувоҳ бўлиш сабабали орттирилган ҳаётий тажриба (ёки безовталиқ) билан боғлиқ бошқа мавзулар пайдо бўлади. Саҳналаштириш маркази шифокор хонасига, шифохонага, дўконга, ўт ўчирувчилар станциясига ёки милиция бўлимига айланиш мумкин. Бутун мавзули марказни болаларнинг қизиқишлари билан мувофиқ тарзда қайта қуришнинг зарурати йўқ. Саҳналаштириш маркази бурчакларидан бирини “уй”, бошқасини “шифокор хонаси” сифатида жиҳозлаш мумкин ва бу мақсадга мувофиқдир. Агар ҳудуд имкон берса ролли ўйинларни “идора”, “дўкон” ва бошқа объектларни саҳналаштириш марказидан ташқарига чиқариш, болалар “уй”дан ўзлари чиқиб, яна “уй”га қайтишларига мослаш мумкин.

Ролли ўйинлар мавзу йўналишларини кенгайтириш учун биз болаларга қуйидаги воситаларнинг тўпламларини тақдим этишини тавсия қиламиз:

**“Ошхона тўплами”**

Чойнаклар, товалар, кастрюллар, тухумни аралаштириш учун мосламалар, қошиқлар, ўлчов косалари, ўлчов қошиқлари, пишириқлар учун қолиплар, патнислар ва ҳоказо. Тўнтариб қўйилган картон қутиси плита ролини ўйнаши мумкин.

**“Дўкон тўплами”**

Ўйинчоқ касса апарати, ўйинчоқ пуллар, сотилган нарсаларни қайд этиши учун планшетлар, ҳақиқий консервалар, бўш ўрама халталар, тортлар, мева ва сабзавотларнинг бўш қутилари.

**“Ресторан тўплами”**

Пластик ёки қоғоз стаканлар, идишлар, тарелкалар, приборлар, сочиқлар, бўш кастрюллар ва товалар, дастурхонлар, меню (ўзлари тайёрлаган).

**“Мактаб тўплами”**

Қоғоз, қалам, фломастерлар, бўр, кичик доска, дарсликлар

**“Шифохона тўплами”**

Пластик, дока тампонлари, боғламалар, стетоскоп, пластик шишалар, пахта, тиббий ҳамширалар қалпоқчалари.

**“Ниқоблар тўплами”**

Эски қора кўзойнак, эски шлапа, ясама мўйловлар, ясама бурун, грим, ясама соч (парик), ясама соқол.

**“Милиция тўплами”**

Картондан ишланган кўкрак нишонлари, хуштак, катталаштирувчи ойна, кўчма радиостанция, планшет ва қаламлар.

**“Фаррош тўплами”**

Супургилар, швабралар, губкалар, латталар, қоғоз сочиқлар.

Бундай тўпламлар асосида ташкил этиладиган ролли ўйинлар қўйидагиларга хизмат қилиши лозим:

- болаларнинг мазкур мавзуга бевосита алоқадор бўлган реал материаллар ва асбоблар билан ишлаш тажрибасини орттириш;
- болаларнинг мавзули ўйинларга бўлган қизиқишини орттириш;
- болаларга уларга таниш бўлган ролларни ижро этишларига имкон бериш;
- айтилаётган ҳикоя ёки бирон бир воқеани этишга рағбатлантиришдан иборат.

Бунинг учун тарбиячи юқорида санаб ўтилган зарур воситаларни тақдим этиши лозим. Агар сиз зарур шароитларни яратиб берсангиз болалар “жўртга” ўйнай бошлайдилар.

Кичик ёшдаги болаларнинг ролли ўйинлар учун, ўйинлардаги роллар ва ўйин мавзуси доимий равишда ўзгариб туришига қарамасдан, воситалар, жой ва вақт зарур.

Болаларга воситаларни ўз ичига олган тўпламлар ва қутиларни ташкил этишда фаол қатнашишига рухсат берган ҳолда, тарбиячи ўйинни яна ҳам мазмундор қилиши мумкин. Болаларнинг бу материаллар билан ўйнашларига ижобий таъсир кўрсатувчи тегишли тажрибага эга бўлишларини таъминлаш зарур.

### **Мавзули бурчаклар**

Мавзули бурчаклар — бу ўша мавзули марказларнинг айнан ўзи, лекин улар муайян мавзу бўйича машғулотларга мўлжалланган. Бундай бурчакларда сизнинг гуруҳингиздаги болаларни ҳаммадан кўра кўпроқ қизиқтирадиган мавзуни акс эттирувчи материаллар бўлиши керак. Мавзули бурчаклар болаларнинг турли ролларни тасодифан қабул қилишларига хизмат қилади. Мавзули бурчаклар ягона ўрганиш объектидан иборат бўлиб, (масалан, уй ҳайвонлари) болалар учун анча реал ва қизиқарли бўлиб кўринади.

Мутахассислар мавзули бурчаклардан болаларни гуруҳ ишига янада тўлиқроқ жалб этишида фойдаланишга оид қуйидаги асосий тавсияларни илгари сурадилар:

1. Болаларга таклиф этилаётган мавзуга оид расмларни кўриб чиқиши, ҳикояларни айтиб бериши ва сўнгра муҳокама қилиш ҳисобига дастлабки тажриба орттириш имкониятини беринг.

2. Қулай муҳитни яратиш: плакатларни осиб қўйиш; тегишли материаллар ва китоблардан фойдаланиш. Жисмоний ҳолат болаларни жалб этиши ёки кўнглини совутиб қўйиши мумкин.

3. Болаларга оддий ва мустақкам воситаларни тақдим этиш уларнинг ўзлари танлаган ролни ўйнашлари ва ўзларига мақбул хулқ-атворни моделаштиришларига ёрдам беради.

4. Тарбиячи жараёнга фақат зарурат туғилгандагина аралashi лозим. Янги мавзули бурчакни яратиш пайтида дарҳол маълум бир чеклашларни белгилаб қўйинг: масалан, у ерда бир пайтнинг ўзида нечта бола шуғулланиши мумкин.

5. Тарбиячи болалар вақти-вақти билан мавзули бурчакларга доир янги мавзуларни кўтариб чиқишлари, янги ғояларни таклиф этишларига кўмак бериши зарур. Болалар зарур воситаларни мустақил тайёрлашлари ва тўплашлари мумкин.

Мавзули бурчакка мисол сифатида биз “ўйинчоқлар дўкони”ни келтиришимиз мумкин. Ташқаридан бу мавзули бурчак ҳақиқий дўконнинг пешлавҳасига ўхшаши, ичкаридан эса кичик ўйинлар дўконига ўхшаши мумкин. Уни безатиш учун ҳар хил ўйинчоқларнинг расмлари солинган плакатларни осиб қўйса бўлади. Ўйинчоқлар ва ўйинчоқ ҳайвонларни чиндан ҳам савдога қўйиш мумкин, болалар эса сотувчилар ролини ҳам, харидорлар ролини ҳам ўйнай оладилар. Эски касса аппарати ва ўйинчоқ пуллар ушбу мавзули марказдаги ўйинга бўлган қизиқишни янада орттиради.

“Ўйинчоқлар дўкони” доирасида болаларнинг ролли ўйинлар “маҳсулотларнинг нархини пасайтириш”, “токчалардаги молларни қайта санаш”, ўйинчоқларни саралаш ва таснифлаш, пул “санаш”, “қайтим” бериш, “сотилган” ўйинчоқларни қутиларга солиб бериш кабилардан иборат бўлиши мумкин.

Мавзули бурчаклар бўйича бизнинг ғояларимиз қуйидагилардан иборат:

Аэропорт

Саргарошхона

Театр

Нон комбинати

Гўзаллик салони

Вокзал

---

Банк	Почта	Бозор
Кийим-кечак дўкони	Таъмирлаш устахонаси	Ҳайвонот боғи
Озиқ-овқат дўкони	Автобус	Шифохона
Ўт ўчириш станцияси	Кемпинг	Кутубхона
Гул дўкони	Цирк	Туғилган кун
Автомобилларга ёқилғи қуйиш		

### **Резюме**

Ижодий ролли ўйин болаларнинг ўз-ўзларини намоён қилиши учун ички ресурслар ишга солиш имконини беради. У ҳар бир боланинг таълим олишига хизмат қилади ва ўқув режасининг муҳим қисми ҳисобланади. Болаларнинг гуруҳ ишига жалб қилиниши образли тафаккур муаммоларининг ҳал этиш кўникмаларининг ва мулоқотнинг ривожланишига кўмаклашади.





ЎҚИШ ВА ЁЗИШ

## *ХII боб. АДАБИЁТ (Ўқиш ва ёзиш)*

### *Болалар ўйин пайтида: адабиёт маркази*

Кичк болалар — қизиқувчан, тасодифан, аниқ фикр юритувчи, катталар дунёсига ўзи учун йўл очишга интилувчи инсонлардир. Бу оламга кириш эшикларини очиб беручи калитлардан бири — саводхонлик.

Тегишли дастурни чуқур идрок этган ҳолда тузиш учун тилни ўзлаштириш — бу табиий, биологик жараён бўлиб, у маълум босқичларни, масалан, тўғри юришга ўрганиш босқичини ўташ зарурлигини англаб етиш муҳимдир (Боб охирида мутахассис томонидан таъкидланган тилни табиий равишда ўргатишнинг шарт- шароитлари билан танишинг).

Саводхонлик маданиятда ижтимоий йўл билан етказиб бериладиган лисоний кўникмаларни эгаллаш сифатида таърифланади. Бу кўникмалар ўқиш, ёзиш ва ҳарфлар таҳлилини ўз ичига олади. Ҳозирги тадқиқотларга кўра бу кўникмалар ўзаро чамбарчас боғлиқ. Тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда болаларнинг савод ўрганиши гўдаклигидан бошланади, деган хулосага келиш мумкин. Болаларнинг кўпчилиги мактабгача таълим муассасасига сўзлашни билиб олган ҳолда келади. Демак, улар билан сўзлашганлар, уларни тинглаганлар, тўғри талаффуз қилишга ўргатганлар. Бунга ўхшаш мулоқот доимий равишда юз беради ва болаларнинг ўз доираларида суҳбатдош бўлишига интилишлари билан тобора ривожланиб боради. Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг маданий мансублиги, шахсий тажрибаси ва тили имкониятларидан қатъий назар, уларга ўзларини сўзловчи, ўқий оладиган ва ёза оладиган инсонлар сифатида кўринишлари ва барқарор ижобий ўз-ўзини ҳис этиш туйғусини шакллантиришлари учун улар аллақачон ўзлаштирган билимларига суянишлари лозим.

### *Ўқиш ва ёзишга оид дастурни ташкил этиш*

Саводни ўрганиш учун физик шарт-шароитларни пухта режалаштириш лозим. Тил ва адабиёт нуқтаи назаридан бой муҳит, фанлараро алоқага асосланувчи ёндашув ҳамда болаларнинг индивидуал жиҳатдан ҳар хиллиги ва ривожланишнинг турли даражаларида туришининг эътироф этилиши зарурдир. Одатда болалар дунёни нарсалар ва одамлар билан физик ўзаро таъсир орқали ўрганиб, англай бошлайдилар. Шу боис гуруҳ хонасидаги ҳолат ва жиҳозлар реал ҳаёт вазиятларини акс эттириши керак. Материаллар болаларга таниш ва қизиқарли бўлиши лозим.

Адабиёт маркази ёзув бурчаги, китоб бурчаги, муқовалаш столи ва тинглаш бурчагини ўз ичига олиш зарур. Бу ҳудудлардан болалар ҳар куни эркин равишда фойдаланадилар. Хат бурчагида ручкалар, қаламлар, фломастерлар, бўр ва қовоз (тоза ҳамда чизилган) бўлиши лозим. Ёзув қуроллари заҳираси мунтазам тўлдирилиб борилиши керак.

### **Китоб бурчаги**

Бурчак меҳмондўстлик ҳукмрон бўлган шинам хона кўринишида бўлиши лозим: рисоладагидек, у ерда дастурхон, стулчалар, ёстиқлар ва агар иложи бўлса диван ҳам туриши керак. Китоблар токчаларга чиройли қилиб териб қўйилиши лозим. Китоблар тўплами расмиларидан тортиб, то анча мураккаб мазмунга эга бўлганларига қадар, ўқиш нуқтаи назаридан, болаларнинг даражаларига мос бўлиши зарур. Бу ерга расм-китобчалар, ҳикоялар, маълумотнома-китоблар, шеърӣ китоблар, буклама китоблар, эртақлар, таржимаи ҳоллар, сеҳрли эртақлар, қизиқарли нашрлар қўйилиши керак.

### **Китоб нашр қилиш бурчаги**

Бу бурчакнинг вазифаси - болага ўзини муаллиф сифатида ҳис қилишда ёрдам бериш. Ҳар хил ўлчамлардаги тоза китоблар болаларни ўз-ўзини ёзма равишда намоён этишга рағбатлантиради (шахсий мулоҳазалар, шеърлар, расми диалоглар). Мустақил равишда китоб тайёрлаш учун зарур нарсаларнинг барчасининг мавжуд бўлгани яхши (муқова учун қоғоз, қоғозлар тикиладиган жилд, қоғоз тешкич ва ҳоказо). Бурчак учун катта қимматга эга бўлган восита — принтерли компьютер. Бу шароитларнинг барчаси болаларга ўз мустақилликларини ривожлантириш ва савод чиқариш жараёнида ўзлаштириб бораётган билимларини амалда тадбиқ этиш имконини беради. Болалар томонидан тайёрланган китоблар токчалардан, дўконлардан сотиб олинган китоблар ёнидан жой олишлари мумкин.

“Муаллиф ўриндиғи” болага у “нашр қилган” китобнинг у кутубхонадан жой олмасидан олдин гуруҳда “расмий тақдимоти”ни ўтказиш имконини беради. Муҳокама, болаларнинг саволлари ва изоҳлари “муаллифларга” улар ўқитувчилар учун ёзишларини, ўзларининг овозларига ва дидларига эга эканларини англашда ёрдам беради.

### **Тинглаш бурчаги**

Бу бурчак магнитофон, плейер, проигриватель, магнитофон ёзувлари, китоблар билан тўлдирилиши мумкин. Бола китобни кўриш баробарида ундаги сўзлари ёзиб олинган тасмани тинглаш имкониятига эга бўлиши лозим. Магнитофонга болаларнинг ўзлари ёки тарбиячи томонидан ижро этилган шеърлар ва ҳикояларни ёзиб олиш мумкин. Фонотека хилма-хил бўлиши зарур. Ёзиб олинadиган намуналар тўплами ўша пайтда болалар диққатини ўзига жалб этган мавзулар доирасига мос бўлишига эътибор қаратиш лозим.

### **Тарбиячиларнинг роли**

Болалари муваффақиятли савод чиқараётган тарбиячининг бутун эътибори ўқитишига қаратилгандир. Ўқиш-ўрганиш маълумдан номаълумга қараб боради. Тарбиячи ҳар бир боланинг ривожланиши даражасини белгилаб, уни умумий равишда баҳолайди. Ота-оналардан биз боланинг китоблар, расм чизиш, мусиқа ва бошқа соҳалардаги қизиқишларини билиб олишимиз мумкин. Шу сабабли биз тарбиячиларга олдин ота-оналар билан суҳбатлашишни маслаҳат берамиз. Суҳбатни шундай иборалар билан бошлаш мумкин: “Болангизнинг яхши кўрган машғулотларини айтиб беринг.

Унинг яхши кўрган эртаклари, қўшиқлари, ҳикоялари борми? У қандай ўйинларни яхши кўради? Китобларни томоша қилишни яхши кўрадимми? Ёзишга уриниб кўрадимми?” Бундай суҳбат ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни ўрнатиш ва ўқув йилининг бошидаёқ боланинг таълим олишига нисбатан умумий қарашини шакиллантириш учун ўта муҳимдир.

Тарбиячи — бу фақат ҳамма билан осон тил топишадиган инсонгина эмас, балки хонанинг ҳудудини белгиловчи, болаларнинг ёшига мос материалларни танлаб олувчи меъмор ҳамдир. Адабиётларни ва савод ўргатиш воситаларини чуқур ўйлаган ҳолда танлаган тарзда тарбиячи тил воситаларидан фаол фойдаланиш учун етарли шароит яратади. Бунда у тилни тадқиқ этишда боланинг ҳамкори, лисоний воситалар соҳасида маслаҳатчи ва адабиётга ўз ихлосини намойиш этувчи ғамхўр киши сифатида намоён бўлади. Кундан- кунга бола ҳақида кўпроқ нарсаларни билиб олар экан, тарбиячи унинг маънавий ривожланишига раҳбарлик қилади. У унга китоб танлашда ёрдам беради, болаларнинг ҳикояларини ёзиб олади, китоблардан биргаликда фойдаланишни ташкил этади ва уларнинг саволларига жавобан мини дарслар бериб, болаларнинг билимларини бойитади.

Бундан ташқари тарбиячи бола у ёки бу жиҳатдан қандай ривожланаётганлигини ақс эттирувчи ёзувларни қайд этиб боради. Ўз навбатида ҳар бир болага хос хусусиятларни билиш тарбиячига улар билан олиб борилаётган ишни индивидуаллаштириш имконини беради.

### ***Фаолият турлари ва лойиҳалар***

Ўқиш ва ёзиш — ижтимоий фаолият. Болалар таваккалчилик хавфи энг кам бўлган, тадқиқот ва синаб кўриш эса рағбатлантириладиган ва қўллаб-қувватланадиган шароитларда энг яхши ўқийдилар. Тарбиячи гуруҳда ана шундай қўллаб-қувватловчи муҳитини яратади. Лисоний ривожланишга туртки берувчи сабаблардан бири тилнинг ижтимоийлигидадир. Саводхонликни тарбиялаш бошқалар билан ўзаро ҳамкорликка боғлиқдир. Яхши дастур, болаларда шундай майилни уй?отадиган вазиятни ҳамда бой “ноширлик” имкониятларини пайдо эта олса, тарбиячилар ва болалар ўртасидаги фаол фикр алмашинувини таъминлай олади.

Оғзаки ва ёзма нутқнинг турли шаклларига доимий равишда дуч келиш ва улардан фойдаланиш болага саводли бўлишнинг нима эканлиги ҳақида ўз тушунчасини шакллантиришда ёрдам беради. Ичида ёки овоз чиқариб ўқийётган, ёзаётган ёки почта олаётган, қайд этиб қўяётган, руйхат тузадиган ва компьютерда коммуникация тизимларидан фойдаланадиган функционал аспектини моделлаштирадилар. Қабул қилинган ижтимоий шартлиликлар доирасида мулоқот қилиш, тўғри грамматикани ўзлаштириш ва луғат бойлигини ошириш буларнинг ҳаммаси, агар улар реал эҳтиёжларга асосланган тасодифий масалаларнинг табиий натижаси сифатида намоён бўлса, осонроқ кечади.

Болаларни муҳокамага ундаш учун уларга саволлар бериш ёки бирон воқеани айтиб бериш лозим. Қоғоз ва қаламлар ҳар бир фаоллик марказида уларнинг қўл остида бўлиш керак. Расмлар, ёрлиқлар схемалар кўринишидаги визуал ахборот доимий равишда ниманидир қилишга бўлган рағбатни таъминлайди. Қайчи, бўр, бўёқлар,

елим, ва бадий ҳамда ҳунармандчилик бўюмларини ясаш учун материалларнинг катта тўплами, шунингдек дурадгорлик асбобларининг болалар қўл остида бўлиши, уларнинг ?з фикрларини, ҳис-туйғуларини ва ниятларини ифода этиши учун кенг имконият яратади.

Самарали дастур болаларнинг ўқиш, ёзиш, ҳарфларни айтиш, ўз фикрларини билдириш учун бўлган биринчи уринишларига ҳурмат билан қарашдан бошланади. Бу ҳурмат ва эътироф чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йуналтирилган машғулотни рабатлантиришда ўз ифодасини топади. Барча болалар, улар ўзларини ёзаётган киши сифатида кўрсатганларида хат ёзиш техникасига имитация қилишга интиладилар. 3-4 ёшли болаларнинг дастлабки ноаниқ чизиқлари расмлардан то ҳарфларни тасвирлаш учун қилинган нозик уринишларгача бўлган йўлни босиб ўтади. Ушбу илк мустақил танланадиган машқлар жуда муҳим, чунки бола ўз маданиятининг шартлиликларини белгиламоқда. Масалан, саҳифадаги шрифт ўқиладиган йўналиш, китоб ёки қоғознинг жойлашиши, сўзлар орасидаги интерваллар ва пунктуациядан фойдаланиш ва ҳоказо. Гуруҳ хонасида болаларнинг кичик гуруҳларининг хат бурчагида тўпланиб, ишчанлик билан саҳифа кетидан саҳифаларни тўлдирётганликларини, сўнгра уларнинг ўз асарларини намоиш қилган ҳолда хона бўйлаб юришларини кўришимиз мумкин.

Бундай болалар хатнинг функционал аспектини англаб етадилар. Бошқа болалар хонага ёпиштириб қўйилган ёрлиқлардан нусха кўчиришлари мумкин. Аини пайтда барчага, келган ота ёки оналарга ёки болаларнинг кичик бир гуруҳига китоб ўқиб беради.

Хонанинг бошқа қисмида болалардан бири ўзининг икки-уч дўстларига тарбиячи уларга ўқиб берган китобча сюжетини ўз сўзлари билан ҳикоя қилган ҳолда, қўғирчоқ спектаклни намоиш этиши мумкин. Китоблар ҳар куни бутун гуруҳ учун ёки ўзининг муайян қизиқишни кўрсатган кичик гуруҳларга овоз чиқариб ўқиб берилади. Болалар яхши кўрган китобларни қайтадан ўқиши муҳимдир. Такрорий ўқиш болаларнинг тил қонуниятларини ва символларнинг боқий қадр-қимматини англашларида ёрдам беради.

Гуруҳ тил воқелиги, суҳбатлари, сюжетли уйинлар ва қўшиқлар айтишга берилиб кетганларида болалар мулоқот ва нутқ кўникмаларини ҳосил қиладилар. Тарбиячи болалар билан уларни қизиқтирган нарасалар ҳақида кўп сўзлашса, уларга саволлар берса ва жавобларини тўлдирса болаларда ?з шахсий тажрибаси ва фикрлари билан ўртоқлашиш қобилияти шунчалик яхшироқ шаклланади.

Ўйинлар, музейлар, кутубхоналар, ҳайвонот боғларига эскурсиялар, телевизор ёки радио концерти сингари реал воқеалар гуруҳда муҳокама қилиш учун умумий мавзуларни белгилаб, уларнинг юзма-юз мулоқотга киришишини таъминлайди.

Ўйинчоқ телефонлар, маҳсулотларнинг бўш қутилари саҳна томошаларини қўйишга ҳамда сюжетли-ролли ўйинларга рабатлантириш билан бирга болалар ўртасида динамик мулоқотни юзага келтиришда қўл келади. Уларнинг мавжуд бўлиши муҳим, чунки бундай предметлар болаларга воқеаларнинг кетма-кетлигини тўғри кўриб чиқишга, кўрсатиладиган ролли ўйинларида роллар ўйнаш ва нутқ воситаларидан фойдаланишда ёрдам беради.

Болаларнинг уюштириши мумкин бўлган эскурсиялар, керакли материаллар ёки лойиҳалар рўйхатини тузиш учун гуруҳ бўлиб ишлаши уларга хатнинг вазифаларидан бирини амалиётда англаб етиш имконини беради. Катта болалар ўз рўйхатларини ўзлари тузиши, аини тарзда кичик болалар рўйхатини тарбиячига айтиб ёздиринишлари мумкин.

Гуруҳларга бериладиган топшириқлар қилинган ишлар рўйхати, ташрифлар жадвали, қайд этилган ёзувлар ва айрим ахборотлар кўринишида аниқ-равшан тарзда

тақдим этилиши лозим. Расмлар ва сўзлар барча ёшдаги болаларга ёзиш ва ўқишнинг муҳимлигини тушинтиришда ёрдам беради. Болалар ўз фикрларини қоғозда қайд этиш жараёнига жалб этилишлари билан уларда ўқишнинг пойдевори яратилади. Улар визуал тарзда ўрағнишни бошлаганларида ҳам айнан шундай ҳол юз беради.

Болаларга ҳарфларни комбинациялар ва саралаш, лойдан ҳарфлар ясаш, қумда ёзиш ва ҳаракатланувчи ҳарфлар билан манипуляция қилиш имкониятининг берилиши муҳимдир. Буларнинг ҳаммаси ўқишнинг асосий сенсомотор элементларини ривожлантиради. Болаларни ёзув ва босма асбобларнинг танлаб олишга ҳамда катта одамларнинг турмуш тарзига имитация қилишга имкон берувчи бойлик тўплаш билан таъминлаш бу саводхонликни тарбиялашнинг самарали дастурини яратиш имкониятларининг бир қисми холос.

### ***Болалар ишларининг намуналари***

Болалар ўзларининг ўқиш ва ёзишга бўлган қизиқишлари ва кўникмаларини жуда кичик ёшдан бошлаб ривожлантирадидилар. Қуйида 4, 5 ва 6 ёшли боланинг хатларидан намуналар келтирилган. Бу намуналарда ёзувнинг мақсади ҳақидаги тасаввурнинг қандай ривожланиши, майян кўникмаларнинг шаклланиши, қоидаларнинг ўзлаштирилиши ва ушбу машғулотдан олинadиган қониқишнинг ўсиб бориши кўзга ташланиб туради.

Бу тўрт ёшли бола айтиб турганда ёзиб олинган ҳикоянинг бир намунаси. Унда бола гуруҳ билан экскурсияга борган вақтидаги воқеаларни изчил кетма- кетликда тизган ҳолда ҳикоя қилади.

#### **Биз тегирмонга кетяпмиз**

Бу безатилган уй. Унда гўлчамбар бор. Сиз бу ердан қарашингиз ва пастдаги нарсаларни кўришингиз мумкин.

#### **Биз боғчага қайтяпмиз**

Беш ёшли болалар кўпинча қофияланадиган сўзларга қизиқадилар. Қуйида сўзлар оиласи ҳақидаги китобчанинг намунаси келтирилган.

Филларга қизиқувчи ва улар ҳақидаги китобчани ўқиган олти ёшли бола қуйидагиларни ёзади: “Фил – энг катта тўғри оёқли ҳайвон. Филлар ёнғоқни пўчоғи билан ея оладилар. Агар сиз филга ҳамла қилсангиз, у сизга ҳамла қилади.

Агар сиз унга яхши муносабатда бўлсангиз, у сизга яхши муносабатда бўлади. Фил ўз устига ўзи сув қуйиб, душда ювиниши мумкин.”





### *Тилни табиий ўлаштиришнинг шарт-шароитлари*

#### **«Ғарқ бўлиш»**

Туғилган пайдан бошлаб болани идрок этилган, бир мақсадга йўналтирилган “бутун” нутқ ўраб туради. Бола уйвоқ бўлган вақтнинг катта қисмида ҳам нутқ оқимиға «Ғарқ бўлади».

#### **Намоён бўлиш**

Гапиришға ўргатиш давомида болаларнинг кўз ўнгида функционал фойдаланувчи сўзлашув тили (моделлар ёки намуналар) минглаб марта намоён бўлади.

#### **Кутиш**

Агар бола оғир касалликларға чалинмаган бўлса, ота-оналар унинг юриб кетишини ва тилға киришини кута бошлайдилар. Бу кутиш ҳисси шу қадар кучлики, ота-оналар мулоқотнинг унга болалар жавоб қайтарадиган нозик шакллариини ишға соладилар ва болалар чиндан ҳам юришни ва гапиришни ўрганадилар.

#### **Масъулият**

Сўзлашни ўрганар эканлар, болалар қандай қоидаларни билиб олиш ва буни қандай қилишни ўзлари ҳал этадилар, бироқ пировардида, уларнинг барчаси айнан ўша белгиланган манзилға келадилар. Мана шу табиий ўрганишдир.

#### **Қўллаш**

Болалар сўзлашни ўрганаётган пайтда уларға тилдан фойдаланиши учун етарли вақт ва бой имкониятлар берилади.

### Аппроксимация

Энди тили чиқаётган болаларнинг катталар сингари гапириши кутилмайди. Уларни нутқи тўғрилиги учун эмас, балки унинг тўғри нутққа яқинлиги учун мақтайдилар.

### Қайта алоқа

Болалар гапиришга ўрганаётганда ўргатувчилар, яъни ота-оналар, ака-опалар билан ўзига хос қайта алоқа ўрнатилади (масалан, бола: “Бу йучка”, катта одам “ҳа, бу ручка”). “ҳа” ва тўғри жавоб болага беозор, маънога эътибор қаратилган шаклда қайтарилади. Бунинг устига, катта киши болани гапираётганлиги фактининг ўзини маъқуллашини ифода этиш ва мулоқот қилиш учун бўлган бундай уринишлар ҳам то боланинг ўзи ўзгаришга қарор қилмагунча давом этаверади, бироқ унга ҳам бола тўғри нутқининг дастлабки намуналарини берган лаҳзалардан бошлаб ундан катталарники сингари тўғри нутқ талаб қилинмайди.



**МАТЕМАТИКА  
МАНИПУЛЯТИВ  
ЎЙИНЛАР**



### XIII боб. ИЛК МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

#### Болалар ўйин пайтида: илк математик тасаввурларни шакллантириш


Математика ҳам тил сингари бутун инсон ҳаёти мазмунига сингиб кетади. Ҳар бир маданиятда математик тушунчалардан кундалик ҳаётда: вақтни ўлчашда ва унинг ўтишини кузатишдаги амалий фаолиятда, жумладан қурилиш ва овқат тайёрлаш ҳамда кўчада, бозорда, энг оддий мол айрибошлашдан то кенг миқёсдаги молиявий битимларгача бўлган барча турларида фойдаланилади. Математика, шунингдек sanoat инқилобидан космосгача бўлган ва яна ҳам олдинга силжиб, телекоммуникациялар асрини ҳам қамраб оладиган даврда дунёни эгаллаб келаётган; ҳайратомуз техник тараққиёт асосини ҳам ташкил этади. Биз XXI асрга илк қадам қўйган бўлсак, бизнинг болаларимиз техник воситалар орқали ахборот алмашиниш ёрдамида бошқариладиган, математик иқтидор ИҚТИСОДИЙ фаровонликнинг калити бўлиб хизмат қиладиган дунёда яшайдилар. Шу боис болаларимизга кейинчалик янада ривожланиб борадиган математикани назарда тутган ҳолда саводхонликни сингдиришимиз лозим.

Математика - бу тажрибани тартибга солувчи ва ташкил этувчи абстракт тизим. Айни пайтда кичик болалар жуда конкрет фикр юритадилар. Агар саналиши ва тартибга солиниши лозим бўлган нарсалар бўлмаса, миқдор ва тартиб деган тушунчалар болалар учун ҳеч нарса аниқламайди. Демак кичкина болаларга математик муносабатларни муайян предметлар билан манипуляция қилиш орқали ўрганиш имконияти берилиши, яъни улар санаш ва саралаш мумкин бўлган кўплаб нарсалар билан ўйнашлари лозим. Бундай ўйин катта ёшли “маслаҳатчи” ёки тарбиячи томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда бола учун маъно-мазмун касб этади. Катталар уларга ўзларининг кундалик ҳаётларида мавжуд бўлган математик тасаввурларни ҳосил қилиши ва тушуниб етишларида ёрдам берадилар. Математик тушунчаларни ўрганиш ва ўзлаштириш китоб саҳифаларидан ёки қалам билан қоғозда бажариладиган тошпириқлардан бошланмаслиги керак. Болалар мустақкам, фойдали математик билимни ўзларини ўраб турган дунёда тўғридан-тўғри ҳаракат қилиш орқали оладилар. Улар бу билимларини реал ҳаётнинг фаолият жараёнида қўл билан бажариладиган ҳаракатлар тажрибаси туфайли интериоризация ва реконструкция қиладилар.

Дастлабки тушунчавий ривожланишда математика асослари билимнинг бошқа соҳаларга, хусусан тил ва мантиқ билан кесишади. Оддий ва очиқ-равшан бўлиш учун биз жуда кичик ёшдаги болалар учун қуйидаги саккизта математик тушунчаларни ажратиб кўрсатамиз:

- Ўзаро бир хил мувофиқлик бир-бири билан боғлиқ объектларнинг бир-бирига миқдорини, тўғри нисбатда жойлаштирилишини аниқлатади: ҳар бир болалар кровати учун битта ёстиқ.

- Туркумлаш (сериация) - нарсаларни аввал ўлчамига (энг кичикларидан катталарига қадар), сўнгра сонига қараб тартиб бўйича қўйиш қобилиятини ўз ичига олади. Сонига қараб



жойлаштириш учун бола рақамларни билиши ва уларга миқдорий нисбат бера олиши зарур.

- Санаш - сон ва миқдорни тушунишни намоиш этиш қобилиятини ўз ичига олади. Шунингдек у “Бу қандай сон?” ва “Кейин қайси сон келади?” каби саволларга жавоб бера олишини ҳам кўзда тутати.

- Ҳисоблаш - бу муайян материал асосида амалга ошириладиган қўшиш ва айириш жараёни.

- Таснифлаш - предметларни уларнинг хоссаларига (масалан, рангига, шаклига, ўлчамларига) кўра саралаш қобилиятини ўз ичига олади. У “Нима учун блокларнинг ҳаммаси бирга тўпланган?” деган саволга жавоб беришни кўзда тутати.

- Ўлчаш - предметда стандарт бирликлар миқдорини топиш жараёни.

- Қиёслаш - ўлчам ёрдамида бир предметнинг каттароқлиги, кичикроқлиги ёки бошқаси билан тенглигини аниқлаш қобилиятини англатади.

- Геометрия - кенгликка хос ўзаро муносабатларни ўрганиш. Кичик болалар учун бу объектларни ва уларнинг ўзаро муносабатларини ўрганишни ҳамда шаклларни на такрорланувчи кетма-кетликларни (паттернларни) таниб олишни ўргатади.

- Паттерн (галма-гал такрор келувчи изчиллик) - математика бўлимларини боғловчи мавзу. У болаларга алоқаларни, муносабатларни кўриши, умумлаштириши ва олдиндан кўришда ёрдам беради. Паттерн тушунчасини ўзлаштириш болаларга паттернларга хос олдиндан маълумлик ва такрорланувчанликни тушуниб олиш имкониятини беради.

-Паттернлар асосий бирликлардан иборат бўлади: сариқ-қизил, сариқ-қизил.

- Паттернлар кенгайди: хлоп-то, хлоп-хлоп-топ.

- Табиатдаги паттернлар: куз, қиш, баҳор, ёз; куз, қиш, баҳор, ёз...


Болалар доимийлик ва такрорланишни ҳаракатда, рангда, товунда, жойлашиш ерида ва миқдоридида синаб кўришлари лозим.

## ***Математикани кун жадвалига киритиш***

Гуруҳдаги кун тартиби муайян математик амаллар учун кўп имкониятлар беради. Болалар боғчага келган пайтда уларнинг ечиниши ўзаро бир хил мувофиқликни белгилаш амалиётини тақдим этади: бир пальто учун бир илгак ёки шкаф бўлмаси.

Болаларнинг давоматини ҳисобга олиб бориш санаш ва ҳисоблаш амалиёти бўлиб хизмат қилиши мумкин (“Неча нафар киши бор?”, “Неча нафар киши йўқ?”, “Ҳаммаси неча нафар?” “Ҳозир 10 нафар, аслида 14 нафар бўлиши керак, неча нафар киши йўқ?”. «Бор» ва «йўқ» болаларнинг фотосуратларидан фойдаланиб, бевосита санаш ва ҳисоблаш тажрибасини ишлаб чиқинг.)

Нонушта жараёни болаларга ўзаро бир хил мувофиқлик муносабати билан танишиш учун янги имкониятлар беради: ҳар бир бола учун тагликка биттадан тарелка, битта пиёла, битта сочиқ. Гуруҳ йиғилиши кўп ҳикоялар айтиш ва кўплаб қўшиқлар куйлаш имкониятини яратади, аммо ундан санаш ва турли белгиларга кўра таснифлаш учун ҳам



фойдаланиш мумкин: “Бу ерда қизлар неча нафар?” ”Неча нафар киши қизил кийим кийган?” “Неча нафар боланинг пайпоғи оқ?”.

Очиқ ҳавода машғулотлар ўтказиш вақти болаларга математика бўйича конкрет материалларда машқ қилиш имкониятини берувчи жисмоний фаоллик билан боғлиқ. Тананинг ритмик ҳаракатларини ўз ичига олувчи ҳар бир фаолликдан санаш учун фойдаланиш мумкин, жумладан зинадан қўтарилиш ёки тушиш; бунда ҳар бир зинада тегишли сон айтилади; арғимчоқда тебраниш; бунда ҳар бир тебранишда овоз чиқариб санаб борилади, сакрашлар ёки сакраб юриш, полга қилич уриш ва ҳоказо. Бундай машғулотларда бола гавда ҳаракатига мос ҳолда ҳар бир соннинг маъносини чуқурроқ англаб боради. Бевосита шундай жисмоний машғулотлар бўлмаса механик тарзда санаш ёки сонларни идентификациялаш маъносиздир. Қўл артадиган сочиқларни тақсимлаш ҳам болаларни ўзаро бир хил мувофиқликка ўргатишда яна бир имконият бўлиб хизмат қила олади.

Кундалик жадвални ўзи вақт бўлақларини ўлчашга оид конкрет машқларни таклиф этади. Дақиқаларнинг ўтишини кўрсатувчи рақамли соатлардан болаларнинг диққатини вақт даврларига жалб этишда фойдаланиш мумкин. Дақиқаларни кўрсатувчи, айни пайтда секунд стрелкалари ҳам бор бўлган стандарт соатлардан ҳам шу мақсадда фойдаланса бўлади. Анча аниқ вақт ўлчаш қурилмалари вақт ўлчашнинг кўрғазмали мисоли бўлиши мумкин. Масалан, уч минутли қум соатларидан болаларни бир фаолиятдан бошқасига ўтишга таёрлашда фойдаланиш имконияти мавжуд. Секундларни ўлчовчи ва вақт ўтганлиги ҳақида циферблат ҳолатининг ўзгариши ва тегишли овоз орқали сигнал берувчи ошхона таймери вақтнинг қисқа оралиқларини ангашга ва тўрт ёшли сабрсиз болаларнинг кута олиш кўникмаларини ҳосил этишда ёрдам бериши мумкин.

Тақвим ва об-ҳаво аксарият болалар аудиторияларида энг кенг тарқалган мавзу, шунга қарамай стандарт календарлар ҳамда сонлар ва ойларнинг, йилларнинг такрорланиши болаларнинг вақт тушунчасини илғаб олишларида унчалик ёрдам бермайди. Ой жуда узоқ, саналар, ойлар ва йиллар - ўта мавҳумдир. Айни пайтда кичкина болаларнинг кўпчилиги ҳафта кунларини англаб олишлари мумкин. Уч ва тўрт ёшли болалар ойлар календарига қараганда ҳафталик календарни яхшироқ тушунадилар. Тарбиячилар оддий ҳафталик календар тузишлари ва ҳар бир саҳифада етти кунни кўрсатишлари мумкин. Ҳар бир кун ўзининг ранги билан ажралиб туриши керак. Бунда ҳамма душанбалар бир хил рангда, сешанбалар бошқа рангда берилиши лозим ва ҳоказо. Болалар боғчага келадиган кунларини улар уйларида бўладиган кунлардан ажратиб кўрсатинг ва белгилаб қўйинг. Ушбу календардан об-ҳаво ҳақидаги ёзувлар учун фойдаланиш мумкин. Қўёшли кунлар билан булутли кунларни санаш ва қиёслаш имконияти мавжуд. Тарбиячи ҳафта давомида бўлиб ўтаётган муҳим воқеаларни расм ёрдамида белгилаб қўйиши ва болаларга ана шу воқеага неча кун қолганлигини ҳисоблашда ёрдам бериши мумкин. Бола касал бўлиб, уйда қолганда, календарда унинг йўқлиги ҳақида белги қўйилиши ва ўқитувчи болаларга унинг неча кун келмаслигини ҳисоблашда ёрдам бериши мумкин. Бу бола касалхонада ётиб даволаниш сабабли кела олмаган ҳолатларида, айниқса фойдалидир. Календарда унинг қачон келишининг белгилаб қўйилиши болаларга уларнинг вақт ҳақидаги тасаввурларидан, тегишли ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, ўз

дўстларининг қанча вақт мактабгача таълим муассасасига келмаслигини тушунишида ёрдам беради.

Мактабгача таълим муассасаси ҳудудидан ташқарига чиқиш математика билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратади.

Экскурсияларни бир неча кун олдин календарда белгилаб қўйинг, бу болаларга кунларни санаш ва шу орқали вақтни ўлчашни машқ қилиш имконини беради. Мактабгача таълим муассасасида кўзланган ергача бориш учун зарур бўлган вақт ҳам белгилаб қўйилиши ва муҳокама қилиниши мумкин. Ҳар бир сайрда икки болага битта катта одам тўғри келиши керак. Болалар нечта катта ёшли кишилар керак бўлишини ҳисоблаб чиқишлари мумкин. Дўконларга бориш ҳам математик машқлар учун энг бой манба. Масалан, дўконга боришдан олдин егуликлар тайёрланиши мумкин. Режалаштириш қанча ва қандай маҳсулотлар талаб қилиниши ҳисоблаб чиқишни ўз ичига олиши мумкин. Кўрғазмали руйхат тузилса ҳам бўлади.

### ***Математикани бошқа фаоллик марказларига киритиш мумкин***

Кичик мактабгача ёшдаги болалар гуруҳларидаги барча ўргатувчи марказлар болаларга математикани ўргатиш имкониятларига эга.


**Саҳналаштириш маркази:** ўзаро бир хил мувофиқлик “уйда” ўйин орқали мустаҳкамланиши мумкин. Масалан, қўғирчоқлар-каравотларга, идиш -қаҳва қуяётган оналарга. “Дўконга бориш” ўйини ўйинчоқ пуллардан фойдаланиб оддий ҳисоблаш тажрибаси билан таништиради.

**Адабиёт маркази:** Бу ерда ҳисоблаш учун қизиқарли расмлар ва аниқ оддий рақамларга эга бўлган безакли китобларнинг танлаб олинган тўплами бўлиши зарур.

**Қум ва сув маркази:** (гуруч ва дуккакдилар) ўлчамлари ҳар хил бўлган идишларни тўлдириш ва бўшатиш болаларни ўлчаш ва таққослаш тушунчалари билан таништиради.

**Санъат маркази:** Бадиий фаолият ўзаро бир хил мувофиқликларни мустаҳкамлашнинг бошқа бир имкониятини тақдим этади. Масалан, рақамчалар - муайян рангдаги бўёқларга; қоғоз варақлари марказда ишлаётган ҳар бир болага. Оддий ҳисоблашлар киритилиши мумкин, масалан, агар ҳар бир бола учтадан рангли қаламдан фойдаланса, болаларда ҳаммаси бўлиб нечта қалам бўлади? Лойиҳалашда шакл ва намуналардан фойдаланиш орқали геометрияни ҳам ўз ичига олиш мумкин.

**Манипулятив ўйинлар маркази:** манипулятив материаллар деб стол устидаги фаолиятда фойдаланиладиган майда предметларга айтилади. Бу материаллар улардан нимадир ясалишини, тўпланишини тақозо этади ва болалардан қўллар ва кўз билан чамалашни мувофиқлаштиришни талаб қилади. Мисол сифатида ипга тизиш мумкин бўлган мунчоқлар,



қирқма расмли бошқотирмалар, лото, лево конструкторини айтиш мумкин. Манипулятив материаллардан болалар, одатда жуфт ёки гуруҳ бўлиб эмас, индивидуал фойдаланадилар.

Таниш предметлар, масалан, қуруқ дуккакдилар, тугмалар, шиша тиқинлари, чиганоқлар, тошчалар санаш ва таснифлаш учун идеал воситалардир. Консерва идишлари ёки тухумлардан бўшаган қутилар бу фаолият учун ажойиб идишлардир. Тахталар ва резина тасмалар санаш ва геометрия билан шуғулланиш учун имконият яратади. Айрим қисмлар ва яхлит тузилмалардан иборат бўлган конструкциялаш тўпламлари вақт тушунчасидан ташқари биз белгилаган барча математик тушунчалардан фойдаланишнинг бебаҳо тажрибасини беради. Бундай тўпламлар болаларнинг математик тушунчаларини ривожлантиришда бошқа материалларга, жумладан, жараёндан ташқари рақамларни киритувчи, масалан, ўйинлар ва топишмоқларга ўхшаш сонлари идентификациясини тақозо этувчи материалларга қараганда анча фойдалироқ.

**Қурилиш маркази:** Агар кичик мактабгача ёшдаги болалар учун корхонада тайёрланган предметларнинг фақат битта тўплами сотиб олиниши мумкин бўлса, бу қуриши учун ёғоч кубиклар тўплами бўлиши керак. Бундай тўплам билан ишлаб, ўз конструкциясини тузиш асносида болалар математик ва геометрик муносабатларни ҳис-туйғу орқали англаб олади. Бу уларда алгебра ва текислик геометриясига оид абстракт тушунчаларнинг ўта зарур асоси шаклланишини таъминлайди.

**Пазандалик маркази:** тарбиячилар рецептларни чизиқли қозғозда, расмлар тарзида берилган мутаносибликлар билан бирга ёзишлари мумкин. (Масалан, агар рецептта мувофиқ, уч коса ун керак бўлса, бир қоп ун ва учта коса тасвирланган бўлиши керак). Гарчи рецептлари меъерий ўлчамларни талаб қилса ҳам ва қуруқ ингредиентлар одатда граммларда кўрсатилса ҳам, яхшиси косалар билан ўлчашдан бошлаган маъқул, чунки ўлчов косаси тарозида тортилган граммларга қараганда камроқ абстрактдир. Болалар ингредиентларни уларни аралаштиришлар миқдорини, тайёрлаш вақтини ҳисоблашлари, печенье ва пишириқлар тайёрлаш учун геометрик қолиплардан фойдаланишлари ва ҳар бир боланинг қанча ея олишини ҳисоблаб чиқишлари мумкин.

### ***Илк математик тасаввурларни шакллантириш марказини ташкил этиш***

Манипулятив ўйинлар билан шуғулланиш учун етарли даражада кенг ва саҳналаштириш сингари анча ҳаракатли ўйинлар олиб бориладиган жойлардан холироқ ҳудудда жойлашган махсус ҳудуд ажратиш зарур. Материаллар яхши уюштирилган очиқ тоқчаларда жойлаштирилади. Улар тоза ва шикастланмаган бўлиши зарур (қирқма расмлар барча фрагментларга эга бўлиши, қозиқчалар учун тешиклар қилинган тахталар қозиқчалари билан бирга сақланиши, лото карточкалари тўлиқ таркибида бўлиши). Қирқма расмларга улар бошқа



предметлар билан аралашиб кетмаслиги ва йўқолмаслиги учун алоҳида тоқча ажратиш лозим.

Мазкур бурчакка столлар ва стуллар қўйиш ҳамда бир пайтнинг ўзида бир нечта болалар бир-бирига халақит бермай ишлаш олишлари учун етарли майдон бўлишини таъминлаш лозим. Кундалик ҳаётдан олинган материаллар математик тушунчаларни жонлантиришда ҳеч бўлмаганда, математика ўқитиш учун мўлжалланган махсус таълим воситалари билан бир хил имкониятларга эгадир. Бироқ, болаларнинг математик тушунчаларни англаб етишларига алоҳида таъсир кўрсатувчи бир нечта предметлар бор ва тарбиячи улар асосида математикага мақсадга йўналтирилган ҳолда ўқитиш марказини яратишга уриниб кўриши мумкин. Ушбу предметлар санаш, тартибга солиш, ҳисоблаш ва қиёслашнинг тизимли, конкрет тажрибасини кўзда тутаяди.

### Уларга қўйидагилар киради:

Дюймли кубиклар, ҳар қандай бошқа унификациялаштирилган (бир хилликка келтирилган) кубиклар сингари-санаш ва улчаш учун қўлай.

Полкадаги рақамлар - 1 дан 10 гача бўлган рақамлар тасвирланган, силлиқ бўлмаган квадратлар. Улар ҳаракатлар санаш кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ҳаракатли ўйинлар учун қимматлидир.



Улар гиламга, қоғозга ёки буёқ билан полга чизиш мумкин. Улардан сонларни тартибга солиш ва аниқлашдан иборат бўлган ўйинларда ҳам фойдаланиш мумкин.

### Ўлчов мосламалари

Ўлчашга оид конкрет машқлар стандарт ўлчов қурилмаларини талаб қилмайди (тарбиячи ясаган ёки болаларнинг ўзлари танлаган ўлчагичлардан фойдаланса бўлади), бироқ улар жуда фойдали. Қуруқ ва суюқ маҳсулотлар учун ҳар хил ўлчамдаги ўлчов косалари, ўлчов қошиқлари, ўлчов чизгичлари, тасмалар, тарозилар ва ҳарорат ўлчагичларнинг болаларга фойдаланиш учун берилиши ёки уларга намоёниш этилиши қимматлидир. Оддий мувозанатли тарозилар ўлчов шкаласига эга бўлган тарозиларга қараганда мақбулроқ, чунки улар болаларга икки предметни, шунингдек ўлчанаётган ва стандарт оғирликни кўргазмали қиёслаш имконини беради.

Сон қаторлари болалар санаб чиқиши ва тартибга солишнинг маъносини тушуна бошлаган ва оддий ҳисоблашларни бажара бошлаган вақтда фойдалидир. Полда жойлаштирилган ва бола ишлатиши мумкин бўлган сон қатори, агар у қатор бўйлаб ўтиш учун етарли даражада узун бўлса, ўсиб бораётган санаш қобилиятини жисмоний жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Пакет блоклар геометрик шакллар ва кетма-кетликларни ўрганишга имкон беради. Тахтачаларнинг ранги ёки шаклига қараб танлаб олиш мумкин, улар ёрдамида қандайдир конфигурацияни конструкциялаш ҳам мумкин.

### Атрибутив блоклар

Пластик блокнинг ушбу тури болалар математик тушунчаларни ўзлаштираётган пайтда жуда фойдали бўлиши мумкин. Булар уч шаклдаги, уч рангда ва уч ўлчамдаги

блоклардир. Бир блок кичик йўғон, қизил учбурчак шаклида, бошқаси катта, юпқа, ҳаво ранг доира кўринишида, учинчиси катта юпқа, сариқ квадрат шаклида бўлиши мумкин. Болалар уларни битта, иккита ёки учта белгилари бўйича фарқлашлари мумкин. Улардан фойдаланишнинг энг оддий варианты геомерик фигуралар билан бевосита машқ қилишдан иборат. Фойдаланишнинг навбатдаги босқичида битта белги: ўлчам, шакл, ранг ва қалинлиги бўйича таснифлаш тажрибасини ҳосил қилиш мумкин. Кейинги босқичда бола уларни бир пайтнинг ўзида икки белги бўйича таснифлаши мумкин. Битта белгидан (барча шакллар юпқа; барча шакллар қизил) иборат иккита белгига силжиб ўтиши болани рамзий мантиқ оламига олиб киради. Рамзий (символик) тафаккур 5-7 ёшлардан кейин пайдо бўлади. Тангалар, ўйинчоқ пуллар ва нархи паст ҳақиқий тангалар таснифлаш ва ҳисоблашга оид машқларда ёрдам беради.

### Ўқув соатлари

Вақтни аниқлаш малакасига ўргатиш учун энг яхши соат катта циферблатли, кўриниб турувчи механик қурилма ёрдамида бирлаштирилган секунд, минут ва соат кўрсаткичлари мавжуд соатдир. Соатлар учун рақамлар ва дақиқаларнинг, секундларнинг чизиқлари аниқ белгиланган бўлиши керак. Кўрсаткичлар билан манипуляция қилиш орқали, болалар секундлар, дақиқалар ва соатлар ўртасидаги боғлиқликни пайқаб олишлари мумкин.

### Қирқма расмли бошқотирмалар

Бошқотирмалар болаларнинг ўз диққатларини ўлчамлар ва шаклларга, худди шунингдек қисмлар ва бутунлик муносабатларига жалб этишларида ёрдам беради. Бу тушунчаларининг барчаси математикада ҳам, ўқишда ҳам зарурдир. Бошқотирмалар билан ўйнар эканлар, болалар ечимни топиш учун калитнинг нима эканлигини билиб оладилар (фан). Улар кўк ўтнинг қаерга кетишини, кўк осмон қаерда туришини ва бош, қўллар ва оёқлар расмининг қаерига мос келишини аниқлаган пайтларида ўз тасаввурларини таснифлайдилар. Таснифлаш математикада, фанда ва ўқитишда муҳимдир.

Бошқотирмалар билан ишлаш, шунингдек таҳлил қилишни, вояларни текширишни ҳам талаб қиладик, бу илмий фаолиятнинг яна бир жиҳатидир. Айрим расмларда транспорт турлари, бошқаларида хизматчилар, учинчисиди ҳайвонлар тасвирланган. Тасвирланган объектларни ва уларни ўраб турган муҳитни таҳлил қилиш илмий фаолиятда ва жамият ҳаётини ўрганишда фойдаланиладиган тушунчаларнинг ривожланишига хизмат қилади.

Ҳарfli бошқотирмалар ўқишга тайёрликни шакллантиришга кўмак бериши мумкин: рақамли бошқотирмалар математика элементларини ўзлаштиришга ёрдам беради. Бу ўргатиш содда даражада ҳам, мураккаб даражада ҳам амалга оширилиши мумкин, чунки бошқотирмаларнинг қийинчилик даражаси ҳар хил бўлади ва у бошқотирмадаги элементларнинг миқдори ва ўлчами билан белгиланади.

Тешикли тахталар ва қозиқчалар. Улар ҳар хил рангда бўлади ва таснифлаш ҳамда саралаш машғулоти учун асқотади. Математик





тушунчалар болалар қозиқчаларни саноқ (бир, икки, уч) ва тартиб сонлар (биринчи, иккинчи, учинчи) билан саналган пайтларида шаклланади. Қозиқчаларни қўпиш ва айириш орқали болалар “қараганда кўпроқ”, “камроқ”, “ўшанча” каби тушунчаларни англаб оладилар. Бундай тахталар ёрдамида болалар паттернларни (такрорланувчи элементлардан таркиб топган кетма-кетлик) ҳам чизишлари мумкин. Паттернларни ажрата олиш малакаси математикада, фан билан шуғулланганда, ўқишга тайёр бўлишда ва ижодий бадий ифодани ривожлантиришда муҳимдир.

### **Лото**

Турли тилдаги ва қийинчилик даражаси ҳам турлича бўлган, хилма-хил лотолар мавжуд. Улар ранг, рақам ва расмлар идентификацияси асосида тузилиши мумкин. Ҳамма ҳолларда ҳам лото ўйновчилардан кузатиш, қиёслаш ва жуфтларни танлашни талаб этадики, бу илмий фаолият кўникмаларини ва ўқишга тайёргарликни ривожлантириш учун зарур. Турли хизматчилар тасвирланган лото ижтимоий компетенцияни оширишга хизмат қилади.

### **Лего ва Упло конструкторлари**

Бу конструкторлар ўйлар, миноралар, транспорт ва бошқа объектларни конструкциялаш учун бепоён имкониятлар беради. Улар шунингдек болаларга таниш предметларга ўхшаш нималарнидир ясамаган ҳолда тажриба қилиб кўриш имкониятини яратади. Бу конструкторлар таркибида вилдираклар, одам фигуралари (оила аъзолари ва хизматчиларники), транспорт ва ҳайвонлар мавжуд. Бу материаллар иштирокида ўйнаш математикага дахлдор тушунчаларнинг ривожланишига хизмат қилади (паттернлар яратиш, миқдорни ва тартибни санаш, майдонни тушуниш ва ўлчамларни қиёслаш).

Ушбу конструкторлар ёрдамида қия текисликлар, қўприклар, тоннеллар яратган бола мувозанат, куч, бардошлик тушунчаларини ўзлаштиради. Бу болаларни меъморчилик, нақш, симметрия ва дизайн соҳасига олиб киради.

### **Домино**

Унинг ҳар хил турлари бор. Айрим турларида ўйновчилардан бир хил геометрик фигураларни бир бирига туташтириш талаб қилинади. Бошқаларида расмлар ва рангларни туташтириш талаб этилади. Учинчиларида нуқталар ёки рақамлар билан сонлар белгиланган. (Айрим доминоларда сонлар тошнинг бир томонига нуқталар, иккинчи томонига эса сонлар билан белгиланган). Худди лотто сингари домино болалардан кузатиш, қиёслаш, идентификациялаш ва жуфтларни танлашни талаб қилади. Бу кўникмаларнинг барчаси математикани ўрганишга тайёр бўлишда муҳим.

### **Рангли мунчоқлар**

Болалар рангли мунчоқларни ишга тизганларида улар саноқ ва тартиб сонларни ҳамда паттернларни ва рангларни фарқлашни ўзлаштирадилар.

### **Рангли магнитлар**

Турли шаклдаги ва ўлчамдаги ҳар хил рангли магнитлар бўлган металл поддон болага ўз хоҳишига кўра ҳар қандай паттернларни тизиш имкониятини беради. Бу

фаолият сонлар ҳақидаги ва геометрик тушунчаларнинг ривожланишига имконият яратади, боланинг рангни тушунишига, ижодий ифодаланишига ва магнетизм тушунчаси билан танишувига хизмат қилади.

### ***Тарбиячиларнинг роли***

Тарбиячиларнинг биринчи вазифаси гуруҳда математик тафаккурнинг асосий кўникмалари ривожланиши учун хилма-хил имкониятлар яратувчи материалларнинг сероблигига ишонч ҳосил қилиш. Бундан ташқари улар “ўқув лаҳза”сини тутиб ола билиш малакасини машқ қилишлари лозим. Болаларга математика дарсларини зўрлаб тиқиштириш ўрнига, тарбиячи болаларнинг эркин ўйинини кузатиш ва фасилитатор сифатида ишлагани ҳолда ўйинга математик тушунчаларни киритиш ёки муҳокама қилиш имкониятларидан фойдаланиши зарур.

Тарбиячи болаларга муаммонинг математик ечимини топишга ёрдам бераётган пайтда бундай ёндашув, айниқса, муваффақиятлидир. Масалан, болада у кубиклардан конструкциялаётган бино билан боғлиқ қийинчилик пайдо бўлиши мумкин. Тарбиячи бу ўринда бола истаган нарсага эришиш учун турли ўлчамдаги ва конструкциядаги блокларни таклиф қилган ҳолда маслаҳатчи сифатида ҳаракат қилиши лозим. Агар масалан, икки бола қурилиш материаллари борасида баҳслашаётган бўлса, тарбиячи уларни материални ҳар бири муайян миқдорда олган ҳолда бўлиб олишларини сўраши мумкин. Ҳамма ҳайдашни истайдиган, аммо ҳаммага етишмайдиган велосипедларни ҳам шундай тақсимлаш ва жойлардан ижтимоий муаммоларни ҳал этиш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин.

Тарбиячи математик тилни моделлаштирган ҳолда болаларга конкрет тажрибани кенгайтиришда ёрдам бериши мумкин. Масалан, агар фаолият қиёслашни ўз ичига оладиган бўлса, у ҳолда у “Қараганда кўпроқ”, “камроқ”, ва “бир хил” сўзларини киритиши мумкин. Санашнинг илгари баён қилинган барча имкониятлари математик тилнинг моделловчи ролига илова бўлиб хизмат қилади. Қисман математик тажрибани мустаҳкамлаш учун тарбиячи уни математик саволлар кўринишида шакллантириши мумкин: “Сизга нечта сочиқ керак?” ёки “Сизга яна нечта қошиқ керак”. Тарбиячи болалар нима қилмоқчи эканликларини қанча кўпроқ кузатса, у математик тушунчаларни мустаҳкамлаш учун шунча кўп имкониятлардан фойдаланиши мумкин.

### ***Фаолият турлари ва лойиҳалар***

Асосий тушунчалар-ўзаро бир хил мувофиқлик, тартиб, миқдор, таснифлаш, ўлчаш, қиёслаш, геометрия ва вақтни болалар уларни ўраб турган объектлар билан ҳаракатга киришган ҳолда ўзлаштирадилар.




### Санаш

Санаш бола учун аниқ предметларга нисбатан қўйилганда, айниқса болаларнинг олдида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилсагина аҳамиятга эга бўлади. Ўз навбатида тарбиячи ўйлаб топган карточкалар билан оддий ўйинлар (карточкаларни санаш ва гугуртлардан нарсалар яшани ўз ичига олган) ва стол устида ўйналадиган ўйинлар (ўйин майдонидаги “қадамларни”, ўйин тошларидаги нўқталарни санаш ёки сонли пирилдоқдан фойдаланиш) болалар учун эртақ ва сон, миқдор тушунчаларини яхши эслаб қолишларида фойдали восита бўлиши мумкин.

### Тартибга солиш

Зиналар болаларга нарсаларни сонлар тартибида жойлаштиришни ўргатишда ажойиб имкон беради. Бир нечта рақамланган квадратлардан фойдаланиши ҳисобига бу фаолият квадратларни тартиб рақами бўйича зинанинг пиллапояларига қўйиши ҳисобига такомиллаштирилиши мумкин: “1” -биринчи пиллапояга, “2” -иккинчи ва ҳоказо. Кейин тарбиячи квадратларни аралаштириши ва болаларга уларни пиллапояларга қўйишлари учун тарқатиши мумкин. Бу ўйинни болаларнинг йиқилишидан эҳтиёт бўлган ҳолда бир вақтда 2-3 нафар бола билан ўтказиш мумкин. Болаларга тартибга солишни тушунтиришнинг бошқа йўли - бу тарбиячи томонидан тайёрланган турли узунликдаги картон трубкалар. Болалар уларни тартиби билан энг қисқасидан энг узунигача қўйиб чиқишда жуфт бўлиб ишлашлари, катталарнинг ёрдамидан фойдаланишлари мумкин. Тартибга солиш тушунчасини мустаҳкамлаш учун трубкаларда сонлар ёзилган бўлиши лозим.



### Ҳисоблаш

Оддий қўйиш ва ҳисоблашлар ҳар кунги одатий фаолиятда қўлланилиши мумкин. Уларнинг қўйлири айтиб ўтилди. Айтилганларга қайтсак ҳисоблаш қўпинча болаларнинг олдида турган аниқ муаммоларни ечиши мумкин (“Ҳар биримизда биттадан бўлиши учун бизга яна қанча печенье керак?"). Саралаш билан боғлиқ ҳар қандай фаолият — у иккита тугмалар тўпламини бирлаштириш бўладими ёки кичик тўпламини каттасидан ажратишимиз (Қизил чашкалар барча кичик тугмачаларни ол. Қанча қолди?) ҳисоблашга айлантирилиши мумкин.


### Таснифлаш

Болаларнинг ташаббуси билан олиб борилаётган фаолиятда пайдо бўлган муаммони ҳал қилувчи саралаш янада каттароқ аҳамиятга эга. Шунга қарамай таснифлаш бўйича тарбиячи махсус ташкил қилган фаолият бу тушунчани мустаҳкамлаши мумкин. Масалан, тугмачалар солинган қути шакл, ранг ёки ўлчамига қараб сараланиши ва ажратилган белгилари бўйича алоҳида қутичалардан фойдаланилинади. Кейин болалар тугмаларни ўхшаш ва ўхшамайдиган жиҳатларини кўрсатиб, таснифлаш мезонлари таърифи билан шуғулланишлари мумкин (“Бу тугмалар қизил, улари кўк”). Болаларга

тугмаларни таснифлашга ёрдам бериш орқали биз уларни мантиқий муносабатлар оламига олиб кирамиз (“Бу қизил тугмалар тўртбурчак ана у қизиллари эса думалоқ”).

### Ўлчаш

Овқат тайёрлаш машғулотлари ўлчов бирликларини киритиш учун табиий асосдир. Ўлчаш билан боғлиқ бошқа фаолият, бу масалан, девордаги белгилар бўйича болаларнинг бўйларини таққослаш ёки баланс тарозилар ёрдамида оғирликни қиёслашдир. Полдаги плиткалар болаларнинг бўйидан бошлаб, мебелнинг узунлиги ва кенлиги ҳамда рақс лентасининг узунлигигача бўлган ҳамма турдаги предметлар ўлчашда ўлчов асбоби сифатида ишлатилиш мумкин.



### Қиёслаш

График тасвир - бу аниқ математик қиёслашни амалга ошириш учун ҳисоб ва ўлчовларни бирлаштириш усулидир. Ҳафта тақвими қуёшли кунлар булутли кунлар билан қиёсланган об-ҳаво жадвали графигига айланттирилиши мумкин. Бошқа графикда синфдаги ўғил ва қиз болаларнинг сони таққосланиши мумкин. Ҳар қандай танланган кунда бир хил рангда кийим кийган болаларнинг сонини график тасвирлаш мумкин.

### Вақт

Болалар вақтни ўлчаш учун томчи соат типидagi оддий қурилмаларни ясашлари мумкин. Бунинг учун минерал сув солинган тоза пластик идишдан фойдаланса бўлади. Тарбиячи идишнинг тагидан кичкина тешик қилади ва шишани томаётган томчиларни йиғишга мўлжалланган идишнинг тепасида тутиб туради. Болалар билан бирга у маълум бир вақт оралигида (яхшиси, қисқароқ, масалан, бир дақиқада) қанча сув оқиб тушганини ёзиб, қайд қилади. Шиша кейин бир машғулотдан иккинчисига ўтиш ёки керак бўлганда барча болалар энг машҳур ўйинчоқни ўйнашга улгуришлари учун вақтни белгилашда ишлатилиши мумкин.

### Геометрия

Геометрик фигураларнинг хусусиятларини тадқиқ қилиш учун миҳли тахтада ўтказилган машғулотлар жуда фойдалидир. Унга катта бўлмаган миҳлар квадрат тахтага панжара ҳосил қиладиган кўринишда қоқилади. Бир миҳдан бошқасига тортилган резина лентадан фойдаланиб, болалар турли шакллар қуриб, тажриба ўтказишлари мумкин. Турли рангдаги ленталардан фойдаланиб, фигураларни қисман ёпиб, уларни таққослаш мумкин.

### Резюме

Математик тушунчалар билан болалиқдан машқ қилиш юқори даражадаги математик тафаккурнинг асосини шакллантиради. Кундалик аниқ муаммоларни ҳал қилишда математик тафаккурдан фойдаланиш болаларга ўзларининг математик қобилиятларига ишонч ҳосил қилишларида ёрдам беради. Мустаҳкам математик пойдевор улар катта бўлганларида ўз математик билимларини амалий ҳолатларда қўллашларини ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг технологик комплексларида муваффақиятли қатнашишлари учун ўз билимларидан фойдаланишларини кафолатлайди.

МУСИҘА



#### **XIV боб. МУСИҚА**

### ***Болалар ўйин пайтида: гуруҳда мусиқа***

Барча замонларда ҳам мусиқа санъатига инсон ҳаётининг ажралмас бир қисми сифатида қараб келинган ва ундан болалар тарбиясида оқилона фойдаланишган. Бугунги кунда Ўзбекистонда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ташикл этилиб, уларда барча керакли шарт-шароитлар яратилаётганлиги замирида ҳам айнан шу мақсад муҳассам.

Мусиқадан болаларни тинчлантириш ва хотиржам қилиш учун, уларга завқ бағишлаш ва маърифатга ундаш учун доимо фойдаланиб келинган, болалар эса табиий равишда ўзлари ҳам мусиқа яратадилар. Мутахассислар мусиқанинг болани ривожлантиришдаги ўрни ҳақида куплаб қизиқарли фикрларни билдирганлар. Жумладан бола фаолиятида нутқ, ҳаракат, ўйин ва қўшиқ муштарак эканлиги, болаларнинг табиий нутқи ва ҳаракатидан уларнинг мусиқа оламига кириши учун кўприк сифатида фойдаланилиш лозимлигини таъкидланган. Бундай оламни яратишда эса болаларнинг ўзлари фаол қатнашишлари зарур. Мусиқа амалиёти боланинг тасаввурини шакллантиради ва уни тайёргарликсиз куй яратишга илҳомлантиради. Каттароқ ёшдаги болаларни мусиқа белгиларига ўқитиш тизимини яратиш, пировард натижада - мусиқа ноталаридан ҳамда варақдан ўқишни ўргатиш учун фойдаланган. Бу мусиқачиларнинг ғоялари бутун дунёда болалар тарбиясида мусиқадан фойдаланишга катта таъсир кўрсатди.

### ***РИВОЖЛАНИШГА ТАЪСИРИ***

#### ***Ҳиссиётнинг ривожланиши***

Мусиқа болаларни ривожлантириш учун жуда бой манбадир. Болаларда ҳиссиётнинг ривожланишига кўмаклашиши мусиқанинг энг яққол намоён бўладиган ролдир: алла болаларни тинчлантиради ва хотиржам қилади; алла эшитиб ухлаган болалар ўз қўғирчоқларига ҳам алла айтадилар. Тинчлантирувчи мусиқа албатта қўшиқ бўлиши шарт эмас. Барча замонларда ва халқларда ҳам оналар ўз гўдакларига такрорланувчи икки нотали оҳангни паст овозда куйлаганлар. Ҳар бир маданиятда меҳр-муҳаббат ва байрамлар ҳақидаги оддий қўшиқлар мавжудки, болалар уларни ёдлай оладилар ва бу уларга ўз ҳис-туйғуларини ифодалашда ёрдам беради. Марш болага фахр туйғусини намоён этишда ёрдам беради. Нафрат ва ғам-ғусса қўшиқлари бир мунча қийинроқ ҳис-туйғуларни тушуниш ва эгаллашда ёрдам беради. Чунки мусиқа катталар учун ўз ҳис-туйғуларини билдиришнинг кучли воситаси бўлиб, мусиқани болалар билан биргаликда тинглаш ва унинг болаларда қандай туйғуларни уйғотаётгани тўғрисида суҳбатлашиш мулоқотнинг ҳиссиёт жиҳатидан ривожланишига кўмаклашади. Болалар - туғма раққослар бўлиб, уларга ўйинни юзаки ўргатишларига муҳтож эмаслар. Агар болаларга қувноқ мусиқа қўйиб берилса, улар ўз қувончларини ифодаловчи ўз рақсларини ўйлаб топадилар.

### **Ижтимоий ривожланиш**

Муסיқа ижтимоий ривожланишининг ҳам кучли воситаси ҳисобланади. Бу фаолликнинг ижтимоий туридир. Бир томондан олганда, болаларнинг бутун гуруҳи бир пайтнинг ўзида ҳам қўшиқ айтиб, ҳам рақс тушишлари ва чолғу асбобларини алмашмасдан ёки бўлишмасдан ўз вақтларини ажойиб ўтказишлари мумкин. Бошқа жиҳатдан олганда, навбатига айтиладиган қўшиқлари ҳам мавжудки, бунда болалар ўз навбатлари пайтини кутиб, кетма-кет қўшиқ айтишни ўрганишлари мумкин. (Масалан, ҳар бир болага ўз исми айтилганда “Мана мен” деб ёки шунга ўхшаш тарзда куйлаб жавоб қайтариш таклиф этиладиган кўплаб қўшиқлар мавжуд). Одатда оғир-босиқ ва кўпчилик олдида сўзлашга мойил бўлмаган болалар ҳам кўпинча қўшиқ ёки рақсга қўшиладилар.

Кўпгина болалар қўшиқлари ҳаракат билан бажарилади. Болалар айна бир вақтнинг ўзида ҳар хил ҳаракатни бажаришлари керак бўлган бундай қўшиқ турлари бошқа барча ҳолларда четдан кузатувчи бўлиб турадиган болаларни жалб этиш учун ўта самаралидир.

### **Нутқ ривожланиши**

Муסיқа нутқнинг ривожланишига ҳам кўмаклашиши мумкин. Барча сўзлашув тиллари бир маромга ва оҳангга эга бўлиб, болалар ўз-ўзидан сўзларни маром ва оҳанг жиҳатидан ўйнаб айтадилар. Тарбиячи ана шу табиий ўйиндан фойдаланиб, болаларга уларнинг тилларидаги жарангга эътиборни қаратишларида ёрдам бериши мумкин.

Болаларга ўз ўртоқларининг номларини эслаб қолишда ёрдам бериш усули бунга ёрқин мисолдир. Бунда болаларнинг ҳар бирининг исми мароми айтилади, кейин эса ана шу маром рақс учун асос сифатида такрорланади. Муסיқа болаларга уларнинг нутқини мураккаброқ қилиш учун ёрдам бериши мумкин. Оҳанг хотирани кучайтиради ва бола ўзининг табиий нутқидан кўра бир оз мураккаброқ бўлган қўшиқ ибораларини яхши ёдлаб олади, сўнгра эса улардан сўзлашув тилида ҳам фойдаланади. Муסיқа луғат захирасини кўпайтиришга ҳам ёрдам беради, чунки болаларни янги сўзлар билан таништирадиган, номлар ва кўчирмалар қаторлашиб келадиган кўплаб қўшиқлар мавжуд. Баъзан болалар ўз ниятлари ҳақида ҳикоя қилиш, ўз ҳис-туйғуларини ифодалаш учун машҳур қўшиқлардан фойдаланиб ёки янги куйлар тўқиб, ўз қўшиқларини яратишга ҳаракат қиладилар.

### **Интеллектуал ривожланиш**

Болаларда тушунчаларни шакллантириш учун ҳам муסיқадан фойдаланиш мумкин. “Бир хил” ва “ҳар хил” сўзларининг аҳамияти овоз қаттиқлиги ва жарангдорлигини ўзгартириш орқали жорий этилиши мумкин. Ҳар бир маданиятда болалар учун саноқ қўшиқлари мавжуд.

Ҳаракатлар, хусусан бутун тана билан бажариладиган ҳаракат билан уйғунлаштириб айтиладиган бу қўшиқлар машқларга жозиба бағишлайди. Алифбо ҳарфларини санайдиган қўшиқлар, афтидан, тушунчаларнинг шаклланишига кўмаклашмайди, бироқ болага муайян бир изчилликни эслаб қолишда ёрдам беради.

### **Ҳаракатни ривожлантириш**

Ҳаракат кўникмаларини ҳам муסיқа ёрдамида яхшилаш мумкин. Бармоқлар ҳаракати билан уйғун тарзда айтиладиган қўшиқлар болани қўлидаги ҳар бир бармоғини алоҳида-алоҳида ҳаракат қилдиришга чорлайди ва бу билан “кўз- қўл” ҳаракати мувофиқлиги яхшиланади. Энг оддий муסיқа асбобларини мустақил равишда ясаш ва чалиш қўлларнинг нозик ҳаракатини ривожлантиришга хизмат қилади. Муסיқа садолари остида ўз-ўзидан ўйналадиган рақслар ва ҳаракатлар мувофиқлаштиришни яхшилашга олиб келади. Ўзи кашф қилган рақсларни ижро этиш, умуман олганда, боланинг умумий ривожланишига кўп даражада кўмаклашса-да, барибир болаларни гуруҳ бўлиб бажариш мумкин бўлган халқ рақсларидан бир қанча энг оддийларига ўргатиш ўринли бўлади.

Муסיқа ёрдамида болаларда ҳатто ўз-ўзига хизмат кўникмаларини ҳам ривожлантириш мумкин. Баданнинг барча қисмларини ювиш тўғрисидаги қўшиқлар айниқса самарали, лекин қандай кийиниш, ўзидан кейин жойни йиғиштириш тўғрисида ҳам қўшиқлар айтилиши мумкин. Агар тарбиячи, умуман, товушнинг табиати қандайлигини тушунишда болаларга ёрдам бермас экан, мусиқанинг болани ривожлантириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб бўлмайди. Тор овоз чиқарганда қандай титрашини болаларга кўрсатиш керак. Рубоб чалганда, улар торнинг овози тўхташи титрашнинг тўхташи билан боғлиқлигини билиб олишлари мумкин. Кичкинтой болалар мавҳум тушунчани илғаб олишга қодир бўлмасалар-да, улар интуитив тушунчага эришишлари, турли манбалардан чиқаётган товушлар (масалан: шишаларда турли даражада суюқлик мавжуд бўлганда уларнинг оғзидан пуфланса, юзага келадиган товушлар; турли узунликдаги ва тузилишдаги ипларнинг тебраниши; ҳар хил барабанлар, қайроқтошлар ва шақилдоқларнинг овози сифати) ўртасидаги баланд фарқларни билиб олишлари мумкин.

### ***Муסיқа ҳар кунлик дарс жадвалининг қисми сифатида***

Агар муסיқа машғулотларининг алоҳида марказини ташкил этиш имкони бўлмаса, муסיқа бутун кун давомидаги кўплаб фаолият турлари қаторига киритилиши мумкин. Бироқ муסיқа фонига нисбатан эҳтиёткорлик билан ёндашмоқ зарур. Муסיқа чалинаётган аксарият ҳолларда у болаларнинг диққат марказида бўлмоғи лозим. Фонли муסיқа, айниқса, у катталарнинг машҳур муסיқаси бўлса, катталар учун ёқимли бўлса-да, лекин у болаларни чалғитиши мумкин. Муסיқадан ҳар кунги режимли дақиқаларга риюя этишни ёқимлироқ қилаиш мақсадида фойдаланилса самарали бўлиши мумкин. Бунинг учун тегишли қўшиқларнинг, масалан, табрик қўшиқларини тўқиш ёки танлаб олиш мумкин. Бутун гуруҳ йиғилган маҳалда ашула айтиш - ажойиб машғулот. Қўшиқлардан бир фаолият туридан бошқасига ўтишни ташкил этиш воситаси сифатида ёхуд тушликни кутиш ёки ювиниш пайтидаги танаффусни тўлдириш учун фойдаланиш мумкин. Қўшиқлар дам олиш вақтида болаларни тинчлантиришнинг ажойиб воситаси ҳисобланади. Болалар мактабгача таълим муассасасидан қайтишаётганда таниш бир хайрлашув қўшиғи эса - кунни хушчақчақ яқунлашнинг қулай воситасидир.





Хонада санъат ва табиат билан таништириш марказларини жиҳозлашда ҳам мусиқани унутмаслик лозим. Масалан, бундай марказларни мусиқалаштиришда фойдаланиш мумкин бўлган турли


буюмлар бўлгани маъқул:

- шақилдоқлар — қопқоқли бўш пластик қутичалар;
- турли ичимликлардан бўшаган алюмин банкалар; гуруч, қуруқ ловия ёки тутма солинган қутилар ва писта солинган, қовоққа ўхшаган табиий шақилдоқлар;



- чертиб чалинадиган асбоблар, резина тасмалар, қутилар, трубкалар, симлар;

- уриб чалинадиган асбоблар - кубиклар, овоз чиқарадиган бирор-бир нарсалар ва ҳоказо.



### **Пуфлаб чалинадиган асбоблар (пластик бутилкалар, трубкалар, найлар)**

Агар сизда фабрикада тайёрланган асбоблар бўлса, уларни ёпиқ жойда сақлаш оқилона ишдир, улардан фақат муайян вақтда фойдаланиш зарур. Оҳангли асбобларнинг овозлари болаларни бошқа машғулотлардан чалғитиши мумкин, шунинг учун ҳам асбобларни умуман гуруҳ учун қачон фойдаланиш мўлжалланган бўлса, фақат ўша пайтда олиб чиқиш керак бўлади. Болалар катталар чаладиган асбоблардан фойдаланаётганда уларни диққат билан кузатиш лозим.

Ҳар бир маданиятда оддий ва тайёрланиши қимматга тушмайдиган ҳамда болалар учун ишлатиш осон бўлган халқ чолғу асбоблари бор. Уларнинг ёнига қўлда тайёрланадиган шақилдоқлар, лабга қўйиб чалинадиган найлар, хуштакларни қўшиш мумкин. Лекин, ҳар қандай ҳолда ҳам асбобларни болалар учун хавфсизлиги нуқтаи назаридан текшириб кўринг: уларнинг қирралари йўқми, боланинг томоғига нарса тикилиб ёки заҳарланиб қолиш эҳтимоли йўқми.

Турли товушларни баҳолаш ва улардан завқланишда болаларга ёрдам бериш учун уларни бир мартада фақат бир асбоб билан таништириш керак. Оҳангли асбоблардан ҳар қандай мусиқа машғулотлари пайтида болаларнинг ўз хоҳишларига кўра фойдаланилиши мумкин. Улар чалиниши, шунингдек қўшиқ ёки рақсга уйғунлаштирилиши мумкин.

### **Тарбиячиларнинг роли**

Тарбиячилар қўйлашлари зарур. Бунда уларда мутлақ овоз ёки операга хос тенор ёки баритон бўлиши шарт эмас, овоз ёқимли бўлиши ва юракдан чиқишининг ўзи етарли. Ашула ишни жадаллаштириш, ҳис-туйғуларни ифодалаш, бирор нарса тўғрисида ҳикоя айтиб беришнинг ажойиб воситасидир. Тарбиячи кун давомидаги барча воқеаларни: мактабгача таълим муассасасига келиш, машғулотлар, бир машғулотдан бошқасига ўтиш, кундузги уйқу кабиларни қўшиқлар жўрлигида олиб бориш ҳамда ҳикоя қилувчи қўшиқларни ижро этиш билан буни намойиш қилиши мумкин.

Агар тарбиячи муסיқа асбобини чала олса, бу болаларнинг муסיқага қизиқишларини бошқаришда қўшимча имконият яратади. Болалар қўшиқлари ёзилган магнитофон тасмаларидан ҳам фойдаланиш мумкин, бироқ бу болалар ва тарбиячининг овозлари қўшилиб кетадиган мустақил тарздаги ашула айтишининг ўрнини боса олмайди.

Тарбиячи болаларнинг муסיқа соҳасида мустақил қадам ташлашларини ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин. Халқ оҳанглари ва мумтоз муסיқа ёзувларидан болалар ўз рақсларини ўйлаб топадиган вазиятлар учун ҳам асос сифатида фойдаланиш мумкин. Агар болаларга уларнинг ўзлари хоҳлаганча рақсга тушиш имконияти бериладиган бўлса, оммабоп куйлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Одатда болаларнинг диди нозик бўлади: улар яхши маром, қизиқарли оҳанглар ва монандликка эга бўлган муסיқага тезда жавоб берадилар. Кичик ёшидаги болалар учун махсус ёзиб олинadиган, ифодасиз ва тинчлантирувчи муסיқани қўйиб бериб, болаларнинг қадр-қимматини камситмаслик керак.

Муסיқа асбобларини яратиш ғояси билан танишган болалар бошқа мақсадлар учун мўлжалланган буюмлар, масалан, алюмин банкалари ва костриолларнинг муסיқавий имкониятларини билиб олишлари мумкин. Агар атрофдагиларга халақит берадиган бўлса, тарбиячи бундай буюмлардан фойдаланишни тўхтатиши ва болаларнинг диққатини мазкур буюмларнинг жаранглаши, муסיқийлигини баҳолашга қаратиши мумкин.

## ***Фаолият турлари ва лойиҳалар***

### **Шақилдоқлар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш**

Шақилдоқлар тайёрлаш - кичик гуруҳлар ҳам, катта гуруҳлар ҳам бажариши мумкин бўлган фойдали ва завқли машғулот. Бунда: ичимликдан бўшаган тоза алюмин банкalar (ҳар бир бола учун ҳеч бўлмаганда биттадан); бир неча сиқим қуруқ ловия доналари, гуруч, қум, майда тошлар; скотч каби энг оддий материалларни танлаб олиш керак бўлади.

Бундай фаолият тури билан кўпгина мақсадларга эришилади:

- Шақилдоқни ҳар бир бола ундан муסיқа машғулотларида фойдалана олишини ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш.
- Нозик ҳаракатларни ривожлантириш (майда буюмларни овзи тор идишларга, масалан, ловия доналарини ичимликдан бўшаган банкalarга солиш).
- Оҳангли қаторларни такрорлаб, қисқа муддатли хотирани ривожлантириш.
- Агар бир хилда тўлдириладиган бир жуфт шақилдоқни тайёрлаш учун материал етарли бўлса — иккита бир хилда овоз чиқарадиган шақилдоқни танлаш.

### **Шақилдоқларни тайёрлаш:**

Банкаларни қўйиб чиқинг (ҳар бир бола учун биттадан ёки иккитадан). Тўлдириладиган нарсаларни паст патнислар ёки дастали косаларга солиб, уларни стол марказига ҳар бир боланинг қўли етадиган қилиб қўйинг. Агар жуфт шақилдоқлар тайёрланадиган бўлса, бир хилдаги тўлдирувчи (масалан, ловия доналари) билан кифояланиш керак бўлади. Агар болалар жуда кичик ёшда бўлиб, материалларни

бўлишиб олиш ҳали уларнинг қўлидан келмаса, ҳар бир бола учун биттадан патнис тайёрлаш мумкин. Бунинг учун материални олдиндан алоҳида алоҳида бўлақларга бўлиш лозим.

Болаларга банкани унинг оғзи орқали қандай тўлдиришни ўргатинг ва шақилдоқ овозини намоёниш этинг. Болалардан ҳам худди шундай қилишни сўранг. Болаларга банкларни тўлдириш ва уларни қимирлатиш, овозларнинг ўзгаришини кузатиш ёқиб қолади. Сўнгра болаларга банканинг оғзини скотч ёрдамида маҳкамлашда ёрдам беринг. Болалар сизнинг ёрдамингизни кутиб қолмасликлари учун скотч-лентани олдиндан қирқиб қўйиш мумкин.

### **Шақилдоқлардан фойдаланиш**

• Ҳар бир бола навбатма-навбат бутун гуруҳ эргашадиган оҳангни бошлаб беради. Ҳар бир боланинг номидаги оҳангдан фойдаланиш мумкин.

- Турли оҳанглари чалиб кўрсатинг, болалардан буларни такрорлашини сўранг.
- Шақилдоқ билан бир маромда уриб туриб, қўшиқ айтинг.
- Шақилдоқ ёрдамида марш оҳангини чалиб, намоёниш ташкил этинг.

• Агар шақилдоқларингиз қўшалоқ бўлса, уларни аралаштиринг ва болалардан яна жуфтлаштиришни сўранг.

- Мусиқали ёзувни қўйинг ва шақилдоқ билан бир маромда уриб жўр бўлинг.

Сув тўлдирилган бутилкалар материалли асосида фан ва мусиқа машғулотлари материаллар:

• синмайдиган оғир шиша бутилкалар (ҳар бир бола учун биттадан бўлгани маъқул);

- сув;
- сув учун идишлар;
- металл қошиқлар ёки санчқилар.

Фаолиятнинг бу тури болаларга ҳаводаги титраётган устун узунлиги билан товушнинг баландлиги ўртасидаги ўзаро алоқани интуитив ҳис этиш, шунингдек суяқликни қўйиб кўришни ўрганиш имкониятини яратади.

### **Бутилкаларни тайёрлаш**

Столга ҳар бир бола учун бутилка ва санчқи қўйинг. Махсус “идишда сув қўйиладиган стол” - бундай машғулотлар учун жуда қулай жой. Бутилкани столнинг бўш майдонига қўйинг ва сиз сувнинг халқоб бўлиб қолишидан хавотирланиб ўтирмайсиз. Бу машғулотни очиқ ҳавода ҳам ташкил этиш мумкин. Агар машғулот бинода бажарилаётган бўлса, полга газета ёзинг ҳамда полдан сув шимдириб олиш учун латта ва губка тайёрланг. Четлари тор бўлган патнислардан ҳам фойдаланиш мумкин. Болаларнинг ижтимоий ривожланиши даражасини ҳисобга олиб, ҳар бир бола учун бир қўзачада ёки икки-уч нафар бола учун биттадан қўзачада сув тайёрлаш мумкин, бу билан уларга сувни баҳам кўриш ва ундан навбатма-навбат фойдаланиш имконияти берилади.

Товушни намоёниш этиш учун бўш бутилкани тақиллата бошланг. Унга пуфлаш ҳам мумкин. Айрим болалар сиз қилаётган ишни такрорлай оладилар. Болаларга бу ишни тажриба қилиб кўришга руҳсат беринг. Шундан сўнг ўз бутилкангизга яна

бироз сув қўйиб, ўз ҳаракатларингизни такрорланг. Болалар товуш ўзгаришини тушунганлари заҳотиёқ уларга эркин тажриба қилиб кўриш имкониятини беринг. Уларга бу ишни бажара олаётганликларини гапириб беришни таклиф қилинг. Болалар бу товушни овоз билан қилиб кўрсинлар: қайси овозлар баландроқ, қайси бири пастроқ эканлиги ҳамда қачон сувни камайтириш ва қачон кўпайтириш кераклиги ҳақида гаплашиш мумкин.

### **Бутилкалардан фойдаланиш**

Кичкинтой болалар бутилкалардан ўзларига ёққан оҳанглارни чиқаришга интилиши, сизга эргашиб оҳангларни такрорлаши ёки ашула айтиб оҳангларга жўр бўлиши мумкин.

Каттароқ ёшдаги болалар билан иш олиб борганда бутилкалар тўпламидан товушлар мажмуини тузиб кўриш мумкин, бунда болалар товушлар оралиқларини белгилашда ёрдам беришлари, керакли оҳангни чиқариш учун қачон сувни камайтириш, қачон кўпайтириш кераклигини айтиб туришлари мумкин. Бутилкалар тўпламидан фойдаланиб, уларга тақиллатиб уриб ёки овзига пуфлаб куй чиқаришга ҳаракат қилиш мумкин.

### **Пианоно залига экскурсия**

Бунинг учун пианоно асбоби ва ҳамкорлик қилишга тайёр пианиночи керак. Кўпгина жойларда пианонога эга болалар мусиқа ва санъат мактаблари бор. Уларга шундай экскурсия давомида болалар бу ажабтовур мусиқа асбобини кўриш, эшитиш ва уни чалиб кўриш имкониятига эга бўладилар.

Болаларга уларнинг ўзлари пианинони ушлаб кўришлари ва бирор бир куйни чалишга ҳаракат қилишлари, шунингдек қисқа куй оҳангини эшитишлари муҳим эканлигини тушунтиринг. (Кўпгина пианиночилар яхши чала оладилар). Сиз бу ерга бир вақтнинг ўзида қанча болани олиб келишингиз мумкинлиги билан қизиқинг. Эҳтимол болалар гуруҳини қисмларга ажратишга ва улар билан турли кунларда алоҳида-алоҳида келишга тўғри келар. Бинога қандай қилиб кириш мумкинлигини, сизларни ким кутиб олишини, пианоно асбобини ёнига қандай кириб бориш ва намоёйиш пайтида болалар қаерда ўтиришлари ёки тикка туришлари кераклигини олдиндан билиб олинг.

Юқорида баён этилган бутилкаларда олиб борилган машғулот - пианоно асбоби билан учрашувга аъло даражадаги тайёргарлик ҳисобланди. Экскурсияга олдиндан тайёргарлик кўриш муҳимдир. Ундан бир ҳафта олдин ота-оналарнинг розилигини олиш, эҳтимол улардан айримларини бу тadbирда қатнашишга таклиф этиш лозим.

Ота-оналар болаларга қараб туришда кўмаклашадилар ва экскурсия вақтида бўладиган воқеаларда иштирок этадилар. Болаларни экскурсия тўғрисида бир неча кун олдин огоҳ қилиб қуйинг. Уларга қаерга ва қачон борилиши, бу қанча вақтни олиши, болалар бу ерда нималарни кўришлари ва эшитишлари ҳақида гапириб беринг. Уларга пианоно асбоби мусиқаси ёзувини ҳам қўйиб бериш мумкин. Мусиқа ёзувини эшитиш пайтида болаларни рақсга тушишга ёки ўзлари кечираётган ҳис-туйғуни ифодалаш учун расм чизишга таклиф этинг.



### **Экскурсия**

Мактабга келганингиздан сўнг пианиночидан клавиатура ва педалларни кўрсатишни, шунингдек уларнинг ҳаракатини намоёйиш этишни сўранг. Болалар буларни ўзлари босиб кўришларига рухсат беришни ундан илтимос қилинг. Турли клавишларнинг ҳар бирида айни бир хил таниш қўйни чалиб, пианинонинг овозини намоёйиш этишини сўранг. Пианиночи болаларга регистрларни ишлатиб кўришларига имкон берсин.

Пианиночидан муסיқа асбобининг ички тузилишини болаларга намоёйиш этишни илтимос қилинг. Кетиш олдида пианиночидан қисқача қўйни ижро этиб беришини илтимос қилинг. Агар бу асар болаларга таниш қўйлардан иборат бўлса яна ҳам яхши. Агар магнитофонингиз бўлса, пианиночининг табриги билан қўшиб ёзиб олинг.

### **Экскурсиядан сўнг**

Боғчага қайтиб келгач ёки кейинги куни болалардан ўз таассуротлари ҳақида сўзлаб беришларини сўранг ва буларни катта қоғоз варақларига ёзиб олинг, кейинчалик бу экскурсия ҳақида ушбу болалар гуруҳига эслатиб туриш учун уни ўқиб берасиз. Болалардан пианино асбобини чизиб беришларини сўранг. Агар пианино муסיқасини ёзиб олган бўлсангиз ёки бундай ёзув сизда бор бўлса, уни қўйиб беринг ва болаларга ана шу муסיқа садолари остида рақсга тушиш ёки расм чизишни таклиф қилинг.

### **Резюме**

Муסיқа - кичкинтой болаларга таълим беришнинг энг бой воситалардан бири. Муסיқа болалар ўйинининг табиий бир қисми бўлиб, у катталар билан ўзаро ижобий тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади. Муסיқа қимматбаҳо ва ўта замонавий асбоб-ускуналар бўлишини талаб этмайди; мактабгача таълим соҳасида энг бебаҳо чолғу - бу инсон овозидир. Муסיқа ва тил ўртасида ўзаро чуқур борлиқлик мавжуд. Муסיқа мактабгача тарбия ёшидаги болалар гуруҳида ҳар бир куннинг таркибий қисмига айланмоғи даркор.

ОЧИҚ ҲАВОДА



## XV боб. ОЧИҚ ҲАВОДА

### **Болалар ўйин пайтида: очиқ майдонча**

Болаларнинг очиқ ҳавода юришлари ўйин майдончасида бўлиш билан чекланмайди, улар боғлар, яқин атрофдаги ҳудудлар, сув ҳавзалари ва экин экилаётган ер майдонларида ҳам бўлишлари лозим. Буларнинг барчаси болалар кўп нарсани ўрганиши ва улғайиши учун ажойиб жойлардир.

Очиқ ҳавода ўйнаётганда болалар бениҳоя қувноқлик ва қизиқувчанлик намоён этадилар.

Тўрт девор билан ўралмаган жойларда ҳамма нарса доимий равишда ўзгариб туради ва болалар барча фаолият соҳалари тўғрисида билимга эга бўладилар, тарбиячилар эса қузатувларга, болалар билан қилинган ҳамкорликка асосланиб ва айрим фаолият турларини режалаштирган ҳолда болаларнинг ривожланишини рағбатлантириш имкониятига эга бўладилар.

Ташқи муҳитнинг энг асосий тавсифи об-ҳаводир. Болалар об-ҳавонинг барча ҳолатини ўз бошларидан кечириб, уни ҳис этиб кўришлари лозим. Бунинг устига болакайларга ёмғир остида югуриш ёки кучли қор ёғаётган пайтда сайр қилиш жуда ёқади, катталар эса одатда бунга завқ-шавқсиз қарайдилар.

Мусаффо осмон остидаги ҳар қандай жойда болалар кўплаб ҳайратланарли таассуротларга эга бўлишлари: полапонларнинг уясида учиб чиқишини кўришлари, майсазорда юришлари, баҳор ёмғиридан кейинги мусаффо ҳаво уфорини туюшлари, йил фасллارининг алмашинуви ва қор эришини қузатишлари мумкин ва ҳоказо. Айрим уй машғулотларини ташқарида бажариб кўриш мумкин, бу ҳам болаларни уларга бошқача кўз билан қарашга мажбур этади. Масалан, шамолнинг шовқинида шовулётган дарахт остида ўтириб, шабада эсаётган кунни тасвирловчи ҳикояни тинглаш мумкин, бу эса шундай ҳикояни хонада ўтириб тинглашдан тамоман бошқачадир. Очиқ ҳавода бўлиш ҳар қандай машғулотларни гуллар, ифорлар, товушлар, ажойиб туйғулар билан бойитади. Бунинг шарофати билан бола табиат билан бевосита ошно бўлади ва унинг ҳис-туйрулари кучаяди.

Мусаффо осмон остида сайр қилиш кун тартибига кирувчи энг зарур тадбирлар: тоза ҳаводан нафас олиш, табиатнинг ҳолатини ҳис этиш, янгича йўсинда ҳаракатланиш бола учун ҳам, катталар учун жуда фойдалидир. Ҳаракат ҳамда вазиятнинг ўзгариши зўриқишларни йўқотади.

Ташқарида макондан фойдаланиш мактабгача таълим муассасасининг биносида макондан фойдаланиш билан барабар бўлиб, улар ўртасига кўприк қўяди. Хонага олиб келинган бўшаб қолган қуш уяси болаларга уни ушлаб кўриш, томоша қилиш ва қушлар ҳақида қизиқарли нарсаларни китоблардан билиб олиш имкониятини яратади. Сайр учун олинган бўр, қалам, машина ва бошқа уйинчоқлардан эса қандайдир бир янгича тарзда фойдаланиш мумкин. Уйда ва табиат қўйнида расм чизиш ўртасидаги фарқ болалар учун қизиқарли бўлиши мумкин, тарбиячига эса ўз тарбияланувчиларининг тушунчалари доираси ва луват захирасини кенгайтириш имкониятини яратади. Тарбиячилар кўпинча болалар очиқ ҳавода ўйнаганида уларнинг маҳорат билан бажарадиган ишларидан ҳайратланиб мамнун бўладилар.

## ***Ривожланишга таъсири***

Боланинг очиқ ҳаводаги фаолияти уни ҳар томонлама ривожлантиради. Жисмоний ривожланиш, ижтимоий кўникмаларга ва маданий тасаввурларга эга бўлиш, ҳиссиёт ва интеллектуал жиҳатдан ривожланиш шулар қаторига киради.

### **Жисмоний ривожланиш**

Биодан ташқаридаги макон ўта қизиқарли машғулотлар ва кенг таълим имкониятларини яратадиган жой; бироқ аксарият болалар учун бу авваламбор жисмоний ўсиш ва ривожланишни рағбатлантирувчи омиддир. Жисмоний тарбия машқлари болага ижтимоий жиҳатдан ҳам ўзини кўрсатиш, тартиб-қоидаларни ўзлаштириш, бошқалар билан ўзаро алоқаларни сезиш, ўз кучига ишончни мустаҳкамлаш, интеллектуал жиҳатдан ўсиш ва муаммоларни ҳал этишни тажриба қилиб кўриш имкониятини яратади. Жисмоний машқларнинг режали дастури мактабгача таълим дастурининг муҳим қисми.

Очиқ ҳавода ўйнаш умумий ҳаракатларнинг ривожланишига хизмат қилади. Очиқ макон болаларга югуриш, сакраш, арқонда сакраш, умуман ҳеч қандай чеклашларсиз ҳаракат қилиш учун табиий шароитлар яратади. Майдонча жиҳозлари болаларни тирмашиб чиқиш, сирпаниш машқларини ва бутун тана мускулларини ривожлантирувчи бошқа машқларни бажаришга, ҳаракатларни мувофиқлаштиришга, мувозанат туйғусини сезишга жалб этиши лозим.

Болалар қум уйнаётган ва ер қазийётган, сув қуяётган, майда тошчаларни, япроқлар ва майда буюмларни йиғайётган пайтда, шунингдек шар ўйинига ўхшаган турли ўйинларни ўйнаётганда нозик ҳаракатлар орқали ривожланиш учун рағбат олади.

Очиқ ҳавода бўлганда болалар турли шароитларда ўз таналари нималарга қодирлигини билиб оладилар: улар тепаликнинг чўққисида бўлиш, арғамчида қаттиқ учиб, ер ости йўли орқали эмаклаб ўтиш ёки кузги япроқлар тўдаси устида ётиш нима эканлигини ўзлари учун кашф қиладилар.

Жисмоний куч, мувофиқлаштириш, мувозанатни сақлаш сабр-чидамлилик кундалик амалиёт натижасида мунтазам равишда ривожланиб боради. Болалар биодан ташқаридан бўлганларида бу сифатлар энг кўп даражада қарор топади. Каттароқ ёшдаги болаларга спорт ва жисмоний фаолият билан шуғулланиш учун зарур бўлган жисмоний кўникмалар янада эртароқ ёшда шаклланиши ва улардан фойдаланилиши мумкин. Болалар спортдан завқ олишни ўрганишлари ва унда бажонидил қатнашишлари учун бундай кўникмалар қувноқ мусобақалашув жараёнида ўзлаштирилиши муҳимдир. Бир бола ёки гуруҳ ютадиган, бошқалари эса ютқазадиган ўйинлардан қочинг. Ўйинлар ёки мусобақаларда доимо ютқазадиган болалар салбий ҳиссиётларни бошдан кечирадилар ва натижада иштирокни бас қиладилар. Мактабгача ёшдаги болаларга жисмоний таълим-тарбия беришнинг мақсади кўникмаларни ривожлантиришдан ҳамда фаолиятнинг жисмоний турларига нисбатан барқарор қизиқишни қарор топтиришдан иборат.

Турли болаларда жисмоний ривожланиш турлича суратда кечади. Айрим тўрт ёшли болалар тўсиқлар оша энгил сакраб ўтишса, айни вақтда баъзи бир болалар беш-олти ёшигача ҳам сакрай олмайдилар. Айрим болалар тўпни энгил сакраш билан илиб олсалар, бошқа бирлари фақат жуда катта тўпнигина илиб оладилар ёки уни



олдинга ва орқага юмалатишнигина уддалайдилар. Тарбиячи кузатувлар орқали болаларнинг ривожланиш даражасини аниқлаши ва шунга мос тарзда машғулотлар мундарижасини режалаштириши лозим.

### **Ижтимоий кўникмаларнинг ривожланиши**

Атроф-муҳит болаларни бир-бирлари ва катталар билан ўзаро мулоқот қилишга табиий равишда чорлайди. Дадил айтиш мумкинки, хонадан ташқаридаги ўйинлар мулоқот усулини ҳам ўзгартиради. Ичкарида ўзларини босиқ тутадиган болалар кўчада нисбатан кўпроқ мулоқот қилишлари мумкин. Бино ва ундан ташқаридаги ўзаро мулоқотлар ўртасидаги фарқ болаларни турли вазиятларда кўриш ҳамда уларнинг феъл-атвори ва имкониятларини яхши билишга шароит яратади.

Бинодан ташқарида ўйнаганда болалар велосипедда ким учини кераклиги ҳақида баҳслашиб, арғимчоқ учини навбатда туриб ёки ҳаракатли ўйинларни ўйнаб, муҳим ижтимоий кўникмаларни ҳосил қиладилар. Болалар буюмларни (масалан, велосипедни аравачага) алмашишаётганда уларда келишиб олиш маҳорати шаклланади. Болалар бирор нарсадан фойдаланиш навбати тўғрисида сўз бораётганда (“Варрак учини учун менинг навбатим келди, сен у билан аллақачондан бери ўйнаяпсан” каби) муросага келишга ўрганадилар. Улар арғимчоқда бир-бирларини учинишаётган, челақни қум билан тўлдираётган, аравачани биргаликда тортаётган ёки иншоотларга чиқаётган маҳалда ўзаро ҳамкорлик қилиш зарурлигини ўзлаштирадилар, жараёнда болалар дўстлар орттирадилар ва улар билан эмин-эркин ҳолатда мулоқотда бўладилар.

Теварак атрофга сайрлар, ўт ўчириш станцияси, дўкон ва бошқа жойларга бориш вақтида болалар бу ерларда автомобиль ҳайдовчиси, почтачи ёки сотувчи қандай ишлаётганлигини кўришлари, милиционерни ёки аравачада ўтирган ногиронни учратишлари мумкин, бундай пайтда улар ўзлари яшаётган жамият тўғрисида тасаввурга эга бўладилар.

### **ҲИССИЙ РИВОЖЛАНИШ**

Бинодан ташқарида бўлганда болаларнинг ўзлари дуч келган кўплаб қийинчиликларни енгиб ўтишлари уларда ўз-ўзига ижобий баҳо беришнинг шаклланишига ёрдам беради. Болалар тепалик чўққисига чиқишга, ўсимлик ўстиришга ёки тахталардан бирор нарса ясашга муваффақ бўлишганда, улар ўзларидан қониқиш ҳосил қилиш ҳиссини туядилар.

Очиқ ҳаводаги ўйин вақтида болаларда ўз кучларига ишонч шаклланади, улар ўз таналарининг имкониятини, ҳаракатларини бошқариш усулларини англаб оладилар.

Воқеликдаги ҳаёт тажрибаси ўзига ва бошқаларга ишонч туйғусини тарбиялайди. Арғимчоқдан ўзи туша олмайдиган бола ўртоғидан ёрдам сўрай олиши ва унга суяниши мумкин.

Бинодан ташқаридаги ролли ўйин турли тийиб турувчи вазиятлар мавжуд бўладиган бинодаги ўйинга қараганда кўпроқ даражада ҳаётни жонлантиради, бироқ шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятига кўра бу ўйин йўллар, велосипедлар, белгилар, қайиқлар, самолётлар, юк машиналари, космик кемалардан фойдаланиш тасаввур этиладиган воқеалар асосига қўрилиши мумкин.

Биодан ташқаридаги вазият боланинг тарбиячи билан кўп жиҳатдан инонган тарздаги суҳбатига сабаб бўлиши ва бундай суҳбат чоғида тарбиячи боланинг ички дунёси ҳақида бирор-бир муҳим нарсани билиши ҳам мумкин. Айрим болалар учун ўйинни яхши ёки ёмон ҳис этишининг сабаблари ҳақида гапириш айнан тарбиячи билан арғимчоқда учаётган пайтда осон кечади.

Қувонч, нафрат ёки мусобақалашув кайфияти баъзан биодан ташқарида осонроқ намоён бўлади. Очиқ ҳавода бўлиш атроф табиатнинг гўзаллигини баҳолаш маҳоратини тарбиялашга кўмаклашади. Болалар барча сезги органлари воситасида дунёни англайдилар: улар гулларнинг ҳидидан, ер тафтини сезишдан, чигирткаларнинг чириллашидан ва юзларига тушаётган қуёш нурларининг илиқлигидан роҳатланадилар. Қадриятларни тушуниш атроф-муҳитга нисбатан маданиятли муносабатга бўлишга олиб келади.

### **Интеллектуал ривожланиш**

Болалар буюмлар ва ғоялар билан тўғридан-тўғри ўзаро мулоқотда бўлиш натижасида кўп нарсаларни ўрганадилар. Атроф-муҳит тарбиячилар учун боладаги ёруғлик, шакл, ҳажм, сон каби тушунчаларни бойитиш имкониятини яратади. Табиатда ранглар ва белгиларга мисоллар кўплаб топилади (бунинг учун япроқлар, осмон, тошлар, гуллар ва биоларга назар ташланса кифоя). Бу жойларда санаб чиқиш ва тоифалаштириш мумкин бўлган кўплаб объектлар мавжуд (бугун эрталаб очилган гуллар сони; тенгдошинг велосипедда босиб ўтган давралар сони ва ҳоказолар).



Баъзи бир тушунчалар айнан очиқ ҳавода табиийроқ тарзда ўзлаштирилади. Табиат сирларини бевосита ўз яқинингизда ҳам кўришингиз мумкин. Йил фаслларининг алмашинувини ҳар куни идрок этиш ва қайд қилиш мумкин. Тез орада ёмғир бўлиб қуйиладиган булутларнинг яқинлашиб келиши ёки қишга ёнғоқ намлаб, уни яшириб қўядиган олмахон узоқ вақт боланинг диққатини тортиши мумкин. Баҳор ойи мобайнида кўчатларни ўтқозиш ва парваришlash болага сабаб ва оқибат муносабатларининг намунасини намоён этади, ўсишнинг қонунийлигини, янги меҳнат қуроллари, ўсимликлар, гуллар ва шакллар номларини билиш имкониятини яратади.

Болалар вазиятни кузатиш ва таҳлил этишга ўрганадилар. Табиатдаги ўзаро бир-бирига боғлиқлик саволларни келтириб чиқаради, бола бу саволларга жавоб излаб топар экан, у интеллектуал жиҳатдан ривожланади. Бола: “Нима учун қорбобо кичрайиб қолаяпти?” деб сўраганда у иссиқлик, эриш ва буғланишнинг фарқи тўғрисида билимга эга бўлади.

Табиат қўйнида боланинг нутқ имкониятлари ҳам кенгайди, чунки бола ўзи кузатадиган, ушлаб қўрадиган ва ҳидлайдиган кўплаб янги нарсалар билан тўқнаш келиши айни маҳалда улар ҳақида гаплашиш, тарбиячининг ҳикоясини тинглашдек табиий истакни уйғотади.

Атроф-табиат болада тасаввур қилиш ҳамда ижодкорликнинг ривожланишига хизмат қилади. Ўйин болаларга дунёни тушунишда ёрдам беради. Бола велосипедда учаётганда ўзини машина ҳайдовчиси, арғимчоқда учаётганда эса - авиалайнер учувчиси

деб тасаввур этади. Ўз мускулларидан фойдаланиш борасидаги ана шу барча имкониятлар, ҳидларни сезиш ва қабул қилиш, атроф билан ўзаро мулоқотда бўлиш болага ўсиш ва ривожланиш учун ёрдам беради.

Биодан ташқарида ўйин маконини ташкил этишни йўлга қўяр экан, тарбиячи бу билан болаларни барча жиҳатлардан ривожлантириш имкониятига замин яратади.

## ***Биодан ташқарида муҳит ташкил этиш***

### **Хавфсизликни таъминлаш**

Мактабгача таълим муассасаси атрофида муҳитни ташкил этганда ғамхўрлик қилиниши лозим бўлган биринчи нарса - бу хавфсизликдир. Қуйида эътибор берилиши керак бўлган айрим жиҳатлар келтириб ўтилади:

- Майдонча тарбиячи ёки унинг ёрдамчиси ҳар қандай вазиятда барча болаларни кўра оладиган қилиб барпо этилганми?

- Болалар эмин-эркин фаолият турлари билан шуғулланиб, ўз ҳолларича бўладиган бўш жой борми?

- Арғимчоқлар, тирмашиб чиқиш учун воситалар турадиган ҳудудда ва болалар тепалигида юшоқ тупроқ етарлими?

- Ўйин майдончасининг ҳудудлари аниқ белгиланганми?

- Болалар навбатда турмасликлари ва шу сабабдан уришиб қолмасликлари учун майдончада жиҳозлар етарлими?

- Майдончада усти бекилмаган ариқчалар, жуда пастлаб осилиб турган электр симлари ва бошқа хавфли буюмлар йўқми?

- Сув ёки ювиниш манбалари мавжудми?

- Болаларнинг бирор жойи тирналадиган ёки кесиладиган ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатиш учун дори-дармон қутиси яқинингиздами?

Кузатиб туришнинг зарурлиги биодан ташқаридаги ўйинлар вақтида болаларни кузатиб туриш - уларнинг хавфсизлигини кафолатлашнинг энг яхши усулидир. Кузатиб туришнинг асосий қисмларига қуйидагилар киради:

- Катта ёшдаги кишига майдончанинг энг фаол қисмини (тирмашиб чиқиш учун жиҳозлар, арғимчоқларни, тепаликни ва болалар қурилиш билан шуғулланадиган жойни) кузатиб туришни топширинг.

- Болалар бажараётган машғулотларда фаол қатнашишга интилманг, фақат вақти-вақти билан суҳбатлашиб, уларни диққат билан кузатиб туринг.

- Катта ёшдаги кишига қумли майдонча ва бассейнда, шунингдек болалар велосипедда учадиган жойда кузатиб туришни топширинг.

- Сайр вақтидан тарбиячиларнинг дам олиши учун фойдаланманг: бу вақтдан болаларни билим ва кўникмаларни эгаллашга чорлаш учун фойдаланиш зарур.

Болаларга хонада ҳам, очиқ ҳавода ҳам хавфсиз ҳаракат қилиш қоидаларини ўргатинг. Уларнинг хавфсизлик тўғрисида ўйлашини ва унинг учун жавобгарликни ҳис этишини рағбатлантиринг.

## Ўйин ҳудудлари

Бинодан ташқаридаги муҳит ҳам гуруҳ хонасидаги макон каби пухталиқ билан режалаштиришни талаб этади. Энг яхши ўйин майдончасида болаларни жалб этадиган ва уларнинг қизиқувчанлигини оширадиган бир неча турли ўйин ҳудудлари бўлади: ҳудудлар оралиғидаги ўтиш жойлари қулай ташкил қилинишини ва югураётган болалар тўқнашиб кетиши эҳтимоли истисно этилишини таъминланг. Агар ҳудудларнинг чегаралари яхши акс этмаган бўлса, уларни рамзлар билан белгиланг, ажратувчи арқонлар тортинг ёки болаларга йўл-йуриқлар беринг. Ҳудудларни аниқ белгилаш бахтсиз ҳодисалар, тартибсизлик ва дилсиёҳликларнинг олдини олишда ёрдам беради.

### Тирмашиб чиқиш ҳудуди

Болалар майдончаларининг аксарияти тирмашиб учун мосламалар билан жиҳозланган. Бу жой барча ёшдаги болаларни ўзига жалб этади. Энг кичкинтойлар ўтириб катта ёшдагиларни кўзатишлари ёки бўлмаса, анча каттароқ ёшдагилар энг юқорига тирмашаётган ва бамисоли маймунчалар сингари тебранаётган пайтда биринчи поғонага чиқишга уриниб кўришлари мумкин.

Болаларга ҳақиқий имкониятларидан ортиқ даражада ҳаракат қилишга ундайдиган катта ёшдагилар ва тенгдошларининг тазйиқсиз ўзларига яраша маромда тирмашиб чиқишни ўзлаштириб олиш имкониятини бериш муҳимдир. Бахтсиз ҳодисаларнинг аксарияти майдончанинг ана шу қисмида содир бўлади, шу сабабли, бу ерда яхши назоратни ва имкони борича, тупроқ қопламаси юмшоқ бўлишини таъминлаш керак бўлади.

Тирмашиб ҳудуди қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

Осма тўсинлар, болалар тепалиги

Ходалар

Тебранувчи арғимчоқ (маятник)

Устунли турниклар

Арғимчоқли турниклар

Тўсиқлар йўлаги

Покришқали қурилмалар (турли баландликдаги)

Дарахтлар, супачалар ва кўприклар

Ер ости ўтиш жойлари

Нишабликлар учун ёғоч қурилмалар тупроқ ва сув ўйинлари ҳудуди



Майдончанинг бу қисми бир неча бола ўйнаб туриб бир-бирларига халақит қилмасликлари учун кенг бўлиши керак. Майдончанинг бу қисмини сув манбаига яқинроқ жойлаштирган маъқул.

Агар водопровод жўмраги узоқда бўлса, сувни кўзачаларда олиб келиш керак. Сув олиб келиш жараёни болаларнинг фаол иштирокида аравачаларда ташиб, қизғин ва фойдали ўйин-кулги тарзида ташкил этиш мумкин.

Қумдан (қумҳовуз) топ-тоза бўлиши кераклигини эсда тутмоқ лозим. Имкони бўлса, унга қопқоқ ўрнатинг: бу уни мушук ва итларнинг киришидан асрайди. Агар қопқоғи бўлмаса, ҳар қуни сайр олдидан қумни ҳаскаш билан тозалаш керак бўлади.

**Бу ҳудудда фойдаланиладиган асосий ўйинчоқлар қуйидагилардан иборат:**

- пластик ёки металл челақчалар, косачалар ва дастали қозончалар;
- ҳар хил ўлчамадаги куракчалар, қошиқлар ва чўмичлар;
- эски юк автомобиллари, автомобиллар, ўт учирини машиналари, паровозлар;
- пиёлалар ва қолипчалар;
- воронкалар, элаклар;
- замбилгалтак;
- кичкина картон қутичалар;
- эски ёғоч ёки пластик яшиклар;
- чиғаноқлар, таёқлар, майда тошлар, барглар сингари табиий нарсалар.

**Транспорт ҳудуди**

Бу майдончанинг қаттиқ қопламали бўлиши лозим бўлган ягона бурчагидир. Бу ерда велосипедларда учини ва аравачаларни гилдиратиш энгилроқ бўлади, негаки болалар эндигина мувозанатни сақлашни, педални айлантиришни, жойидан қўзғалишни ва тўхташни ўрганадилар.

Мазкур ҳудуддаги ўйин болаларни жисмоний ривожлантиради ва мувозанатни сақлашга ўргатади. Бу ерда шунингдек сюжетли-ролли ўйинлар ўйналиши мумкин. Болаларга турли нарсаларни (белгилар, шляпалар, кийим-кечак) бериб, уларни ўйинга рабатлантиринг. Агар болалар шифокорлик ўйинига қизиқсалар велосипедлари ва аравачаларига тегишли рамзларни чизиб беринг ҳамда тиббий ашёлар билан таъминланг. Бу болаларга катталар ҳаёти хусусидаги ўз ҳис-туйғуларини фойдалаш имконини беради.

Ҳудудда барча ёшдаги болалар учун ҳаракатланувчи воситаларни муҳайё этишга ҳаракат қилинг. Кичкинтойлар учун аравачалар, уч вилдиракли велосипедлар, каттароқ ёшдагилар учун икки вилдиракли велосипедлар ва роликлар мос келади.

Ерга йиқилиб тушиш - бу ҳудудда тез-тез содир бўладиган ҳодиса, шу сабабли қўлингизда аптечка бўлсин. Кўпроқ хавфсиз бўлиши учун ҳудудга белгилар қўйиб чиқиш зарур. Йўл белгиларини ва “Бир томонлама ҳаракат” кўрсаткичларини осиб қўйинг ва “тирбандликлар” ва тўқнашувларнинг олдини олишда болаларга ёрдам беринг.

Транспорт ҳудудидан бошқа мақсадларда: копток ўйинлари, сакрамачоқ, ерга бўр билан чизиш ва бошқа шу сингариларда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда ҳаракатланувчи воситалар четга чиқариб қўйилиши керак.

**Осойишта машғулотлар ҳудуди**

Ҳар бир майдончада болалар ўз ҳолича бўлиб, бошқаларни кузатадиган ёки бирон-бир осойишта ўйин билан шуғулланадиган тинч жой бўлиши лозим. Агар у ерда ўтирадиган ёки ҳатто ётиб олса бўладиган нарса бўлса яна яхши.

Майдончанинг бу қисмида фаоллик турлари навбатланиши бўлиши керак. Баъзи болалар бирон-бир материалга эҳтиёж сезмасдан тин олиш ва ҳаёл суришни



ёқтирадилар. Бошқалари учун ниманидир, масалан расм буяш, китоб ўқиш, қандайдир нарсаларни йиғиш ёки musiқа эшитишни режалаштириш керак бўлади. Бу ерда бирон-бир гуруҳли ўйинларни ҳам уюшгирса бўлади.

Осойишталик ҳудуди учун асосий материаллар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Ўтириш мумкин бўлган адёл
- Китоблар
- Бўр
- Расм чизиш учун рангли бўрлар
- Ўлчов чизгичлари ва уйинлар
- Бўёқлар ва рассомлик тахталари, қоғозлар
- Тамадди қилиш учун егулик
- Тадқиқот асбоблари (масалан, лупа)

### Дурадгорлик жойи

Дурадгорлик жойларини хона ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам ташкил этиш мумкин. Уларни асбоб-ускуналарни тартибли сақлаш ва болаларни халақит беришларидан асраш учун бошқа ҳудудлардан чеккароқда жойлаштирган маъқул.

Болалар кўпинча сайр учун ажратилган бутун вақтни ана шу жойда ўтказадилар. Бу ерда доимий назорат бўлиши талаб этилади, негаки дурадгорлик асбобларини болалар учун безарар деб бўлмайди. Асбоблардан қандай фойдаланиш кераклигини болаларга яхшилаб тушунтиринг ва уларни назардан четда қолдирманг - бу бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда ёрдам беради. Ёғоч ишлари билан шуғулланганда, болаларда тасаввур, нутқ ривожланади, шунингдек умумий ва нозик ҳаракатларни бажариш лаёқати такомиллашади.

Дурадгорлик жойи учун материаллар ва асбоб-ускуналар:

- Кубиклар
- Тахталар
- Қундаланг арралар
- Болғалар ва кенг қалпоқли михлар
- Бўйлама арралар
- Қароқлаш анжомлари
- Картон яшиқлар
- Юмшоқ ёғоч қириндилари
- Калта нарвонлар
- Руль чамбараклари
- Сим урамлари, ёғоч чорпоярлар бор участкаси

Уруғ экиш ва ўсимликлар ўсишини кузатиш - бола учун ажойиб билим орттириш машғулоти. Мактабгача таълим муассасаси ҳудудидан мўъжаз кунгай ялангликни топинг ва болалар озгина гул ёки сабзавот экиши мумкин бўлган жой тайёрланг.



Ер участкаси учун сизга қуйидагилар керак бўлади:

- бир нечта ерга ишлов бериш асбоблари жамланмаси;
- замбилгалтак;
- уруғлик ёки кўчатлар;
- яхши ер ва ўғит;
- сув келтириш воситалари;
- жўмакли ва оддий челақлар;
- жўякларни белгилаш учун қоziқчалар ва тизимча.

### **Омборхона**

Майдончанинг шаклига, у ерда қурилган у ёки бу жиҳозлар борлигига ва бино ички хоналарининг яқинлигига қараб, ҳар қуни ташқарига бирон-бир анжомни олиб чиқиш мумкин. Бироқ омборхона бўлгани яхши. Асбоб-анжомларни сақлаш учун бундай жойни қуриш болалар учун кўнгилли машғулотга айланиши мумкин. Омборхонани кўнгилли ота-оналар ёки жамоатчи фаоллар кучи билан қўрса бўлади. Агар унинг деворлари ёғочдан бўлса, улардан майдоннинг асосий элементи сифатида ҳам фойдаланиш мумкин: болаларга уларни катта чўткалар ва сувли челақлардан фойдаланиб “бўяб чиқиш” имкониятини бериш мумкин.

### **Хулоса**

Биз ҳар қандай майдончада мавжуд бўлиши мақбул ҳудудларни баён қилдик. Бироқ баъзан мактабгача таълим муассасаси кўрсатиб ўтилган ҳудудларнинг барчаси учун етарлича ҳудудга ва воситаларга эга бўлмайди. Агар уларнинг барчасини жойлаштиришнинг иложи бўлмаса фаолият турларини бошқа-бошқа кунларда навбати билан ўтказинг. Масалан, транспорт ҳудудидан дурадгорлик машғулоти учун, осойишта машғулотлар ҳудудидан эса гуруҳли ўйинлар учун фойдаланиш мумкин.

### **ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ РОЛИ**

Очиқ ҳаводаги ўйин кундалик жадвалнинг мажбурий қисми бўлмоғи лозим. Очиқ ҳаводаги вақт бинодаги вақт сингари режалаштирилиши керак. Сайрни ҳаммаша айни бир вақтда ўтказинг, токи бу ҳар кунги тартиботнинг бир қисмига айлансин. Кун тартибини, шунингдек очиқ ҳаводаги фаолият турларини пухта режалаштириш йўли билан бунга эришиш мумкин. Чунки болалар сайрга тайёрланишлари, кейин сайр этишлари, сўнгра орқага қайтишлари кераклиги учун бунга тахминан 45 дақиқа ажратинг. Ҳаммасини шошмасдан бажариш учун шу вақт етади. Вақти келиб, болалар кун тартибига кўникадилар ва бутун тартиб-таомил силлиққина ўтади.

Табиат ато этган ҳамма нарсадан фойдаланишга моҳир бўлинг. Биринчи қор ёғаётган пайтда сайр этиш мароқли. Ёзнинг жазирама кунда эса майдончага пуркагич ўрнатиб болаларни қувонтириш ёки тушликни дарахтлар соясида ташкил этиш қутилмаган кўнгилли янгилқидир.

Сайрни режалаштираётганда қуйидаги омилларни эътиборга олиш керак бўлади. Агар ҳар хил ёшдагилар гуруҳи бўлса, кичик ёшдагилар бинодан имкони борича кейинроқ чиқишлари керак, чунки бироз илиқроқ бўлади ва улар ўзларини яхшироқ ҳис этадилар. Айни шу вақтда яна нечта гуруҳ сайр этиши кераклиги ва жой

ҳаммага етишмаслигини ҳисобга олиш муҳимдир. Балки сайрни бир неча навбатда ташкил этиш зарур бўлар ёки иккита гуруҳни бирлаштирган яхшидир.

Болалар учун кўпроқ хавфсизликни ва майдончадан фойдаланишда энг қулай шарт-шароитини таъминлаш, шунингдек асбоб-ускуналар ва материаллар мақбул тарзда ташилишини ташкил этиш учун бошқа тарбиячилар билан режаларни муҳокама қилиб олиш керак бўлади.

## ОЧИҚ ҲАВОДАГИ МАШҒУЛОТЛАР ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

### Об-ҳаво

Хона ичидаги муҳитдан фарқли равишда унинг ташқарисидаги об-ҳаво доимо ўзгариб туради. Бу жиҳатдан олганда, асосий қоида - омилкор бўлиш ва соғлом ақлга таянишдир.

Болалар табиатнинг барча ҳолатларини ҳис этмоқлари зарур. Айрим тарбиячилар об-ҳаво “соз” бўлмаган барча ҳолларда сайрни истисно этадилар. Лекин илиқ ёз ёмғири остидаги сайр -соябонга томчиларнинг қандай урилишини, ҳавонинг софлигини ҳис этиш, гуллар ҳақида янги нарсаларни билиб олиш учун ажойиб имкониятдир. Очиқ ҳавода бўлиш вақтини яхши об-ҳавода кўнайтириш, ёғин-сочинли кунда эса қисқартириш мумкин. Оқилона, лекин дадил ҳаракат қилинг. ?ар қандай об-ҳаводан баҳра олиш керак.

### Кийим-кечак

Болалар ва катта ёшдагилар бутун йил давомида ҳар куни сайрдан баҳра олишлари сабабли, улар монанд кийим-кечакка эга бўлишлари зарур. Ота-оналарга дастурнинг моҳиятини тушунтираётганда ана шу жиҳатга ҳам тўхталиб ўтинг. Тушунтириш учун ахборот варақаларидан фойдаланинг. Ота-оналар буни олдиндан билишлари муҳимдир, токи улар бир кун келиб, фарзандлари ёмғир остида сайр этганлигини эшитиб ҳайратга тушмасинлар.



Ҳар бир бола йилнинг ҳар фаслига мос кийим-кечакка эга бўлиши керак. Мавсумга мос равишда кийим-кечакни алмаштириш тарбиячининг ишида муҳим омилга айланиши мумкин. Бир мавсум охираётганлигида тарбиячи нима кераксиз бўлиб қолгани ва нима зарурлигини асослаб, зарур нарсаларнинг рўйхати ёзилган варақаларни ота-оналарга юборади. Болаларга камзуллар, свитерлар, кепкалар, қўлқоплар, ботинкалар, чўмилиш либослари, сочиқлар, плашчлар, калишлар, ёмғирпушлар керак бўлиб қолиши мумкин. Керакли нарсаларни олиб келмаганлар учун эҳтиёт шарт олиб қўйилган кийим кечак бўлгани яхши. Бир тарбиячи ҳам сайр кийим-кечагига эга бўлиши керак. Одатда тарбиячилар болаларга қараганда кўпроқ шамоллаб қоладилар, чунки улар камроқ ҳаракат қиладилар.

Ота-оналарни фарзандлари билан сайр этишга таклиф қилаётганда уларга монанд кийим-кечак ҳақида эслатиб қўйинг.



### **Бошқа мулоҳазалар**

Баъзи болалар сайрга чиқишдан қўрқишлари мумкин ёки касаллиги ёхуд ривожланишидаги нуқсонлар туфайли очиқ хаводаги машқларда тўлақонли қатнаша олмайдилар.

Итлардан ёки бошқа бирон-бир нарсадан қўрқадиган болаларни ёрдамга тайёр туришни ваъда қилиб ҳаммага қўшилишга кўндириш керак бўлади. Ҳеч қачон уларни зўриқиб чиқишга мажбур қилманг, улар хоҳласа, хонада қолиб, ўйнаб ўтиришига ижозат беринг. Вақти келиб болаларнинг кўпчилиги сайр этувчиларга ўзлари қўшиладилар.

Бола сайр этиши мумкин бўлган, лекин бошқалар бажараётган ҳамма ҳаракатларни уйдлашга қодир бўлмаган касаллик ҳоллари бўлади. Агар аҳвол айнан шундай бўлса, шу боланинг имконият ҳисобга олинган ҳолдаги фаолият турини назарда тутиш зарур. Ота-оналар билан гаплашиб, улар болаларига нимани ижозат этишларини аниқлаштириб олган яхши. Пухта режалаштириш барча болалар ўз имкониятлари қанчалик турли-туман бўлишига қарамай ўз кучлари етадиган ва ўзларига роҳат бахш этадиган машғулотлар билан шуғуллана оладиган шарт-шароитни таъминлаши керак. Саломатлиги ҳолатига кўра умуман сайр этиши жоиз бўлмаган болалар бино ичида қолишлари лозим. Агар носоглом бола бино ичида қоладиган бўлса, у ўзини камситилган деб ҳис этмаслиги учун хонада унинг ўртоқларидан бири қолса яхши бўлади.

### **Болаларнинг билиб олиш борасидаги фаоллигини рағбатлантириш**

Болаларни ўқитиш-ўргатиш бинодан ташқарида давом этиши учун аввало қуйидагиларни назарда тутиш керак бўлади:

- болалар нимага қизиқаётганлигига эътибор бериш;
- ўқув онларини илғаб олиш;
- аниқ саволлар бериш;
- янги ашёларни таърифлаш мумкин бўлган сўзлар ва ибораларни айтиб бериш;
- ўзи қизиқувчанлик намоён этиш.

Атроф-муҳит ўқув онларини илғаб олишда катта имкониятлар яратади. “Нима учун?”, “Қандай қилиб?” ва “Қаерда?” деган саволлар болаларни кўриб турган нарсалари ҳақида ўйлашга, жавоб қидиришга ва янги саволлар беришга ундайди. Болалар кўриб турган нарсаларини таърифлаш учун кўпинча сўз топа олмайдилар ва бунда тарбиячи уларга ёрдам беради. Масалан, боғда экин экиш пайтида, болалар уруғлар катта-кичиклигига қараб бир-биридан фарқланишига эътибор берадилар ва улардан нима униб чиқишига қизиқадилар. Уларнинг саволлари бир қанча тарбиявий имкониятларга - гуллар ва сабзавотларнинг номларини ўрганишдан то уруғларнинг катталигини ўлчашгача ва ўсимликлар ўсишини, уларнинг катталигини улар униб чиққан уруғлик катталиги билан таққослашгача, қузатув режасини ишлаб чиқишга асос бўлади. Болалар жавобини тарбиячи билмайдиган саволни исталган пайтда беришлари мумкин. Ана шу саволларга жавоб қидириш таълимнинг энг муҳим ва қийин онларидан биридир. Сиз болаларга ниманидир билмаслигингиздан, лекин билишга ҳаракат қилишингизни айтиб, иккита нарсани амалга оширасиз: тарбиячи барча саволларга билавермаслигини маълум қилган бўласиз ва болаларга

мустақил равишда маълумот излаш йўлини кўрсатган бўласиз. Жавоб излаб болаларни кутубхонага олиб бориш ёки илмий китобларни кўздан кечириш ҳар бир бола учун мароқли билим орттириш тажрибасига айланиши мумкин.

## ***Очиқ ҳаводаги болалар ўйинига аралашиниш***

### **Очиқ майдонча жуда қизғин фаолият жойидир**

Болаларнинг баъзилари тахталардан космик кема яасалар, бошқалари унинг яқин-атрофида ёқилғи қуйиш шаҳобчасини қурадилар, учинчилари гулзорни бегона ўтлардан тозалайдилар. Фаолиятнинг ана шу турлари эътиборни анча жамлашни ва катта маҳоратни талаб этади. Тарбиячига келсак, у буларнинг барчасига “Аҳмад, болгадан эҳтиёт бўл” ёки “Гули, сен жуда баландлаб кетдинг шекилли?” сингари сўзларни айтиб, барчасига осонлик билан аралашиниши мумкин.

Болалар бирор янги нарсани синаб кўраётган ва таваккал қилаётган пайтда катта ёшлилар уларни ғайриихтиёрий равишда эҳтиётлайдилар. Турли ҳаракатларни бажариш учун кўплаб имконият бўлган ва болалар бир ҳудуддан бошқасига ўтадиган вазиятга бу айниқса тааллуқлидир. Шунга қарамай, болага ишонишни ўрганиш унга ва атрофини ўз ҳолича тадқиқ этиш имкониятини бериш керак бўлади. Болалар ўзларига қачон ёрдам кераклигини биладилар ва одатда бу ҳақда ўзлари илтимос қиладилар.

Шу тариқа, очиқ ҳавода болалар ўйинига аралашининг бош қондаси - агар хавфсизлик мулоҳазалари сабаб бўлмаса, аралашмасликдир. Бу айниқса, болалар фикрини жамлаш, ўйлаш, муаммоларни ҳал қилиш талаб этиладиган ва аралашиниш боланинг эътиборини чалғитадиган қурилмаларда машқ қилаётганда муҳимдир.

Хавфсизлик мулоҳазаларидан келиб чиқиб аралашганда болаларга аниқ кўрсатма беришга ҳаракат қилинг. “Клара, ёнингга қара!” деган қичқирёқ туртиб йиқитишлари мумкинлигини англашда Кларага ёрдам бермайди. Агарда “Клара, орқага юр, Собир велосипедда келаяпти!”, дейилса, бу тушунарли бўлади ва Клара ўзини четга олишга улгуради. Аксари катта ёшлиларга болалигидан қолган ваҳимага тушиш хос бўлиб, улар муайян ҳолларда ўта эҳтиёткор бўладилар.

Сиз болалар машғулотига “уларнинг манфаатини кўзлаб” ўзингиз аралашган ҳолларни ёзиб боринг ва тўғри йўл тутган-тутмаганингизни бир ўйлаб кўринг. Агар қайсидир тарбиячилар болаларнинг қурилмага тирмашиб чиқаётганини кўриб ўзларини нохуш ҳис этсалар, майдончанинг бошқа қисмига — ўзлари болаларнинг оқилона таваккал қилишига йўл қўя оладиган қисмига қараб турганлари маъқулдир.

## ***Болаларга ўзар баҳам кўриш ва навбатга риоя этишда ёрдам бериш***

Болалар гуруҳларида велосипедда учинишда, болгадан фойдаланишда ёки тепаликдан сирпаниб тушинишда кимнинг навбати эканлиги ҳақида доимо баҳслар келиб чиқади. ?атто ўйинчоқлар ва мосламалар кўп бўлганда ҳам кимдир ўзини камситилган деб ҳисоблайди. Болаларга ўз муаммоларини ўзлари ҳал қилишлари имкониятини берган маъқул. Агар ихтиёрингизда ошхона таймери бўлса янада яхши: зарур вақт

оралигини белгилаш (одатда, кўпи билан 5 дақиқа) ва навбатма-навбатликни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш мумкин. Бу усул “вақт” ҳақида аниқ тушунча беради ва болалар уни кўришлари, эшитишлари ва англашлари мумкин бўлади.

### **Очиқ ҳавода болалар билан мулоқотдан лаззатланиш**

Табий вазият хурсандчиликка мойил қилади. Бу вазият бино ичидагичалик сингари расмийликни талаб қилмайди ва тарбиячилар ўзларини унчалик “ақлли” қилиб кўрсатмасликлари - қорболалар яшашлари, баралла овоз билан сўзлашлари мумкин. Очиқ ҳавода болаларнинг атрофдаги нарсалар ҳақидаги изоҳларини эшитиб вақт ўтказиш қувончлидир. Уларга бирон-бир янги нарсани ўргатиш, саволларига жавоб бериш мароқли. Болалар тарбиячилар билан ўйнашни ёқтирадилар.

Дарахт остига ёки майсазорга тўшалган дастурхон атрофида ўтириб, тарбиячига саволлар бериш ёки ўзи тўғрисида сўзлаш яхши. Болалар тарбиячилар тўғрисида билишга қизиқадилар ҳамда улар қаерда яшашларини ва мушуклари қандай ном билан аталишини сўрашлари мумкин.

Улар боғда сайр қилиш чоғида айланиб ҳазил-ҳузул қилишлари, кулишлари ёки кўшиқ айтишлари мумкин. Ҳар бир бола ўзини барча қатори эмас, балки ўзича қадрли эканлигини ҳис этиши учун норасмий вақт ўтказиш жуда муҳимдир.

### ***Фаолият турлари ва лойиҳалар***

Болалар бинодан ташқарида шуғулланадиган машғулотларнинг турлари чегарасиздир. Мавсумга ва болалар қизиқишларининг ўзгаришига қараб очиқ майдончанинг кўриниши (ташқил этилиши) ўзгартирилиши мумкин.

### **Саҳналаштириш**

Тирмашиб чиқиш ҳудуди нутқнинг ривожланишини, ўзаро ҳамкорликни ва сюжетли-ролли ўйинларни рағбатлантиради. Баъзи болалар тирмашиб чиқиш билан жимгина шуғулланадилар, чунки ўз таналарини бошқаришга тўла берилиб кетган бўладилар. Бошқалари эса, хариларга тирмашар эканлар, ўзларини альпинистлар ва тадқиқотчилар ўрнида тасаввур этадилар.

Бинодан ташқарида боланинг тасаввури тўла куч билан ишлайди. Болалар ҳаракат қилишлари ва бошқаларни кузатиб ўтиришлари учун имконият бор. Бундай вазиятда бирор ўйинни бошлаш учун бир нечта анжом: адёл, шляпа, тахтакач бўлса кифоя, гимнастика қурилмасини чакалакзор ёки космик кемага айлантириш мумкин.

### **Қум ва сув ўйини**

Қумдон ёки қумҳовуз - бола кўп нарсага ўрганиши ва кўп нарсани синаб кўриши мумкин бўлган ажойиб жойдир. Шаҳарлар ва қасрлар, дарёлар, миноралар ва ҳатто тансиқ таомлар фақат битта ўйин вақтида барпо этилади, яратилади ва бузиб ташланади. Кичкинтойлар қумни бармоқлари орасидан тўкиб тушириб, шунчаки ўйнашлари мумкин. Қум устида яланг оёқ ёки пойафзалда юриш мувозанатни сақлай билиш ва ҳушёр қадам ташлаш кўникмасини талаб қилади. Кичкинтойлар челақларга қум тўлдиришни яхши кўрадилар. Челақлар бандли бўлгани яхши.

Қумдонга эски автомобиллар, ағдарма машиналар, поездлар, қайиқчалар ва бошқа ҳаракатланиш воситаларини қўшимча қилиш болаларни осма қўприклар, бинолар, қишлоқлар, иншоотлар тизими ва бошқа объектлар қуришга ундайди. Болалар ўйни учун пиёлалар, косачалар, тақсимчалар, таёқлар, қармоқ, учар ликопча, қисқаси хавфсиз ва қум ичида йўқолмайдиган нарсаларни бериш мумкин. Агар қум қуруқ бўлса-ю, сиз шароитни ўзгартиришни истасангиз - унга сув сепинг. Бу болаларга мураккаброқ йўллар ва иншоотлар қуриш имкониятини беради. Баҳорда қумни намлаш талаб қилинмаслиги мумкин. Баҳор ёмғири вақтида ёки ундан сўнг болалар қум устидаги томчи изларини кўришлари, нам қанчалик чуқур сингиб борганини текширишлари, ёмғир сувлари жилдираб оққан ариқча изларини кузатишлари мумкин.

Қишда қум ва қор аралашмасидан иншоотлар қурса бўлади. Ундан ер ости йўллари, қўприклар, ва улкан патир нон шакллари яшаш мумкин. Қумдонда қолдирилган сувли коса муз қандай ҳосил бўлиши ва у қандай эришини болалар тушуниб олишларида ёрдам беради. Қор ва қумдан ясалган шакллар устидан сув қўйиб, уларнинг музга айланишини кузатиш мумкин.

Қумда қумдондан унга шамол олиб келган ҳар хил нарсаларни топиш мумкин. Улардан шу ернинг ўзида иморатлар қуриш учун фойдаланиш ёки бўлмаса, эртага улар қаерда пайдо бўлишини кўриш учун жойида қолдирса бўлади. Уларни, шунингдек, бинога олиб кириш ва столга қўйиб “илмий текширувлар” ўтказиш учун диққат билан кўздан кечириш мумкин. Ана шу нарсаларнинг ҳар қайсиси болаларда табиатни кузатишга бўлган мойилликни уйғотиши мумкин.

Лой ҳақида икки оғиз сўз. Лой таркибий ҳолати жиҳатидан қумдан жуда фарқ қилади ва болалар уни билишлари ва уни ўйнаб кўришлари керак бўлади. Одатда баҳорда илиқ ёмғирдан сўнг лойгарчилик бўлади. Болалар ёмғирдан кейин экин экилмаган пушталар устида ялангоёқ сайр этишларига қўйиб беринг. Оёқлари остида лойнинг билчиллашини ва оёқлари лойга беланишини ҳис этиш ва кузатиш уларга ёқади. Лойдан сомса ёки кекс яшаш мумкин. Албатта, бунда болаларнинг ҳаммаёғи лой бўлиб кетади ва сизга, аҳтимол, бу кўнгилочар ўйинни ёзга, болалар енгил кийимда бўладиган ва тўғридан-тўғри шлангдан ювиниладиган пайтга кўчиришни хоҳларсиз. Уни ўйнаш мароқли ва у бутун сезги органларини ишга солади.

### Санъат

Очиқ ҳавода талай бадий ижодкорлик режаларини рўёбга чиқариш мумкин. Масалан, оёқ товони ёки бармоқлар билан расм чизиш болаларга катта қувонч бахш этади. Сиз узун қоғоз бўлагидан фойдаланишингиз мумкин бўлиб, унинг устида болалар юришлари, югуришлари, сакрашлари ёки шунчаки оёқ бармоқлари билан расм чизишлари мумкин. Сиз бунинг учун уларга асфальт йўл ёки йўлакнинг бир қисмини ажратиб берсангиз ҳам бўлади. Буёқ тариқасида ранг берувчи модда қўшилган совун суюқлиги айни муддаодир. Бинодан ташқаридаги майдон бармоқлар ёки чўтка ёрдамида расм чизиш учун жуда мақбулдир. Тушама йўл, қум ёки майсазорнинг таркибий тузилиши бу жараёнга ўзгача хусусият бахш этади. Очиқ майдончанинг катталиги болаларни биргаликда қандайдир йирикроқ нарсани яратишга ундайди. Илиқ-иссиқ кунда буёқчилар чўткасини ишлатиш болалар учун жуда мароқлидир. Улар уй ва дарахтларни оқлашлари мумкин. Эски буёқ челақлари ва шляпаларни

олиб келинг. Қишда сиз майдончага озиқ-овқат тайёрлашда ишлатиладиган ранглар қўшилган сув ва чўткаларни олиб чиқишингиз ҳамда болаларга қор ёки муз шаклларини бўйлаш имкониятини беришингиз мумкин.

Болалар ўз иншоотларини ҳар хил ранга бўяшлари учун қурилиш марказига ҳақиқий чўтка ва бўёқлар келтирилиши мумкин. Лекин бўёқ осон ювиладиган бўлиши керак, болалар эса махсус халатлар ёки фартукларда бўлганлари яхши.

Сув ўйинлари бадий ҳаваскорликка айлантирилиши ҳам мумкин. Осойишталик ҳудудида ёки велосипедда учиниш майдончасида сув ўйинини ташкил этса бўлади. Жазирама кунда муздек сув отилаётган пуркагич билан шўхлик қилиш мароқли ва қувончли. Сув ва совун кўпиги — болалар учун ажойиб ўзаро уйғун бирикмадир. Совун кўпиги тўлдирилган кўзача ва кастрюлкалар бирталай вақтичоқликка сабаб бўлади.

Санъат билан шуғулланиш учун буларнинг барчасига қуйидагиларни қўшимча қилиш мумкин:

- табиий нарсалардан коллажлар ясаш учун қоғоз ва елим;
- лой;
- катта-кичик рангли ва оқ бўрлар;
- рассомлик тахталари ва бўёқлар;
- юмшоқ қалам ва қоғоз;
- варрак ясаш учун материаллар;
- бўёқлар билан ишлаш учун чўткалар;
- шамол қўнғироқчалар ясаш учун тизимча ва сим;
- қорболалар ҳайкалчаларини музлатиш учун сув.

### **Табиат билан таништириш**

Табиат билан таништириш бўйича дастурга кирувчи режалаштирилган машғулотлар билан бир қаторда, бинодан ташқарида бўлган ҳамма нарса табиат билан таништириш ашёлари деворларига таъсири изларини болаларга кўрсатинг.

Бинодан ташқаридаги муҳитни яратар экансиз, унга болаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини рағбатлантирадиган унсурларни киритишга ҳаракат қилинг. Рулетка ёки метр, катталаштириб кўрсатадиган ойна, қурт-қумурсқаларни тўплаш учун банклар, дурбинлар, арқон ва болаларбоп илмий мазмундаги китоблар қўл остингизда бўлсин.

### **Жисмоний фаоллик**

Ҳаракат кўникмаларини ривожлантирадиган фаолият жумласига қуйидагилар киради:

#### **Ҳаракат**

Болаларни ранг-баранг тарзда юришга, ҳаракатланишга рағбатлантириш. Булар жумласига ҳайвонларнинг ҳаракатларига тақлид қилиш, тезкор ҳаракатлар, бир оёқлаб юриш, чўзилишлар, шерик билан ҳаракатланиш, бир маромдаги мусиқа остида ҳаракатланиш, секин юриш, юк машинасининг юришига тақлид қилиш киради - хуллас, ўз тасаввурингизга эрк беринг.

**Югуриш**

Бунинг вариантлари оддий югуришни, ҳайвонлар югуришига тақлид қилишни, бир йўналишда ёки жуфт бўлиб югуришни ўз ичига олади.

**Сакраш**

Сакраш - сайр вақтидаги ажойиб машғулот бўлиб, бунда тарбиячилар болаларнинг истагига қарашлари керак. Болалар бевосита ер устига қўйилган тахта устидан, бир доирадан иккинчисига, излар бўйича, бурилиб-бурилиб, мусиқа оҳангига мос равишда, ҳайвонлар сингари, унча катта бўлмаган нарсалар (мустаҳкам яшиқлар) устидан, икки оёқлаб, бир оёқлаб ёки шерик билан сакрашлари мумкин.

**Копток ирғитиш**

Мактабгача ёшдаги болалар катта (1к,5см) қирқма латта коптокни ирғитиш ва илиб олишни машқ қилишлари керак. Коптокни тепиш мароқли бўлиб, болалар коптокни нишонга теккизишга (туширишга) ҳаракат қилишлари мумкин. Болалар коптокни бор кучлари билан ирғитишлари ва уни бир ёки икки қўл билан илиб олишлари ёки бир-бирларига ирғитиб уйнашлари мумкин. Турлича катталиқдаги коптокни ерга уриб уйнаш қўз ва қўл ҳаракатларининг мувофиқлашувини ривожлантиради; енгил нарсаларни кичкина нишонга ирғитиш ҳам яхши машғулотдир.

**Коптокни доира ичида думалатиш ҳам қизиқарли.****Тўсиқлар йўлакчаси**

Сўқилиб кириш, ошиб ўтиш, сакраб ўтиш, сирпаниш мумкин бўлган тўсиқлар йўлакчаси болалар учун жуда қўнғил очар жойдир. Бундай йўлакчани катта ёшдагилар ва болалар биргалиқда ҳозирлашлари мумкин. Бундай жойни мавжуд шарт-шароитга қараб бино ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам ташкил этса бўлади. Тарбиячи болаларга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун уларнинг ёнида бўлиши керак. Тўсиқлар йўлакчаси болаларнинг ривожланиш даражаси ва қизиқишларига боғлиқ ҳолда оддий ёки мураккаб бўлиши мумкин.

**Ўйинлар**

Болалар ўйинларни ёқтирадилар ва барча иштирокчилар фаол ҳаракат қилишлари мумкин бўлганлари энг яхши ўйинлар ҳисобланади. Фақат бир бола етакчи бўладиган доиравий ўйинлар қолганларнинг, ўз навбатини кутишига тўғри келадиганларининг ихлосини қайтаради. Бутун гуруҳ бир йўла банд бўладиган ўйинларни танлаш ўринлидир. Тарбиячилар анъанавий ўйинларни анча серҳаракатлироқ қилиш учун замонавийлаштирадилар. Масалан, қувлашмачоқ ўйнаётганда унга болаларнинг жалб этилишини ошириш учун бир нечта етакчига эга бўлиш мумкин.

**Осойишта машғулотлар**

Болалар дам олиш, ўз ҳолларича бўлиш ёки катта ёшлилар билан бироз бирга бўлиш ва гаплашиб ўтириш учун келиши мумкин бўлган жойни ташкил этинг. У

ерда йога, мутолаа қилиш ёки саҳналаштириш типигаги машғулотларни ўтказса бўлади. Новдачаларни санаш билан шуғулланиш, қушларни кузатиш, шамолнинг ғувиллашига қулоқ солиш мумкин. Қўшиқлар айтилса ва куйлар ижро этилса жуда соз бўлади. Бутун ана шу вақтда болалар бемалол келишлари ва кетишлари мумкин. Осойишта жой - болалар бинога қайтиб киришидан олдин тинчланиб олишлари учун уларни тўшлаш мумкин бўлган энг мақбул жойдир.

### Биодан ташқаридаги овқатланиш

Режалаштирилган боғ сайрини ёки кутилмаганда тамадди қилиб олишни таклиф этиш болалар ва катта ёшдагилар учун катта қувонч бахш этади. Очиқ ҳавода осонлик билан дастурхонга қўйиладиган таом тайёрланг. Бунда болалар бажонидил сизга кўмаклашадилар. Агар экинзорингиз бўлса, улар хурсанд бўлиб бодринг суғорадилар, уни ювиб, салат учун тўғрайдилар. Ўзлари ўстирган мева ва сабзавотларни дастурхонга қўйиш болаларга жуда катта қувонч бахш этади. Боғ сайри ва унда тамадди қилиш болаларгагина эмас, катталар учун ҳам ҳузур-ҳаловатдир. Унда иштирок этишга ота-оналарни, боғнинг бошқа ходимларини таклиф этинг.



Боғ сайри ва унда тамадди қилиш болаларгагина эмас, катталар учун ҳам ҳузур-ҳаловатдир. Унда иштирок этишга ота-оналарни, боғнинг бошқа ходимларини таклиф этинг.

### Ёғоч ишлари

Болалар қурилиш учун ажратилган жойда биргаликда фикрлайдилар, режалаштирадилар, тажрибадан ўтказадилар ва ишлайдилар, бадий шакллар, бинолар, спорт иншоотлари ёки ойга учиниш учун ракетодром барпо этадилар. Баъзи болалар ҳар куни бутун вақтларини майдончанинг шу қисмида ўтказадилар.

Айрим болалар бинокорлик билан ўзлари шуғулланишлари ва кейин уйга олиб кетиш мумкин бўлган нарсаларни ясашлари мумкин. Бошқалари эса биргаликда бирон-бир катта бино қурадилар, кейин уни шифохона, ферма ёки фақат болалар киришига рухсат этиладиган тасаввурдаги сарой деб атайдилар. Ҳаракатлари яхши уйғунлашган ва қўл мушаклари ривожланган болалар ўз қурилмаларини йўқ жойдан бор қилиб ясайдилар. Бошқалари эса асбоб-ускуналар ва материаллардан қандай фойдаланиш борасида анчагина ёрдамга, рағбатлантириш ва йўл йўриқларга муҳтож бўладилар. Болға, мих, арра, ранда ва бошқа асбоблардан фойдаланаётган болаларни доимий назорат қилиб туриш керак бўлади. Улар бирор жойларини шикастлаб олмасликлари учун иш қоидаларини билишлари ва унга оғишмай риоя этишлари даркор.

Одатда майдончанинг турли жойларидан олиб келинган кўпгина материаллар охир-оқибатда қурилиш ҳудудида қолиб кетади. Агар болалар шаҳар қураётган бўлсалар — улар қумлоқдаги юк автомобиллари ва машиналарни олиб келишлари мумкин. Агар улар ўтиш йўлагига ўхшаш жойни барпо этаётган бўлсалар, велосипеду замбилгалтак керак



бўлади. Агар тин олиб ўтириш учун ўриндиқ тикланаётган бўлса, болаларга тирик табиат бурчагидан бирор ҳайвон ёки китобчани олиб келиш керак бўлиши мумкин. Агар улар ўзлари қурган нарсани бўямоқчи бўлсалар, уларга санъат бурчагидан бўёқлар келтиришлари керак бўлади. Бошқача айтганда, ҳудудлар ўтиб бўлмас чегаралар билан бўлинмайди ва материалларни биридан бошқасига олиб ўтиш мумкин бўлсин, улар барчага етса бас.

### **Боғдорчилик**

Болалар боғда ер чошиб, уруғлик экиб ва ҳосилни йиғиб-териб ҳузур-ҳаловат оладилар. Улар табиатни уз кўзлари билан кўрадилар ва унинг хусусида турли саволларни берадилар. Улар озиқ-овқат қаёқдан келишини билиб оладилар ва ўзлари етиштирган нарсалар билан ота-оналарини сийлаб қувонадилар.

Яхши боғ ёки экинзор яратиш учун нима кераклигини тасаввур этмоқ лозим. Кунига ҳеч бўлмаганда 5-6 соат қуёш нури тушиб турадиган текис майдончани кўз остига олинг. Ўлчами 8x8 метрли майдонча бир талай ҳар хил ўсимликларни ўстириш имконини беради. Лекин жой бундан ҳам озроқ бўлиши мумкин. Тупроқ унумдор эканлигига ишонч ҳосил қилинг ёки уни ўритланг.

Қуйида муваффақиятга кўмаклашадиган айрим йўналишлар келтирилган (болалар ишнинг барча босқичларида иштирок этишлари мумкин:

- Яхши сифатли уруғлик ва ўсимликлардан фойдаланинг, яхши тутиб кетадиган ва иш пайтида кичкинтой боғбонлар шикастланши аҳтимоли бўлмаган экинларни экинг.

- Турли хилдаги гуллар ва ўсимликларни экинг. Редиска ёки помидор сингарилар тез етилади, қовоқчаларни эса кейинроқ йиғиштириб оласиз.

- Экиш пайтида ҳар хил ҳис туйғулар ҳақида ўйланг. Барқ уриб гуллаган ёронгулни, муаттар ҳидли ялпизни, майин капалакгулни эсланг.

- Кўп йиллик ўсимликларни экинг, токи баҳорда улар қор остидан униб чиқсин.

Боғда кўп нарсалар ҳақида билиб олиш мумкин. Ўсимликлар қандай ўсаётганлигини кузатиб бориш учун рулеткадан фойдаланинг, ўлчамларини, шаклларини таққосланг рангларини эслаб қолинг, қурт-қумурсқалар пайдо бўлганда нималар содир бўлишини текширинг, офтобнинг ўткир тиглари, намнинг етишмаслиги нималарга сабаб бўлишини тадқиқ этинг. Машғулотлар жараёнида болалар зиммаларига мажбурият олишни ўрганадилар ва яхши бажарилган ишдан қувонадилар. Улар биргаликда режалаштириш ва ишлашни ўрганадилар ҳамда бир йил мобайнида боғ қанчалик ўзгаришини билиб оладилар.

Боғ ажойиб таълим омилдир. Сизда шундай омил бўлишига ҳаракат қилинг.

### **Экскурсиялар**

Экскурсиялар болалар оламини кенгайтиради ва янги-янги нарсаларни билиб олиш имкониятини беради. Тарбиячилар экскурсияни режалаштирар эканлар, унинг мақсади ҳақида, яъни у болага қандай билим ва кўникмалар бериши ҳақида ва, токи бу имкониятлар рўёбга чиқиши учун нималар қилиш, экскурсиядан олдин ва кейин унинг самарасини ошириш учун фаолиятнинг қайси турларини ташкил этиш кераклиги ҳақида ўйлаб кўришлари лозим.



Ҳамма нарсани олдиндан ўйлаб олинг ва ҳамкасбларингиз билан барча тафсилотларини муҳокама қилинг. Эскурсия мароқли бўлишининг асосий шarti - болаларга қараб туриш ва уларнинг хавфсизлигидир. Узоқ саёҳатларга ёки одамлар гавжум, шовқин-суронли жойларга бормаслик керак.



Бориладиган жой билан олдиндан танишинг ва нималарга эришмоқчи эканлигингизни ҳамкасбларингиз билан муҳокама қилинг. Болалар у ерда ниманидир ушлаб, текшириб, синаб кўришлари учун нарсалар бўлишини назарда тутинг. Ота-оналарга биргаликда боришни таклиф этинг. У ерга қандай етиб боришингиз тўғрисида ўйлаб кўйинг, ота-оналар розилигини олинг, болаларни қандай овқатлантиришингизни ҳал қилинг. Қаерда кўлни ювиш ва болаларни кийинтириш мумкинлигини ҳал қилинг.

Кўйида болаларни олиб бориш мумкин бўлган айрим жойлар кўрсатилган:  
Бадий буюмлар дўкони ёки расмлар галереяси

Китоб дўкони

Шағал кони ёки қурилиш майдони

Шифохона

Музей

Театр

Гўзаллик салони ёки сартарошхона

Гул дўкони, гулхона, кўчатхона

Металл буюмлар дўкони ёки устахона

Дурадгорлик устахонаси

Табиат маркази ёки паррандалар кўриқхонаси

### **Сайр**

Сайр - яқин атрофни ўрганишининг мароқли усулидир. Сайрни ташкил этиш осон: у эскурсия сингари пухта тайёргарлик кўришни талаб қилмайди. Яхши об-ҳаво (масалан, биринчи қор) сайр учун сабаб бўлиши мумкин, лекин сайрни режалаштирса ҳам бўлади. Агар сайр вақтида тарбиячи болаларга атрофдаги нарсалар ва ҳодисалар ҳақида сўзлаб берса, улар кўп нарсани билиб олишлари мумкин. Болаларга муайян мавзуда: ҳайвонлар, ранглар, уйлар, гуллар, шакллар, юзалар, ҳидлар, соялар ва жамоатчи хизматчилар ҳақида саволлар бериб, уларнинг эътиборини бир нарсага қаратиш мумкин. Бу болаларнинг айрим нарсаларга бўлган диққат-эътиборини оширади ва кучайтиради. Сайр пайтида тўпланган кўпгина нарсаларни бинога олиб кириш ва табиат билан таништириш бурчагида ёки бошқа жойда кўздан кечириш мумкин. Сайрнинг мақсадлари ҳақида ўйлаб олар экансиз, мавзунинг ёритилишини кучайтиришда ёрдам бериши мумкин бўлган китоблар, кўшиқлар, шеърлар ва кўфирчоқ спектаклларини эсан чиқарманг. Агар ҳеч нарса топа олмасангиз, таниш оҳанглардан фойдаланиб, ўзингиз бирор-бир ҳикоя тузинг.

**Ота-оналарни жалб этиш**

Ҳарчи ота-оналарнинг аксарияти сайрнинг болалари учун қимматли эканлигини тушунсалар ҳам, бинодан ташқарида бўлишнинг билим орттиришдаги аҳамиятини бирдек англайвермайдилар ва уларга тушунтириш керак бўлади. Шунда улар ўз фарзандлари билан сайр этиб, вақтларини чоғроқ ҳамда ўзлари ва фарзандлари учун фойдалироқ ўтказишлари мумкин бўлади.

Йил бошиданоқ ота-оналар фарзандлари ҳар куни сайр этажагидан хабардор бўлишлари керак. Уларга сайрнинг муҳимлигини эслатиб қўйиш учун уларга вақти-вақти билан фарзандлари очиқ ҳавода бўлиш пайтида нималарни ўрганиб олгани ҳақида хабар қилиб, хатлар юбориб туриш.

Агар тарбиячи сайрнинг билим орттиришдаги имкониятларини эсда тутса, бу унга ана шу имкониятлардан таълим мақсадларида ижодий фойдаланишда янги истиқболларни очади.

ҚҰМ БА СУ



## XVI боб. ҚҰМ ВА СУВ

### **Ұйнаётган болалар: қум ва сув маркази**

Юришни бошлаган болаларнинг аксарияти қум ва сув билан ўйнашдан кўп мамнун бўладилар. Улар сувни чайқатишни, идишларга сув тўлдириш ва улардаги сувни тўкишни, ҳар хил нарсаларни сувга ботириб ўйнашни ёқтиришади. Қумда эса чуқур ковайдилар, қумни элайдилар ва унга турли буюмларни қўмиб ўйнайдилар. Қум ва сувнинг мавжудлиги болаларга турли нарсаларни яшашга ва ҳандақчалар ковлашга имконият яратади.

Бу гуруҳнинг биносида болалар қум ва сув билан ҳаракатланиш имкониятига ҳам эга бўлишлари керак. Аввалига улар жуда оз жиҳозлар билан шуғулланадилар. Аста-секин баъзи бир ўйинчоқлар масалан, бир жұфт ўлчов идишчаси, кўпиртиргич ёки иккита қўғирчоқ, мочалка, совун бўлаги ёрдамида уни мураккаблаштириш мумкин. Каттароқ болалар эса мураккаброқ нарсаларни ишлатишлари мумкин ( масалан, пўкак, губка, кемачалар).

Ёшидан қатъий назар ҳамма болалар илиқ сувда қўлини чайишдан ёки бармоқлари орасига қумни қўйишдан завқланиб вақт ўйтказиш имкониятига эга бўлишлари керак.

### **Ривожланишга таъсири**

Қум ва сув ўйнаш боланинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беради.

#### **Математик ривожланиш**

Математик ривожланиш қўйидаги омиллар орқали амалга ошади:

- Тенг миқдордаги қум ёки сувни турли ҳажмдаги идишларга солиш (миқдорни сақлаш).
- Стол бассейнини тўлдириш учун нечта идишда сув ёки қор кетишини аниқлаш.
- Нам ва қуруқ қумнинг оғирликларини солиштириш.

#### **Табиий-илмий тасаввурларни ривожлантириш**

Бу тасаввурларини ривожлантириш қўйидагича бўлади:

- тажриба ва қузатиш орқали, масалан “Шу нарсани сувга ташласам нима бўлади?” деб;
- баъзи ўзгартишларни амалга ошириш билан, масалан: қумга сув қўйиш, сувга бўёқ қўйиш ёки муз бўлақчаларини илиқ сувга солиш;
- Сувда сузадиган ва чўкадиган нарсаларни ажратиш.

#### **Жисмоний ривожланиш**

Жисмоний ривожланиш қўйидаги омилларга кўра амалга ошади:

- қумга хаёлий шаклларни чизишда, ўз исмини ёзишда қўл ва қўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

- бир идишдан бошқасига сувни қўйишга ва сирпанчиқ совун бўлагини ушлаб туришга қўлнинг ва бармоқларнинг қўникмасини ҳосил қилиш;
- томизгичдан идишчаларга турли рангдаги бўёқларни томизиш ва уларга кўзачадан сув қўйишдаги нозик ҳаракат турига малака ҳосил қилиш.

### ***Ижтимоий ва маданий кўникмаларни ривожлантириш***

Болаларнинг ижтимоий ривожланиши қўйидаги омилларга кўра амалга ошади:

- қўпчилик билан ўйнаш ва ҳаракатларни биргаликда режалаштириш билан;
- энг яхши ўйинчоқнинг кимга тегиши масаласини ҳал қилиш билан;
- ўйинчоқларни тақсимлаш билан;
- ижтимоий вазифаларни бажариш билан, масалан кема капитани, оила аъзосими ёки идиш ювувчи каби;
- теварак-атрофда кўрган нарсаларини ёки уларга ўқиб берилган китоблардаги нарсаларни, масалан кўприклар, ер ости йўллари, қасрлар ва йўлларни қуриш билан.

### ***Ҳиссий ривожланиш***

Ҳиссий ривожланиш қўйидаги омиллар билан амалга ошади:

- чақалоқни тинчитиш ва уни чалғитиш орқали;
- болада ўз ютуғидан қониқиш ҳиссини пайдо қиладиган шароитлардан фойдаланиш билан; бу туйғу масалан, қўғирчоқнинг кийимларини ювиш ва уни дорга осидан ёки музлатгич идишчанинг ҳамма катакларига сув тўлдиришдан пайдо бўлиши мумкин.

### ***Қум ва сув марказини ташкил қилиш***

Ҳар бир гуруҳда қум ёки сув билан тўлдириш мумкин бўлган катта идиш ўрнатилган стол бўлиши лозим. Бундай столдан бино ичида ҳам, очиқ ҳавода ҳам фойдаланиш мумкин. Гуруҳдаги бундай стол болалар шовқинли ва серҳаракат ўйинларни ўйнаётган жойга яқинроқ, адабиёт марказидан эса узоқроқ ерга ўрнатилади. Пол қум ва сувдан сирпанчиқ бўлиб қолгани учун бу столни ўрнатишда болалар камроқ ўтадиган, полни ювиш ва артиш осон бўлган жойни танлаш керак.

Стол устидаги идиш болалар турли машғулотларни бажариши учун етарли микдордаги қум ва сув билан тўлдирилган бўлиши лозим. Ёшроқ болалар учун сувнинг сатҳи 5-7 см. бўлиши керак. Сувни сепаб ва чапиллатиб ўйнаш учун шу етади. Каттароқ болалар учун сувнинг чуқурлиги 7-10 см.га етиши мумкин, унда нисбатан мураккаброқ ўйинларни ҳам ўйнаш имконияти бўлиши лозим. Қум қатлами эса унда чуқурлар



ковлаш ва ҳандақлар қазииш учун етарли қалинликда бўлиши, лекин атрофларидан тўкиладиган даражада ортиқча бўлмаслиги керак. Столнинг баландлиги боланинг бели барабар бўлиши зарур, шунда унга қулай бўлади. Бўйи пастроқ болаларга эса оёғи остиги бирор нарса қўйиб берилади. Оёқ остига қўйилган нарсани бола сирпаниб, йиқилиб кетмайдиган қилиб ўрнатинг ва уларни хушёрлик билан кузатиб туринг.

Бактериялар кўпайиб кетишининг олдини олиш учун сувни ҳар икки-уч кунда алмаштириб туриш лозим. Кечқурун столни ёшиб қўйиш шарт эмас. Қум тоза ва иложи борича йирик доначали бўлиши керак. Машғулотлардан сўнг болалар сирпаниб йиқилмаслиги учун полни ювиб, қўритиш лозим бўлади. Сочиқ ёки тоза латталар доимо яқинда туриши зарур.

Қум ва сув столи ўйинлар ва изланишлар учун аҳамиятли бўлган бошқа материаллар учун ҳам ишлатилиши мумкин. Бу материаллар ёғоч қишиғи, тўкилган барглар, чўчқаёнвоқ (дуб меваси), ёғоч бўлакчалари, пайраха, қор ёки муз бўлаклари бўлиши мумкин.

Қум ва сув марказидаги ўйин материаллари ва жиҳозларининг кўплиги тарбичилар ва ота-оналар томонидан танланиши ёки тайёрланиши мумкин. Бу ўринда қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

Ўлчов косалари

Тарози

Челакчалар

Стаканлар

Кураклар

Турли ичимликлардан бўшаган идишлар, қошиқлар

Супургичалар

Воронкалар

Кўпиртиргичлар


Элак-човли

Пўкаклар

Печенье ва бошқа пишириқлар пишириладиган қолиплар

Совун

Чўткалар



Саёз тарелкалар ва тунука товалар

Губкалар

Кичкина ўйинчоқлар (ўйинчоқ юк машиналари, енгил машиналар, ҳайвончалар)

Қўғирчоқлар

Болалар идиш-товоқлари

Таёқчалар, ғулачалар қўғирчоқлар учун кийимлар

Майда шағал

Кемачалар

Майда тошлар

Томизгичлар

Бу нарсалар шундай жойлаштирилиши лозимки, болалар хоҳлаган нарсаларини ўзлари олиб ишлата олишлари керак. Нарсаларнинг бир қисми пластмасса тоборага солиб қўйилиши, яна бир қисми эса яқинроқдаги токчага териб қўйилиши мумкин. Нарсаларни челақларга ёки патнисларга солиб стол тагида сақлаш ва ҳар қуни эрталаб ёнидаги столга териб қўйиш мумкин.

Болалар бу марказдаги ўйинларини тугатгач, ҳамма ҳўл ўйинчоқлар қуритиш учун сочиқлар устига териб қўйилади. Қум ёпишиб қолган ўйинчоқларни эса тагига олдиндан қовоз ёзиб ўйнашга бериш мумкин. Қун охирида ҳамма материаллар ювиб, қуритилиши ва ййиштирилиши лозим.

### ***Тарбиячиларнинг роли***

Қум ва сув марказидаги материаллар ва жиҳозларни секин-аста фаолиятга киритиш мақсадга мувофиқдир. Тарбиячи нарсаларни ўзгартириб туриши ва улардан қандай фойдаланилаётганини назорат қилиб туриши лозим, ишлатилмаётганларини эса олиб қўйиши зарур.

Гуруҳ иш олиб бораётган мавзу ёки лойиҳага оид материални қўшиб қўйиш ҳам мумкин. Масалан, агар болалар кўприк қурмоқчи бўлишса, тарбиячиларга сув устига кўприк қуриш учун зарур бўлган чўп ва тошларни танлашга ёрдам бериши, кўприк остидан ўтказиши учун кемачаларни олиб келиб бериши мумкин. Ҳуда баланд елкан ва мачталар кўтарма кўприклар мавзусининг очилишига сабаб бўлиб қолиши мумкин.

Болаларни кузатиб ва улардан ўйин ҳақида сўраб тарбиячилар уларни нима қилаётганлари ва улар ишлаётган материалларнинг хусусиятлари қизиқтирадилар. Масалан, қўзани тўлдириш учун неча идиш сув кетишини аниқлаш учун сув қуяётган иккита боладан савол сўраб миқдор ва ҳажм ўртасидаги фарқни муҳокама қилиш мумкин. Боладан бу ажойиб ундан тушликка нима овқат тайёрламоқчи эканлиги ҳақида савол сўраб, сюжетли-ролли ўйиннинг доирасини янада кенгайтирса ҳам бўлади. Тарбиячиларнинг саволлари болаларни масалаларни ҳал қилишига ва турли туман, Нега? Нима учун? Қандай? деган саволлар юзасидан эҳтимолларни илгари суришга ундайди. Масалан, тарбиячи: «Сувга қизил бўёқ қўшса нима бўлади?» деб сўраши мумкин. Кейинги савол эса «Хўш, нима бўлди?» ёки «Нима учун, нима деб ўйлайсан, нега шундай бўлди?» тарзида бўлади. Бундай кетма-кетлик илмий изланиш жараёнини шакллантиради. Натижада болалар бу нарсани кичик-кичик гуруҳ бўлиб ўзлари қила бошлайдилар.

Қум ва сув билан ўйнар экан, болалар ўзларини эркин ҳис қилишлари, тартибсизликдан ва кир бўлишдан чўчимасликлари лозим. Болалар учун пластик халатлар топилса янада яхши бўлади, шунингдек жуда чаплиниб кетган ҳолларда уларни назорат қилиб туриш зарур. Агар ўзида латта бўлса боланинг ўзи тартибни сақлашга ёрдам беради ва ўзини сиқилган ҳис қилмайди.

## *Фаолият турлари ва лойиҳалар*

### **Кўчадаги машғулотлар**

#### ***Катта пуфаклар***

Бу ўйинни ҳаво очиқ куни ташкил қилинг. Устида идиши бор столни майдонга олиб чиқасиз. 4 литр сувга бир стакан идиш ювадиган суюқликни қўясиз. Болалар унга симдан ясалган доирачаларни, пластмасса кийим илгичларни ботирадилар ва оҳиста сувдан оладилар. Натижада, у буюмларда катта-катта пуфаклар ҳосил бўладиган совун парда пайдо бўлади.

#### ***Кўринмайдиган расм чизиш***

Болалар катта чўткалар билан виштин деворларга, полга ва қорозга расм чизишни ёқтирадилар. Сув қуригач эса ҳеч қандай из қолмайди.

#### ***Лойдан ясалган гуммалар***

Қолипчаларни устига тўнтариш-майдончадаги ажойиб машғулотдир. Болалар ўзларининг табиат қўйнидаги “тушлик”лари учун турли-туман таомлар тайёрлайдиган бундай машғулотларни жуда ёқтирадилар.

#### ***Тугонлар, туннеллар, кўприклар***

Шланг ёки пластмасса қувур ёрдамида болалар идишдан оқиб чиқадиган ва майдон бўйлаб болаларнинг қурилишлари орасидан оқиб ўтадиган ариқчалар ҳосил қилишлари мумкин. Натижада болалар сувнинг дамбада (вақтинча) қандай тўхтаб туришини, ўзлари қўрган кўприклар остидан қандай оқиб ўтишини кўриш имконига эга бўладилар.

#### ***Ёмғир***

Террариум қилинг ва болалар билан бирга сувнинг айланишини кузатин. Буғланиш ва буғнинг сувга айланиш жараёнини муҳокама қилинг.

### **Бинодаги машғулотлар**

#### ***Уйин жиҳозларини ювиш***

Жиҳозларни ювиш - олалар учун эрмак. Совун ва чўтка ёрдамида улар қолипчаларни, жува ва бошқа нарсаларни ювишлари мумкин.

#### ***Географияни ўрганиш***

Каттароқ болалар қум уюмини қандай сув босиши ва бунинг натижасида орол ва ярим ороллар ҳосил бўлиб, ўз кўринишини ўзгартира боришини ҳаяжон билан



қузатадилар. Чиганоқлар ва маржонлардан фойдаланиб, болалар денгизни эслатувчи сув ости оламини яратадилар.

### ***Қум билан расм чизиш***

Қум ва елим ёрдамида картон бўлагига расм чизиш ёки хат ёзиш мумкин.

### ***Елимли расм***

Қўриб улгурмасдан унга қум сепиб чиқилади. Елим қуригач, қум қоқиб ташланади шунда картонда гадир-будир расм изи қолади.

### ***Резата (кемалар пойгаси)***

Болалар мачтали на қорғоздан ёки матодан елкани бор кемалар қуриши мумкин. Шундан сўнг кемалар пойгасини уюштириш мумкин, бунинг учун елканларга пуфланади ёки вентилятор мослаштирилади.

### ***Чўкадимми ёки сузадими?***

Бир яшикка турли материалларни тайёрланг, масалан қоғоз бўлакларини, тошчаларни, дарахт пўстловини, таёқчаларни, губкани. Болаларга шу нарсаларнинг қайси бири чўкиши ва қайси бири сузишини топишни таклиф қилинг. Болаларни ўзига шу нарсаларни синаб кўришга беринг. Улар оғирроқ буюмларнинг чўкишини, енгилроқларининг эса сузишини кашф қиладилар.

### ***Эрийдиган моддалар***

Туз, шакар, ун, ёрмалар, тошчалар, гайкалар, сода ва желатин(шилимшиқ)ни солиштиринг. Болалардан қандай моддалар эриши ва қандай моддалар эримаслигини қоғозда чизиб кўрсатишларини сўранг.

### ***Қоғоз тайёрлаш - қум ва сув маркази учун лойиха***

Қоғоз тайёрлаш болалар учун жуда мароқли бўлиши мумкин. Агар гуруҳда сув ўйнаш учун стол мавжуд бўлса - буни ташкил қилиш жуда осон. Шунингдек сизга дераза пардасидан тикиш мумкин бўлган махсус кийим (форма) талаб қилинади.



Биринчи иш - эски қоғозни майдалаш. Бунинг учун эски газеталар, картон бўлакчалари ва оқ қоғоз ҳам ярайди. Лекин махсус ишлов берилган қоғозларни олманг - масалан, мумланган қоғозни. Майда-майда қилинган қороз бўлакларини сувли идишга соласиз ва уч кун қўйиб қўясиз. Қоғозни тоза сувда чайасиз. Агар сизда аралаштиргич бўлса, хўл қоғозни ундан ўтказасиз —



шунда жуда майин қоришма ҳосил бўлади. Агар аралаштиргич бўлмаса, усиз ҳам иложи бор. Хўл қоғозни пульпа деб аталади. Сув ўйнайдиган столга қоғоз пульпани жойлаштиринг. Юққа газлама тортилган ва четларига михлаб маҳкамланган рамкани

сувдаги аралашмага ботиринг (рамаканинг қулай ўлчами 9 x 12 см). Болалар рамкани қўтарганларида, экран хўл қоғоз қатлами билан қопланади. Сувни оқизиб ташланг. Суви оқиб кетгач, болаларга рамкани столга олиб келишни ва ичидагини сочиққа ағдаришни буюрасиз. Аралашма кун буйи қурилади. Натижада, болалар ўзлари ясаган қоғоз бўлагига эга бўладилар. Унга ўзлари хоҳлаган нарсани чизишлари мумкин.

Аралашмага рангли иплар, майда уруғлар, майдаланган япроқлар қўшиб, нақшли қоғоз олиш ҳам мумкин.

Рангли қоғоз тайёрлаш учун ғоялар. Хўл қоғозга иплар, чилвир, ялтироқ нарсалар ташлайсиз. Сўнг ҳаммасини босиб сиқинг.

Хўл қоғозга япроқлар ва таёқчаларни босасиз. Хўл қоғозга қоғоз қийқимларини босасиз. Хўл қоғознинг устига бир варақ қоғозни қўясиз. Бу таглик дейилади ва ундан танланган объектни ичкари киритишда фойдланилади. Тус бериш учун рамкага ранг берувчи модда (бир стакан сувга ярим чой қошиқ буюёқ) ёки акварель буюёқлари қўшилади (бир стакан сувга чорак чой қошиқ).

Буюёқни сув билан аралаштирасиз ва пуркагичга қуясиз. Худди тортни безаганингиз каби қоғоз варағини безайсиз.

**ТАБИАТШУНОСЛИК**



## ***XVII боб. ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ***

### ***Болаларнинг ўйинга киришиши: табиат билан таништириш маркази***

Болалар - туғма тадқиқотчи, ўзларини ўраб олган муҳит тўғрисида фаол маълумот йиғувчи ҳисобланишади. Улар ўз дунёларини кузатиш ва тажриба ўтказиш ёрдамида англашга ҳаракат қилишади. Болалардаги табиий қизиқувчанлик маълумот тўплаш фаолиятига айланади.

Болалар дунёси тоза, мусаффо ва гўзал, ҳайрат ва ҳаяжонга лиммо-лим. Қўпчилигимиз учун хос бўлган бундай аниқ-тиниқ тасаввур, гўзалликни бундай асл ҳолича ҳис этиш, ёш ўтиши билан ортиқ даражада ҳайратланиш туйғусини йўқотганимиз бу биз - катталарнинг фожиамиздир. Шу боис ҳам айрим ҳолларда биз бола бўлиб қолишни хоҳлаймиз.

Фан бир вақтнинг ўзида ҳам натижа, ҳам жараён сифатида намоён бўлиб, иккиёқлама хусусият касб этади. Натижа сифатида у моддий ва табиий олам тўғрисидаги жамланган билимлар тизими. Жараён сифатида эса — тадқиқотлар, кузатишлар, тажрибалар. Ёш болаларнинг тадқиқот жараёнида бевосита иштирок этишлари жуда муҳим, чунки тегишли билимлар дастурнинг бошқа барча бўлимларида ҳам кўзда тутилган ва умуман ҳаёт давомида керак бўлади. Бу билимлар кузатиш, қиёслаш, тавсифлаш, олдидан билиш ва хабардор қилиш, тасниф қилиш ва ўлчашни ўз ичига олади.

### ***Табиат билан таништириш машғулотларини ташкил этиш***

Табиат билан таништириш алоҳида фан ҳисобланмайди. Дарахтларни ўрганиш дастурнинг бошқа соҳалари билан қанчалик боғлиқлигини кўриб чиқайлик. Уруғ қосасидаги уруғларнинг миқдорини санаб чиқиш мумкин. Дарахтлар уруғларини йиғса ва бир-бирига таққосласа бўлади. Барг ва пўстлоқлардан нафис санъатда, масалан, наққошлиқда фойдаланиш мумкин. Эхтимол, кузда барглар хирмон қилиб йиғилади ва ушанда болалар унинг устида сакраб ўйнайдилар. Кўрган-биланларидан фойдаланиб, болалар барглар қандай кўринишда бўлиши, қандай овоз чиқариши қандай ҳид таратишини тасвирлаб бера оладилар.

Болалар турли мавсумлардаги кузатишларини ўзида аке эттирувчи “Дарахтлар кундалиги”ни юритишлари мумкин. Дарахт қисмларидан қушлар учун хўрак ейдиган мослама каби турли-туман конструкторлик лойиҳаларида фойдаланса бўлади.

Ўғуллардан санаш ва “қари қозиқ”лар сонини таққослаш учун фойдаланилади. Болалар маҳаллий хиёбон ёки ўрмонни бориб кўришлари мумкин. Олма ёки олчаларнинг меваларидан гуруҳда таомлар тайёрлашда фойдаланилади. Қандайдир тадқиқот ишини режалаштирар экан, биринчи навбатда унга жалб қилинадиган болаларнинг хавфсизлигини кафолатлашни кўзда тутиш зарур. Масалан, болалар барглар уюми устидан сакрашга қарор қилганларида ўқитувчи унда синган шиша парчалари ёки бошқа хавфли нарсалар бор йўқлигини аниқлаши лозим.

Табиат билан таништириш билан шуғулланишни ташкил қилиш болаларнинг тадқиқ этишлари мақсадида кўплаб турли-туман материалларни ўз ичига олган фаоллик марказига урғу берадиган «Болага йўналтирилган таълим» дастури концепциясида илмий тадқиқот осонлик билан қўшилиб кетади. Тадқиқот олиб бориш қобилияти ўқув дастурининг барча бўлимларига таркибий қисм сифатида қўшилиши мумкин. Гуруҳда илмий марказни ташкил қилиш билиш фаолиятини индивидуаллаштириш ва кучайтиришнинг самарали усули ҳисобланади.

### **Табиат билан таништириш соҳалари**

Қуйида тадқиқий фаоллик марказини ташкил этиш юзасидан баъзи ғоялари тавсия қилинади:

- Болалар турли коллекциялар, алоҳида экспонатлар, мўъжаз ҳайвонот боғи ва бошқаларни жойлаштириб, кичик музей ташкил қилишлари мумкин бўлган домимий кўргазма учун жой. Чиганоқлар, кристаллар, қушларнинг патлари ёки капалакларнинг қанотлари каби нарсаларни намойиш қилиш учун кичкина стол, таглик ёки яхшигина қути. Экспонатларни ўқитувчи, болалар ёки ота-оналар келтириши мумкин.

- Магнитлар, катталаштириб кўрсатадиган ойна (луна)лар, ранг-баранг филдираклар, призмалар каби тез-тез фойдаланиладиган илмий материаллар учун жой. Токчалар изоҳли суратлар ва сўз орқали ифодаланган белгилар билан таъминланиши керак, токи болалар материалларни олиш ва уларни мустақил равишда ўз ўрнига қўйиш имкониятига эга бўлсинлар. Натижада, болалар ушбу материалларнинг сақланишига масъулият билан ёндоша бошлайдилар.

- Болалар уруғларни мустақил равишда ўстиришлари, парвариш қилишлари ва сув қуйишлари мумкин бўлаган қуёшга қараган ойна ёнида экин майдончаси. Доимий равишда фойдаланиладиган материаллар ва жиҳозлар руҳсат этилган белгиларга эга бўлган қутилларда сақланиши мумкин. Табиат билан таништириш марказини болалар учун қизиқарли ва ўзгаришларга бой кўринишда сақлаб туриш учун материал, экспозиция ва мавзулар ўқувчиларнинг ўз ихтиёрларидаги материалларга бўлган қизиқишлари йўқолиши билан ҳар гал алмаштирилиб ва ўзгартирилиб турилиши керак.

Мактабгача бўлган илмий дастурнинг асосини фаол тадқиқот олиб бориш ташкил этиши лозим. Илмий тажрибалар турғун билимларнинг ривожланишига олиб келади.

Масалан:

- Қузатиш. Ҳарорат, шамол, булутлар, гуллар, шакллар, хоссалар, ҳидлар.
- Масалаларнинг қўйилиши. Нима чўкади? Нима суза олади? Мен қаердан қушнинг инини топа оламан? Қор қандай тез эрийди?
  - Таққослаш. Қайси қутига кўпроқ нарса сифади? Ким қорни тез топтаб ташлайди? Қайси уруғнинг ниши узунроқ бўлади?
  - Тасниф. Барча баргларни айни бир қопга жойлаш, бир хилдаги баргларни бир қопга, қуруқларини эса бошқа қопга тақсимлаш.
  - Ахборот. Бизга илон тўғрисида гапириб бер. Бизнинг боғнинг суратини сол. Юк машинасидан тўкилаётган кубикларни қандай тутиб қолиш мумкинлигини бизга айтиб бер.

## Материаллар

Табиат билан таништириш марказида фойдаланиш учун материаллар тўплаш - бу узлуксиз жараён, унга ота-оналар ва жамоатчилик жалб қилиниши керак. Ота-оналар ва маҳаллий тадбиркорларга йўланган мактублар зарур материаллар рўйхатини қамраб олиши, ойлик ахборот бюллетенлари эса кўрсатилган ёрдам учун миннатдорлик мазмунидан иборат бўлиши мумкин. Пластик патнисларга ўхшаш яроқсиз материаллар, дастали пиёлалар (чашкалар), ичимликдан бўшаган турли ўлчамдаги шишалар, турли-туман пўкаклар, картон парчалари, дарахт қисмлари, газламалар қийқимлари буларнинг барчаси техник ижод учун фойдали материаллар ҳисобланади.



Табиат билан таништириш маркази учун зарур бўлган ашёлар рўйхати гуруҳда ҳамманинг қўзи тушадиган жойда осиб қўйилиши мумкин. У ёки бу предметларнинг келиб тушишига боғлиқ равишда рўйхатнинг тегишли бандлари ўчириб қўйилади. Ота-оналар гуруҳнинг нарс-буюмларга эҳтиёжларидан доимий тарзда хабардор бўлиб боришлари керак.

Қуйидаги табиат билан таништириш маркази учун зарур бўлган материалларнинг қисқача рўйхати тақдим қилинади:

- Аквариум
- Озиқ-овқат содаси
- Тарози
- Барометр
- Батареялар
- Йирик ва майда уруғлар
- Болт ва гайкалар
- Соққалар
- Челакчалар
- Гуашлар
- Соат
- Қаҳвадан бўшаган банкалар
- Компас
- Қуруқ совун
- Тухумлар учун қути
- Овқатга ранг берадиган бўёқлар
- Елим
- Болғачалар
- Қўлда олиб юриладиган заррабин (лупа)
- Қумсоат
- Варраклар
- Суюқ совун
- Қулф ва калитлар

Магнитлар  
 Ўлчаш учун хизмат қиладиган идишлар  
 Михлар  
 Эски журналлар  
 Пластик халтачалар  
 Пластик идишлар  
 Омбурлар  
 Гултуваклар учун тупроқ  
 Резина бинтлар  
 Резинка найчалар  
 Жилвир қовоз  
 Даража кўрсаткичлари  
 Бурама михлар  
 Пойабзал қутилари  
 Мўъжаз қафасчалар  
 Қозон дасмол (мочалка)  
 Қошиқлар  
 Стетоскоп  
 Канои ип  
 Шакар  
 Қуёш соати  
 Термометр  
 Уйинчоқ қайиқлар  
 Сув солиш учун кичкина бак  
 Воронкалар  
 Мўйна  
 Деҳқончилик асбоблари  
 Призмалар  
 Гилдираклар  
 Тошлар  
 Ёғоч-тахта  
 Йигирилган ип

Фаоллик марказларига табиат билан таништириш жорий қилиш «Болага йўналтирилган таълим» дастури фаоллик марказларида болаларнинг ўйин ва машғулотларини рағбатлантирадиган юқори даражадаги жиҳозлар ва буюмларни ташкил қилади. Тадқиқотга оид янгиликлар хоҳлаган фаоллик марказида касб этиши мумкин. Масалан: адабиёт маркази болаларнинг эртақ тузиш учун уй ҳайвонларини кузатиш, об-ҳаво ва булутлар тўғрисида расмли тўпламлар мажмуини яратиш, совуқ кунда қуёш ёруғлиги қандай ҳис қилиниши ҳақида қўшиқлар тўқиш имкониятидан фойдаланишни таъминлайди. Бунинг учун болалар ихтиёрида ҳайвонлар, ўсимликлар, машиналар, об-ҳаво ҳамда бошқа нарсалар ва табиат ҳодисаларига оид китоблар бўлиши керак.

Қурилиш маркази тўртта катта кубикни тенглаштириш учун зарур бўлган кичик кубиклар миқдорини таққослашга кичикдан каттага томон ўсиб борадиган тартибда

кубиклар гуруҳини жойлаштириши ва бола бўйига баравар келадиган бино тарҳини тузиш имкониятини таъминлайди. Тахта ва ғулалардан тўпларни думалатиш ва нарсаларни узатиш учун тарновлар ўрнатишда фойдаланиш мумкин. Қурилиш марказини чумолига ўхшаш ҳашаротлар ёки асалари уяси сақланадиган жойга айлантирса бўлади.

Саҳналаштириш маркази турли вазиятларни тажриба қилиш болалар учун катталар ўзини қандай тутишини кузатиш ва ўз ўйинларида уларнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилишга режаларни муҳокама қилиб, қандай натижага эришиш мумкинлигини кўриш имкониятини таъминлайди.

Ўйинни “Агар нима содир бўлар эди?” саволи билан жонлантириш ҳам мумкин. Бу ўйин болаларга турли саҳналар, жумладан, “Сичқон озодликка эришса, нима бўлар эди?”, “Чироқ ўчиб қолса, нима бўлар эди?”, “Қор шунчалик қалин ёғиб, этикларимиз қунжигача ботиб кетса, нима бўлар эди?”, «Агарда сен чумоли, асалари ёки капалак қуртига айланиб қолсанг, нима бўлар эди?» каби саҳналарни ўйнаш имкониятини яратади.

Очиқ майдондаги фаоллик маркази тадқиқотчилик маҳоратини амалга ошириш учун кенг имкониятларни таъминлайди: дарахтлардан тушган сояларнинг суратини солиш, барглarning рангини таққослаш, оёқ кийимини балчиқдаги изидан таниш, қушларнинг сайрашини тинглаш, чумолилар ва бошқа ҳашаротларни кузатиш, шунингдек боғни парвариш қилиш ва бошқалар.

### ***Тарбиячилар роли***

Бола ва у ҳақда ғамхўрлик қилувчи ота-оналар учун нафақат билиш, балки ҳис қилиш ҳам муҳим. Агарда фактлар кейинчалик билим ва донишмандлик сифатида бўй кўрсатадиган «уруғ» бўлса, ҳис-туйғу ва жўшқин кечинмалар эса бу «уруғлар»нинг баравж ўсиши учун гуёки «унумдор заминдир». Болаликнинг илк йиллари бу заминни тайёрлашдир. Бир кунги ҳис-туйғулар уйғонади: гўзалликни ҳис қилиш янги ва номаълум нарсаларга қизиқиш, муҳаббатни бошдан кечириш, раҳм-шафқат, завқ-шавқ, севги... шунда биз ҳис-туйғуларимизга таъсир кўрсатган объектларни билишни хоҳлаб қоламиз. Бир марта намоён бўлган нарса пировард натижада ҳаммадан муҳим аҳамият касб этади. Болага ҳали у ўзлаштиришга тайёр бўлмаган “бошдан кечирилган” фактларни тиқиштиришдан кўра, у билишни истаган йулларни очиб бериш нисбатан муҳим.

Самарали ишлайётган тарбиячилар ёш болалар ўқитувчиларнинг фанга муносабатини дарҳол пайқашларини биладилар. Агар ўқитувчи тадқиқотга қизиқса, агар у саволлар ёғдирса, илмий билиш учун асосий ҳисобланган “Қани, уриниб кўрайликчи” деган позициясини намойиш қилса, болалар уни ўзлаштирадилар ва ўқитувчининг ғайрат-иштиёқини ўзларига намуна қилиб оладилар.

Тарбиячининг роли аввал бошдан болаларнинг маълум нарса ва ҳодисани кузатишларига ёрдам беришдан иборат бўлиши керак. Аста-секин, болалар предмет ва воқеаларни тўлиқ ўрганганларидан сўнг, уларга қандайдир бир янгиликлар керак бўлади. Тарбиячининг вазифаси ўйин ва иш учун қизиқарли материалларни топишдан иборатдир, бу болаларни материалларни манипуляция қилиш давомида саволлар



қўйишга ундаш ва саволларга жавоблар қидириш учун зарур. Болаларда тупроқнинг турли намуналари фактурасидаги фарқни ҳис қилишлари билан нимага бундай, деган савол тувилиши мумкин. Сизгир тарбиячи уларга бу пайтда катталаштириб кўрсатувчи ойна, тупроқ намуналари, сувли идишлар ва тажриба учун зарур бошқа материалларни тақдим этиши мумкин. Болаларга материаллар ва вақтнинг берилиши ҳамда фаолиятнинг йўналтирувчи турларини ташкил этиш уларнинг саволларига жавоб топишига илҳомлантиради.

Материалларнинг янги турига дуч келганда болалар одатда учта олдиндан айтиш мумкин бўлган босқични босиб ўтадилар. Аввал тажриба қилиш босқичи ўтади, унинг давомийлиги боланинг ёши, қобилиятлари ва олдинги тажрибасига боғлиқ. Бола материалларни ўзининг барча сезгилари — кўриш, таъм билиш, ҳид билишдан фойдаланган ҳолда англайди.

Иккинчи босқич — янги материаллар билан боғлиқ зарур луғатни киритиш. Луғатни, яхшиси, янги материаллар фаол фойдаланилаётган пайтда киритган яхшироқ. Тарбиячи “Сен бу ҳақда нима дея оласан? ёки “Сен буни қандай қилмоқчисан” ёки “Бу ерда қандай вариантларни синаб кўрса бўлади? каби саволларни бериши мумкин. Сўхбат давомида тарбиячи боланинг дунёга нисбатан нуқтаи назарини ижобий баҳолайди, боланинг сўзлари ва ғояларида ифодаланган ижодий фикрларни диққат билан эшитади. Тарбиячи болани янги сўзлар билан таништиради, материалларни тавсифлашда ёрдам беради ва улар ҳақидаги китобларни ўқийди.

Учинчи босқич муаммони ажратиб олишни тақозо этади, одатда бу муҳокама пайтида тузилган савол. Муаммо ажратиб олингандан сўнг ўқитувчининг иш вазифаси - болани ечимлар ва жавоблар топишига мотивациялаш. Мисол сифатида тупроқ билан боғлиқ ишни олайлик. Янги материаллар сифатида турли типдаги тупроқ солинган учта қутини (боғдан олинган, органик моддаларга бой тупроқ, маҳкам шибаланган лой ва қумли тупроқ), қошиқлар ва белкураклар, пластик контейнерлар, ёруғлик манбаи, ёғоч тоғча, ниш урган уруғлар ва сув қўйилган идиш. Луғат тупроқ тавсифини, шу жумладан, рангни, тузилмасининг ҳиди ва ўсимликлар яшаши учун яроқли эканлигини қамраб олади.

Сиз болалардан “Агар барча уч турдаги тупроқни суғорсак, нима бўлади? ёки “Ниш урган уруғларни экишнинг энг яхши усули қандай” деб сўрашингиз ёки бошқа исталган саволларни беришингиз мумкин. Жумладан, болаларнинг ўзлари кўтариб чиққан ва материаллар билан тажриба ўтказишга ва уларни тадқиқ этишга йўналтирадиган саволлар ҳам қўйилиши мумкин. Ўқитувчи материалларни етказиб берган ва ташкил этган ҳолда, болаларнинг ишини диққат билан кузатиб ва болаларни материалларни уларнинг қобилиятлари имкон берган даражада чуқур тадқиқ этишларига ундовчи саволлар бериб, бу жараёни қўллаб қувватлайди.

## ***Фаолият турлари ва лойиҳалар***

### **Гуруҳ музейи**

Музей болаларга қизиқарли материалларни кўриш ва синовдан ўтказиш имкониятини беради. Унда тошчалар, патлар, тишлар, уруғлар, чиғаноқлар, пўстлоқ,

мўйна, газлама, ҳашаротлар ва бошқа предметлар бўлиши мумкин. Коллекцияни ташкил этиш ва сақлаш учун турли ўлчамлардаги қутилар, тухумдан бўлган қутилар ва пластмасса қутилардан фойдаланса бўлади.

Предметлар билан ишлаш, кузатиш, таққослаш, таснифлаш, гипотезларни олдинга суриш ва муҳокама қилиш муҳимдир.

Музейда тирик жонзотларнинг бўлиши болаларда илмий малакаларнинг ривожланиши учун ажойиб имкониятлар яратади. Кўпчилик болаларни тирик организмлар маҳлиё этади. Кўнгиз, қурт ва чувалчанг сингари тирик организмларни сақлаш учун қирралари хавфсиз бўлган аквариумларни ўрнатиш мактабгача бўлган тадқиқотчилик дастурини бойитиши мумкин. Гуруҳда тирик ҳайвонлар коллекциясининг бўлиши болаларга ҳайвонлар ҳақида ғамхўрлик қилиш тажрибасини орттиришга, уларнинг нима ейишини, нима ичишини, нима уларга бошпана бўлиб хизмат қилишини тушуниб олиш ва уларнинг мавжуд шароитларини табиий яшаш муҳити билан қиёслашда ёрдам беради. Бинодан ташқарида тутиб олинган ҳашаротлар ва ҳайвонлар улар устида олиб борилган қисқа муддатли кузатишдан кейин ўз яшаш муҳитига қайтарилиши лозим.

Гуруҳда ҳар бир бола иштирок этган ҳолда уруғлар музейини ташкил этиб, у ерда болаларнинг яхши кўрган уруғлари ёки уруғли қутилар тўпланган музей ташкил қилса бўлади. Болалар уруғларни ўлчаш, ранги, фактураси ва шаклга кўра тасниф қила оладилар. Улар дағал тузилишга эга бўлган уруғларни жилвир қоғозга, силлиқ уруғларни ёзув қоғоз парчаларига солиб қўйишлари мумкин. Ҳар хил рангли уруғларни уларнинг ранги бўйича таснифлашда ишлатса бўлади. Болалар миқдорини, уруғларни улардан ўсиб чиқадиган ўсимликлар мансублигини кўрсатишига бўлган уринишларида гуллар тасвиридан фойдаланишлари мумкин.



### Табиат қўйнидаги тадқиқотчилик фаолияти

Болаларнинг кундалик ҳаёти тажрибаси табиат билан таништириш бўйича болалар дастурининг мазмунини таъминлайди. Болалар атроф муҳитдаги объектларга ва ҳодисаларга фаол қизиқадилар ва тадқиқ этадилар. Болаларга улар нималарни кўрганлари, нималарни ўйлаётганлари ва нималар уларни қизиқтираётганлиги ҳақида сўзлаб беришлари учун вақт зарур. Тарбиячилар болаларга ўз раҳбарликлари остида тадқиқотлар олиб бориши учун материаллар берганларида, улар болаларнинг ўз кузатишлари ҳақида сўзлаб беришлари ва уларни ўзаро қиёслашлари учун вақт қолдиришлари зарур. Тарбиячилар болаларнинг катта, кичик гуруҳларда ва индивидуал ишлашларини кўзда тутишлари керак. Тирик жонзотларни ўрганиш учун уларга аҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга имкон берувчи шароитлар яратиши лозим.

Мактаб боғи участкалари ёки маҳаллий жамоатчилик хиёбонлари болаларнинг тадқиқотчилик қобилиятларини



йил бўйи ривожлантиришга имкон беради. Бу мақсад учун қандай жойлар яроқли эканлиги, болалар гуруҳ биносидан ташқарида қандай ишлашлари ва ота-оналарнинг ёрдамидан фойдаланиш мумкинми ёки йўқми сингари масалаларни жамоат билан муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун махсус режалаштириш зарур бўлади.

Ота-оналарга тегишли хатлар жўнатилганда уларга вазифаларни тушунтириш ва иштирокларини таъминлаш лозим.

Мавзу доираси табиат қўйнидаги фаолият атрофида жамланган бўлиши лозим. Масалан, яхши ерларда ўсувчи ўсимликларни ўрганиш теварак-атрофга сайр қилишни, ҳар хил ўсимлик турларини, уларнинг қаерда ўсишини, қандай кўринишга эга эканлигини, ўхшаш ва фарқли томонларини кузатишни ўз ичига олиши зарур. Сиз болаларнинг ўсимликлар ҳақидаги саволлари рўйхатини тузишингиз, бунда уларнинг изоҳлари ва шарҳларини болаларнинг идрокларини ривожлантиришга имкон берувчи саволлар сифатида шаклан ўзгартиришингиз мумкин. Тарбиячи, шунингдек жавобларни топишни қандай бошлаш лозимлигини намойиш этиши мумкин.

Масалан, шундай савол ёрдамида: Қизиқ, сизнингча, уйнинг шимол томонида ўсадиган дарахт унинг жануб томонида ўсадиган дарахтдан фарқ қиладими? Маҳаллий дарахтлар алоҳида мавзу бўлиши мумкин. Болалар турли дарахтларнинг япроқларини тўпласалар ва тарбиячи ёки ота-оналар ёрдамида китоб-дарахтлар календари қилсалар бўлади. Болалар қоғоз ва рангли бўрлар ёрдамида пўстлоқларнинг тузилишини таққослаш учун уларнинг изларини (отпечаткасини) олишлари мумкин. Дарахтларда ёки дарахт атрофларида яшовчи ҳашаротлар ва ҳайвонлар устида олиб борилган кузатишлар баён этилган ҳикояларни тўпласа ҳам бўлади.



Об-ҳавони кузатиш ва таққослаш табиат қўйнидаги ҳар қандай машғулотнинг элементлари бўлиши мумкин. Тўсатдан эсанг шамол натижасида содир бўлган ишлардан болалар нималарни кўра оладилар? Шамол барглари қаёққа учираб кетяпти? Сув қаерга оқиб борапти, ёмғир суви қаёққа кетади? Ифлос кўлмакда ўз изларини қолдирган нима? Очиқ майдондаги қандай материаллар қуёш нурларидан қизиб кетади? Қайсилари совуқлигича қолади? Болалар чумолиларни кузатиши мумкин. Улар қаёққа борапти, қандай овқатни яхши кўради? Уларни нон парчаси ўзига тортадими ёки олма бўлагими? Болалар эгри-бутри йўлдан рангли бўр парчаси билан изма-из бора оладими? Болалар чумолилар сингари ҳаракатлана оладими? Улар сингари мулоқот қила оладиларми?

### Сув

Кўпчилик кичик болалар сувни яхши кўрадилар. Улар сувда чўмиладилар, сувни ичадилар ва сув билан ўйнашни яхши кўрадилар. Қуйиб ёққан ёмғирдан сўнг кичик болаларга ва ҳатто катта болаларга, айрим катта кишиларга ҳам йўлларида учраган кўлмакларни кечиб юриш завқ бағишлайди. Сувни ўрганиш шўнғиш, сузиш сингари тушунчалар билан боғлиқ.



Болалар билан ишлаганда сув билан боғлиқ қўйидаги асосий тасаввурлардан фойдаланиш мумкин:

**Сувнинг буғланиши.** Болаларга радиаторда турган ҳамда радиаторда турмаган, шунингдек идишдаги ҳамда қуёшда турган ва сояда турган идишдаги сувларнинг ҳолатини кузатишни таклиф қилинг. Йўлакда ёки доскада сув билан расм солинг ва қуриш жараёнини кузатинг: қайси юза олдинроқ қурийдими? Агар туз қўшсангиз ёки иссиқ сувни қўлингизга олсангиз нима бўлади?

Сув кўпчилик ўсимликларнинг ҳаётини сақлаб туриш учун зарур. Бири суғорилган, иккинчиси суғорилмаган икки ўсимликка қаранг, улар нимаси билан фарқ қилади? Бир неча уруғни бир хил тупроқли контейнерга ташланг. Уларнинг фақат биттасига сув қўйинг. Сув айрим суюқликлар билан аралаша олади, айримлари билан эса йўқ. Сут, шарбат, асал ва бошқа суюқликларни олинг. Қопқоқли тоза пластик контейнерлар уларни аралаштириш ва кузатиш учун қулай идиш бўлиши мумкин. Болалар сувни яна қандай суюқликлар билан аралаштириб кўришни хоҳлайдилар?

Айрим материаллар сувни шимиб олади. Сувнинг шимиб олиниши жараёнини кузатиш учун газламаларнинг ҳар хил турларидан, қоғоздан ва бошқа материаллардан фойдаланинг.

Сув ёмғир ёки қор кўринишида сойлар ва дарёларни тўйинтиради. Ёмғир суви қайёққа кетишини кузатиш учун муассаса атрофида ёки теваракда сайр қилинг. Маҳаллий сойни кўринг ва кўрганларингиз ҳақида ёзинг. Қушлар ва балиқларнинг изи борми? Сой ифлослантириб юборилмаганми?

Турли идишлар, воронкалар, қошиқлар, қувурчалар, элакчалар, чўткалар, сузувчи материалларни аста-секин тадқиқотга киритган ҳолда болаларга сувнинг физик хоссаларини тадқиқ этишни такрор қилинг. Челақдан, пластик тоғора, болалар ҳавзаси ёки металл ваннадан фойдаланиш мумкин. Қўшимча материаллар сифатида озиқ-овқатларга ранг берувчи моддалар, совун, чўмилиш ва чўкиш бўйича тажрибалар ўтказиш учун материаллардан фойдаланиш мумкин.

## Магнитлар

Тортишиш ҳақидаги ва магнитларнинг магнит майдони ёки тортишиш ва итариш кучи ҳосил қилиши ҳақидаги тасаввурлар болаларнинг илмий кўникмасини ривожлантириш имконини беради. Магнитлар, металл қириндилар ва металлдан ясалган бошқа предметлар устида тажрибалар ўтказиш, кузатиш, қийёслаш, олдиндан айтиш ва ахборот бериш қобилиятларини касб этишга ёрдам беради.



Темир қириндиларидан фойдаланишнинг яхши усулларида бири магнит қутичалари ясашдир. Булар картондан ёки пластикдан тайёрланган кичик қутичалардир (пластикдан ясалгани афзалроқ, чунки қириндиларнинг ҳаракати анча сезиларли бўлади). Қириндиларни қутичага солинг, уни зич, тиниқ пластинка билан беркитинг ва ёпишқоқ тасма билан ёпиштириб қўйинг. Мустаҳкам, маҳкам беркитилган қутичани болаларга бериш мумкин, улар магнитни қутичанинг сиртида ҳаракатлантирадилар ва металл қириндиларнинг магнит майдони таъсири остидаги ҳаракатини кузатадилар. Магнит қириндилари болаларга бир-бирига тегмайдиган

магнит ва темир қириндилари билан ишлаш имконини беради. Ота-оналар етарли миқдорда магнит пробкалари тайёрлашда ёрдамлашишлари мумкин. Шунга ўхшаш бошқа бир ғоя шундан иборатки, болаларнинг қўлларида йўл тармоқлари белгиланган шаҳар тасвири туширилган қоғоз варағи бўлиши керак. Қоғоз варағининг орқа томонида магнитни силжитиш ҳисобига ана шу йўллар бўйлаб металлдан қилинган ёки таги металллардан бўлган кичик моделдаги машиналар ҳаракатланиши мумкин.

Магнит майдонлари ҳам бадиий фаолият воситаси бўлиши мумкин. Бунинг учун кичик қутичалардан фойдаланинг: қутича тагига қоғоз варағини ёзинг, унга бир неча томчи бўёқ томизинг. Кичкина бир металл предмети, масалан, қисқични қоғозга қўйинг ва магнитни қутича тагида ҳаракатлантирган ҳолда расм чизинг. Предметларни алмаштиринг ёки бошқа рангдаги бўёқни қўшинг.

Гуруҳда мавжуд ва уйдан келтирилган предметларни тадқиқ этиш предметларнинг магнит хоссаларининг ўқув рўйхатини тузиш - уларнинг қайсилари тортилади, итарилади ёки қайсисига магнит таъсир қилмаслигини аниқлашга хизмат қилади. У ёки бу предметнинг магнитли эканлигини ёки эмаслиги ҳақидаги тахминлар болаларни фаол мунозараларга ва тажрибалар ўтказишга ундай олади.

## ХОТИМА

МТМ учун тузилган ва болага йўналтирилган дастур нима ва у кичик ёшдаги болаларнинг ривожига қандай ёрдам беради. Бу дастур бўйича иш олиб борилаётган гуруҳларда кичик ёшдаги болалар ўйин орқали ўқиш тажрибасини фаол эгаллайдилар (ўзлаштирадилар). Авваллари алоҳида ўқитиладиган бутун ўқув жараёни табиий ҳолда ўтади.

Бу китобда тавсифланган “Болага йўналтирилган дастурни ташкил қилиш”ни амалга ошириш мамлакатимизда тажрибадан ўтказилган ва мувафаққият билан амалга оширилмоқда. «Болага йўналтирилган таълим» дастури тарбиячи ҳамда ўқитувчига, болаларга қўйидаги имкониятларни яратишда ёрдам беради:

- ўқиш ва танлаш;
- ўз хатти- ҳаракати учун жавоб бериш;
- ўзининг ўқиш жараёнига таъсир қилиш;
- демократик тамойилларни амалда қўллаш;
- бошқаларни ҳурмат қилишга ўрганиш;
- эркин сўзлаш ва ғояларни ижодий ифодалаш;
- фаол фуқаро бўлиш ва бутун умр ўқиш.

Дастурни амалга ошириш орқали оилаларни, маҳаллий бошқарув органлари вакиллари билан болалар таълими жараёнига жалб қилиш учун таълим муассасалари жамоаларини қўйидагиларни амалга оширишга рағбатлантиради:

- ота-оналарни гуруҳ ҳаётида фаол қатнашчилар бўлишга таклиф қилиш;
- ота-оналарнинг ғояларини қўллаб-қувватлаш;
- оила ва таълим муассасаси ҳамкорлигига кўмаклашиш;
- дастур масалалари бўйича турли фикрларни эътиборга олиш;
- маҳаллий бошқарув органларидан ёрдам олиш.

Қўлланилиши оддийлиги назарда тутилган бу қўлланма-китоб қандай қилиб ўнта фаоллик маркази - адабиёт, математика, саҳналаштириш, муסיқа, очиқ майдон, қум ва сув ҳамда табиат билан таништириш ёрдамида яхлитлаштирилган ўқув дастури тузиш мумкинлигини амалда кўрсатади. Китоб ҳар бир марказни қандай ташкил қилишни тушунтиради, марказ фаолияти вариантлари билан таништиради, намунавий шакл ва рецептларни беради ва уларнинг барчасини боланинг ҳар бир ривожланиш соҳалари билан боғлайди.